

Саидахбор БУЛАТОВ,
Хилола НУРИТДИНОВА

КҮЧҮК МУГАХАССИСЛАР
ТАБЫРЛАУДА ХАЛҚ ӨFЗАКЫ
УЖОДЫ НАМУНАЛАРЫДАН
ФОРМАЛАНУШИНГ НАЗАРЫСЫ
БА МЕТОДИКАСЫ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

С. БУЛАТОВ, Ҳ. НУРИТДИНОВА

КИЧИК МУТАХАССИСЛАР
ТАЙЁРЛАШДА ҲАЛҚ ОҒЗАКИ
ИЖОДИ НАМУНАЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЯСИ
ВА МЕТОДИКАСИ

(монография)

ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2014

Масъул мухаррир:
Х. Ҳомидов – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Ж. Ҳасанбоев – педагогика фанлари доктори, профессор,

Д. Нозилов – Архитектура фанлари доктори, профессор,

Н. Толипов – Педагогика фанлари номзоди, доцент

Булатов С.С.

“Кичик мутахассислар тайёрлашда ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишининг назарияси ва методикаси” (монография) С.С.Булатов, Ҳ.Нуритдинова. –Т.: «Iqtisod-Moliya». 2014. 224 бет.

Ушбу монографияда кичик мутахассислар тайёрлашда ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишининг назарий ва методик асослари ёритиб берилган.

Монография ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилирига мўлжалланган бўлиб, ундан мактаб, мактабдан ташқари муассасалар, тўғарак раҳбарлари, олий ўқув юрт ўқитувчи ва талabalari, Ўзбекистоннинг маънавий меросига қизикувчи китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.



КИРИШ

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини куриш, аввало, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятига, ақл-заковатига, касб маҳоратига, таълим-тарбия тизимини жаҳон андозалари асосида такомиллаштиришга, кадрлар тайёрлаш жараёнига малакали мутахассис-ўқитувчиларни, моҳир касб усталарини жалб этишга боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президент И.А. Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида ёқ баён этилиб ҳукуқий жиҳатдан "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" да асослаб берилган.

Юртбошимиз И.А.Каримов "Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна қадриятларимиз, дин-у диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият куриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга этишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим" - деган эди¹.

Янги фуқаролик жамияти куриш шароитида касб-хунар борасидаги миллий анъаналарни қайта тикилаш, уларни замонавий юксак технологиялар билан уйгунлаштириш, таълимнинг барча бўғинларида юкори малакали кадрлар тайёрлаш долзарб вазифалардан бири саналади. Зеро, давлатнинг кудрати, унинг моддий ва маънавий тараққиётини илм кишиларисиз, ўз касбининг устаси сифатида эътироф этилган моҳир ҳунармандларсиз, уларни камол топтирадиган устоз-мураббийларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Юрт тақдирига бевосита алоқадор ушбу масалаларни амалда ҳал қилишда қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, бу муаммоларнинг маълум қисми касб усталари ва малакали кадрлар тайёрлайдиган мутахассис устозлар билан шогирдлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга бориб тақалади. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ IX сессиясида таъкидлаганидек, "Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўринини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси

¹ И.А.Каримов. Ўксак маънавият енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008, 7-8 бетлар.

ўқувчиларда мустақил фикр юритиш куникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини, кўпинча, яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз”². Ушбу масалани ҳал этиш зарурати олимларга ҳам маълум вазифаларни юклайди. Улардан бугунги тараққиёт ва ўзгаришларга мос ижтимоий муносабатларни, қонуниятларни илмий асосда ўрганишни ҳамда педагогик амалийётда ёшларда касб-хунар малакаларини таркиб топтириш жараёнинга жорий этишни тақозо этади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий мактабларда меҳнат қилаётган мутахассис, педагог-устозлар олдига масъулияти талаблар кўймоқда. Устоз сифатида зътироф этилиши учун, инсон аввало, ўз ихтисослигининг мазмун ва моҳиятини чуқур билиши, уни шогирдларига ўргата олиши, ўзаро муносабатларда қатъий интизомли, оққунгил ва адолатли эканлигини намойиш қилиши лозим. Устозлик масъулияти билимдонлик, ишлаш услуби, техникаси, фикрлаш тарзи ва тактикасига эга бўлиш билан бирга, бундай фазилатларни ўз шогирдларида шакллантириш маҳоратини ҳам ўз ичига олади. Бу жараён, биринчидан, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан мураккаб бўлиб, унинг асосида бир шахсга ёки ижтимоий гурухга таъсир кўрсатиш қобилияти, гурух фаолиятини мувофиқлаштира олиш маҳорати, ижтимоий перцепция қонуниятларига қатъий амал қилиш, шогирдларда ўзига нисбатан ишонч ҳиссини шакллантириши каби ижтимоий-психологик омиллар ётади. Иккинчидан, шогирдлик масъулияти ҳам ижтимоий перцепция ҳам гуруҳдаги ўзаро ҳамкорликка оид қатор механизмлар асосида содир бўладики, уларни тушуниш, истиқболдаги ижтимоий хулқни башорат қилиш ушбу муносабатлар самардорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча соҳаларида рўй берадиган туб ўзгаришлар маънавий, маърифий, мафкуравий, касбий жиҳатдан мутлақо янги замон кишини шакллантиришни тақозо этади. Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона, тарихий қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда замонавий руҳда тарбиялаш ҳамда касбий, инсоний фазилатларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда республика хукуматининг қатор ҳужжатлари ва-

² Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т., Ўзбекистон, 1998, 96-6.

танимизнинг жаҳон андозаларига мос ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, қадрият, миллий санъат намуналардан, аждодларимиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналардан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Сиёсий ва иқтисодий тараккӣёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иктисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини ҳолисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда миллий қадриятларимизга, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишта катта эътибор қаратилди. Шу билан бирга, жаҳон тажрибасини замонавий таълим тизимларининг чукур ўрганиш ва қабул қилиш мамлакатимиз раҳбари, соҳа мутасаддилари ва мутахассисларининг дикқат марказида бўлди.

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий ҳаётида юз бераётган ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари учун жорий этилган таълимнинг давлат стандартлари, умумий ўрта таълимнинг янги дастурларини муваффақиятли ҳал этилиши касб-хунар коллажларида тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг сифатига ҳам боғлиқ. Бўлгуси кадрларни касбий тайёргарликка эга бўлган кичик мутахассис жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш кафолатидир.

Айниқса, бугунги кунда касб-хунар коллежи ўқувчиларига таълим ва тарбия беришда ўтмиш маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналардан, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор бермокда.

Аждодлар маънавий ҳазиналаридан, яъни ҳалқ оғзаки ижодидан ўринли ва унумли фойдаланиш, касб-хунар коллежларида кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда муҳим ўрин тутгади.

Ўқувчиларга тасвирий санъатни ўргатиш жараёнида ўзбек ҳалқ оғзаки ижодининг ўрни бекиёсdir. Касб-хунар коллежларига

амалий санъатни ўргатишда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланилади. Мазкур фойдаланиш, албатта, машғулотларда ҳамда ўкув-тарбиявий тадбирлар жараёнида амалга оширилади. Бу жараёнда таълим воситалари самарали фойдаланилсагина, ўкувчилар етук, шаклланган ҳамда талабларга жавоб берадиган мукаммал кичик мутахассис бўлиб етишадилар. Шунинг учун касб-хунар коллажларида амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарияси ва методикасини ишлаб чиқиши ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биро ҳисобланади.

1. Касб-хунар коллажларининг амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, модернизациялашган дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар, тавсиялар етарли даражада эмас.

2. Таълим жараёнида, жумладан, касб-хунар коллажларида амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижодидан фойдаланишнинг назарияси ва методикасининг модели ишлаб чиқилмаган.

3. Муаммонинг назарий ва амалий аҳволи етарлича ўрганилмаганлиги, амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижодидан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси ишлаб чиқилмаган.

4. Касб-хунар коллажларининг амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси бўйича илмий педагогик ва методик тавсиялар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигидadir.

Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида талаба-ёшлар, ўкувчилар, шогирдлар учун “Кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси” монографияси тайёрланди.

Монографияда кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси илмий асосда баён этилган.

Ушбу монографиянинг мазмунини янада бойитиш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилиши табиий. Шунинг учун муаллифлар китобхонлардан ушбу монография ҳақидаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини ёзиб юборишларини сўрайди, бу келгуси нашир учун катта ёрдам бўлар эди.

I боб. Кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишинг назарий асослари

1.1. Ўзбек халқ амалий санъат турларининг миллий анъаналар асосида ривожланиши

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб-яшнаган санъат турлари бемисл ўзининг ва бетакрорлиги билан дунёга машхур.

Тасвирий санъатга чукур, фалсафий ёндашиш натижасида шартлилик, стиллаштириш, рамзийликка асосланган бадиий безак асарлари яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига турткি бўлган, ҳозирда жаҳонга машхур меъморчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, нақошлиқ, ҳаттотлик, тоштарошлиқ ва бошқа турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғунлашган мужассамлигидан иборатdir.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Кўқон ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик ва халқ амалий безак санъати ёдгорликлари ўтмиш авлодларимиз яратган баркамол, такрорланмас ва тарихан бебаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимиз ва шу билан бирга, жаҳон маданиятининг дурдоналари хисобланади.

Марказий Осиё нақошлиқ санъати қадимдан дунёга машхур. Ўтмишда ота-боболаримиз курган муҳташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар бизни ҳайратга солиб келмоқда.

Миллий нақшларимиз гоятда бой мазмунга эга. Оддий қошиқ, лаган, қутича, сандик, беланчак, чолғу асблолари, уй-рўзғор буюмларидан тортиб турар-жой ва жамоат биноларининг девор ҳамда шифтларига солинган нақшлар инсонни ҳайратга солади, уни ўйлантиради.

Ганчкорлик, кандакорлик, каштадўзлик, зардўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиши, тўқимачилик, инкрустация, панжаралар ва ҳоказоларда ҳар хил йўллар билан нақшлар ишланади. Масалан, ўйиб, чизиб, чок ёрдамида, зарб билан, қодоб ва бошқа

усулларда нақш солинади. Наққошлик санъати тарихи инсоният маданияти билан бир қаторда қадимийдир.

Ўзбекистон худудидаги археологик қазилмалардан Хоразм, Сўғд, Бақтрия ва бошқа вилоятларда нақш санъатининг ривожланганини маълум. Олимларимиз буни Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I-II аср) Далварзинтепа (I аср) будда ибодатхоналари қазилмаларидан топилган расм, нақш қолдиқлари орқали исботлаб берганлар. Хоразмдаги Тупроққалъя заллари монументал нақшлар билан безатилганлиги бизга маълум. VI-VII асрларда ибодатхоналар, қасрлар ва бойларнинг уйлари ўйма нақшлар ҳамда тасвиirlар билан безатилган.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда наққошлик санъати авж олиб ривожланди. Архитектурада гишт қалаб нақш солиш, биноларнинг ички томонига ганч, ёғоч ўймакорлигини қўллаш юксак ривож топади. Айниқса, мақбараларнинг пештоқлари девор ва равоқлар ганч-нақшлар билан жуда нафис безатилади. Нақшлар мураккаблашиб борди. XI-XII асрларда Ўзбекистон худудидаги археологик топилмалар шуни кўрсатадики, нақшлар ичида геометрик нақш кўп ишлатилган.

Гириҳ – тўртбурчак, учбурчак ва бошқа элементлардан ташкил топган геометрик мураккаб нақш тури. Гириҳ тўғри, эгри ва аралаш чизиқларга бўйсундирилган бўлиб, ўзига хос тарқалиши безак санъатининг ривожланишида янгидан-янги имкониятлар очиб берди.

1127 йили Сомоний мақбараси курилди. У меъмор Арслон Мұхаммадхон бошчилигига пиширилган оддий гиштни ҳар хил комбинациялаштириб курилган. Гиштлар ёз фаслида энг тоза ганч билан терилиб ишланган.

XIII асрда Чингизхон ҳукмронлиги даврида миллий санъат бирмунча издан чиқса-да, лекин буткул йўқ қилинмади. Темур ва темурийлар даврида эса ўзбек миллий халқ амалий санъати юксак даражада ривожланди.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё халқлари тарихида феодализм тараққий этиб ўзига хос бир иқтисодий-маданий кўтариинкилик рўй берди. Бу даврни биз ҳозир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Қамолиддин Беҳзодга ўхшаш жуда кўп истеъододли адиллар, олимлар, мутафаккирлар, санъаткорлар номлари билан боғлиқ бўлган уйғониш (Ренессанс) даври деб атаемиз.

XIV-XV асрларда кошинкорлик ривожланди, курилган биноларни қошин ва парчинлар билан безатиш авж олди. Кошин ва парчинлардан ажойиб нақшлар ҳосил қилишга эришилди. Чунончи, Самарқанддаги Шоҳи-Зинда комплекси, Ишратхона, Кешдаги Оқ сарой, Кўхна Урганчдаги Тўрабекхоним мақбараси ва бошқалардир. XV асрда наққошлиқ санъати янада ривожланди. Натижада наққошлиқда кундал техникаси пайдо бўлиб ривож топди. Самарқандда Ишратхона, Кешдаги Оқ сарой мақбаралари ва бошқа архитектура ёдгорликларининг ички қисмини кундал усулида безалди.

XVI-XVII асрга келиб сюжетли расмлар ўрнига кундал усулида нақшлар билан безаш ривож топди. Кундал усулида Бухородаги Хўжа Зайнiddин хонақоси (XVI аср), Баланд мачит (XVI), Абдулазизхон мадрасаси (XVI), Самарқанддаги Тиллақори мадрасаси (XVII аср) ва бошқалар безалди. Бу архитектура биноларида безалган нақшлар ўзининг бадиийлиги, ҳаракатчанлиги, ўзига хос оригиналлиги билан кишини ҳайратга солади. Нақшларнинг ҳар бири бир катта асар бўлиб воқеликни наққош тили билан куйлаётгандек туюлади. Лекин XVII асрнинг охирига келиб, бир неча жойда такрорланадиган нақшлар ва мавзуларнинг бир хиллиги, тилланинг ҳаддан ташқари сарф этилганлиги кўзга ташланади. Айниқса, бу соҳада ижодий изланишлар кам бўлганлиги сезилди.

XVI-XVIII асрлар орасида ўзаро ички урушлар ва низолар маданиятнинг, миллий наққошлиқ санъатининг ривожланишига ҳам салбий таъсир этди. Бухоро, Хива, Кўкон хонликлари вужудга келиши билан санъаткорлар бу шаҳарларга йиғила бошлади. Шу вактдан наққошлиқ халқ амалий санъат турлари каби гуллаб яшнай бошлади. Хивадаги Тош ҳовли, Кўкондаги Худоёрхон ўрдаси, Бухородаги Ситораи Моҳи хоса сингари йирик бинолар ажойиб нақшлар билан безатилди. Ҳажмли - планли нақш композициялар пайдо бўлди. Бу безаклар ниҳоятда нағислиги билан ажралиб турар эди. Нақш санъатининг ранг-баранг ривожланиши натижасида, ҳар бир шаҳар ва воҳанинг ўзига яраша наққошлиқ мактаби пайдо бўлди. Чунончи Фарғона, Тошкент, Хоразм, Самарқанд ва бошқалар. Улар ўзининг композициялари, ранги жиҳатидан ва бошқа томонлари билан фарқланади.

XIX ва XX аср бошларида турар-жой бинолари, маҳалла мачитлари, сарой ва ўкув юртлари бинолари, чойхоналарнинг девор

ва шифтлари жимжимадор нақшлар билан безатилди. Айниқса, деворлар сиртига дараҳатлар, гулдасталар, гулдонли гулдасталар, гулли бутоқлар жонли чизиқлар билан безатилган. Чунончи, Кувадаги Зайниддинбойнинг уйи, Тошкентдаги князь Н.К.Романовлар саройи, А.А.Половцевнинг уйи, Марғилондаги Саидмаҳмадхўжа мадрасаси ва бошқалар.

40-йилларда курилган Муқимий, Навоий театри бинолари ажойиб нақш, ганч ва ёғоч ўймакорликлари билан безатилди. Наққошлик санъатини ривожлантиришда ажойиб ҳалқ усталари фарғоналиқ Саидмаҳмуд Норқўзиев, тошкентлик Тоҳир Тўхтахўжаев, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Жалил Ҳакимов, хивалик Абдулла Болтаев, С.Хубойберганов, Ҳ.Раҳимов, самарқандлик Жалол ва Болта Жалиловлар, уста Мадаминжон Ҳусанов ва бошқалар ҳамда уларнинг шогирдлари яратган асарлар ҳозир ҳам ҳалққа хизмат қиласига кетти. Улар авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган наққошлик санъатига катта ҳисса қўшилар.

Хива, Кўқон, Бухоро хонликлари даврида ҳалқ амалий санъати усталари шу шаҳарларга йигила бошладилар. XIX аср архитектура ёдгорликларини кузатсан, улар бир хил услубда яратилганлигини кўрамиз. Чунки ўша вақтлари наққошлар иш ахтариб бошқа шаҳарларга борар эдилар ёки буюртма бўйича бошқа шаҳарларга бориб биноларни безатар эдилар. Кўпинча Фарғона ва Бухоро наққошлари Самарқандга, Кўқон, Марғилон усталари Тошкентга келиб кўпгина биноларни безар эдилар. Бу эса наққошлик мактабларининг янада ривожланишига ўзига хос композицияларнинг яратилишига, ранглар мажмуасини янада бойитишда жуда катта роль ўйнади. Лекин бу нақшлар бир-бирига ўхшаса-да, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир устанинг ўзига хос ранг мажмуаси, колорити, услуби, композицияси жиҳатидан фарқ қиласиди.

Фарғона нақши Хўжанд, Марғилон, Кўқон, Фарғона, Андижон, Наманган, Чуст, Кува, Олтиариқ ва Риштон шаҳарларида вужудга келган услублардан иборат. XIX аср ва XX аср бошларига мансуб бўлган нақшлар кўплаб осори атиқаларда сақланиб қолган. Кўқондаги Мадалихон даҳаси ва Даҳаи Шоҳон, Худоёрхон ўрдасидаги ва бошқа нақшлар ўзига хос кўринишга эга бўлса-да, Фарғона нақшларида кўпроқ Бухоро, Хива нақшларининг таъсири бор. Фарғона наққошлари гириҳ, ўсимликсимон (ислимий) ва гулли гириҳ нақшларини безакларда кўллаганлар. Композицияларнинг симмет-

рияли бўлиш принципига амал қилганлар. У бошқа наққошлик мактабларидан нақшларининг табиатга жуда яқинлиги, эркин ишланиши, рангларининг контрастлиги билан фарқланган. Булардан ташқари, Фарғона нақшларида табиатдаги гул, барг, гунча ва бошқалардан тўғридан-тўғри фойдаланилган. Фарғонада наққошлар четлари чиройли қилиб, ичига ислимий шакл туширилган қизил, яшил бўёклар билан турунжни афзал кўради. Фарғона наққошлик мактабининг намояндадаридан бири Сайдмаҳмуд Норқўзиевдир.

Тошкент нақшлари ўзининг нағислиги ва рангларнинг бирбирига аста-секин ўтиши, аниқ бир колоритга қатъий риоя қилиниши, геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг кўп ишлатилиши билан ажralиб туради. Нақшлар, кўпинча, яшил гаммада ишланади. Ўсимликсимон нақшлардан ойгул, пахта, бофта, уч барг, шукуфта, баргли гул ва бошқа элементлар аниқ стиллаштирилган. Мураккаб геометрик нақшлар ишланади. Наққош усталардан Жалил Ҳакимов, Тойир Тўхтахўжаев, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Анвар Илҳомов, Комил Каримов ва бошқалар Тошкент наққошлик мактабининг асосчилари дилар.

Хива нақши Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бухоро нақшидан тубдан фарқ қиласди. Ранги жиҳатидан келсак, нақшларнинг умумий ранги, кўпинча, ҳаво ранг колоритда ишланади. Ранглар кам ишлатилса-да, ўзига хос кўркамликка эга. Хива нақшида асосан зангори ва яшил ранглар жуда кўп ишлатилади. Хоразм нақшлари бутун юзани геометрик нақшлар билан тўлдириб мовий ва яшил бўёклар беришни яхши кўрганлар. Композицияда нақшларнинг тузилишига қараганда, асосан новда спиралсимон айланиб-айланиб мураккаб нақшлар ҳосил қиласди.

Кейин эса ислимий нақш спиралсимон майдада қилиб ишланади. Хива наққошлик мактабининг намояндадари Абдулла Болтаев, Рўзимат Машарипов, Одамбой Ёқубов, Эшмурод Сапаев ва бошқалар.

Бухоро наққошлик мактаби. Бухоро нақши ҳамма нақшлардан нақш композицияларининг мураккаблиги, мукаммаллиги ва жозибадорлиги билан ажralиб туради. Бухоро нақшларида мураккаб гириҳлар аниқ, пухта ўлчамда ишлатилиши ўсимликсимон нақшларнинг ўзига хос санъат билан ишланган нақшларнинг япроқ, мева, гул барглар ритмига алоҳида эътибор берилиши билан фарқланади.

Самарқанд нақшлари Тошкент, Фарғона нақшларига ўхшаб кетади. Самарқанд нақшлари ўта гулдорлиги, барг ва гулларининг бадиий ҳаракатчанлиги, жонлилиги билан фарқ қиласди. Унда мураккаб гирихлар, Фарғона нақшларига ўсимликсимон нақшлари билан аниқ бир ритмик тақрорланувчан нақшлар, композицияси билан Тошкент нақшларига ўхшаш. Аввал зангори ранг гаммасида кўп нақш бажарилган бўлса, ҳозир эса яшил ранг гаммасида кўпроқ нақшлар бажарилади.

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, дунё меъморчилигига намоён ўз аксини, хусн-жамолини этиб келмоқда. Ҳозирги кунда ганч серкуёш Ўзбекистонимизда ардокланиб, авай-лаб муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик баҳш этиб турибди. У Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Кўкон, Марғилон, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни қуриш ва безатишда ишлатилган.

Ганч ўймакорлиги санъати асрлар давомида ўзига хос услугуб билан ривожланиб келди. Бу санъатнинг энг қадимги, ўрта асрлардаги ва XX асрдаги ривожланишини кўздан кечириб, ўрганиб чиқсан, бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир-биридан мутлақо фарқ қиласди. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳажмий бўлиб, реалистик тасвиirlар асосида ишланган. Уларда, кўпинча, одамлар, ҳайвонлар, кушлар тасвири ишлатилган. Эрамизнинг биринчи асрларида ёк кишилар ганчни ажойиб хусусиятга эга эканлигини билиб, қалъалар, карвонсарой ва бошқа жойларни безай бошлаганлар. Бўлиб ўтган жанглар оқибатида улар вайронага айланиб, фақат қолдиклари сақланиб қолган.

Бухородаги Исмоил Сомонийлар мақбарасида ганч ўймакорлиги намуналарида тўлқинсимон ишланган нақшлар топилган. Унда ўсимликсимон нақшнинг ислими тури кўп ишлатилган.

Ганч ўймакорлиги ишлари уйнинг ички ва намгарчилик тегмайдиган ташқи қисмига ҳам қўлланилган. Ҳар хил геометрик шаклли қилиб ғишт териш ривожланган. Афросиёбда археологик қазилмалар натижасида X-XI асрларда ишланган саройларнинг қолдиклари топилган. Айниқса, изора (панел) ганчи топилган бўлиб, унда геометрик ва ўсимликсимон нақшнинг чуқур ўймалари ишлатилган. Ўйма чуқурлиги 2-3 см гача борган, нақш қорамтири соя хисобига аниқ оппоқ бўлиб кўриниб турибди. Ганч деворга қалин қилиб сувалган, нақш тасвири деворнинг сиртига тўппа-

тўғри чизилиб ўйилган. Ўша давр усталари ахтадан (улгудан) фойдаланмаганлар. Биноларнинг ташқи қисмига эса қўйма асосида ганч ишлари бажарилган.

III асрда мураккаб нақшлар пайдо бўлади. Усталар табиатдан ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирини стиллаштириб, ганч ўймакорлигига ишлатганлар.

Термиз мақбараларида ганч ўймакорлик санъатини ўз даврнинг юқори чўққиси деса бўлади. XII асрда муқарнаслар (сталактитлар) ҳосил бўлади ва кўпгина биноларда қўлланила бошланади. Муқарнаслар оддий ганч ўймакорлигидан фарқ қилиб, анча мураккабдир. У тахмон ва бошқа жойларда безак сифатида қўлланила бошланди. Биноларнинг ички қисмларига ишланган муқарнаслар, айниқса, ажралиб туради.

XIII аср ганчкорлик санъати янада юксалди. Буннга Афросиёбда топилган ажойиб ганч ўймакорлиги ишлари мисол бўла олади. XVI-XVIII асрларда ҳам биноларнинг ички томонларини безатишда ганчкорлик санъатидан фойдаланилган. Бу давларда янги-янги нақшлар яратилди. Биноларда ганч ўймакорлиги, узвий боғланган кошинлар ва тошдан ясалган безаклар кенг ишлатила бошланди. Кошин ва тошдан ўйилган безаклардан фойдаланиш натижасида ганчкорлик аста-секин минораларнинг ички қисмига қўлланиладиган бўлди. Унинг ташқари қисмида эса жуда кам қўлланилди. Ганч ўймакорлигига машҳур бўлган XVIII аср устаси Уста Мулла Обид, Унинг фарзанди Мухаммад Мусо отасининг касбини кунт билан эгаллаб, ўша вақтда халқقا танилганлар. Мухаммад Мусо ўғиллари Мадусмон, Исохон ва Юсуфалилар ганчкорликда бир қанча вақт ишлашган, гишт теришда ҳам обрў қозонишган.

Ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошлари бўлди. Унинг услублари, техникаси анча мураккаблашди. Ганч ўймакорлигининг барча турлари ривожланди. Курилган биноларда халқ усталари ёрқин жилвали бўёқлар билан ганчга жило бердилар. Безакларнинг ҳамма турларига хос аниқ композицион қонунлар ишлаб чиқилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси ва Хивада ўзига хос мустақил мактаблар вужудга келди. Ганч ўймакорлиги техникаси кишини қойил қолдирадиган даражада ўсади. Бухоро безаклари майин, гуллари жуда ҳам нафис, Марғилоннинг гулдор безаклари яхлит кўринишга

эга, Тошкентники эса қатыйи ва аниқ ритм асосида тузилган, Хиванинг динамик ўйма нақшлари ўзига хос спиралсимонлиги билан фарқланади.

XIX асрнинг бошларида буюк ганч ўймакорларидан Абдурахим Ҳаётов, Уста Мурод, Уста Фузайл, Уста Ҳаёт Носиров, Уста Ҳожи Ҳофиз, Уста Насруллобой, Уста Абдужалил, Уста Азим, Уста Омонулло, Уста Ғофир, Уста Иброҳим, Уста Саври, Уста Абдуфаттоҳ ва бошқалар фаолият кўрсатдилар.

1913-1914 йилларда Бухорода амир Аҳадхон томонидан Ситораи Моҳи-Хоса қурилди. У ганч ўймакорлиги билан безатилди. Айниқса, оқ уй меҳмонхонасини ўша даврдаги ганч ўймакорлигининг ажойиб намунаси деб ҳисобласа бўлади. Бунда ойна заминида ганч ўймакорлиги бажарилган. У ўзининг нозиклиги, жимжимадор килиб безатилиши билан ажralиб туради. Мазкур саройнинг безак ишларини Уста Ширин бажарган. У ўша даврда энг кўзга кўринган ганчкор усталардан эди.

Хоразм ўзининг қадимий ёдгорликлари билан жаҳонга машҳурдир. Хоразмдаги Исломхўжа минораси, Фахриддин Ризо мақбараси, Жума мачити ва бошқа тарихий обидалар Ўрта аср Шарқ меъморчилик санъатининг гўзал намуналардан биридир. Улар ўзининг соддалиги ва нақш мотивларининг улугворлиги билан дунёга донг таратган.

Хоразм архитектура ёдгорликларидаги ўйиб, чизиб, пишириб ишланган нақшларни кўрсак, ўзига хос шакллардан иборатлиги, нақшларнинг ўзига хос айланма спиралсимон композицион тузилишига эгалиги ҳамда новдаларнинг жуда нозик чизилиши, ўйилиши, чизиқлари бир-бири билан кесиб ўтганлиги жимжимадорлиги билан ажralиб туради. Хоразм санъатида гулларни спиралсимон тузилиши жуда қадимдан кўлланиб келинганлигини кўриш мумкин. Эрамиздан олдинги III асрларда қурилган Тупроққалъа саройи хоналаридағи безакларда кўриш мумкин. Самарқанд ганч ўймакорлиги санъати ҳозирда ўзига хос услубларда ривожланиб ўсиб бормоқда. Самарқанд ганч ўймакорлигининг намояндадаридан Уста Анвар Кулиев, Уста Турсунбой Исмоилов, Шамсиддин Ғофуров, Кули Жалилов ва бошқалардир.

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган бир тури. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб, ишланади.

Ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб кишиларнинг уй-рўзғор буюмларида ва архитектурасида жуда кенг қўлланилган. Бу ўймакорлик қадимий архитектуранинг эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта, қутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган. Археолог олимларимизнинг изланишларидан Ўрта Осиё горельефли, яъни жуда бўртиқ (1–20 мм гача) рельефлар билан ҳар хил нарсаларни ёғочдан ўйиб ишланганини маълум бўлди. Халқ яратган асарлар ўзининг нафосати, мураккаблиги, табиийлиги билан киши ақлини лол қолдиради.

V–VI асрларга оид ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондарё воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилган. Олимларимизнинг аниқлашибча, бундан 1-1,5 минг йил муқаддам мазкур жойда нақш ўймакорлиги санъати жуда яхши ривожланганлиги исботланган. Бундай ноёб топилмалар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлардаги археологик қазилмалардан топилмоқда.

VII асрнинг охиригача маҳаллий ўзбек халқи ичида ёғоч ўймакорлиги жуда тез суръатлар билан ривожланган эди.

XI–XII асрларда халқ амалий санъати янада гуркираб ривожланди. Мураккаб нақш тури бўлган геометрик нақш, яъни гириҳ нақши безакда етакчи ўринни эгаллади. Архитектура уй-рўзғор буюмлари янада бадиий, нафис қилиб безатилди. Гириҳ нақши янада ривожланди, Масалан, XII асрга оид ёғоч ўймакорлиги намунаси Самарқанддаги Шоҳи Зинда деворининг орасидан топилган бўлиб, у ўзининг бадиий, нафис ва табиий ишланганлиги билан кишини лол қолдиради.

XIV аср ўрталарида Шайх Сайфуддин Бохарзийнинг дахмасига ишланган ёғоч ўймакорлиги нақши топилди. Санъатнинг устки қисмида ўрнатилган ёғоч тахтасидаги ўймалар шундай ўйилганки, ўйма нақшининг нафислиги, унинг мураккаблиги, табиийлиги жуда сифатли ўйилганлиги кишини ҳайратга солади. Ўймани бажарган устанинг нақадар нозик дидли, кучли назариётчи ҳамда амалиётчи етук уста эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Ундаги нақшларнинг эркин, нозик ҳаракати инсон руҳини кўтаради.

XIV–XV асрларда ёғоч ўймакорлиги тез кўламда ривожланди. Ҳаттоқи, тирик мавжудотлар ўйиб тасвиirlанган ишларни ҳам кўриш мумкин эди. Самарқанддаги Рухобод мақбарасининг эшигига ўйма нақш бажарилган бўлиб, балиқнинг стиллаштирган тасвирини кўриш мумкин.

XIX ва XX асрларда ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, нақошлик ва санъатнинг бошқа турлари ривожланиб ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос ёғоч ўймакорлиги пайдо бўлди. Кўкондаги Худоёрхон саройи, Тошкентдаги князь Н.К.Романовларнинг Саройи ва А.А.Половцев уйи, Кувадаги Зайниддинбойнинг уйи, Марғилондаги Саидахмадхўжа мадрасаси, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса ва бошқаларда ажойиб ёғоч ўймакорлиги намуналари яратилди. Бу эса ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъатининг бебаҳо асаридир.

Ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос турли услугуб ва усууллари бор. Масалан, Хива ёғоч ўймакорлиги ўймасининг монументаллиги, ёғоч табиий рангининг сақлаб қолиши билан бошқалардан фарқланади.

Бухоро ёғоч ўймакорлиги эса ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жимжима нақшларни олтин, қумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан фойдаланиши билан ажралиб туради.

Марғилон ёғоч ўймакорлигига чукур заминли ясси ўймани қўллаб келганлар.

Кўкон ўймакорлиги эса калта бўртмали, ясси ўйма ишлатганлар. Тошкентда эса нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Ёғоч ўймакорлиги мактаблари тахминан 40-50 йиллардан кейин пайдо бўлган. Тошкент усталари рельеф юзасига озгина ранг бериб, рельефни ўзи локланади. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби намояндадаридан бири Сулаймон Хўжаев, у фақат паргори нақшни ишлаган. Унинг шогирди Мақсуд Қосимов биринчи бўлиб паргорий нақшнинг текис юзаси ислимий нақш ўймага киритган. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби бошқа мактабларга қараганда ўйма нақшларнинг майдалиги, юзалиги, заминнинг камлиги, нақшларнинг зичлиги ҳамда бадиий тузилиши жиҳатдан ўйноқилиги ҳаракатчанлиги, динамикавийлиги, яъни новдаларни спиралсимон ишланиб ажойиб шакллар ҳосил қилиши билан фарқ қилади. Хива ўймакорлиги усталари, кўпинча, қайрагоч, терак ва чинор ёғочларини кўпроқ ишлатадилар. Улар ёғоч рангининг табиийлигини сақлаган ҳолда унинг юзасига ва заминига пахта, зигир (Хоразмча – оқ ёғ) ёғи берилади. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби ўзининг монументаллиги билан машхурдир. Хива нақшининг гўзаллиги, нақшларнинг турли чукурликда ўйилиши орқали катта аниқликка ва уйғунликка эришишдадир. Усталар ёғочнинг табиий кўринишини сақлашга

харакат қилиб янги ўйма юзасини силлиқлаш, бўёқ суртиш ишлари-ни қўлламаганлар. Ота Польонов, Сапо Бобеков ва бошқалар Хива мактаби усталариданdir.

Самарканд ёғоч ўймакорлиги мактаби бошқа мактабларга қараганда ўймаларининг жуда майда ўйилиши, композициясининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Гулли гириҳ композициялари ҳамма замин ва рельефларни локлашдан бошланади. Асосан чинор, дуб, бук ва терак ёғочлари ишлатилади.

Кўқон усталари кутича, курси, ром ва бошқаларда калта бўртмали ясси ўймани, яъни паргори услубда ишлатиб келиб эшик, устунларга йирик чукур нақшлар ўйиб ўзгача мактаб яратдилар. Бу мактаблар ўймакорларининг монументаллиги, йириклиги, чукурлиги кўпкуватлилиги билан фарқ қиласди. Кўқон ёғоч ўймакорлиги мактабини ривожлантиришда Қодиржон Ҳайдаров ва унинг шогирдлари катта ҳисса қўшдилар. Улар терак, ёнғоқ ва бук ёғоч материалларидан кўп фойдаландилар. Усталар ўйилган рельефнинг фақат юзига тўқроқ ранг бериб кейин локладилар.

Тош ўймакорлиги халқ амалий безак санъатининг ноёб турларидан бири. Бу санъат кишидан истеъдод ва интилишдан ташқари меҳнатсеварлик ва ғоятда зўр сабр-тоқат талаф қиласди. Бу санъатни тоштарошлиқ ва сангтарошлиқ деб ҳам юритилади. Тош ўймакорлиги тошни ўйиб, йўниб, тирнаб нақш ёки бирор тасвир ишлаш касбидир. Тошни ўйиб ишлашнинг чизикли ўйма, занжира, ясси ўйма, чукур ўйма, панжарасимон ўйма ва ҳажмли ўйма турлари бор. Тош ўймакорлигига ишлатиладиган материаллар ўрни, мақсади ҳамда вазифасига қараб юмшоқ, ўртача қаттиқликдаги ва қаттиқ тошлар ишлатилади. Юмшоқ тошларга гипстош, талько-хлорит, оҳактош ўртача қаттиқликдаги тошларга оникс, порфир, мармар ва қаттиқ тошларга лазурит, амозон, агат, малахит, жадент, нефрит, яшма ва бошқалар киради. Бу тошлардан қозон, кўза, лаган, пиёла, ҳайкалча ва ҳайкаллар тайёрланади. Кўза, лаган ва бошқаларга тошни ўйиб ўсимликсимон, геометрик рамзий нақшлар ҳамда сюжетли расмлар ўйиб ишланади. Тош ўймакорлиги жуда қадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати бўлиб, тошни ўйиб нақш ёки бирор тасвир ҳосил қилишдир. Жумҳуриятимиздаги водий ва тоғлар узоқ инсоният тараққиётидаги моддий маданиятнинг ўчоги ҳисобланган. Қояларга туширилган расмлар (петроглифлар) қадимий ёдгорликлар тарихидан далолат бериб турибди.

Одамлар тошни турли навларидан курол ва асбоблар, уй-рўзгор буюмлари ва безак ашёлари сифатида фойдаланганлар. Қадимий Марказий Осиёда одамлар қимматбаҳо тошлардан безак буюмлари тайёрлашган.

I - III асрларда Ўзбекистоннинг жанубида биноларни устунлари ҳамда пойдеворларни безашда ҳарсангтош, мармартош ва оҳактошдан фойдаланганлар. Фаёзтепа, Айритом, Коратепа каби ҳаробалардан кўриниб турибдики, мармар ва ҳарсанг тошлардан безаш ишларида кенг фойдаланилган. Тошни кесиш, унга бадиий ишлов бериш сирлари тўғрисида Шарқ мамлакатларида рисолалар ёзиб қолдирилган.

XV асрда Ўрта Осиёда, айниқса, тоштарошлик ривожланди ва такомиллашди. Масалан, Амир Темур, Ахмад Яссавий мақбараси, Бибихоним масжиди ва бошқалар жозибадор қилиб безатилди. Амир Темур мақбарасидаги тош ва мармар панжаралардан тош ўймакорлигининг ажойиб намуналарини кўриш мумкин.

Айниқса, тош ва мармар ўймакорлик намуналари Хива архитектура ёдгорликларида кўп ишлатилган. Чунончи бу ерда пойустунларни тошдан ва мармардан ўйиб ишланган ажойиб намуналари кўп. Пойустун - аксарият, маҳаллий меъморчиликка хос архитектура детали бўлиб, устун ўрнатиладиган асос, таг курси. У ёғоч устунларни чиришдан саклайди ҳамда уларнинг баландлигини таъминлайди. Пойустун мармарни, тошни ўйиб ишланган нақшлар ислимий, геометрик, чиройли ёзувлар, нақш-нигоралар билан безатилган. Айниқса, Хивадаги Тошҳовлида кишига завқ багишлайдиган пойустуннинг ажойиб намуналари бор. Бу эса тош ўймакорлик санъатининг юксак даражада ривожланганлигини намойиш этади. Нурота ва Фозгон қишлоқларида мармардан идишлар, яъни лаган, пиёла ва бошқалар тайёрлаш авж олди.

Суяк ўймакорлиги Ўзбекистон ҳалқ амалий безак санъати ичida тез суръатлар билан ривожланмоқда. Суяк ўймакорлиги Ўзбекистонда санъатнинг энг ёш туридир.

2 минг йилликка оид пичоқ намуналари топилган. Болаликтепа, Афросиёб, Варахша деворларига ишланган расмлардан маълум бўладики, пичоқ, уй-рўзгордан ташқари ҳарбий курол сифатида ишлатилган VI - XII асрларда курол сифатида ривожланиб уни безаш технологиялари ўзгарган.

XV - XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли

хиллари пайдо бўлди. Буни Навоий, Бобур асарларида ишланган миниатюралардан кўриш мумкин.

Кейинчалик пичоқчиликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё қадимдан пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, катта-кичиклиги ва безаклари билан фарқ қилган.

Ўрта Осиёда қадимдан металлни қайта ишлаш, яъни ҳунармандчилик куроллари ишлаб чиқариш учун шароит мавжуд эди. Миснинг табиий запаслари, кумуш, кўргошин, алюминий каби материаллар жуда кўп эди.

Республикамизда йигирмага яқин пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ясалиш усулига кўра Чуст пичоги, Пойтуг пичоги, Кўқон пичоги, Қорасув пичоги, Шаҳриҳон пичоги кабиларга бўлинади.

Чуст пичоқчилик мактаби. Чуст усталари ясаган пичоқлар бошқа пичоқлардан кескин фарқ қилади. Пичоқнинг даста ҳамда тифи узунрок, тифининг уни ташқарига, дастасининг уни ичкарига томон қайрилган бўлади. Чуст ҳудудида ҳали ҳам пичоқчилик ўз анъаналарини давом эттириб келмоқда. Чуст пичоқ қатъийлиги, шаклининг соддалиги ҳамда сиқиклиги билан машҳур. Хивалик усталарнинг XIX-XX асрларда ишланган пичоқари жумҳуриятимизнинг турли музейларида доимий экспозицияга айланиб қолган. Уларда пичоқларнинг тиги юзининг нозик ислимий нақшлар билан безатилганилигини, "қинбоги"нинг металлдан ясалиб бадий нақшлар билан безатилганилигини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий каштачилиги (каштадўзлик) амаллий санъатнинг энг қадими турларидан бўлиб, у ҳалқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган.

Ўзбек ҳалқ усталари қўллари билан тикилган кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар Германия, Бельгия, Америка Кўшма Штатлари, Хиндистон, Афғонистон каби ҳорижий, Шунингдек, малакатимизнинг Фарғона водийсида факат хонадонларда эмас, балки музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган. Ҳозиргача буюмлар ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Бадий каштачилик узоқ тарихга эга, Буни археологик топилмалар ва ёзма манбалар исботлаб бермоқда. Ўзбек каштачилиги иқлим, табиий

шароит, мухит билан боғлиқ ҳолда барча касб-хунарлари билан бергаликда ривож топган.

XIV-XV асрларга мансуб миниатюралар орқали каштачилик нинг жуда қадимдан ривожланганligини кўриш мумкин. Испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигида ёзиб қолдирган. 1467 йили Камолиддин Беҳзод "Зафарнома"га ишлаган "Темур таҳтда" миниатюрасида чодирга ишланган каштани ҳам акс эттирган. XIX асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарининг вужудга келишига асос солди.

Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари - бўлажак келинчаклар сеплари - ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлашлари лозим эди. Кашталар қанчалик нозик, чиройли бўлса, қайлиқ шунчалик юқори баҳоланар эди. Қизлар 7-9 ёшларидан бошлаб кашта тикишга ўргатиларди. Улар уч, тўрт йилдан кейин мустақил кашта тика бошлардилар. Етишиб чиққан каштачилар ўзининг санъати ва табиатига кўра гўзаллик хакидаги орзуларини ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Ҳар бир оила ўзи учун кирпеч, дорпеч, ойнахалта, чойхалта ва бошқаларни ўзи тайёрлаган. Безак буюмларининг тури жуда кўп масалан, сўзана, кирпеч, чойшаб, ойнахалта, чойхалта, зардевор, палак, гулкўрпа, дорпеч, буғжома, парда, белбоғ, такяпўш (ёстиқ устига ёпиладиган), дўппи, кўйлак, дастрўмол, ҳамён, жойнамоз, сумка, нича, махси-калиш, халтача ва бошқалар бадиий дид билан безатилган.

Дўппи Ўзбекистонда кенг тарқалган бош кийим. Дўппи кийиш дастлаб Эронда ва туркий халклар ўртасида, Россияда эса XIII асрда русм бўлган. Асрлар давомида дўппининг турли хиллари вужудга келган. Бахмалга, сатинга, сидирға шойига ип, ипак ва зар билан дўппи гуллари тикилган. Ўзбекистонда Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шахрисабз дўппилари машхур бўлиб, улар ўзига хосдир.

Палак деворларга илинадиган энг йирик, энг қиммат безак буюмларидан бири. Палакда осмон ва тўлин ой акс эттирилади. Уни қадимда оқ ёки малла бўзга кашта тикиб тайёрланган. У сўзанадан гулларининг йириклиги, заминига ҳам қопланиши билан фарқ қиласи. Палакни ўртасида йирик ой тасвири қизил қирмизи,

пушти ипак билан кашталанади ва атрофига жуда чиройли қилиб ўсимликсизон накшлар тикилади. Накшлар ичидә, күпинча, бодом, қалампир элементлари қўлланилади. Палакда кирктача ойни тасвирлаш ҳам мумкин, шунинг учун ойининг сонига қараб олти ойли палак, ҳаттоқи катта уйлар учун қирқ ойлик палак тикилгани бизга маълум. Ойлар турли ранглар билан бир неча хил тасвирланган. Машхур каштадўзлар баъзида ойни ажойиб накшлар билан безаб, ўз маҳоратларини намоён этганлар. Агар ойни ичи сидирга рангда ифодаланган бўлса, уни ойпалак, агар нақшли бўлса гулпалак ва ҳоказо номлар билан юритилади.

Сўзана матога кашта тикиб тайёрланган бадий буюм бўлиб, хонани безатиш учун деворга илиб қуйилади. У сатин, баҳмал, шойи ва бошқа матоларга кашта тикиб тайёрланади.

Палак нақш тури бўлган ислимий жуда кўп ишлатилган. Классик анъанавий "ислимий" нақшларини ислими баргак, ислими гулзор, ислими мадоҳил, ислими қўшбарг, ислими қўшбанд ва бошқа турлари бор.

Фарғона водийси классик нақшларининг ўзига хослиги шундаки, унда гул, барг, таноб, банди уйғуналашиб бир бутун ажойиб санъат асарини яратади. Композицион томондан қараганда нақшлар кенг ва тик, тор, ёнга кетган ҳошияли йўллардан иборат бўлади.

Ўзбек халқ амалий санъати турлари ичидә зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбек заргарлиги жуда қадимий тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадимий санъат бўлган. Эрамизгача бўлган I асрдан бошлаб эрамизнинг VIII асригача Айритом, Афросиёб, Далварзинтепа, Холчаён, Болитепада чиройли ҳайкаллар, девор безаклари орқали заргарлик санъати ривожланганлигини кўриш мумкин.

Тош асрининг сўнгги даври неолитдаёқ (эрамизгача IV-II минг йилликнинг охирида) шилдироқ, мунҷоқлар, ҳар хил тошлар чиганоқ ҳамда сұяклардан ясалган безаклар топилган. Бу эса заргарликни ривожланганлигидан далолат беради. Икки дарё оралиғига жойлашган Юнонистонда ажойиб ва қиммат баҳо заргарлик буюмлари ишланган. Мис даврига тўғнағич, зирак, балдок, билакузук, шилдироқ ва бошқалар металлдан, ҳаттоқи, олтиндан ишланадиган бўлди.

Хоразмдаги Тупроққалъа деворларидаги тасвиirlардан ўша даврлардаги аёллар қулоқларига нафис зирак таққанликлари маълум бўлган (бу тасвир III асрга тааллуқли). Булардан ташқари бронздан қуйиб ишланган бир қанча осма тақинчоқлар ҳам топилган. Бу осма тақинчоқлар I-IV асрга мансуб бўлиб Хоразмнинг Аёзкалъа, Ургутқалъа ва бошқа жойларидан топилган.

IV-V асрларда заргарлик буюмлари кам ишланган. Улар тош, шиша пасталардан қилинган. Масалан, Хоразмда шишадан қилинган шер ва қурбақа шаклидаги мунҷоқлар топилган. Болаликепадаги топилмада V аср охири VI аср бошларида ишланган деворий расмда аёл кишининг қулоги ва бармоғида заргарлик тақинчоқлари тасвиirlанган. Афросиёбдаги VI-VII асрга мансуб деворий расмда эркак кишининг қўлида совға тақинчоқларни олиб келаётгани тасвиirlанган. Булардан ташқари, аёл соchlарида осма тақинчоқлар осилганлиги тасвиirlанган.

X-XI асрлар ўртасида битта катта тешиги бўлган суюкли тутгачалар кўп ишланган.

XIII-XIV асрларгача заргарлик буюмларида кўпинча ҳайвонлар тасвиirlанган бўлса, кейинчалик эса араб ёзувлари композицияга кириб ўзига хос кўриниш берди. Бу ёзувлар бир томондан нақш безаги ва иккинчи томондан маъно жиҳатдан фарқланар эди.

XVIII асрда мўғул босқинчиларидан сўнг биринчи марта олтин тангалар ишлаб чиқарила бошланди. Заргарлик буюмлари олтиндан, кумушдан ва бошқалардан ишланди. Курол-аслаҳалар ажойиб қимматбаҳо тошлар, шиша билтур, олтин ва бошқалар билан безатилди. Заргарлар жуда юмшоқ ва ёрқин бўлмаган нефрит ва кумуш, жуда ёрқин олтин ва нефрит кабиларни ишлатдилар.

XIX аср ва XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳонликлари ўртасида бадий ҳунармандчилик ривожланди, шулар қатори заргарлик ҳам тез суръатлар билан ривожланди. Кўпгина шаҳарларда масалан, Хива, Бухоро, Кўқон, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Андижон, Урганч, Нурота, Китоб, Чуст, Асака, Фиждувон, Марғилон ва бошқа жойларда уста заргарлар бўлиб, улар маҳсус маҳалла маҳалла бўлиб яшаганлар. Шунинг учун заргар (заргарон) маҳалла деб юритилган.

Билакузук олтин, кумуш ёки мисдан ясалади. У аёллар тақадиган заргарлик буюми бўлиб, унинг бодомча билакузук, япалоқ билакузук, илонбоши билакузук, росмана билакузук, бақабош

билақузук, кичик билакузук ва бошқа турлари бор. Билакузуклар қуйиш ҳамда суқиши усули билан ишланади. Металлни бүттада эритиб, таганак қуйиб ясалгани қуйма билакузук деб юритилади. Металлни бүттада эритиб, қолипга қуйиб совитиб, сүнг болға билан уриб, ёриб ишлангани суқма билакузук, ёзма ёки ёрма билакузук деб юритилади.

Пешона безаклари XIX аср охири ва XX аср бошларида зебзийнатлар асосини ташкил этади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийсида тиллақош, Бухорода болаабрӯ ва тилла баргак расм бўлган. Қош тепасида учбурчак шаклидаги юпқа металлга феруза ҳамда рангли шишалар қадалган бўлади. Баргакни таг қисмида эса бир талай баргак япроқчалар осиб қўйилади. Бу япроқчалар пирпираб ажойиб кўриниш беради. Пешона безаги болаабрӯ тиллақошга ўхшайди. Пешона безакларидан бири гажак ҳам кўптарқалган.

Тиллақош заргарликда пешона безак турларидан бири аёллар пешонасига тақиладиган безак. Уни Фарғонада тиллабаргак деб юритилади. Тиллақош юпқа тилла ҳал юритилган кумуш пластинкадан ясалади. Тузилиши жиҳатидан икки қисмдан иборат бўлиб, жуда чиройли қилиб безалади. Уларни туташган жойида лаъл (ёқут) бўлиб, кейинчалик шакли бироз ўзгариб кетган. Унга ҳаво ранг мунчоқ (маржон) ҳамда ҳар хил тошлар ўрнатилади. Тиллақошнинг пастки қисмларига донача шигилалар, зифиралар ҳамда марваридлар осилган бўлади.

Сўзана ҳам ўзига хос бадиий кўринишга эга. Матонинг рангидан усталаримиз кашта замини сифатида фойдаланадилар. Шунинг учун палакдан фарқ қиласди. Сўзана ҳар бир хонадонда бўлган, чунки, ҳар бир қиз турмушга чиқишидан олдин ўзи учун сўзана тайёрлаган. Сўзана келинларнинг сепи ҳисобланган. Камбағал оиласида сўзанани малла, оқ бўздан, бадавлатроқларида эса шойидан, баҳмалдан тикишган. Сўзана учун композицион жойлашган ўсимликсимон нақшлардан фойдаланилади. Сўзана ўртасида, кўпинча, доирасимон гул тикилиб атрофи гулдор ислимий нақшлар билан безатилади.

Зардўзлик – Хунармандчиликнинг қадимий турларидан бири бўлиб, зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби.

Ўрта Осиёда зардўзлик жуда қадимдан ривожланиб келаётган ҳалқ амалий санъат турларидан биридир. Археологик топилмалар

ва тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан I-II асрларда зарбоф кийимлар, бадий буюмлар кенг тарқалган. 1947 йили Тошкент вилоятининг Вревский кишлоғида ўтказилган археологик топилмада аёл қабридан I-II асрларга тегишли зарбоф кийимлар топилган.

XVII асрда яшаган самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлган, у матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан. XIX-XX аср бошларида зардўзликнинг ўзига хос мактаби яратилган. Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Фаргона ва бошқа жойларда зардўзлик мактаблари очилган. Қимматбаҳо матодан тайёрланадиган зардўзи кийимлар маҳаллий аҳолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган. Бу кийим-кечаклар асосан амир саройидагилар, шаҳар бойлари учун тикилган. Юзлаб қўли гул усталар ҳаммаси амир саройининг эҳтиёжи учун ишлаган. Бу усталарнинг кўпчилиги ота-бобосидан мерос бўлган касби сарой аҳллари учун камзул, чакмон, чалвор, пойафзал, белбоғ, салла, кулок ва жул тикишdir. Бу кийимлар хон буортмаси ёки яқинлари томонидан биронта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан тайёрланган. Ҳеч ким, ҳатто энг катта амалдорлардан бирортаси ҳам юқорида айтиб ўтилган кийимлардан ҳеч бирини ўзига буортиришга ҳаққи йўқ эди. Улар зарбоф кийимларни амир совға қилгандагина кийишлари мумкин эди. Аёллар ва болаларнинг зардўзи кийимлари фақат бадавлат хонадонларнинг анъаналари-дагина кийилган, кийимларни улар биронта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан кийишган.

Гилам тўқиши санъати халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, кўп асрлик миллий анъана ва узоқ тарихга эга. Гилам тўқиши бадий тўқиши хунарига киради. У қадимдан аёллар орасида кенг тарқалган хунар сифатида машҳурдир. Гилам тўқиши санъати, айниқса, чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи халқлар орасида тарқалган. Гилам қадим замондан бери хона ичини безатиш, иссиқ сақлаш, товушни камайтириш учун хизмат қиласи. Гилам асосан полга ёки бўйра устига тўшалади, хонани безатиш учун деворга осилади ва ўтов ичига ўралади. Бу санъат жуда қадим замонлардан бери ривожланганлигини ёзма тарихий манбалар ва археологик топилмалар исботлаб берди. Археологик топилмалар натижасида Хоразмда милоддан аввалги 1-минг йилликка мансуб гиламлар топилганлиги тасдиқланади.

Ўзбекистонда гилам тўқиши мактаби асосан икки – Самарқанд ва Андижон катта группаларига бўлинади. Андижон гиламлари ўзининг чидамлилиги, пишиқлиги, аниқ қизил-кўк колорити билан фарқ қиласди. Фаргона, Қорақалпоқ гиламлари асосан икки хил, яъни қизил ва тўқ кўк гаммада тўқилади. Ўзбек гиламларининг четига, кўпинча, рута ўртасига турунж ёки доира нақши ишланади. Самарқанд гиламдўзлик мактабига Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги гилам тўқувчилар киради. Бухоро гиламлари ўзининг ранг-баранглиги, катталиги, узун патлилиги ва чиройли нақшлари билан ажралиб туради. Самарқанд гиламлари киска патли, марказида турунж, четига алоҳида нақшлар ишланади. Қалқон деб номланган турунж нақши жуда кўп ишланади. Гиламлар ҳошиядор эстетик жиҳатдан чиройли ишланган бўлади.

Нурота гиламлари эса ўзининг узун патлилиги, ўртача катталикда, сийракроқ тўқилиши билан ажралиб туради. Дастроҳда кўлда тўқилган гиламлар ўзининг чидамлилиги, нағислиги, табиийлиги ва сифати жиҳатдан ажралиб туради. Бу гиламлар юз йиллаб хизмат қилиши мумкин.

Гиламдўзлик аёллар ҳунари сифатида машҳур бўлиб, эркаклар бу ҳунар билан шугулланмаганлар. Гилам тўқиши жуда мураккаб иш. Тажрибали гиламдўз уста гилам тўқишини ёшлик пайтларидан ўргана бошлаб, 16-17 йилда ҳақиқий уста бўлиб етишган. 7-9 ёшдаги қизлар чарҳда ип йигиришни ўрганиб, 11-14 ёшида эса гилам тўқишида устага шогирд бўлган. Бу ёшда улар бўёқлаш ишларига қатнашмайдилар. 20-25 ёшда тўқишини яхши ўрганадилар, 30-35 ёшларда эса тажрибали, ҳар хил гиламларни мустақил тўқий оладиган бўладилар.

Гилам ўсимлик, яъни паҳта, зигир, толаларидан, кўй, эчки, тuya жунидан тўқилади. Кейинги вақтларда эса сунъий толалардан ҳам тўқилмоқда. Гиламлар, кўпинча, геометрик нақшли бўлади. Гилам нақши маҳсус рассомларнинг эскизи ёрдамида солинади. Бадий гиламлар тўқишида буюк кишилар, меҳнаткашлар, ёзувчиларнинг машҳур асарларига чизилган расм ва бошқалар ишланмоқда.

Кигиз босиш санъати қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган ҳалқ амалий санъати турларидан бири. Ўзбекистон худудининг қайси жойида ҳалқлар чорвачилик билан шугулланган бўлса, шу ерда кигиз босиш касби кенг тарқалган.

Ота-боболаримиз кигизни ерга бўйра устидан солишган,

ўтовларни ўрашган, қалпок, пийма ва бошқаларда ишлатишган. Айрим ҳолларда гулдор, чиройли кигизлар бадиий буюм сифатида ишлатилган. Кигиз оқ, қизил, гулдор ва гулсиз бўлади. Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида қоракўй ва чайдим кигизлар, Хоразмда эса такянамат хиллари бор.

Сават тўкиш ўзбек ҳалқининг азалий ҳунари бўлиб отабоболаримиз қадимдан томорқа ва ҳовли атрофларини шоҳ шаббалардан қилинган маҳсус тўсиқ-қўралар билан ўраб келгандар. Ҳар хил новдалардан турли-туман саватлар тўкишган. Уларнинг ҳар бири шакли ва ишлатиш жойига қараб турли номлар билан юритилган. Масалан, кажава сават, нон сават, элама сават, қошиқдан сават, гулдан сават, дастурхон сават, тўр сават, узум сават, босма сават ва бошқалар. Қадимдан сават тўкувчиларнинг маҳсус дўкони бўлиб, у ерда турли-туман саватлар сотишган. Саватлар ҳар хил шакл ва ҳажмда турли мақсадларга мўлжалланган бўлади. Йирик новдалардан тўқилган саватлар қадимдан кўрилишда тупроқ, тош, ганч, қум, фишт, ташишларда ишлатилиб келинган. Нозик новдалардан тўқилганлари эса мева-чева, нон ва бошқа нарсалар солишда ишлатилади.

Қадимдан сават тўкишда тут, терак, тол, турангил, юлғун новдалари буғдойпоя, қамиш ва бошқа материалларни ишлатиб келгандар. Айниқса, қора толнинг новдасидан тўқилган саватлар жуда чидамли ҳисобланган. Саватлар терак, мажнунтол, туронғил, лигуструм ва толнинг бир ёшли текис новдаларидан тўқилади. Бу новдалар эгилувчан ҳамда чидамлидир.

Бўйрачилик – бўйра тўкиш касби Марказий Осиёда қадимдан ривожланиб келаётган ҳалқ амалий санъати тури. Бўйра бу яхши пишган қамишни пачақлаб пўстини тозалаб тўқилган буюм, уни гилам, намат (кигиз), палос тагидан солишган. Бўйра тўкийдиган мутахассислар бўйрачилар деб юритилади. Бўйра палос, гилам ва наматларни тупроқ ва заҳдан сақлаган. Ундан тўй ва маросимларда, меваларни кишда сақлашда, куритишда фойдаланилган. У қоп ўрнида ҳам ишлатилган. Деразаларни қоронғилатишда парда ўрнида, мусулмонлар урф-одати бўйича дағн маросимида ҳам бўйрадан фойдаланишган. Қадимда қурилишда бўйра жуда кўп ишлатилган, иморат томини ёпишда (лўмбоз босишда) ҳам ишлатилган. Бухорода X асрда қамишдан жуда кенг фойдаланилган. Қадимда бўйрачи маҳаллалар бўлган. Бундай маҳаллалардаги ҳар бир оила

бўйра тўкиш билан шуғулланган ва бўйраларни бозорларда маҳсус расталарда сотишган.

Ўзбек кулолчилиги узоқ тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услугба эга. Сопол буюмлар содда бўлса-да, унинг кўриниши қисмларининг мутаносиблиги, сақланиши, нақшларининг бадиий жойлашиши, шакл ва Мазмунининг бирлиги, уйғунлиги ўзбек кулолларини жаҳонга танитиб келмоқда. Кулолчилик хунари лойдан, пиёла, коса, товок, кўза, лаган, хурмача, тогора, хум, тандир, буюм, ўйинчоклар, курилиш материаллари ва бошқалар тайёрлайдиган соҳа бўлиб, у узоқ тарихга эга. Маҳсус тупрокни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишиши, ундан ҳар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидаёқ билганлар. Улар аввал лойдан идиш-товоклар ясад, гулханда қиздириб пиширганлар. Тупрок жаҳоннинг ҳамма ерларида бўлгани учун кулолчилик кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу хунар билан аёллар шуғулланганлар. Кулолчилик чархи милоддан аввалги 3-минг йилликнинг бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш-товокларни маҳсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошка ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Янги кўтарилиш даври бўлди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутаффакирлар, яъни Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рудакийлар етишиб чиқди. Бутун дунёга машҳур бўлган меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди.

Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик маарказлари пайдо бўлди. Улар сопол идишларни сирлаб безатишнинг ўзига хос услубларини вужудга келтирдилар. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган кулолчилик маҳсулотларининг сифатлилиги, чиройлилиги, нақшларининг нафис ва таъсирчанлиги билан шухрат қозондилар.

Ўзбек халқ амалий безак санъати ҳам санъат, ҳам хунар. У асрлар мобайнида ота-боболаримиз томонидан кўз қорачигидек араб-авайлаб келинган халқ амалий безак санъати дурдонасидир. Тарихда ва айни кунларга қадар сақланиб келинаётган бу амалий санъат турлари келгусида янада қадрланади, ардоқланади.

1.2. Кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш муаммолари

Сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иктисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай мэрраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олганимизга анча бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда миллий қадриятларимизга, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратилди. Шу билан бирга, муваффакиятли ва барқарор ривожланган замонавий таълим тизимларининг жаҳон тажрибасини чукур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам мамлакатимиз раҳбари, соҳа мутасаддилари ва мутахассисларининг дикқат марказида бўлди.

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий ҳаётида юз берәётган ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллый дастури» ҳамда узлуксиз таълим тизимининг барча боскичлари учун жорий этилган таълимнинг давлат стандартлари, умумий ўрта таълимнинг янги дастурларини муваффакиятли ҳал этилиши касб-хунар коллажларида тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг сифатига ҳам боғлиқ. Бўлгуси кадрларни касбий тайёргарликка эга бўлган кичик мутахассис жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш кафолатидир.

Айниқса, бугунги кунда касб-хунар коллежи ўкувчиларига таълим ва тарбия беришда ўтмиш маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий санъатимиз ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Аждодлар маънавий ҳазиналаридан, яъни халқ оғзаки ижодидан ўринли ва унумли фойдаланиш, касб-хунар коллажларида кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда муҳим ўрин тутади.

Ўқувчиларга тасвирий санъатни ўргатиш жараёнида ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўрни бекиёсдир. Касб-хунар колледжлари га амалий санъатни ўргатишда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланилади. Мазкур фойдаланиш, албатта, машғулотларда ҳамда ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёнида амалга оширилади. Бу жараёнда таълим воситалари самарали фойдаланилсагина, ўқувчилар етук, шаклланган ҳамда талабларга жавоб берадиган мукаммал кичик мутахассис бўлиб етишадилар. Шунинг учун касб-хунар колледжлари даги амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишининг назарияси ва методикасини ишлаб чиқиши ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Амалий санъатга оид илк фикрлар энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири “Авесто”да учрайди. Зардустийлик ғоялари га кўра амалий санъат ззгу фикр ва ззгу иш бирлигидан иборатдир. Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоийнинг асарларида амалий санъат талқини инсон маънавиятининг руҳан етуклиги, ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатлари ва фаолиятида “акс эттирмоқ” ва “эзгулик” тушунчалари билан белгиланган бўлиб, ўз ҳоҳиш-истакларидан кўра атрофдагиларга улашиш ғояси илгари сурилган. Шарқ мутафаккирларининг амалий санъат анъаналари ҳақидаги илмий меросини ўрганиш ва амалиётта татбиқ этиш бугунги кунда ҳам мухим омил бўлиб турибди.

Тадқиқот юзасидан олиб борилган изланишлар, Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этишдан шундай хulosага келадики, Е.Квятковский, Т.Махмудов, М.Овсянников, В.Скатерников, С.Файзулина, С.Шермуҳамедов каби олимлар томонидан санъат, маданият, гўзалликнинг фалсафий, педагогик жиҳатлари Б.Ананьев, М.Г.Давлетшин, Е.Игнатьев, В.С.Кузин, Б.Теплов, П.Якобсонларининг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Тасвирий ва амалий санъатни дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқитиш методикаси Ҳамдўстлик мамлакатлари ва Ўзбекистон олимларидан А.Амануллаев, О.Арутюнян, В.С.Кузин, Н.Ростовцев, В.Строков, Н.Толипов, Қ.Қосимов, Р.Ҳасановларнинг илмий ишларида баён этилган.

Амалий санъатни ёшларга ўргатиш масаласида Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимиизда узлуксиз таълим

тизимининг жорий этилиши, ўрта маҳсус қасб-хунар таълим тизимида ҳалқ амалий санъатини ўқитиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўзбек олимларидан С.Абдуллаев, Х.Аляминов, А.Амануллаев, Б.Азимов, Б.Бойметов, С.Булатов, Ж.Дарменов, Б.Орипов, А.Сулаймонов, Н.Толипов, А.Турдалиев, О.Худоёрова, Қ.Қосимов, Б.Кўчқоров, Р.Ҳасанов ва бошқалар томонидан тасвирий ва амалий санъатни ўқитиш методикасига оид аҳамиятга молик илмий тадқиқот ишлари бажарилган.

Мустакил республикамиизда ўқувчи ва талабаларни амалий безак санъати соҳалари бўйича тайёрлаш борасида С.С.Булатов, Р.Ҳасанов, Қ.Қосимов, А.А.Амануллаев, Х.О.Юлдашев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси, ўtkaziladigan тарбиявий тадбирлар ҳамда одобнома, ҳикмат, ҳикоят, ривоятлар билан Кайкавус, М.С.Шерозий, А.Қ.Мунавваров, Матлаббека Улуғбек кизи, Мирзакалон Исмоилий, М.Ҳасаний, М.Муродов, Ҳ.Узоқов, Э.Фозиев, Я.Орипова, Сафо Очил, У.Маҳкамов, М.Очилов ва бошқалар шуғулландилар.

Юқорида зикр этилган олимларнинг тадқиқот ишларини ўрганиш натижалари ҳамда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда қасб-хунар коллежи ўқувчиларига амалий безак санъати соҳаларини ўргатишда ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиб, уни такомиллаштиришда куйидаги номутаносибликлар мавжуд: Ўзбекистон Республикасининг этнографик, тарихий, миллий, маҳаллий шарт-шароити ҳисобга олинмаганлиги; қасб-хунар коллежларида ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш етарлича ёритилмаганлиги; амалий санъатни самарали ўргатишда ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишга етарли эътибор берилмаганлиги; ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишда мутафаккир-олимларнинг ижодий намуналарига етарли аҳамият берилмаганлиги; амалий безак санъати йўналишларидағи қасб-хунар коллежларида ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш анъаналарининг ташкил этилиши, ўқитилишида педагогик, психологик жиҳатлари қараб чиқилмаган

1.3. Аждодларимизнинг ёшларга касб-хунар ўргатиш хақидаги маънавий-маърифий қарашлари

Мустакил Ўзбекистон Республикаси таълим-тарбия амалиётида қўлланилаётган ҳамда баҳт қомусимизда белгилаб берилган қонунлардан келиб чиқсан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ўкувчиларда ҳар томонлама камолга етган баркамол инсон учун зарур бўлган маънавият кирралари, хусусан: иймон, эътиқод, меҳр, ватанпарварлик, инсонга чексиз муҳаббат, одоб-ахлоқ, сабр-тоқатлилик, сахийлик каби фазилатларни шакллантириш зарур.

Буюк алломаларимиз доимо касбга эга бўлишни, илм олишни, саводли бўлиш кабиларни даъват этиб келганлар. Хусусан, Ҳадису Шарифда қўйидагилар таъкидланган:³

- касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган иши ва ҳалол меҳнатидир;
- илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир;
- бир соаттина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир;
- қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизғаниб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади;
- аввало олим бўл! Илму уламоларни севувчи бўл!;
- садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошка мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир.

Пайғамбар Довуд алайхиссалом – темирчилик, Арастудан кейинги иккинчи муаллим, дея шухрат топган қомусий олим Форобий - бобончилик, шоир, Саккокий - пичоқчилик, шоир Завқий эса маҳсидўзлик билан тирикчилик ўтказишиган. Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳам ҳунармандчилик билан шуғулланиб, у Туркистонда биринчилардан бўлиб, одамларни ҳунар ўрганишга ва ҳунар билан шуғулланишга чорлаганлар. У қалин ипакли мато-кимхоб тўкиш билан тирикчилик қилас, шогирдларига ҳам ҳунар ўргатар эди. Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат»да тасаввуф пирлари ва шайхлари ҳакида сўз юритар экан, Ҳожа Абдулла Ансорий - этикдўз, Шайх Абубакр Ҳаббоз - новвой, Шайх Омулий - қассоб, Шайх Ашарий - гишт терувчи, Шайх Баннон - ҳаммол, Шайх Абухасан - дурадгор бўлганлигини айтади ва қатор мисоллар келтиради.⁴

³ Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис II қисм. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. -607 б.

⁴ Малиаев Қ.Н. Навоий южодиётининг ҳалқчил негизи. -Т.: Ўқитувчи, 1980. -132 б.

Маълумки, миллий қадриятларимизда устоз-шогирд одобига алоҳида бир инсоний амал, санъат сифатида қаралган, бу одобларда назарда тутилиши лозим бўлган фазилатлар бир қарашда майда амалларга ўхшаса-да, аслида яхши ҳунар соҳиби бўлишликнинг инсоний шартлари дандир. Бу ўғитлар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган жуда ибратли ва долзарбdir.

Шарқнинг буюк алломалари, олимлари, шоирлари ва фозиллари жамият ҳамда илм тараққиётiga қанчалик ҳисса қўшган бўлсалар, уларнинг ҳар бири ҳунар ва илм эгаллашда каттанинг, яъни устознинг ўрни, шогирдлик бурчи масалаларини ҳам беэътибор қолдирмаганлар. Форс-тожик адабиётининг буюк намояндаси Рудакий (884-954) кишига биринчи муаллим устоз эканлигини, «Ҳаёт сабоқларин этолмаса ёд, уни ўргатолмас ҳеч қандай устод» деса, Ибн Сино (980-1037)нинг ёшларни ҳунарли бўлишга чорлаган қўйидаги дурдана насиҳати ибратлидир: «Олтин олмагину ўргангин ҳунар, ҳунарнинг олдида хасдир олтин-зар». Шарқ ҳалкларида илм ўргатувчилар ва устозларга нисбатан иззат-хурматда бўлиш фарзандлар онгига сингдирилган. Ҳусусан, нозиктабъ адаб, нуктадон олим, XV аср маърифатпарварлари дарғаларидан бири бўлган Ҳусайн Воиз Кошифий: "Устоз ва муаллимлар ҳурматини ўрнига кўйган бу дунёда ҳам, охиратда ҳам саодат топар", -деб ёзган эди. Унинг фикрича, тўрт нарса саодат далилидир: тўғри сўз, тавозеъ, ҳалол касбу ҳунардаги меҳнат, сир сақлаш. Яъни, бирор касбга ўрганиш ёки ҳунарни ўргатиш машаққатли меҳнат эканлиги олим қарашларида марказий ўринда турган.

Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505). (Хуросон) «Футуватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарида устоз-шогирд одоби ҳақида тўхталиб шундай деган: «Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади деб сўрасалар, само ва тоатдир деб айтгин. Агар само (эшитиш) ва тоат нимадир деб сўрасалар, нимаики устоз айтса, уни жон қулоги билан эшитиш, чин кунгли билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалга адо этишдир деб айт».

Кошифий устозлик шартларига ҳам тўхталиб: «Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмагай ва кимки устозсиз бир ишни килур эрса, ул ишнинг асоси мустаҳкам бўлмагай», -деган. Кимки устозсиз иш бошлаган бўлса, унинг иши ва амали самара бермайди, устознинг этагини тўтиб шод бўл, бир муддат устозга хизмат

қылғында, сүнгра ўзинг устоз бўл ... Агар комил инсон ким деб сўрасалар, у пок мазҳабли, ўз айбини кўрадиган доно ва тамизли кишидир деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва баҳилликдан асар бўлмайди».⁵

Машхур файласуф ва мутафаккир, қомусий илмлар билимдони Абу Наср ал-Форобий (873-930) устоз-мураббийга шундай талаб кўяди: «Устоз ўз шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кунгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки, ортиқча зулм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда юмшоқ бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади. У устозларга болаларнинг феъл-авторига қараб тарбия жараёнида қуйидаги «қаттиқ» ёки «юмшоқ» усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради:

1. Тарбияланувчилар ўқиши-ўрганишга мойил бўлса, таълимтарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.

2. Тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлса, қаттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

У ўқитувчининг тарбия усулларини хукумат (давлат) ва шоҳларнинг халқни тарбиялаш ва бошқаришдаги усулларига ўхшатади, уларни қиёслайди. Ҳар иккаласида ҳам юмшоқлик ва мажбурлов зарурлигини уқтиради.

Хусусан, Абу Наср ал-Форобийнинг ўз даври учун катта хизматларидан бири шундаки, у кишиларни илм-маърифатли бўлишга, ҳалол меҳнат қилишга ва касб-хунар эгаллашга чақиради. Инсонни «Ожиз банда», «Ҳеч нарсага қодир бўлмаган мавжудод» каби ерга урувчи диний ақидаларга зид ўлароқ, мутафаккир "назарида инсон энг олий камолот бўлиб, «акл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир борлиқдир».⁶

Форобий, инсон ўз ижтимоий вазифасини бажариши учун, биринчидан, кундалик ҳаётида атрофдагилар билан мулоқотда бўлиши зарурлигини, иккинчидан, у меҳнат ва касб-хунар куник-маларини, ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиши лозимлигини таъкидлаб, шундай деган: «Агар касб-хунар фазилати туғма бўлганида эди подшоҳлар ҳам ўzlари истаб ва ҳаракат қилиб эмас,

⁵ Ҳусайн Вонз Кошифий. Футтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати (Панднома). -Т.: Халқ мероси, 1994.-112 6.

⁶ Ҳусайн Вонз Кошифий. Футтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати (Панднома). —Т.: Халқ мероси, 1994.-112 6.

балки подшохлик уларга фақат табиий равишда мүяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди. Касб-хунар фазилати туғма бўлмас экан, ахлоқ-одоб, расм-руsum, касб-хунар, одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан зўр қудрат талаб қилинади. Бу эса таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шахарлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбияси эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-хунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир».⁷

Буюк аллома Ибн Сино (980-1037) ўкувчига билим бериш устозларнинг масъулиятли бурчи эканлигини таъкидлайди. У устозларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳакида фикр юритар экан, уларга шундай йўл-йўриклар беради:

- болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;
- болаларга берилаётган билимнинг қандай ўзлаштириб олинаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- боланинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратা олиш;
- билимларни болаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (Шайх Саъдий) (1184-1292) таълим-тарбияда устозларнинг талабчанлиги, билим ва тарбия беришда қаттиккўл бўлишнинг тарафдори бўлади. У «Гулистон» асарида яна устоз-шогирд одобига оид қуйидаги ҳикоятни келтиради: «Бир одам кураш санъатида зўр маҳорат қозонди, у 360 хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб кўрар эди. Шогирдларидан бирига 359 хийлани ўргатди. Аммо, бир хийлани ўргатмади: устозининг хурматини билмаган шогирд, устозидан ҳам устунлигини айтиб мақтанади. Бу сўз подшога ёқмайди. Уларни кураш тушмоқларини буюради. Устоз охирги хийласини ишлатиб шогирдини енгади. Устоз хурматини билмаган шогирд эса, халойик ва подишохнинг нафратига учрайди».⁸

⁷ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. —Т.: Халқ мероси, 1993. -224 б.

⁸ Саъдий Шерозий. Гулистон. (Форсийдан Муҳаммад Ризо Огахий тарж.). -Т.:

Шунингдек, Саъдий Шерозий ўз даврининг доно мураббий шоири ва улуғ руҳшуноси ҳам бўлган. Мураббий-руҳшунос шоир болалар табиатини жуда ҳам чукур ҳис қилган ҳолда, уларни ёшлиқдан меҳнат қилиб, илму ҳунар ўрганишга ундаиди.

Шоир илму ҳунарни ҳамма нарсадан юқори қўяр экан, «Гулистан» асарининг «Тарбия таъсири» деб номланган еттинчи бобида куйидаги ҳикояни келтиради: «Бир ҳаким ўғуллариға мундоғ панд берур эрдиким: «Эй жон фарзандларим, ҳунар ўрганинглар, нединки, мулк ва молға эътимол йўқдуур. Сийм ва зар хатар маҳаллидадур-ё ўғри барчасин бирдин олур ва ё ҳоким озоз олиб йўқ этар. Аммо, ҳунар чашмаи равон ва давлати бепаёндурким, агар ҳунарманд одам давлатдин тушса, ҳеч кам ва алами йўқдир. Нединким, ҳунар онинг зотида улуг ва ҳар ердаким борса, сохиби қадр бўлур мажлиснинг юқорисида ўлтуур ва ҳунарсиз киши гадойлик қилур ва ҳар жойғаким борса, бекадр ва беэътибор бўлур», -дейди.⁹

Саъдий илму ҳунарга жуда юқори баҳо беради. Шоир илму ҳунар ўрганиш йўлида ҳар қанча машаққатдан қочмаслик лозимлигини уқтиради.

Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) ҳам ўз ҳукмронлиги даврида илм аҳллари, устоз, мударрисларга ҳурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Кўплаб мактаб, мадраса очади, уларга муаллим ва мударрислар тайин этади. Ўзининг устозларини жуда қадрлайди.

Алишер Навоий (1441-1501) ижодида ҳам устоз-шогирд одоби масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чукур билим бериш учун мударрис, устоз ва мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. Нодон, мутаассиб, жоҳил устозларни танқид қилиб, улар маълумотли, ўқитиш йўлларини биладиган бўлиши зарур дейди. Масалан: «Маҳбуб ул-қулуб» асарида мактабдорлар ҳакида фикр юритар экан, уларнинг ўта қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирликлари ҳакида: «Мактаб тутувчи гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчиидир», - деб ёзади. Шу билан бирга устоз меҳнатининг оғирлигини ҳолисона баҳолайди: "Унинг иши одам тугул, ҳатто девнинг ҳам қўлидан келмайди. Бир кучли

Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993.-104 б.

⁹ Саъдий Шерозий. Гулистан. (Форсийдан Муҳаммад Ризо Оғахий тарж.). -Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. -85 б.

киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қилар эди, у эса бир тұда болага илм ва одоб ўргатади"-дейди. Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасыда фаҳми, идроки озлари бўлади. Устоз бу каби ҳолларда юзлаб машакқат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам, ўз устозига қуллуқ қиласа арзиди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий устозларнинг ҳурмати қанчалик жойига кўйилса, уларга бўлган талаб ҳам шунчалик ошиши, айниқса, мадраса мударрисларининг билимли, фозил, доно, камтар, маънавий пок бўлишлари зарур эканлиги ҳақида, шундай дейди: «Мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса, ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса».¹⁰

Таълим-тарбия, касб-хунар ўрганишнинг афзаллиги, ҳалол меҳнат билан яшашнинг зарурлиги тўғрисидаги ўгитлар ҳадис, панднома, ривоят, ҳикоят, достон, мақол ва бошқа кўринишлардаги маънавий мерос сифатида ҳозирги давргача етиб келган.

Бундай ёзма манбаларга IV-VI асрларда яратилган «Авесто», XI асрда Кайкавус томонидан ёзилган «Қобуснома», Абу Наср Форобийнинг «Бахт-саодатга эришув» асари, Абу Райхон Берунийнинг «Геодезия», «Минералогия» асарлари, XI асрда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит-турк» (Туркий сўзлар (лугати) девони) асари, Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадғу билиг» асари, Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарларида касб-хунар ўрганишнинг афзалликлари ва меҳнат тарбияси ҳақида фикр юритилади. Дастреб одамзодда меҳнат орқали ижод қилиш қобилияти ҳам таркиб топа бошлаган. Меҳнат фаолияти секин-аста мураккаблашиб бориб, ижодкор инсоннинг қарор топишида ҳамда кишилик жамиятининг тараққиётида жуда мухим ҳисобланган. Меҳнат инсонни улуглайди ва ижодни вужудга келтиради. Инсоннинг меҳнат жараёнини ҳосил қилган дастребки куникма ва малакалари авлоддан авлодга ўтиб келган.

Оддий меҳнаткаш ҳалқ яратган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган меҳнат ва касб-хунар тарбиясига оид қарашлар, ғоялар,

¹⁰ Ҳусайн Вонз Кошифий. Футтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати (Панднома). -Т.: Ҳалқ мероси, 1994. -112 6.

тажрибалар, урф-одат ва анъаналар халқнинг ўзи яратган мақол, масал, ривоят, достон каби халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз ифодасини топган.

Мехнат ва касб-хунар тўғрисидаги халқ мақоллари ҳамда Шарқ мутафаккирларининг ҳикматли сўзлари таълим муассасалари ўкувчилари онгига дарс машғулотлари, тарбиявий тадбирлари жараёнида сингдирилиб борилади. Албатта, бунда меҳнатнинг тарбиявий таъсири ва, энг аввало, ўкувчиларда касб-хунарга бўлган муҳаббат туйгуси шаклланади.

Ўзбек халқ педагогикасида меҳнат тарбияси ва касб-хунар эгаллаш - бола камолотининг бош омили сифатида талқин қилинади. Шубҳасиз, халқ мақолларида ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш билан бирга, касб-хунар эгаллашга даъват ҳам марказий ўринни эгаллайди. Масалан: «Хунар-хунардан унар», «Хунар тўйгазар, от миндириб, тўн кийгазар», «Хунар-оқар булок, илмённар чирок», «Хунарли йигит-мевали дарахт», «Хунари борнинг олтин билаги бор», «Хунар-туганмас хазина». Қадимда қулоллар, ёғоч ва ганч ўймакорлари, темирчи усталар ва бошқалар ўз шогирдларига касб эгаллаш ишларини унугтмай, давом эттиришларини ваясият қилгандар. Кўпни кўриб, тажриба орттирган усталар ўз меҳнат сир-асрорлари ва малакаларини кейинги авлодга ўргатганлар.

Халқ ижодидаги мақол ва ривоятлардан ёшларни тарбиялаш воситаси сифатида кенг фойдаланиш мумкин. Шу жиҳатдан қаралганда қўйидаги ривоят ибратлидир. Дехқон ўлими олдидан учала ўғлини ўз олдига чақириб, ҳар бирига алоҳида: «Узумзордаги токлардан бирининг тагига тилла кўмганман, лекин ҳозир қайси бирининг тагига кўмганимни эслолмаяпман»- дейди. Ака-укалар отасининг насиҳати бўйича тиллани роса кидирадилар. Натижада, узумзордаги токларнинг ҳаммаси ковланиб ташланади. Аммо, тиллани ҳеч ким топа олмайди. Қизиги шундаки, шу йили токлар одатдагидан икки-уч баробар кўп ҳосил беради. Узумзордан тушган даромад ака-укаларни бойитиб юборади. Шундан сўнггина ака-укалар оталарининг қилган панду насиҳатларини эслаб, уни ҳеч қандай тилла кўммаганлигини, балки била туриб, болаларининг фақатгина ҳалол меҳнат қилишлари ва Бунинг эвазига бойишлари учун шундай деганлигини тушуниб етганлар.

Маълум бўлдики, ривоятлар меҳнат ва касб-хунар ўрганишда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий тараққиёти учун зарур

бўлган педагогик масала сифатида илгари сурилади. Масалан: «Шогирднинг интизоми», «Устоз-отангдек улуг», «Кеккайган шогирд», «Хунар хақида ҳалқ ривоятлари», «Устоз ва нопок шогирд» каби мазмундаги ривоятлардан ёшлар дунёқарашининг шаклланиши, меҳнат ва касб-хунар эгаллаши хаётий эҳтиёж эканлиги, одоб-ахлоқ қоидаларидан тўғри хулоса чиқаришлари ҳамда ҳалоллик, нопоклик каби тушунчаларни тушуниб етишларида тарбиявий восита сифатида фойдаланиш мумкин. Уларни дарс машғулотлари жараёнида, тарбиявий тадбирлар ўtkазиш вақтида, оиласа, ёшлар даврасида, яъни улар сұхбатида кенг қўлланилса, таълим-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳалқ достонларида ҳам меҳнатсеварликка, касб-хунарга ўргатиши болаларга ёшлиқ ҷоғлариданоқ бошлаш лозимлиги таъкидланган.

Масалан: «Ёдгор» достонида: «Элдан эл кетса меҳнат, элга эл кўшилса давлат» деб, ўлкани обод қилиш учун ҳамкорликда меҳнат килиниши назарда тутилган. «Рустамхон» достонида Тоғай образи орқали меҳнаткаш ҳалқقا хос инсонпарварлик фазилатлари ва меҳнат аҳлининг маънавий қиёфаси, орзу-умидлари қуидагича тасвиrlанади: «Тоғай ҳар кимнинг хизматини қилган, ҳаммомга ўт ёкиб кун ўтказиб келаётган, бироннинг ҳаққидан кўрқкан, ҳеч кимга зарар етказмаган, ким камбағал бўлса, шунинг билан топишиб кунглини олган; тўғри йўлдан қолмаган, эгри йўлга бормаган, ўғриликни билмаган, умрида хиёнат ишни кунглига ҳам олмаган, янги чопон киймаган, йиртиқ-ямоқ, жанда-жундадан бошқани киймаган, от тугул эшак минмаган, яёвлик билан умрини ўтказиб келаётган одам».¹¹

Хуллас, ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида меҳнат тарбияси ва касб-хунар тўғрисида гап юритилар экан, уни амалга ошириш учун ҳалқимизда қадим замонлардан бери қўлланилиб келинаётган ва синовдан ўтган, ҳозиргача ўз қадр-қимматини йўқотмаган усул ва воситалар акс эттирилган. Ҳалқ педагогикасида меҳнатсеварлик ва касб-хунар ўргатиши гояларини ёш авлод онгига сингдириш, уларни ҳалқ анъаналарига бефарқ қарамасликка ўргатиши ўқитувчи ва мураббийларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

¹¹ Алломиш. Рустамхон. -Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. -39

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳам мамлакатнинг ободонлигини, кишиларнинг баҳт-саодати ва камолотини унинг ҳалол меҳнат қилишида ва қасб-хунар ўрганишида деб билади.

Берунийнинг «Геодезия», «Минералогия» асарларида ҳам ўзи яшаб турган даврдаги ишлаб чиқаришнинг ривожи ва қасб-хунарга оид қимматли маълумотлар берилган. Масалан: «Минералогия» асарининг «Темир ҳақида»ги бобида темирни ишлаш усуслари, пўлат ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги маълумотлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Буюк олим, минералог, физик, кимёгар сифатида моддаларнинг солиштирма оғирликларини деярли ҳозирги ҳисобларга яқин ўлчамда аниқлаган. Бунинг учун у маҳсус ва хилма-хил қолиплар ясаган.

Абу Райҳон Беруний: "Кишининг энг биринчи ва зарур эҳтиёжи меҳнатdir. Фақат ақл-идрок ва меҳнатнинг жонланишигина кишилар ҳаётини белгилаб беради Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси-меҳнат қилишdir, чунки исталган нарсага меҳнат сарфлаш орқали эришилади", -дейди.

Беруний меҳнат ва қасб-хунар кишилар томонидан эркин, яъни иҳтиёрий равишда қобилиятига қараб танланиши зарурлигини таъкидлаб: «Бирорни зўрлик билан ёллаб ишлатиш доимий бўлмайди, тўғри ҳам келавермайди», -деган. Фикримизча, ушбу сатрларда олим мажбурий меҳнатнинг самарасиз ва бекарорлигини кўрсатган. Чунки, эркин, ижодий меҳнат фойдали бўлиши билан бирга, қасбни ҳам такомиллаштиради, хунармандни улуғликка кўтаради.

Хуллас, Беруний инсоннинг ҳалол меҳнат қилиши ва қасб-хунар эгаллаши туфайли ақл-заковати, қобилияти, қудрати ошиб боришига ишонади. Бу билан у меҳнатсеварлик ўз қасбини ардоқлашдек фазилатларни гоятда қадрлайди.

XI асрнинг бошларида яшаб, ижод этган машҳур тилшунос олимлардан бири Махмуд Қошғарий «Девону луготит-турк» (Туркий сўзлар девони) асарига кирган кўшиқ ва мақолларида овчилик, чорвачилик, бодорчилик, дехқончилик меҳнати ва ҳаётини акс эттиради. Олим бу асаридан жой олган бир қатор мақолаларида меҳнат - инсоннинг яшаш омили ва камолот манбаи эканини таъкидлайди.

Атоқли, маърифатпарвар шоир ва мутафаккир Юсуф ҲосҲожибининг «Кутадғу билиг» (Саодатга йўлловчи билим) номли

асарида шаҳар ва қишлоқ, ўтроқ ва кўчманчи халқларни ижтимоий табакаларга ажратиб, дехқон, ҳунарманд, чорвадор, олим, табиб ва бошқалар ҳакида сўз юритилади.

Мутафаккир шоир ҳунармандлар ҳакида: «Жуда зарур кишилардир ... темирчи, тикиувчи, этикчи, сувчи, тўкувчи, эгарчи, тошли, ўқчи, камончиларнинг фойдаси катта... бу дунёда улар яхшилик келтирадилар. Улар жуда кўп, ажойиб нарсаларни ишлайдилар», - дейди.¹²

Юсуф Ҳос Ҳожиб ўз болаларини фойдали меҳнатга ўргатмаслик, ортиқча эркалатиш оқибатида, уларнинг келгусида нолойик ҳатти-ҳаракатлар қилишга тўғридан-тўғри айбор бўладиган отоналарни қаттиқ қоралайди. У: «Кимнинг ўғли ёки қизи талттайтириб юборилган бўлса, бунинг учун у охири қаттиқ йиғлайди», - деб таъкидлаб, ҳар бир ота-она ўз фарзандига ёшлигидан ҳунар ўргатиши кераклигини қайта-қайта уқтиради.¹³

XI асрда яшаб ижод этган Кайкавуснинг «Қобуснома» номли асари жаҳон педагогикасида муҳим ўрин тутади. Кайкавус ўз асарида таълим-тарбия ва одоб-аҳлоққа оид масалалар ҳакида фикр юритади.

Кайкавус томонидан ёзилган «Қобуснома»да: «Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори мугилон (тиканли бута)нинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори мугилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур», -дейилган.¹⁴ Эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий бойлик яратиши зарурлиги уқтирилади.

Кайкавус «Қобуснома»нинг «Ҳунар афзаллиги, баланд қадр ва олий табъ бўлмоқ зикрида» деган бобида фарзандларни меҳнат қилишга ундейди: «Билимни эгалламоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасалиқдан кутқариш фойдалидир. Чунки, дангасалиқ, ишёқмаслик баданинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. Агар меҳнат қилиб баданни ўзингга буйсундирмасанг, соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан ...», - дейди.¹⁵

Юқорида Шарқ алломаларининг устоз-шогирд одоби ҳамда касб-ҳунарни қадрлашга оид айрим фикрлари келтирилди. Аслида

¹² Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. -Т.: Фан, 1971. -661 б.

¹³ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. -Т.: Фан, 1971. -223 б.

¹⁴ Кайковус. Қобуснома (Форсчадан М. Ризо Оғаҳий тарж). -Т.: Истиқлол, 1994. -41 б.

¹⁵ Кайковус. Қобуснома (Форсчадан М. Ризо Оғаҳий тарж). -Т.: Истиқлол, 1994. -26 б.

бу таҳлил яна давом этиши мумкин Зеро, азал-азалдан Шарқда илм ҳам, хунар ҳам эъзозланган. Уларнинг ўргатувчилари га чексиз эҳтиромлар билдирилган, яхши хунар эгаллаган ёш қадрланиб, ўнга ғамхўрликлар қилинган.

Буюк алломаларнинг устоз-шогирд одоби тўғрисидаги қарашлари, уларнинг ҳозирги кундаги амалий ва назарий аҳамияти ўз кучини йўқотмаган. Мазкур тадқиқотда масаланинг ана шу хусусиятига эътибор берилди. Жумладан, мавжуд манбалар бўйича илмий таҳлиллар қадимда аждодларимиз устоз-шогирд одоби асосида ёшларга хунар ўргатиш бўйича бой тажрибага эга бўлганликларини кўрсатади. Лекин, кейинги йилларда аждодларимизнинг бой меросидан ҳамда бу борадаги тажрибаларидан ҳам тўлиқ фойдалана олинмаяпти. Бунинг сабабларидан бири - таълим муассасаларида устоз-шогирд одоби анъаналаридан фойдаланишга эътибор берилмаганлигига.

Бундан ташқари, аждодларимиз тажрибаси, бевосита қасб-хунарга оид анъаналаридан фойдаланишнинг моҳияти алоҳида ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундай камчиликлар мавжуд тажрибаларни кенг кўламда ёйишдаги номувофиқ-ликлар умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус қасб-хунар таълим муассасалари, олий ўқув юртлари, шахсий ташаббус билан шогирдга хунар ўргатаётган устахоналарда уста ва шогирднинг шарқона одобининг ўргатилмаслиги ўқувчи-ёшлар ахлоқи, маънавияти ҳамда билим даражасининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек ҳалқ амалий безак санъати қадимийлиги ва бой маданияти билан бутун дунёга машҳурдир. Мамлакатимизнинг ер усти ва тупроқ остидаги қисми улкан бир тарихий музейдир. Асрлар давомида орттирилган маданий ва маънавий бойлигимиз, ҳусусан, ўзбек миллий ҳалқ амалий безак санъатининг энг ривожланган турларидан: ганжкорлик, наққошлиқ, ёғоч, суяқ ўймакорлиги, тоштарошлиқ, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик кабиларни ўргатиш, ўрганиш технологияси, усталарнинг ҳақиқий номлари, ўзига хос мактаблари, яратган услублари шўро тузуми даврида аста-секин йўқолиб кетиш хавфи остида қолди.

Бугунги кунда мустақил мамлакатимизда ҳалқимизнинг асрлар бўйи яратган ижодий меҳнати натижаси бўлмиш амалий безак санъатини кўз қорачиғидек асраш, қадрлаш, улардан амалий

фойдаланиш, ёшлар эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар очилди. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Захириддин Муҳаммад Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва мусаввирларнинг бетакрор маданият дурданалари, ҳалқ усталари яратган нодир асарлар руҳида ёшларни тарбиялаш, устачилик ва хунармандчилик сирларини уларга мерос қолдиришга чақирғанлар.

Буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темур хунар ва илм эгалари, йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб, математика, геометрия, меъморлик, астрономия, адабиёт, тилшунослик, тарих, музыка, тасвирий санъат, ҳаттотлик каби соҳаларни ривожлантиришга катта аҳамият берди.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳалқ хунармандчилиги, қолаверса, маданияти юксак даражада ривож топди. Темурнинг амри билан турли мамлакатлардан усталар, меъморлар олиб келиниб, бетакрор бинолар курилди ва боғу роғлар барпо этилди.¹⁶

Ёшларни ҳалол меҳнат қилишга, уларни турли касб-хунар сирларини мукаммал эгаллашга ўргатиб борилиши ҳалқимиз тараққиёти тарихида, ҳар хил даврларда мутафаккир олимлар, назариётчи ва амалийчилар томонидан тадқиқ этилиб, фикр ва мулоҳазаларини ўз асарларида баён этганлар.

Ҳозирги даврда ижод этган ва ижод этиб келаётган олимларимиздан профессор С.С.Булатов ўзининг «Ўзбек ҳалқ амалий безак санъати» номли ўқув-методик қўлланмасида ўзбек ҳалқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турлари, улар ҳақидаги илмий ва тарихий маълумотлар ҳақида амалий иш усулларини баён этган ҳамда бу санъат турларини ўрганиш ва ўргатишга доир назарий-методик йўл-йўриклиар берилган.

Муаллифнинг олиб борган кузатишлари ва тадқиқотлари асосида ганчкорлик, наққошлиқ, заргарлик, каштачилик, зардӯзлик, гилам тўқиши, ёғоч, тош ва суюк ўймакорлиги, кулолчилик, пичоқчилик, кигиз босиши, саватчилик, бўйрачилик каби ҳалқ амалий санъати турларининг тарихи, иш жараёнлари ва услублари, жихозлар, асбоб-ускуналар, ҳом ашёлар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш ранг-баранг тасвирий лавҳалар мисолида тадқиқ этилади.

¹⁶ Темур тузуклари. (А. Согуний ва Х.Караматов тарж. Б. Аҳмедов таҳр.) -Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1996. -344 б.

Бу санъат турларини ўрганиш юзасидан машғулотларни ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялар, дастурлар берилган ҳамда халқ амалий санъати воситасида ўкувчиларни бадиий, эстетик тарбиялашнинг назарий ва амалий вазифалари баён этилган.¹⁷

П.А.Гончарова ўзининг «Бухоро зардўзлик санъати» номли китобида зардўзлик хунарининг ташкил этилиши, сарой зардўзлик устахоналари, хусусий устахоналар, зардўзлик учун зарурий ашё ва асбоб-ускуналар, маҳсулот ишлаб чиқариш техникаси, зардўзлик нақшлари ва уларнинг тузилишлари ҳақида фикрлари билдириган. Шунингдек, мазкур китобда зардўзликка оид барча ҳом ашё ва жиҳозлар рангли ҳамда тасвирий лавҳалар мисолида келтирилган.¹⁸ Қ.Косимовнинг «Наққошлиқ» номли қўлланмасида наққошлиқ тўгараги раҳбарига тўгарак ишини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам берилади. Китобдаги методик тавсиялар ва иллюстрация материаллари ўкувчиларга наққошлиқ санъатининг жозибасини англатиш ва уларда ана шу санъат сирларини ўрганишга қизиқиши уйғотиш имконини беради.¹⁹

Маҳмуд Усмоновнинг «Санъатим-саодатим» номли китобида ганчкорлик санъати Ўзбекистон меъморчилиги салномасида муҳим ўрин тутиши ҳақида ёзилган. Кўхна тарих ёдгорликлари бўлмиш осори атиқаларни кузатар эканмиз, ўймакорлик санъати оддий пахса деворлардан бошланиб, кейинроқ ганчкорий безакларга ўтганини кўрамиз. Бизнинг давримизга келиб ганчкорлик амалий безак санъатига талаб ва эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Мазкур китобда атоқли санъаткор Маҳмуд Усмоновнинг ижодий йўли, шогирд тарбиялашдаги фаолияти, ҳаёт тажрибалари ҳақида фикрлар билдирилган.²⁰

Шарқшунос олим ва шоир Маҳмуд Ҳасаний кирқдан ортиқ илмий, таржима ва табдил асарларнинг муаллифидир. Унинг «Одоб бўstonи ва ахлоқ гулистанни», «Одобрнома» рисолалари одоб-ахлоқ масалаларини ўз ичига олган ҳикмат, ҳикоят ва масаллардан ташкил топган. Таржимоннинг ушбу китоблари узоқ йиллик меҳнат

¹⁷ Булатов С.С., Юлдашев Х.А., Турдиева Ш.Э. Одобрнома. (Академик лицей ва касб-кунар коллежлари учун қўлланма). -Т.: Низомий номли ТДПУ, 2002. -30 б.

¹⁸ Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати (альбом). -Т.: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -112 б.

¹⁹ Косимов Қ. Накқошлиқ: Бадиий шакл тўгараги машғулотларининг мазмуни ва методикаси. (Тўгарак раҳбарлари учун Кўлл.). -Т.: Ўқитувчи, 1982. -72 б.

²⁰ Усмонов О. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлиқ мактаби. -Т.: Фан, 1977. -149 б.

самараси бўлиб, ҳали ҳеч ерда нашр қилинмаган кўплаб кўлёзма асарлардан сараптада таржима қилинган.²¹

Олима Ойниса Мусурмонова ўзининг «Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси» номли қўлланмасида умумий таълим мактабларида адабиёт ва турмуш одоби фанларини ўқитиш жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигини таъминлаш замирида юкори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг илмий-назарий ва методик асосларини ёритган.²²

Таржимон Ш.Шомухамедовнинг «Донолар бисотидан» номли китобига киритилган пурхикмат байтлар жаҳон адабиёти хазинасига ажойиб дурдоналар қўша олган форс-тожик (классиклари) намояндалари, улут файласуф шоирлар, доно боболаримиз бисотидан олинган. Унда Абулқосим Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккир олимлар инсон табиатининг мусаффолиги, инсон хулкининг юксаклиги учун курашишимизда бизнинг сафимиизда елкадош бўлиб турадилар.²³

Матлаббека Улуғбек қизининг «Ҳикматлар гулдастаси» номли китоби ҳалқ ҳикматлари ва мақолларидан иборат бўлиб, у ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Кекса муаллима ва тарбиячи Матлаббека Улуғбек қизи ҳалқ орасида юрган ҳикматли сўзлар ва мақолларни ушбу китобга жамлаган. унда ахлоқ-одобга доир муаммолар ечими ўз ифодасини топган. Щунингдек, муаллиф ўз фикр дурдоналарини ҳам мазкур мажмууга киритган.

Улфат Маҳкамов ўзининг «Ахлоқ-одоб сабоқлари» номли асарида мустақил Ўзбекистонни буюк давлатлар орасидан жой олишида, ёшларни маънавий етук шахс сифатида тарбиялашда зарур бўлган иймон, эътиқод, инсонпарварлик, Ватанга меҳрмуҳаббат сингари инсоний фазилатлар - ахлоқ-одоб сабоқлари ҳақида қизиқарли ҳикоя килади.²⁴

²¹ Одоб бўртони ва ахлоқ гулистони. (Араб, форс, турк, татар ва озарбайжон тилларидан Махмуд Ҳасаний тарж.). -Т.: Фан, 1994.-220 б.

²² Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси: Умумтаълим мактаблари учун. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -63 б.

Донолар бисотидан. Тузувчи ватаржимон Ш.Шомухамедов. (Мухаррир Миртемир). -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. -312 б.

²³ Матлаббека Улуғбек қизи. Ҳикматлар гулдастаси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -128 б.

²⁴ Маҳкамов Улфат. Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т.: Фан, 1994. -136 б.

Ҳ.Узоқов, Э.Фозиев ва Л.Ориповаларнинг «Оила этикаси ва психологияси» қўлланмаси ва «Оила ахлоқи ва одоби» номли китобида ўрта Осиё мутафаккирларининг оила ахлоқи ва одобига, тарбиясига доир қарашларни акс эттирган айрим асарларидан парчалар келтирилган.²⁵

Олим А.Қ.Мунавваровнинг «Оила педагогикаси» номли китобида оилавий тарбия самарадорлигини оширишда ўзбек халқ педагогикаси ва анъаналарининг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти очиб берилган. Ўзбек оилаларининг тарбия бериш имкониятлари ва таъсир кўрсатиш воситалари, Шунингдек, умумий ва хусусий томонлари шу кун талаби асосида ёритилган. Ҳозирги замон ўзбек оилалари тарбияси самарадорлигини оширувчи йўл ва воситалар имконият даражасида кўрсатилган ҳамда тавсиялар берилган.²⁶

Малла Очилов ўзининг «Муаллим – қалб меъмори» номли китоби билан ўзбек педагогикаси равнақига жуда катта хисса кўшган. Унинг маънавий-ахлоқий, маънавий-маърифий тарбия масалаларига бағишлиланган монография ва ўкув қўлланмалари, илмий мақолалари ва таржима асарлари педагогика жамоатчилиги ҳамда кенг халқ оммасига маълум.

«Муаллим – қалб меъмори» номли сайланмасига олимнинг илмий-амалий жиҳатдан мукаммал ишлари жамланган. Хусусан, ўқитувчи одоби, педагогик таълим, камолот қирралари ҳамда педагогика тарихига оид қатор педагогик маълумотлар келтирилган.²⁷

Малла Очилов ва Нигора Маллаевна Очиловаларнинг «Ўқитувчи одоби» номли қўлланмасида Марказий Осиёда муаллимлик касб одобининг тарихий илдизлари, ўқитувчининг мухим ахлоқий фазилатлари, касб одобининг тузилиши, педагогик фаолиятининг ахлоқий тавсифи ёритилган. Таълим-тарбия жараёнида мумомала одоби қоидаларини баён этишга кўпроқ эътибор берилган.²⁸

Малик Муродовнинг «Олтин сандиқ очилди» номли китобида ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ педагогикаси ҳамда Шарқ алломаларининг ахлоқ-одоби, тарбияси ҳақидаги асарларидан келиб чиқиб, ибратли фазилатлар, хислатлар қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўзига хос бир тарзда сўз юритилади.²⁹

²⁵ Узоков Ҳ., Фозиев Э., Орипова Л. Оила ахлоқи ва одоби. Мажмуа: Умумий таълим мактаблари, хунар-техника билим юртлари учун кўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 1995. - 84 б.

²⁶ Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -112 б.

²⁷ Очилов М., Муаллим - қалб меъмори. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.

²⁸ Очилов М., Очилова Н.М. Ўқитувчи одоби. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -136 б.

²⁹ Муродов Малик. Олтин сандиқ очилди. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -120 б.

А.Хақкуловнинг «Таъмир санъати» номли китобида фоят муҳим мавзу -тарихий-маданий ёдгорликларни қадрлаш ва уларни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб бериш масаласи кўтарилади. Китоб, асосан муаллифнинг таъмир соҳасида узоқ йиллар давомида олиб борган кузатишлари заминида тугилган мақолалардан тузилган. Бу мақолаларда Самарқанднинг қадимий ёдгорликларини тарихимизда тутган ўрни, таъмир санъатининг мураккаб муаммолари ҳакида қизиқарли ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, мазкур тўпламда ўкувчи учун ибратли ва бевосита ёдгорликлар тақдири билан боғлиқ бўлган ривоятлар ҳам келтирилган.³⁰

Ўзбекистон психолог олимларининг ҳам кўплаб илмий-тадқиқот ишларида педагогик жараёнда устоз-шогирд ўртасидаги муносабатлар ўрганилган. Бундай ишларга профессор Э.Фозиев, В.М.Каримова раҳбарлигида тайёрланадиган диссертацияларни мисол келтириш мумкин. Э.Фозиев бошчилигида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари орасида касб-хунар коллежлари ишлаб чиқариш усталарининг ўкувчиларга психологик таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўрганишга багишлиланган А.Ғ.Раҳмонов ишларини ҳам мисол келтириш мумкин. Ушбу ишнинг мақсади ва тадқиқот предмети касб-хунар коллежи ўкувчиларини касбга мослашиш жараёнида ишлаб чиқариш таълими усталари балан ўзаро муносабатлари педагогик-психологиянинг ишончли тестлари ва услублари воситасида текширишдан иборатлиги аниқланган.³¹ Шунингдек, профессор В.М.Каримова раҳбарлигида тайёрланган диссертацияда устоз-шогирднинг ўзаро муносабатларига оид ижтимоий-психологик феноменлар мустақил тадқиқотнинг предметига айлантирилиб, уларнинг механизmlари, устознинг шогирд билан самарали коммуникатив фаолиятининг мезонлари аниқланган.³²

Илмий таҳлиллар шундан далолат берадики, таълим-тарбия муассасаларида кичик мутахассислар тайёрлаш учун «Устоз-шогирд одоби» анъаналарини ўрганиш ва ўргатиш масалалари тадқиқотчилар дикқат марказидан четда қолган кўринади. Шу боис,

³⁰ Ҳақкулов А. Таъмир санъати. -Т.: Мехнат, 1991. -100 б.

³¹ Раҳмонов Ф.А. Касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўкувчиларга психологик таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўрганиш. Псих. фан. ном. ... дисс. автореферати. -Т.: ЎзМУ, 2000. -25 б.

³² Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари. Пед. ном. ... дисс. автореферати. -Т.: ЎзМУ, 2004. -236.

ушбу муаммонинг ечимини топишни мақсад қилиб қўйиш лозим бўлди. Бунда, ўрганилаётган муаммо касб-хунар коллажларида ўқитиладиган амалий безак санъати йўналиши негизида ишлаб чиқилган «Устоз-шогирд одоби» маҳсус курси ўкув дастурига асосланган ҳолда мукаммал ўкув-услубий мажмуани яратиш мақсад этиб қўйилди.

Амалий безак санъати - безак санъати; ижтимоий ва шахсий турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган буюмлар тайёрлаш ва кундалик турмуш ашёлари (асбоб-анжомлар, мебель, мато, меҳнат қуроллари, кийим-кечаклар, тақинчоқ, ўйинчоқлар ва бошқалар)ни бадиий ишлаш билан боғлиқ ижодий меҳнат соҳаларини ўз ичига олади.³³

Ўзбекистон Республикасининг этнографик, тарихий, миллий, маҳаллий шарт-шароити ҳисобга олинмаганлиги; касб-хунар коллажларида ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш етарлича ёритилмаганлиги; амалий санъатни самарали ўргатишида ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишга етарли эътибор берилмаганлиги; ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишда мутафаккир-олимларнинг ижодий намуналарига етарли аҳамият берилмаганлиги; амалий безак санъати йўналишларидағи касб-хунар коллажларида ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш анъаналарининг ташкил этилиши, ўқитилишида педагогик, психологик жиҳатлари қараб чиқилмаганлиги кабилар мавзуининг долзарблигини белгилайди. Шунингдек, таҳлиллардан шу нарса маълум бўлдики, касб-хунар коллажларида ўқитиладиган амалий безак санъати йўналиши бўйича ҳам алоҳида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлигидан далолат беради.

Шу боис, у ҳозирги давр педагогикаси ва методикасининг долзарб услубий муаммоларидан бири ҳисобланади.

1.4. Ёшларга миллий анъаналар асосида касб-хунар ўргатишининг ўзига хос томонлари

Ўзбекистон ҳалқининг тарихи, қадриятлари, илм-фани, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят мухимдир. «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов,

³³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати (З.М.Маъруфов таҳр.) II том. С-Х. -М.: Рус тили, 1981. -718 б.

-биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлат-чилигимиз негизларини аниклаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмогимиз керак». ³⁴ Шу мақсадда республика ҳукуматининг қатор ҳужжатлари мазмуни Ватанимизни ҳар томонлама жаҳон андозалари талаблари асосида ривожланишига қаратилган. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, қадрият, миллий санъат намуналардан, аждодлар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб амалий безак санъати намуналардан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода Республика ҳукумати томонидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 1997 йил «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур» қабул қилинди. Унда: «Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсати, умуминсоний қадриятлар, халқнинг тарихий тажрибаси, маданияти ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналари, жамиятнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизилади», -дейилган.³⁵

И.А.Каримов асарларида маънавий қадрият ва маданиятнинг миллий моҳиятини чукур англаб етиш зарурияти, Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-педагогик мероси заминида улғайган авлоднинг таълим-тарбияси, маънавий мероси бўлган тажрибасини қайта тиклаш зарурияти чукур фалсафий равишда асослаб берилган. Аждодларнинг таълим-тарбиявий тажрибаси ва миллий анъаналари ёш авлоднинг таълим-тарбия олишлари учун зарур бўлган қадриятларга айланиши лозим. Таълим тизимида қилинаётган ҳар бир ислоҳотларда аждодларнинг амалий безак санъатига оид тарихий ва миллий хусусиятлари, анъаналари ва урфодатларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш талаб қилинмоқда.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлат сиёсати миқёсига кўтарилиган муҳим вазифалардан бири - бу асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улкан, бебаҳо, маънавий ва маданий меросни қайта тиклашдан иборат бўлди.

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, қадимда аждодлар

³⁴ Каримов И.А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисолий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Узбекистон, 1995.-95 6.

³⁵ Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиёти пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997. -64 б.

«Устоз-шогирд одоби» асосида ёшларга хунар ўргатиш бўйича бой тажрибага эга бўлишган. Лекин, кейинги вактларда уларнинг бой меросидан ҳамда тажрибаларидан таълим-тарбия муассасаларида кент ва тўлик фойдалана олинмаяпти. Бунинг сабабларидан бири - «Устоз-шогирд одоби» анъаналарини чуқур ўргатилмаётганилиги дарид.

«Устоз-шогирд одоби» анъаналарига оид аждодлар тажрибалари ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундан ташқари уларнинг бой тажрибаларини ҳозирда хунар ўргатилаётган жойларда, чунончи ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида, шахсий уста-шогирд асосида ўргатилаётган устахоналарда «Устоз-шогирд одоби» анъаналари тўлиқ ўргатилмаслиги ўкувчи ёшларнинг ахлоқи, одоби ва билим даражаси, умуман, уларнинг маънавияти шаклланиши маълум даражада тўлиқ бўлмаяпти. Шунинг учун ҳам аждодлар томонидан қолдирилган амалий безак санъатига оид анъаналар ва маънавий меросдан тўғри, оқилона ва унумли фойдаланиш лозим.

Бу камчиликларни бартараф этишда аждодларнинг қолдирган маънавий хазиналаридан ўринли фойдаланиб, ёшларга касб-хунар ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Асрдан-асрга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган улуг аждодларнинг амалий безак санъатига оид миллий-маънавий мероси жаҳон цивилизацияси дурдоналарини ташкил этар экан, Унинг шахс камолотидаги аҳамияти ҳам чексиздир.

Илмий таҳлиллардан маълум бўлдики, ўтмишда ҳар бир хунарнинг авлоддан авлодга ўтиши ўртасида ўзига хос жиҳатлари мавжудки, булар фақат шу хунар эгаларига хос бўлган жиҳатлардир. Шунингдек, ҳар бир шаҳар, вилоят ва туманларда касб-хунарнинг ўргатилиши авлоддан авлодга ўтиши, маҳсулотларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг сотилиши ўртасида ҳам ўзига хослик мавжудлиги маълум бўлди.

Ҳар бир ҳалқ келажак авлодларига ўзидан қолдирган бетакорр хунарлари билан қадрланган. Ўзбекистон қадимда хунармандлар маркази бўлган. Масалан, Андижон вилоятидаги Шаҳрихон, Самарқанд вилоятидаги Ургут, Фарғона вилоятидаги Кўқон, Наманганд вилоятидаги Чуст каби шаҳарларда амалий безак санъатига катта эътибор берилган. хунармандлар ўтган даврларда маҳаллаларга бўлинниб яшаганлар, чунончи, заргарлик маҳалласи, пичоқчилик маҳалласи деб юритилган. Ўша даврларда мисгарлик,

бўйрачилик, сандиқчилик, пичоқчилик, аравасозлик, кулолчилик каби маҳаллалар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Бухорода бўйрачи маҳалласи бўлиб, у ерда бўйра тўқийдиган усталар яшаган. Бўйрачи маҳалласида 120 та оила яшаган.

Ҳар бир ҳунармандчилик маҳалласидаги қўни-қўшнилар ўртасида рақобат бўлган. Чунки, кимнинг маҳсулоти сифатли бўлса, халқ ўшанинг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиб олган. Шунинг учун ҳам ҳар бир уста сифатли маҳсулот тайёрлашга интилган. Ҳар бир устанинг алоҳида-алоҳида растаси бўлган. Одатда, бозорда бозор беги бўлган. У барча расталарга келтирилган молларни кузатиб, уларга нарх белгилаб чиққандан кейингина савдо-сотик бошлигар эди. Сифатсиз маҳсулот ишлаган устанинг бозори касодга учраган.

Уста ўтмишда ҳунармандларнинг энг билимдони ҳисобланган. Чунки, у мадрасада таҳсил олган бўлиб, адабиёт, тарих, мусика, математика, кимё фанларини яхши билган. Ўша даврларда уста шогирдликка ўз фарзандини ёки қариндошларидан бирини олган. У шогирдликка болаларни 7-8 ёшдан олган. Ўқиш-ўрганиш 7-12 ёшлар атрофида бўлган. Устози шогирдлари билан кундузи ишлаб, кечкурун эса устоз раҳбарлигига шогирдлари савод чиқаришган. Шогирдлар ўз устозларидан геометрия ва кимёни ҳам ўргангандар. Шогирднинг кўлидан мустақил иш келгандан кейингина усталар унинг ишларини муҳокама қилишиб, сўнгра уста номини берганлар.

Устанинг ўғли ота касбини ёшлиқдан ўрганиб борган. Бу эса, уни келажакда яхши ҳунарманд бўлиб етишишига замин яратган. Устанинг фарзанди бўлмаса, у бу касбни энг яқин қариндошларининг фарзандларига ўргатган.

Хуллас, касбнинг авлоддан авлодга мерос қолиши ва ўтиши анъана ҳисобланган. Устоз шогирдга қаттиққўл ва талабчан бўлган. Чунки, ҳар бир ҳунарни ўта нозик дид ва сабр-тоқат билангина ўрганиш мумкин бўлган. Усталар шогирдлар учун маҳсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш вактида чалғимасликни, эгри ва номаъкул ишларга яқин йўламасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга кўл урмасликни қатъий талаб қилганлар.

Ўзбек усталаридан бири - ганч ўймакори уста Усмон Икромов-

нинг ҳаёт йўли ибратли бўлган. Ёш Усмон уста Расулҳожининг кўлида 8 йил ишлайди. Беш йилгача ҳафталик ҳақи 10 тийиндан ошмаган. Ҳар пайшанба куни Расулҳожи шогирди қўлига 10 тийин берган. Усмон пулни олиб бозордан онаси ва икки синглисига егулик олган.

Олтинчи йилига ўтганда Усмоннинг ҳафталик иш ҳақи 50 тийинга, саккизинчи йилга ўтганда эса, кундалик иш ҳақи бир сўмга чиқди. Бу пайтда у иморат ишидаги оддий чўпгарликдан тортиб, гишт териш, сувоқ, ганч ўймакорлигини мустақил бажара оладиган бўлганди. Ниҳоят саккиз йил деганда Усмон устаси Расулҳожидан оқ фотиҳа олиб, уста номига сазовор бўлган.

Бухородаги ҳамма ганчкор усталарга ганч маҳсулотлари сотадиган бойлардан бири Абдуқодир бир куни уста Ҳаётни чакиради ва янги уйни ганч билан безамоқчилигини айтади. Уста Ҳаёт эса, бу ишни 22 ёшли Ширин Муродовга топширади. Бу иш Шириннинг биринчи мустақил иши бўлди. Ширин меҳмонхона безакларига оддий бежирим нисбатларини сақлаган ҳолда бир бутун кўринишни беради. У меҳмонхона ва айвонларни чиройли (бежирим) безайди. Ундаги ўйма ганчлар жуда ажойиб, майнин чиққанлиги сабабли усталар орасида ҳурмати янада ошади. Уста Ҳаёт кунлардан бир кун Ширинни олдига чакириб: "Мен сендан ҳурсандман энди мустақил ишлайверсанг бўлади",-дейди. Азалий одат бўйича унга усталар ўртасида уста номини беришади. Ширин Муродов шундан сўнг халқ ўртасида уста деган шарафли номга мұяссар бўлади.

Ўзбек меъморлари яхши яшashi учун ҳар жиҳатдан қулай, шинам, чиройли уйлар қурганлар. Ўзбекларнинг ҳовли-жойи тугал бир меъморий мажмуани ташкил этиб, ўзига хос шарқона файзга эга бўлган. Бу курилган уйларни бир-бирига узвий қилиб курилиши ва безалиши бир санъат даражасида бўлган.

Ёғоч ўймакорлиги бўйича ишлаётган шогирд устанинг уйида ёки ўзининг уйида турган. Шогирдни яхши ва пухта ўргатиш учун аввал уни меҳнатга ўргатган ва шу ҳунарга табиий ҳолда қизикишини оширган. Бунинг учун устоз шогирдига уйидаги майда-чуйда уй ишларини буюрган. Кейин эса, устага асбоб-ускуналарни олиб бериб туриш ёки хом ашёни тайёрлаб туриш, кейинчалик эса эшик, деразаларни, устунларни ўрнатишга ва нақшларни ўйишга ўргатган. 3-4 йиллардан сўнг яхши тажрибали шогирдига уста пул ишлаб келиш учун 15-20 кунга рухсат берган.

Шогирдга уста номини беришнинг ўзига хос жиҳатлари ва ўзиға хос урф-одатлари бўлган. Бу тантанавий кечада шогирднинг отонаси уйида ёки уста уйида ўтказилган. Кечада шогирднинг қариндошлари, устознинг қўлида ишлаёттан бошқа шогирдлар, усталар, муллалар иштирок этишган. Усталарнинг каттаси-оқсоқол ёки устакалон унинг ёрдамчиси пойкор-уста номини олаётган шогирднинг бошига салла ўраган. Чопон кийгизилиб, белига қийиқча боғланган ва қийиқчага арра ёки теша қистириб қўйилган. уни уста ва дўстлари табриклаганлар. Кейин катта уста дастурхондан ёпган нонни олиб кечанинг сабабчисига қараб: «Борсанг ҳам ўзингни куйган кулчангни кўрсатгин», - деб нон берган. Бундай урф-одатларнинг ҳар хил турлари бўлган. Баъзи урф-одат бўйича бўлажак устага бирор бир уйни мустакил безаш топширилади. Уйни бўлажак уста битказгандан сўнг, бошқа усталар унинг ишини текширадилар ва баҳо берадилар. Агар усталарга маъкул тушса, унга «уста» деган унвон берилган. Шундан сўнг ёш устага бошқа шаҳарларга бориб ишлашга рухсат берилган ёки баъзи ёш усталар ўз устасига «халифа» бўлиб, унинг бошчилигида ишлаб юрганлар.

Шаҳардаги энг тажрибали усталардан бири усталар оқсоқоли этиб сайланган. Агар оқсоқол бирор ноҳақ иш қилиб қўйса, унда бирор мажлисга оқсоқолнинг ёрдамчиси борган ёки ҳамма усталарни йиғиб қайта оқсоқол сайлашган. Бухорода эса, оқсоқолни сайлаш бошқачароқ бўлган. Усталар Бухоро хонига маҳсус ариза ёзар эдилар. Шундан сўнг Бухоро хонидан «сарпо» ва маҳсус қарор, яъни «ёрлик» олинган. Халққа қарорни ўқиб, янги бўлган устага сарпони кийдирганлар.

Бухорода XIX аср охири XX аср бошларида дурадгорлар бошлиғи уста Ғулом, Ўратепада эса уста Карим Кажорбоши (уста Абдукарим Абдуҳоликов) бўлган. Ўратепалик халқ усталарини Юқори Зарафшон қишлоқларида масжид, мадраса, турар-жой биноларини безаш учун таклиф этганлар. Улар наққошлиқ, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва бошқа ишларни бажарганлар.

Усталар уюшмаси турар-жойларга усталарни ишлашга юборган. Уларга иш ҳақи тариқасида ишлаган жойларида кийимлар, қўй, сигир, эчки, ер ёки пул берилар эди. Усталар орасидаги ўзига хос жиҳатларидан бири - бу ўзаро мусобақалар ўтказиш бўлган. Уларнинг ишлари кўргазма шаклида ўтказилиб, катта усталар томонидан баҳоланган.

Масалан, Ўратепанинг кўк Гумбаз маҳалласида Мавлоно Эшон мақбарасининг икки табақали ўйма эшигини ясаш ва безаш ишини уста Карим ва Абдуқодир Хорротларга топширилди. Улар биттадан эшикни ўйиб безатдилар, бу эшиклар бир қанча усталар томонидан баҳоланди. Уста Абдуқодирнинг эшиги 70 та олтин танга ва уста Каримнинг эшиги эса 100 та олтин тангага баҳоланди.

Уста Карим ясаган ва безаган эшикнинг юқори баҳоланиши нинг сабаби, эшикнинг юқори ярим доира қисми нақш композицияси билан безатилганида эди. Абдуқодир уста ясаган ва безаган эшикнинг факат тепа қисми учли бўлиб, унга деярли нақш композицияси билан ишлов берилмаган.

Наққошлик технологияси авлоддан авлодга ўтиб келган. Қадимда наққошлар нақш яратиш сир-асрорларини ёзиб қолдирманлар, уларни фақат шогирдлари билган. Шогирдлар ҳам уста бўлгандан сўнг, ўз шогирдларига ўргаттан. Шундай қилиб, наққошлик касбини анъана тариқасида авлоддан авлодга ўтказиб ривожлантириб келганлар.

Ўрта Осиёда бошқа ҳунарлар каби зардўзлик ҳам жуда кенг ривожланган. Зардўзлик ҳунари авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келган. У ҳақидаги маълумотлар 2-иловада келтирилган.

Ҳунар ўрганишнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бўлғуси ўймакор уста мадрасада таҳсил кўрган бўлиши, шеърият ва мусиқа сирларидан воқиф бўлиши, ҳатто мусиқа асбобларини бироз бўлса ҳам чала билиши шарт қилиб қўйилган. Айrim усталар ўз шогирдлари учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаълум ишларга яқин йўламасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга кўл урмасликни қатъий талаб қилганлар.

Машхур меъмор - уста А.Ҳаққулов ўзининг³⁶ «Таъмир санъати» китобида севимли устози Уста Шамсининг шогирдларига бўлган муносабатини шундай хотирлайди: «Ўсмирилик йилларимда, ҳалқ амалий безак санъатига меҳр қўйган яқин дўстларим, яъни падарибузрукворимдан мени шогирдликка сўраб, келажакда менинг меъморчилик асбобларимга сохиблик қилсин, деган эзгу истакларини билдирилар. Улар шу кундан бошлаб меъморчиликнинг барча сир-асрорларини менга ўргата бошладилар. Уста

³⁶ Булатов С.С., Юлдашев Х.А., Турдиева Ш.Э. Одобнома. (Академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун қўлланма).

Шамси ўта камтарин, оддий, камсукум инсон эди. Аммо, у шогирдларини жон - дилидан севарди. Юрагимиздаги гапни очик айтадиган бўлсак, у бор меҳри, илми ва ақли-заковатини шогирдларига бағишилар эди. Мен ана шундай зуккотаъб ва ҳушсухан инсон паноҳида камолга етганимдан ҳалигача фахрланаман.

Давлат мукофоти лауреати, Меҳнат ордени соҳиби, Ўзбекистонда машҳур ҳалқ устаси Уста Шамси ҳалқ амалий безак санъатининг барча мураккаб жиҳатларини жуда чуқур билар эди. У шогирдларидан ҳам худди шуни талаб қилар, эринчоқ, ишга енгилелли қарайдиган, гўзалликни севмайдиган, тарихий обидаларга менсимай кўз ташлайдиган йигитларни жини сўймасди. Мен бу камтар инсоннинг ёқимтой, нуроний сиймосини тасвиrlашда амалга оширган ишларини, шогирд тарбиялашдаги ғайратшижоатини бутун ҳаёлимда гавдалантирарканман, Уста Шамси Фофуров келажак учун, гўзаллик учун, унинг қадри учун, эзгулик учун қанчалик қайтурганлигини яққол тушуниб турибман. Мен шогирд сифатида ҳамиша бу фидокор инсон олдида бурчлиман. Ҳалқ маданий меросини асраб-авайлашга эътиборнинг ошаётганлиги Уста Шамси сингари ҳалқ усталари анъаналарини кун сайин ривожлантиришни, шогирдлар тарбиялашда ғамхўрликни кучайтиришни тоқазо этади".

Устоз деган номни олиш қийиндир. Бу шарафли номни олиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Бу улуғ номни олиш учун кўп йиллар давомида мураккаб синовлардан ўтиши лозим бўлган. Кўплаб хунармандлар орасида бу шарафли номга камдан-кам инсон мұяссар бўлган.

Туркий ҳалклар қадимий маданиятининг жаҳон тараққиётидаги ўрни салмоқлидир. Ҳурисон, Моварауннаҳр, Афросиёб, Сўғдиёна, Марокант, Турон, Туркистон ва бошқа жойлар бутун дунёга машҳур бўлиб, табарруқ бу заминда Аҳмад Яссавий, Ал-Беруний, Ал-Форобий, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий сингари буюк алломалар ҳамда Спитамен, Широқ, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Таробий, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалардек жасур ўғлонлар дунёга келдилар. Улар ўз ҳалқининг баҳт-саодати, маданияти учун жисман ва маънан курашдилар. Шунинг учун ҳам жаҳон аҳли уларнинг эзгу амалларини олқишилаб, ҳануз табарруқ зотлар дея ўз қалбларида муқаддас тутмоқдалар. Улар, айниқса, ёшларнинг тарбиясига,

хунар ва илм олишига катта эътибор берганлар ва буннга доимий равишда чақириб келдилар. Мутафаккирлар «Бир йигитга етмиш хунар оз», деб бежиз айтмаганлар. Улар: «Эй, фарзанд, агар оқил ва доно бўлай десанг, хунарманд бўлишни ўйла. Хунарманд бўлсанг иззат ва ҳурматга эришасан, агар хунардан бебаҳра бўлсанг, куруқ, соясиз дараҳтга ўхшаб қоласан. Эй, фарзанд, ақлли, фаросатли ва илму хунарли кишилар билан дўст бўл. Хунарсиз кишида ҳосият бўлмайди. Мехнатдан, илму хунар ўрганишдан узоқлашма», деб таъкидлашган.³⁷

Хунар ўрганиб, илму одоб эгаси бўлган одам оламда ўз ўрнини топади. Мехнат қилиш ва уни элга манзур этишнинг ҳам ўзига яраша одоби бор. Сиз куйида келтирилган ҳалқ донишмандларининг панду насиҳатларига амал қилинг дейилади: «Ҳар бир ишни ҳалол бажариб, охирига етказинг. «Мендан кетгунча...» тариқасида иш қилманг, ишни қўл учида қилишдан сақланинг, чунки бундай одамларнинг ҳалқ ўртасида обрў-эътибори бўлмайди.

Қўлингиздан келмайдиган ишга асло киришманг, бундай ишни охири ҳижжатчилик ва бебурдлик билан тугайди. Ҳалқнинг «чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган ўтитика амал қилинг. Кўпчилик билан меҳнат қилганда, ўзингизни орқага ташламанг, юкингизни бировга солманг, гирромлик ва мугомбирилик қилманг.

Хунарсиз киши фойдасиз бўлиб, на ўзига, на ўзига нафи тегмайдиган тиконли бутага ўхшайди. Хунарсиз кишини худди тирик мурдага ҳам ўхшатиш мумкин. Агар сизга бирор хунарли киши учраса, уни маҳкам ушланг, унинг хунарини яхшилаб ўрганинг. Хунардан яхшироқ нарса йўқдур ва донишманддан улугроқ нарса йўқдур, шармдан яхшироқ зевар йўқдур ва бадхўйликдан ёмонроқ душман йўқдур. Хунарни ёшлиқда ўрганиш ҳамда ҳар бир дақиқани бекорга ўтказмаслик керак. «Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир», деган нақл бежизга айтилмаган.

«Эй фарзанд, сен ҳам хунарни донодан ўрганмасанг, нодондин ўрганғил. Барча катта, кичикка хунар ўрганмоқ вожибидир, нединким киши хунар ўрганмоқ билан ўз ҳамроҳларидан баланд мартабада бўлур. Чунки, ўзингда, ўз тенгларингда ул фазилатни кўрмасанг, ўзингни улардан баланд кўрасан ва улар сени ўзларидан

³⁷ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоилилари. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -95 б.

баланд мартабада билурлар. Хунарманд киши уларким фазли ва хунар сабаб билан қадр ва мартабаси ўзгалардан баланд бўлғон эканини билиб фазл ва хунарга аввалидан зиёдроқ ҳаракат қилғай ва бурунғидан зиёдроқ фозил ва хунарманд бўлғай. Ҳар кишини бундоқ қилса, тезда ҳалқининг орасида азиз ва улуғ бўлғай. Бас, буни билғон киши фазл ва хунардин қўл тортса, бу ақлсизлик нишонасиdir. Хунар ўрганмокда меҳнат қилмоқ, баданин ялқовлик, яъни бекорчиликдан кутқармоқ фойдалиdir. Нединким бекорчилик баданинг фасод ва беморлиғига сабаб бўлур». ³⁸

Хуллас, ҳунар адо бўлмас бойлиkdir. Ҳалқимиз ва унинг донишмандлари асрлар давомида ҳунар ҳақида тўплаган тажрибалирини ахлоқий ва фалсафий фикрларини қисқа сатрларда бадиий ифода этганлар. Бу қисқа сатрларда бир дунё маъно мужассам.

Донолар ёшларга ҳунар ҳақида қўйидаги насиҳатларини берадилар: «Бир донишманд фарзандига шундай панду насиҳат қиласди: Азиз ўғлонларим ҳунар ўрганинглар, зероки, мол дунёга ишонч йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлиdir, қароқчи ўғирлаб кетади. Аммо ҳунар қайнар булоқ, тугалмас давлатdir, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқdir, чунки ҳунарнинг ўзи давлатdir.

Хунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади Ҳунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қиласди». ³⁹

Олиму фозиллардан Луррамий айтади: «Бир қари чол киши ҳар вақт ёшларга: "Болаларим, ёшликни ғанимат билинг, факат ўйин-кулги, кайф-сафо билан ёшлик даврингизни зое этманг, ўқинг, ўрганинг, илмли, ҳунарли бўлинг. Агар ёшлик даврингизда ўзингизни тўтиб қолмасангиз, кейин қаттиқ пушаймон қиласиз, лекин фойда бермайди", -деб насиҳат қиласди. Шу ҳурматли чолнинг насиҳатларига амал қилган ёшлар баҳт-саодатли бўладилар». ⁴⁰

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон Республикасининг турли минтақаларида амалий безак санъати соҳаларининг ривожланиши турлича бўлган. Бу уларнинг жойлашган ҳудудига, табиатига ва у

³⁸ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати (Панднома). -Т.: Ҳалқ мероси, 1994. -112 б.

³⁹ Донолар бисотидан. Тузувчи ватаржимон ШШомухамедов. (Мухаррир Миртемир). -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. -3126.

⁴⁰ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати (Панднома). -Т.: Ҳалқ мероси, 1994. -112 б.

ердаги маҳаллий, шарт-шароитларига боғлиқ бўлган ва мавжудлари яхши ривож топган. Масалан:

- Тошкент воҳасида: ганчкорлик, мўъжаз рангтасвир, наққошлиқ, суяқ, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, каштачилик ва бошқа ҳунармандчилик соҳалари;
- Зарафшон воҳасида: зардўзлик, ганчкорлик, мисгарлик, кулолчилик, дўппичилик;
- Фарғона водийсида: наққошлиқ, ганчкорлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлиқ, кулолчилик, каштачилик, мўъжаз санъати;

Хоразм воҳасида: накқошлиқ, кигизчилик, гиламдўзлик, ёғоч, тош ўймакорлиги, меъморчилик санъати.

Ота-боболаримиз болани туғилмасданоқ ҳунарга ўргатиш керак дейдилар. Бу гапда чуқур фалсафий маъно яширингган. Қадимдан ҳунарманд оиласлари жуда кўп соҳаларга бўлинган, масалан, заргарлик ҳунари билан шуғулланаётган оиласда кичик боладан тортиб, чолу кампирлар ҳам шу ҳунар билан шуғулланганлар. Бола она қорнида бўлганида она заргарлик буюмларини тайёрлаётганида, яъни материалларга ишлов беришда ёки бошқа нарсаларни бажараётганида, бола айнан шу материаллар ҳидига ўрганган, нафас органлари орқали нафас олиб, шу ҳидларга мослашган. Бола туғилгандан бир қанча вақт ўтгандан сўнг заргарлик буюмларини кўлида ушлаган ва ўйнаб юрган. Аста-секин бола ота-онасига заргарлик буюмларнинг қисмларини букиб ёки тайёрлаб бериб туриш каби ишларни бажарган. Кейинчалик бу табиий қизиқиш натижасида етук уста бўлиб, ота- онаси ҳунарининг давомчиси бўлган.⁴¹

Олима Д.А.Зоҳидова⁴² «Ҳунармандчиликка кириш» маҳсус курси бўйича дастур ва услубий тавсияномасида ҳунармандчилик устахоналарининг низоми, яъни «Рисола» ҳақида куйидагича баён этган. Ҳунармандчилик рисоласида «Удумлар низоми» мавжуд бўлиб, унда касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига мўлжалланган ҳунармандчилик тарихи, анъанаси ва усуслари ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, у ўзининг «Ҳунармандчиликка кириш» маҳсус курсини ўрганиш рисоласида ўқув режаси ва дастури Мазмуни,

⁴¹ Юлдашев Х.А. Ҳунармандчилик одоби. ЙГК Мактаб ва қаёт. 2003, № 5. 8 б.

⁴² Зоҳидова Д.А. «Ҳунармандчиликка кириш» маҳсус курси бўйича дастур ва услубий тавсиянома. -Т.: ЎМКХТРИ, 2001. 17 6.

машғулотлар намунаси ва ҳунармандчиликка оид асарлардан айрим парчалар келтирган бўлиб, ундан уста-хунармандлар ва уларнинг шогирдларининг маънавий ҳаётлари ҳамда меҳнат фаолиятларини белгилаб берувчи меъёрий хужжат сифатида фойдаланиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, турли соҳа ҳунармандчилик рисолаларининг тузилиши бир хил. Уларнинг барчаси Оллоҳга, Унинг пайғамбариға ва издошларига ҳамду сано билан мурожаат қилишдан бошланади, сўнгра муайян бир ҳунарнинг илоҳий келиб чиқиши ҳақида ҳақиқатгўй имом Жафар томонидан ривоят қилинади, чунки у барча ҳунарларнинг тузувчисидир. Сўнгра, ҳунарманд ўзининг меҳнат фаолиятида қандай ҳикматли, диний ёки бошқа гапларни айтмоғи лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилади ва ниҳоят, пировардида ҳунармандга рисола қоидаларини бажаргани учун мукофот, ушбу қоидаларни бузгани ёки бажармагани учун жазо ваъда қилинади.

Рисолага биноан шогирд барча авлиё ва ҳунар ҳомийларининг номини, ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида ўқиладиган Қуръон сураларини айтиб бермагунча устоздан «такбир» (руҳсат ибодатини килиш орқали мустақил равишда ҳунар билан шуғулланишга руҳсат) ололмаган.

Аммо, биз учун ўта мухим нарса шундаки, барча рисолалар жуда катта руҳий-маънавий куч-кувватга эга. Улар бажариши мажбурий бўлган маънавий қонун-қоидалар, яъни фарзларни ўргатадилар ва ушбу ҳунарга мансуб одамлар бу қонун-қоидаларга риоя қилишлари шарт бўлган.⁴³

Қадимда ҳар бир ҳунар муқаддас ҳисобланган. Ҳар бир ҳунарнинг ўз усталари ва унинг шогирдлари бўлган. Аждодлар томонидан устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқнинг маҳсус қонун-қоидалари, урф-одатлари, маданиятлари, илмлари, дуолари, миллий анъаналари ишлаб чиқилган бўлиб, улар бу қоидаларга қатъий риоя қилганлар. Устознинг ҳам, шогирднинг ҳам ўз олдиларига кўйилган ўзига яраша вазифа ва бурчлари бўлган.

Уста ўз шогирдига қаттиқкўл, талабчан бўлган. Усталар ўз шогирдлари учун маҳсус одоб талабларини ишлаб чиқсанлар. Булардан ташқари ҳунармандларнинг ахлоқ-одоби, ҳунарманд ва ҳаридор ўртасидаги муносабатлар одоби мезони; шогирдлик одоби;

⁴³ Зоҳидова Д.А. «Хунармандчиликка кириш» маҳсус курси бўйича дастур ва услубий тавсиянома. -Т.: ЎМКХТРИ, 2001. -16 б.

устоз ва дўстларга хурмат; шогирднинг устоз олдидаги бурч ва вазифалари; устознинг шогирд олдидаги бурч ва вазифалари; ҳунарманднинг касб маданияти; уларнинг одоб қоидаси сингари мезонлар ишлаб чиқилган (2-чизма).

Хунарманд ва харидор ўртасидаги муносабатлар савдода поклик ва адолатлилик, тўғрилик, хушфеъллик, нафсни тийиш, камбағал-бечораларга хайру эҳсон қилиш, маҳсулотнинг асл баҳосини билмаганлар билан тўғри муомалада бўлиш, ваъдага хилоф этмаслик, бажара олмайдиган ишга ваъда бермаслик кабилар асосида курилган. Шунингдек, бўлғуси устани мазкур маҳсус одоб талаблари асосида шаклланган шахс бўлиб етишиши талаб этилган. Аждодлар томонидан ҳунармандлар ўзларини қандай тутиши ҳақида ўзига хос қонун-қоидалари ишлаб чиқилган. Алишер Навоийнинг замондоши олим, мударрис Ҳусайн Воиз Кошифий «Ким билан дўстлашиб керак» деган рисоласида ҳунармандлар ўзларини қандай тутиши кераклиги ҳақида баён килинган.

П боб. Кичик мутахассислар тайёрлашда ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг методик асослари


2.1. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини мантиқий моделлаштириш асосида ўргатиш методикаси

Қадимий ва қўхна маданиятимизни, илм-маърифатни ўрганиш ва уларни ёшларга ўргатиш маънавий қиёфамизни бойитишда катта аҳамиятга эга. Бу бебаҳо меросни ёшларимизга ўргатиш ҳозирги замоннинг муқаддас ва асло кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири бўлиб қолмақда. Ёшларни тарбиялашда ва уларга илм ҳамда ҳунар ўргатишда Шарқ ҳалқлари педагогикасидан яъни кўп асрлар мобайнида ривож топиб, шаклланган ажойиб, маърифий бойликни, улуғ олиму-фозиллар, буюк донишмандларнинг пурҳикмат асарларини, ибраторуз фикрларини ҳар соҳада фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай нодир панд-насиҳатлар бошқа ҳалқларнинг маданий меросларида ҳам учрайди. Масалан, Англияда чоп этилган бир китобда “Кўзадаги икки қурбақа” деб номланган ривоят берилган бўлиб, жуда таъсирли эди. Унда қуидагилар ҳақида сўз юритилган: Икки қурбақа сут солинган кўзага тушиб қоладилар. Улар кўзадан чиқа олмай, бир қанча вақт суза-суза жуда чарчаб, толиқиб қолишади. Чарчаб ҳолдан тойган қурбақалардан бири иккинчи қурбақага шундай деди: “Бизнинг умримиз шу кўзада тугар экан. Иккимизнинг пешанамизга кўза ичида ўлиш ёзилган экан, жонимизни бекорга, ҳар қанча қийнаганимиз билан бефойда”, - деб, умидсизликдан сўнг шўнғиб жон беради. Иккинчи қурбақа зўр бериб, тиришиб айланиб сузаверади, сузаверади, сузаверади. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг, сут суzmага айланиб, коптот ҳолиги келиб қотиб қолади. Шунда қурбақа унинг устига чиқиб, қолган бор кучини тўплаб кўзанинг ичидан сакраб чиқиб кетади”.

1-расмда “Кўзадаги икки қурбақа” номли ривоятдаги икки қурбақанинг икки тақдирни мантиқан тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда биринчи қурбақа билан иккинчи қурбақанинг қилган амаллари ўз ифодасини топган. Биринчи қурбақанинг ҳаракатлари салбий образ тарикасида олинган ва унинг салбий фазилатлари яъни, хаётда иродасизлиги, тушкунлиги, умидсизлиги, сабрсизлиги, яхши ният қилмаслиги ва бошқа салбий фазилатлар санаб ўтилган.

Иккинчи курбақа ижобий образлари ўз аксини топган. Жумладан: ҳаётда иродалилиги, тушкунликка тушмаслиги, умидворлиги, яхши ният қилиши, сабрлилиги ва бошқа фазилатлари кўрсатиб ўтилган. Икки хил образ орқали умумий ғоя ўз ечимини топган.



1-расм. “Кўзадаги икки қурбақа” номли ривоятнинг мантиқий гоясининг модели.

Ўйлашимизча, ривоятларнинг энг таъсирили жойи унинг фалсафий мазмунида, агар инсон ҳаётида ҳар қанча қийинчиликларга бардош берса, сабр-қаноат билан яшаса, ўз ниятларига албатта етишади деган ибратомуз насиҳатнинг борлигига экан. Ҳикоянинг мағзини қисқа сўз билан айтганда “Ҳаёт курашдан иборатдир” деган ғоя ётади. Ана шу ғоя бизнинг ҳаётимизда илм ва ҳунар турларини сабр, чидам билан эгаллашга бўлган инти-

лишимизда руҳий озуқа, яъни маънавий мадад беради. Унинг ёрдамида ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган кўпгина вазифаларимизни эзгулик йулида ҳар қандай кийинчиликларга қарамай, уни енгиб ўтишга ундейди.

Шундай экан, ривоятнинг ўзи нима ривоят яратилишининг сабаблари нима? Ривоятлардаги асосий гоя ва мантиқ нимада? Ривоятларни тарбиявий аҳамияти нимада? каби саволлар ўз-ўзидан туғилади.

Ўзбек халқ оғзаки насрининг ўзига хос жанрларидан бири бўлган “ривоят” аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилиб, тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб, муайян бадиий силсила ҳолатига келган тафаккур мўъжизаларидан бири бўлиб саналади.

Ривоят – арабча “ҳикоя қилмоқ” деган маънони билдириб, оғзаки ижоднинг насрый тури, яъни воқеликни ҳаётӣ, баъзан уйдирмалар воситасида ҳикоя қилувчи реалистик ҳарактерга эга. Ривоятларнинг тарихий шахсларга боғлиқ бўлган ва топоним ҳарактеридаги турлари мавжуддир. Топоним ривоятлар фактик ҳодиса, шаҳар, кишлоқ, қалъа, сарой, каср, мақбара ва бошқаларнинг юзага келиш сабаблари билан боғлиқ воқеаларни ҳикоя қиласиди.

Тарихий шахсларга боғлиқ бўлган ривоятлар эса тугал, мукаммал ўзига хос кўринишга боғлиқ бўлган, масалан: Ибн Сино, Улугбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Машраб ва бошқаларнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеа, ҳодисаларга асосланади. Бу ривоятлар оғзаки ва ёзма кўринишда бизга анъана тариқасида етиб келган. Ривоятларнинг ҳар бири бирор мақсадга йўналтирилган бўлса-да, ўзига хос чуқур фалсафий фикрга эга бўлади.

Ҳозирда касб-хунар коллежларида энг муҳим масалалардан бири, ўтилаётган дарсларнинг самарадорлигини янада ошириш ва ўқувчиларга чуқур билим, тарбия беришдан иборатдир. Бу ўринда ота-боболаримиз маданий меросидан, миллий анъаналардан фойдаланиш, уларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга кўра дарс жараёида ривоятлардан ўринли фойдаланиш ижобий натижалар бермокда. Улар ўқувчилардан маълум бир фанга ва санъатга бўлган қизиқишини оширишга ҳамда ўтилаётган дарс мазмунини тез тушунишга ёрдам беради ва унинг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Энг муҳим шундаки, улар ўқувчиларнинг тарбиясига ижобий таъсир этади.

Дарсларда ривоятлардан фойдаланишда қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- бир неча ривоятни бир вақтда айтиб, ўкувчиларни чарчатиб, зериктириб қўймаслик;
- танланган ривоятнинг ўтилаётган дарс мавзусига мос бўлиши;
- уни тушунарли ва ифодали тилда хикоя қилиб бериш;
- ривоятдан дарс жараёнида ўз ўрнида кўллай олиш ва х.к.

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан бири ганчкорлик ҳунаридир. Мактабда ва мактабдан ташқарида ганчкорликдан олиб борилаётган тўгаракларда “Ганчкорлик тарихи” деб номланган мавзуни ўкувчиларга тушунтириш вақтида ўзбек тирихий обидалари ва уларининг безаги юзасидан сұхбат ўтказишида улар билан боғлиқ бўлган баъзи бир ривоят, хикоят, қизик тарихий воқеалар ва бошқалардан айтиб ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, “Шоҳи Зинда” ансамбли билан ўкувчиларни таништиришда у билан боғлиқ бўлган ривоятни айтиб ўтиш ўринлидир.

Халқ ҳунармандчилик турлари бўйича ташкил этилган тўгаракларда машғулотлар олиб боришда шогирд, уста ва устоз ҳақида сўз кетганда қуидагиларни айтиб ўтиш ўринлидир.

Шогирд, уста ва устоз деган номни олиш қийин. Бу шарафли номларни олиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Бунинг учун талабгорлар кўп йиллар давомида мураккаб синовлардан ўтганлар. Улар қадимдан ҳар бир қилган иши учун боши билан жавоб берган. Чунончи, уста деган номни олиш осон эмаслиги қуидаги ривојтда ўз аксини топган: “Бир киши ўзини уста деб атагани учун Бухоро амири қаттиқ ғазабланибди. Кўплаб ҳунармандлар орасида бу шараф камдан-кам одамга мұяссар бўлган экан. ғазабланган амир бу одамни зиндонга ташлашни, ҳунарини кўрсатиб, ўзини оқламагунча озод қилмасликни буюрибди. Унинг хеч қандай иш қуроли йўқ экан, ҳамиша ёнида олиб юрадиган личноғи билан бир кечада зиндон деворига шу қадар гўзал нақш чизибдик, бундай нақшларни факат эртак ёки тушда кўриш мумкин эди. У уста деган номини ана шундай оқлабди.”

Ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик ва бошқа ҳунар турларини ёшларга ўргатишда “ занжира ” мавзуси бор. Бу дарсда ёки машғулотларда занжира турларини ўргатишда “Чашмаи булбул занжира ” деб номланган ривоятни айтиб ўтиш мумкин. Унда накл қилинишича “... ўтган замонда бир подишохнинг ҳушрўй қизи

бўлган экан. У мисгар устанинг ўғлини севиб қолибди. Бу воқеа элга овоза бўлиб, подшо дарғазаб бўлибди-да, йигитнинг отасини зинданга ташлатибди. Йигит эса куну тун изтиробда янги нақш излабди. Нихоят кумуш баркаш ҳошиясига отасини банди этган занжирнинг тасвирини нақшлабди. Подшоҳ мисгарнинг ўғли бизнинг иродамизга шак келтирибди деб, унинг бошни танидан жудо этишни буюрибди. Ана шунда бир донишманд уста, йигит нақшлаган баркашни саройига келтирибди. “Шаҳаншоҳим, - дебди донишманд, - ёш йигитнинг бир қошиқ қонидан ўтинг. У занжир ҳалқаси ичидаги булбулнинг кўзини тасвирламоқчи бўлган экан. Лекин яsavуллар уни судраб келишган. Шу сабабдан бола пакир буннинг улгуролмай қолган”. У шундай дебди-ю, занжирлар ҳалқаси орасига нукталар қўйиб чиқиб, нақшнинг худди булбулнинг кўзига ўхшаб қолганини кўрган подшо йигитни кутқазибди. Шу-шу бу нақшни “чашмаи булбул занжира” дейдиган бўлишибди.

Баъзи болалар дарсда ёки тўгаракларда мен бу ҳунарни яхши ўрганиб олдим, деб шошқолоқлик қиласилар. Кейин эса ўзлари уялиб қоладилар. Чунки, бирор ҳунарни устоздан қиёмига етказиб ўрганиш жуда машақатли вазифадир. Шу ҳакида ҳунармандчилик машғулотларида “Шошқолоқ шогирд” ҳакидаги ривоятни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. “Қадим вақтда замонасининг етук кулолларидан бирининг ҳунарига эътиқод қўйган бир йигит келиб, устага шогирд тушади ва иш услубларини кунт билан ўргана боради. Шу аснода бир неча йиллар ўтади. Йигит устознинг барча санъатини тўла ўргандим деган ҳаёл билан: “Мен устамда бўлган барча ҳунарларни бекаму-кўст ўргандим. Лекин негадир уста менинг мустақил ишлашим учун оқ фотиҳа бермаяпти. Бундай юрсам юравераман, энди ўзим ишлашим керак” деган фикрни дилига жо қилиб, уйида худди устасиникидек кулоллик дасгоҳи ва хумдон ясади. У устасиникида бажарган барча услугуб, қоидаконунларга асосан ўзи мустақил иш бошлайди. Даствор коса, товоқлар лойини меъёрида тайёрлаб, қутилади-да, ҳумдонга теради. Очиги устасиникида бажарган ишлардан ортиқроқ қилиб, шошмасдан барча усулларни бажаради. Тайёрланган маҳсулотларни бозорга кулоллик раастасига чиқариб, майин латта билан артиб, териб қўяди. Унинг қаршиясига устаси ҳам ўзининг кулоллик маҳсулотларини чиқариб териб қўяди. Шунингдек, бошқа кулоллар ҳам ўз маҳсулотларини келтириб териб қўядилар.

Одатда, бозор беги барча расталарга келтирилган молларни кузатиб, уларга нарх белгилаб чиққанидан кейин, савдо-сотик бошланар экан. Бозор беги кулоллик растасига келгач, раста сардори бозор бегига: “бугун растамизга янги уста дастлабки ишини келтирди” деб маълум қиласди. Шунда бозор беги барча кулолларнинг ишини кузатиб, нарх қўя олмайди. Чунки келтирилган коса ва товоқларда нафислик, яъни жило йўқ экан. Шунда раста сардори ва барча йигилган кулоллар янги “уста” бажарган ишлардаги камчиликларни айтиб, келажакда бу нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида ўз маслаҳатларини берадилар. Шундай килиб, шогирднинг бозори косодга учрайди.

Эртаси шогирд устаси хузурига қелади ва ўзбошимчалик билан килган иши учун узр сўрайди-да, ўзи бажарган ишларнинг камчиликлари ҳакида маслаҳат беришини сўрайди. Уста шогирдига “камчиликларни иш давомида ўрганасан”, дейди. Хуллас, шогирд яна икки йил уста билан ҳамкорлиқда ишлайди. Лекин шогирд ўз хатоси нимада эканлигини тушуниб етмайди. Кунларнинг бирида хумдонда пиширилган коса ва товоқларни олиб, юқорида турган устасига узатоётуб, “Мен тайёрлаган коса ва товоқларнинг ҳам ранги, тузилиши ва кўриниши худди шундай эди, лекин нега бозорда булар нафис-у, менинг товоқларим хира эди” деб сўрайди. Шогирдининг тушунликка тушганини кўрган уста кунгли юмшаган ҳолда ҳали совумаган томокни икки четидан оҳиста ушлаб, юзига ва ён атрофларига пулфлайдида, кейин шогирдига “Унинг боиси шу” деб товоқни яна шогирдига узатади. Шогирд караса, товоқ юзидағи хираки кетиб, унинг ранги нафислашибди. Шунда ўзи ҳам хумдондан бир товоқни олиб, худди ўрганишда сабрсизлигидан уялган шогирд устасидан узр сўраб, миннатдорчилик билдирибди. Шундан кейин уста: Энди ўзинг мустақил ишлашинг мумкин” деб шогирдига оқ фотиха берган экан.”

Гиламдўзлик тўгараги машғулотларида ўқувчиларга ўз ишларини сифатли, озода бажаришлари лозимлиги уқтирилади. Шу ўринда ўқувчиларга “Моҳир гиламдўз уста” деб номланган бир ривоятни айтиб бериш мақсаддага мувофиқдир. “Қадим замонда бир подшоҳ қабулхонасига тўшалган гилам ўртасига ўт тушиб куяди. Подшоҳ дархол гиламни тўқиган устани чакиртириб, гиламнинг куйган ўрнини қисқа муддатда ямашни буюради. Уста гиламни уйига элтиб, уни асл холатидек ямайди ва эртасига келтириб

түшайди. Гиламга ҳарчанд синчилаб қараган хукмдор ва сарой ахли унинг куйган ўрнини топа олмай, устадан сўрашга мажбур бўлишипти. Уста гиламнинг орқа томонини ағдариб озроқ билиниб турган ямоқ ўрнини кўрсатибди. Шунда подшоҳ ва унинг атрофидагилар устанинг санъатига оফаринлар айтишибди”.

Хулоса қилиб айтганда, тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, ривоятлардан дарсларда ва тўгарак машғулотларида тўғри фойдаланиш куйидаги ижобий натижалар беради:

1. Ривоятлар ўқувчиларнинг шу фанга ёки хунарга бўлган қизиқишларини оширади.
 2. Ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиради.
 3. Дунёдаги воқеликка ва ишлаётган ишига фалсафий ёндашишларига ёрдам беради.
 4. Ўтилаётган мавзу ўқувчиларга тезроқ тушунтирилади.
 5. Ривоятлар орқали ўқувчиларга тарбия беради.
 6. Ўқувчилар бир оз бўлсада дам оладилар.
 7. Бажараётган ишларини: янада қунт билан ишлашга ва ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишга олиб келади.
- Мактаб ўқувчилари, халқ хунармандчилиги тўгарак раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчиларига ўз дарслари ёки машғулотларини янада қизиқарли ўтишлари учун ривоятлар, ҳикоятлар, афсонлар, тарихий воқеалар ҳамда хунармандликка хос ривоят ва ҳикоятларни тавсия этамиз. Булардан ўз дарсларингизда ва тўгаракдаги машғулотларингизда унумли фойдалана олишларингизга ишонамиз.

2.2. Амалий санъат асарларини бадиий таҳлил жарёнида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона каби йирик шаҳарларда археологик қазишлиар натижасида жуда чиройли безалган кўза, лаган, коса каби кулолчилик буюмлари топилмоқда. Айниқса, Афросиёб харобаларида топилган X-XI асрларга оид идишлар кишини лол қолдиради. Лаганларда жуда чиройли қилиб ишланган безаклар араб алифбосининг эпиграфика усулида ёзилган битиклар бўлиб, "Сабр шодлик калити", "Содик дўст баҳт эмасми", "Барака манбаи илмдир", "Олийхимматлик калити илмдир" каби ҳикматли ва сермазмун гаплар келтирилган. Бундай безакли

идишлар хона токчасини безаш билан бир қаторда ўзига хос шиор вазифасини ҳам ўтаган. Ўша даврларда ҳалқ донишмандлари ўз фикрларини тарғиб килишда бундай усууллардан ҳам фойдаланишган. Кулолларимиз оммани эзгуликка ундовчи, илмнинг қадр-кимматини акс эттирувчи шиорларни омма орасида ёйишга муваффақ бўлганлар.



Бу лаганда (Х—XI асрлар) эса араб зувиннинг куфий турида
“Олихимматлик қалити илмдир”, деб ёзилган



Афросиёбдан топилган лаганчага (Х—XI асрлар) араб ёзувиннинг насх турида «имл олишнинг аввали аччик ниҳояси шириндир», деб ёзилган. Бойлик—бойлик эмас қачонки у саҳий инсонда бўлмаса

Тошкентда ҳам археологик қазишмалар натижасида қадимда ишланган коса топилган бўлиб, косанинг ички қисмида ислимий нақш заминида ҳумо қуши бадиий образи тасвирланган. Бу билан кулол санъаткор ўз фикрини бадиий образ орқали фоний дунёда инсонларга тинчлик, яхшилик, баҳт-саодат, фаровоилик йўлидаги орзу-умидларига эришишларини ифодалаган.

Ўзбек миллый кулолчилик буюмларидан бири лагандир. Четлари бир оз кўтарилигандан, ликопчадан катта, қуюқ овқатлар, хўл мевалар солинадиган идишни лаган дейилади. Лаганлар қадимдан ишлатилиб келаётган идиш турларидан бири бўлиб, уни кулолларимиз ислимий, гирих, эпиграфик усулида ёзилган ёзувлар, ҳар хил куш, ҳайвонлар, хаттоги олам сурати билан безаганлар.

Лаган насиба рамзи бўлиб, у доира шаклида бўлгани учун оламни билдиради. Яъни инсон бу фоний дунёда хоҳ шоҳ, хаҳ гадо бўлсин ўз насибаси (ризқи) билан туғилади. Ҳеч бир одам бошқа

бир инсоннинг ризқини тортиб ололмайди. Муқаддас китобимиз Куръони Каримда ҳам ризқ ҳақида шундай дейилган:

"Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир..." (Худ.6).

"Ўз ризқу рўзини кўтара (ёки топа) олмайдиган қанчадан-қанча жонзодлар бордир. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам ризқу-рўз берур. У эшитувчи, билгувчи" (Анкабут, 60).

Ризқ ҳақида ота-боболаримиз шундай ривоят қиласидилар:

"Бир вақтлар заиф бир балиқчи ов қиласар экан, жуда кучли, катта балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб олишга балиқчининг кучи етмас эди. Балиқ қармоқни тортиб кетди. Буни кўрган бошқа балиқчилар: "Шундай балиқ илинган эди, қўлдан чиқардинг-а", - дедилар.

Балиқчи дўстларига:

- Эй, дўстлар! У балиқ менинг ризқим бўлмаса, балиқнинг эса дунёдан ризқи узилмаса, нима қиласай? Унинг ҳали бу дунёда ейишга овқатдан, ичишга сувдан ризқи бор экан! - деди.

Ризқсиз балиқчи Дажлада балиқ тута олмайди. Ажали етмаган балиқ ҳам қармоққа илинмайди, тўрга тушмайди. Ҳар бир одам бу дунёда ўз риқини ейди. Ризқи битганнинг ажали келади, ўлади".

"Ҳар бир жонзод ўзи учун тақдир берган ризқи битмагунча ўлмайди. Тақдир томонидан ёзилган ризқ ўз соҳибини (эгасини), албатта, топади. Шу сабабдан ризқ учун бошни ҳар тарафга урмаслик керакдир. Аллоҳ ўзи яратган қулларининг ризқини беради. Ҳар бир мўмин буни яхши билиши ва ўзини ёмонликлардан, ёлғондан, хийладан, бирорларни алдашдан сақлаши керак. Чунки ризқ Аллоҳга оиддир. Кулининг ризқини ўзи беради".

Кулолларимиз лаганнинг безагида балиқ тасвирини ишлаганлар. Балиқ хушёрлик ва ҳалол лукма рамзи. Бу безак орқали: инсонлар бу дунёда хушёр бўлинг, ўз ризқларингизни топаётганингизда эҳтиёт бўлинг. Ахир ризқ икки хил бўлади. Бири ҳалол, иккинчиси ҳаром. Сиз фоний дунёда ҳалол ризқингиз билан кун кечиринг. Ҳаром ризқ оқибати ёмон бўлади, дейдилар.

Хулоса қилиб айтганда, кулолчилик буюмлари амалда овқат ёки мева қўйиш учун ишлатилибгина қолмасдан, балки инсонларни тарбиялайди, руҳий озиқа ва фикр беради ҳамда инсонларни даволайди. Отә-боболаримиз қолдирган маънавий меросимизни давом эттириб, уларни чуқурроқ илмий ўрганайлик. Уларнинг

тарбиявий қирраларини ҳам халқимизга етказайлик, айниқса, ёшлатымизни маънавий дунёсини шакллантирайлик.

2.3. Касб-хунар ўргатиш жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш шакли, восита ва методлари

Ўзбекистон Республикаси порлоқ истиқбол сари босқичмабоскич дадил қадам ташлаб бораётган бугунги кунда соглом ва баркамол авлодни тарбиялаш жуда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Юртбошимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг бевосита ташаббуси билан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва маънавият тарбияси масалаларида кўплаб тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Президентимизнинг 1996 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялашда жиддий бурилиш бўлди, дейишимиз мумкин.

Табиийки, жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий тарбия заминида Куръони Карим, Ҳадиси Шарифлар ва Шарқу Ғарбда қомусий олимлар сифатида шуҳрат қозонган буюк мутафаккирларнинг маънавий мероси ётади. Зеро, дунё халқлари маданияти тарихида ҳеч қайси миллат бизлардек бой маънавият яратган эмас. Яқин вақтларгача «барча фанларнинг асосини юнонлар яратган», - дейиш, илмий адабиётларда одат тусига кирган эди. Аслида, юнонлар илм-фаннинг пойдеворини яратганлар. Шахснинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишини таъминлашда маърифат гояси етакчи эканлигини қадимиј аждодлар, яъни зардӯштийларнинг мақаддас китоби бўлмиш «Оқистон»да («Авесто») келтирилган тарихан инсон онги, илми ва маданиятини оширишга қаратилган фикрлар тасдиқлади. Дарҳақиқат, энг қадимги давр ва ўрта аср Шарқ маърифий фикр тараққиётida маърифат етакчи гоялардан бири бўлиб, у маънавий-рухий жараён сифатида ислом дини ақидалари билан уйғунлашиб, инсонни маънавий-ахлоқий баркамолликка ундаи ва мутафаккирларнинг дунёқарашларига ҳам таъсир кўрсатди.


Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида қабул қилинган «Таълим

түгрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да мухим аҳамият касб этади. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар узлуксиз таълим-тарбия тизими вазифаларини амалга оширишда ҳал килувчи омил бўлиб ҳисобланди. Ёшларда инсон-парварлик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда асрлар давомида тўпланганди маънавий хазиналарни уларга таълим ва тарбия жараёнида бериш лозим. Аждодлар қолдирган маънавий хазиналардан бири – бу ҳалқ оғзаки ижодидир.

Ўқувчиларни миллий анъаналар асосида дунёқарашини шакллантиришда учун ҳалқ оғзаки ижодининг ўрни бекиёсдир. Касбхунар коллежларида миллий анъаналарни ўқувчилар онгига сингдириш учун ҳалқ оғзаки ижоди (ривоят, мақол, ҳикмат, ҳикоя, достон каби) намуналардан фойдаланилади. Мазкур фойдаланиш, албатта, дарс ҳамда ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёнида амалга оширилади. Бу жараёнда таълим восита (миллий ва умуминсоний қадриятлар, оила, маҳалла, ўқув-тарбия жараёни каби)лари, шакл (*ташиклий шаклга кўра*; якка ҳолда, жуфтликда, гурӯхларда, гурӯхлараро; *машгулот ўтказилиши жойига кўра*; ўқув хонасида, ўқув хонасидан ташқарида; *машгулотнинг ўтказилиши вактига кўра*: қўшма, қўнғироқсиз)лари ва метод (ўтиг, насиҳат, маъруза, тушунтириш каби)ларидан унумли фойдаланилсагина ўқувчилар етук, шакилланган ҳамда талабларга жавоб берадиган мукаммал кичик мутахассис бўлиб етишадилар (5-чизма).

Ҳалқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири - ҳаёт ҳақиқатидан хабар берувчи ҳаёлий *афсоналардир*. Улар кишиларни келажакка ишонч, инсонларга ҳурмат руҳида тарбиялади. Ривоятлар эса, мавжуд ҳаётий маълумотларга таянган ҳолда, тўқималар воситасида инсоний қадриятлар, инсоннинг эзгу, орзуумидлари, армонлари, қувончлари, ғам-ғуссалари, эҳтиросларини акс эттиради. Ривоятлар негизида тарихий шахслар ҳаёти, фаолияти, маънавий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар ва тураржойларни ўрганиш билан боғлиқ фактлар ётади.

Қандай жанрда бўлишидан қатъи назар, ҳалқ эртаклари мажозий хоҳ сеҳрли, хоҳ майший бўлмасин ҳаммасида ёвузликдан яхшиликнинг устуворлиги, инсон эзгуликка интилиши ҳақида сўз боради. Ҳамма эртакларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик сотқинликка, разолатга қарама-қарши ўлароқ доимо ғалаба қиласи.



Касб-хунар колледж ўқувчиларига амалий безак санъатини ўргатишида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш тузилмаси

Латифалар. Унинг заминида тарихий воқеалар, майший ҳодисалар ётади. Зийраклик, ўткир, ҳозиржавоблик ҳажм жиҳатидан ихчам ва мазмунан бой бўлади. Латифаларнинг асосий қаҳрамони Насриддин қиёфаси орқали нодонлик, беақллик, иккиюзламачилик, фирибгарлик, мунофиқлик, очқўзлик, айёрлик, ишёқмаслик каби инсоний маънавиятга зид иллатлар

Достонлар эса, ҳалқ маънавий қадриятларини мужас-самлаштирган оғзаки ижод жанрларидан бири ҳисобланади. Унда мусика ва шеърият уйғунлашган. Достонларнинг ғоявий ва маърифий аҳамияти шундаки, уларда юксак гўзалликка ва баҳтсаодатга эришишнинг бирдан-бир йўли мақсадларга қатъий интилиш, сабр-чидам, матонат, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатишдан иборатдир деган ғоя илгари сурилади. қораланади, меҳмондўзлик, ҳиммат, меҳр-оқибат, саҳийлик, илмийлик, инсонпарварлик каби юксак қадриятлар улуғланади.

Аскияниң негизида миллий, ахлоқий одоб мезонига зид алдамчилик, ишонмаслик, иккиюзламачилик, ахлоқсизлик каби сифатларга қарши меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, маънавий поклик каби қадриятлар, тўй маросимлари, кўни-кўшничилик удумлари ва бошқалар тарғиб этилади, яъни:

- ҳалқ оғзаки ижодининг мазмуни миллий асосга эга ва у таълим-тарбиянинг пировард мақсадларига хизмат қиласиди;

- ҳалқ оғзаки ижоди муҳим илмий манба ҳисобланади. Ҳиссий тарбия жараёнини ақлий тарбия жараёнидан ажратилган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бадиий эстетик манбалар ҳиссиёт орқали ақлни, ақл орқали эса ҳиссиётни тарбиялаш воситасидир;

- ҳалқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятларидан бири устоз-шогирд одоби анъанаси бўлиб, қачонлардир ҳалқ томонидан эҳтиёж асосида яратилган. Ҳаёт синовидан ўтган фольклор асарларини устоздан шогирд авлоддан авлод, ота-онадан фарзанд оғзаки ўзлаштирган, келгуси авлодга етказган ва шу йўл билан тарбиячи орқали давомийлик, изчил тамойилга асос солинган;

- ҳалқ оғзаки ижодида асос солинган таълим-тарбия усууллари: буйруқ, ўгит, насиҳат, намуна, ўрнак, мурожаат, илтижо, киноя, пичинг, кесатик, юмшоқ, заҳар ҳамда юмористик танқид, маъкуллаш, олдинга сурилган тарбиявий ғоянинг таъсир кучини оширишга қаратилган.

Ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантириш учун Шарқда

бир неча асрлар давомида сақланиб келингган ажойиб маърифий бойликлар борки, буларга халқ оғзаки ижодиёти асарлари киради.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ўзига хос жанрларидан бири бўлган «ривоят» аждодлар томонидан асрлар давомида яратилиб, тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб, муайян бадиий силсила ҳолатига келган тафаккур мўъжизаларидан бири саналади.

Ривоят арабча «ҳикоя қилмок» деган маънони билдириб, англатади. У халқ оғзаки ижодиётининг насрый тури бўлиб, воқейликни ҳаётӣ, баъзан уйдирмалар воситасида ҳикоя қилувчи реалистик характерга эга. Ривоятларнинг тарихий шахсларга боғлиқ бўлган ва топоним характердаги турлари мавжуддир. Топоним ривоятлар фактик ҳодиса, яъни шаҳар, қишлоқ, қалья, сарой, қаср, мақбара ва бошқаларнинг юзага келиш сабаблари билан боғлиқ воқеаларни ҳикоя қиласди.

Тарихий шахсларга боғлиқ бўлган ривоятлар эса тугал, мукаммал, ўзига хос кўринишга эга бўлади. Масалан, Ибн Сино, Улугбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Машраб ва бошқаларнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга асосланади. Бу ривоятлар оғзаки ва ёзма кўринишда бизга анъана тарзида етиб келган. Ривоятларнинг ҳар бири бирор мақсадга йўналтирилган бўлса-да, ўзига хос чукур фалсафий фикрга эга бўлади.

Ҳозирда касб-хунар коллажларида энг муҳим масалалардан бири - бу ўтилаётган дарсларнинг самарадорлигини янада ошириш ва ўқувчиларга чукур билим, тарбия беришдан иборатдир. Бу ўринда ота-боболаримизнинг маънавий меросидан, миллий анъаналаридан фойдаланиш, уларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунга кўра, дарс жараёнида ривоятлардан ўринли фойдаланиш ижобий натижалар беради. Улар ўқувчиларни маълум бир фанга ва санъатга бўлган қизиқишини оширишга ҳамда ўтилаётган дарс Мазмунини тез тушунишга ёрдам беради. Дарсларнинг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Энг муҳими шундаки, улар ўқувчиларнинг тарбиясига ҳам ижобий таъсир этади.⁴⁴

Дарсларда ривоятлардан фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

⁴⁴ Юлдашев Х.А. Устоз ва шогард одоби мавзусидаги ўкув тарбиявий тадбирлар ўtkазиш методикаси. /Методик кўлланма. -Т.: ЎМКХТҚМО ва УҚТИ, 2005. -71 б.

- бир неча ривоятни бир вақтда айтиб, ўкувчиларни чарчатиб, зериктириб қўймаслик;

- танланган ривоят ўтилаётган дарс мавзусига мос бўлиши;

- уни тушунарли ва ифодали тилда ҳикоя қилиб бериш ёки ўқитишининг илғор технологиялари асосида ташкил этиш;

- ривоятдан дарс жараёнида ўринли фойдалана олиш ва ҳоказо. Маълумки, ҳалқ оғзаки ижоди намуналарида ҳунар, устоз-шогирд ва бошқалар ҳақида ажойиб ривоятлар, ҳикоялар, эртаклар, мақоллар мавжуд. Ҳалқ орасида яратилган ҳар бир ривоят, ҳикоят ва бошқалар ота-боболарнинг ҳаётий тажрибалари асосида яратилган. Уларнинг бу тажрибалари орқали устозлар ёшларни тарбиялаб, ҳунарли ва илмли бўлишга доимо чақириб келгандар. Ёшларни ҳалқ миллий анъаналарига суюнган ҳолда тарбиялаш, уларнинг руҳиятига ижобий таъсир этади.

Масалан, «Шоҳи зинда» ансанбли билан ўкувчиларни таништириш учун у билан боғлиқ бўлган ривоятни айтиб ўтиш ўринидир. Масалан: «Ривоят қилишларича қадим замонларда, яъни Марказий Осиёни араблар босиб олган даврда, насроний динига мансуб бўлган кимсалар уларга қарши жанг қилган эмиш. Шу жангларнинг бирида араблар кучсиз бўлиб, кофирлар ғалаба қилишга муяссар бўлибдилар-у, бир саркардани қувиб, ана шу ҳозирги мақбара ўрнидаги бир хонага киргизибдилар. Араблар, яъни мусулмонлар саркардаси (шоҳ) ҳалиги кулба ичига кириб, Оллоҳ таолодан ёлвориб ибодат қилиб, кутқаришини сўраб турганида, кофирлар кириб орқасидан қилич билан бошини чопадилар. Шоҳ ҳудонинг қудрати билан ерда думалаб кетган бошини қўли билан ушлаб, кофирлар томон юрганида, уларнинг шу жойда юраклари ёрилиб ўлибдилар. Бу воқеадан ҳабардор бўлган мусулмонлар югуриб келиб қарасаларки, шоҳ гойиб бўлган эмиш. Шундан кейин кулбай вайронанинг номи «Шоҳи зинда» деб номланган экан.

Шоҳи зинда форсий тилидаги ибора бўлиб, у «Шоҳ тирик» деган маънони англатади. Кейинчалик бу ерни Амир Темур ўз авлодининг мақбараасига айлантирган».

Шунингдек, таълим муассасаларида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ривоятларни ноанъанавий ўқитиши услуб (семинар-тренинг)лари асосида ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, жонли ижро мисолида, яъни бунда ўкувчиларнинг ўзлари саҳнали

кўриниш орқали мавзуни жонли ижро этадилар. Уларнинг ҳар бири иштирокчи вазифасини бажарадилар. Халқимизда «Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал» деган ибора бежизга айтилмаган. З-иловада "Кўпrik устидаги гап" ривоятининг қисқача мазмуни берилмоқда, ушбу ривоятдан ўкувчилар ўзларига керакли холосани чиқариб оладилар. Шунингдек, бир жуфтлик семинар-тренинг машғулотининг ўтказилиш тартиби ва мантиқий тузилмаси берилди. Ушбу семинар-тренингни ўтказишда ўқитувчи-мураббийдан педагогик маҳорат талаб этилади.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Шарқда кўп асрлар мобайнида сақланган ажойиб маърифий бойликлар, улуг олим у фозилларнинг пурхикмат асарларини, ибратомуз фикрларини чукур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ривоятлар ҳам бизни ўтмиш билан боғлаб турадиган воситалардан бири, ўзига хос «ойнаи жаҳон»дир. Ривоятларни қайта-қайта мутолаа килар эканмиз, уларнинг маъно тутунлари тобора ечилиб бораверишига икрор бўламиз. Нодир панд-насиҳатлар эса ривоятларнинг мағзи саналиб, ўкувчига руҳий таъсир кўрсатади, тарбиялайди, фалсафий фикр ва озуқа беради, дунёқарашини кенгайтиради.

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан бири ганчкорлик ҳунаридир. Касб-ҳунар коллежларида наққошлиқка оид олиб борилаётган дарсларда «Наққошлиқ санъати тарихи» деб номланган мавзуни ўкувчиларга тушунтириш вактида ўзбек тарихий обидалари, уларнинг безаги юзасидан сухбат ўтказишда, улар билан боғлиқ бўлган баъзи бир ривоят, ҳикоят, қизиқ тарихий воқеалар ва бошқалардан айтиб ўтиш муҳим аҳамиятта эгадир.

Маълумки, наққошлиқ, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик ва бошқа шу каби ҳунар турларини ёшларга ўргатишда « занжира » мавзуси бор. У касб-ҳунар коллежларида ганч ўймакорлиги бўйича ўкувчиларда билим, кўнишка ва малакаларни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бу мавзу бўйича дарсни ташкил этиш ва ўтиш методикасини қўйидагича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзу: Занжира ва унинг турлари.

Дарснинг мақсади.

1. Таълимий мақсад. Ўкувчиларни занжира турларини чизишга ва уларни ўйишга ўргатиш.

2. Тарбиявий мақсад. Занжира композициясини чизиш ва ўйиш орқали ўқувчиларнинг меҳнат ва эстетик дидини тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи мақсад. Ганч ўйишда ўқувчиларнинг дастлабки кунумга ва малакаларини шакллантириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Машғулотнинг методи: сұхбат, тушунтириш, кўрсатиш, машқ, кластер, ақлий хужум ва бошқа методлардан фойдаланиш.

Дарс олиб бориш учун ўқитувчи учун керакли материаллар:

1. Ганч ўймакорлари уста Ширин Муродов, Махмуд Усмонов, Асрор Мухторов, Зиёдулла Умаров каби усталарнинг ишларидан фото ва чизма намуналар. Занжиранинг меъморчиликда ва амалий безак санъати турларида қўлланилиши ҳамда ўқувчиларнинг ишлари юзасидан тайёрланган видеофильм.

2. Занжирани чизиш ва уни ўйиш босқичлари акс эттирилган плакатлар. Касб-хунар коллежи ўқувчилари ишларидан намуналар.

Ўқувчи учун: альбом, қалам, сиёҳли қалам, оддий қора қалам, чизгич, циркуль, скайпель ва бошқалар.

Фанлараро боғлиқлиги:

1. Геометрия фани билан боғлиқлиги. Геометрик шаклларни кўриш.

2. Чизмачилик фани билан боғлиқлиги. Чизикларни, ёй ва айланаларни тенг бўлакларга бўлиш. Берилган юзага занжира композициясини тўғри жойлаштириш.

Дарснинг бориши: занжира ҳақида тушунча; занжиранинг турлари; оддий ва мураккаб занжаралар; занжира композициясини чизиш; занжира композициясига мос ганч тахта тайёрлаш; сиёҳли қаламда ганч тахтасига занжира чизиб, скайпелда ўйиш ва унга пардоз бериш йўллари.

Дарсни олиб боришнинг методик ишланмаси: Ўқитувчи дарсни занжира ҳақидаги умумий маълумот беришдан бошлайди. Маъruzадан сўнг ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказади. Бунда улар занжира нима ва у қаерда қўлланилиши мумкин? деган қатор саволларга жавоб беришади. Занжира ҳалқ амалий безак санъати турлари бўлмиш наққошлиқ, каштачилик, кандақорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлигида кенг тарқалган. Занжира ҳақида экранда видеофильм намойиш этилади (10-15 минут). Ўқувчиларга занжира ҳақида тушунча бериш давомида ҳалқ оғзаки ижоди намуналари ривоят, ҳикоя, мақол, масал, афсона ва бошқалардан фойдаланиш

ўқувчиларни шу дарсга қизиқиш уйготишда ҳамда дарсни янада таъсирчанлигини оширишда ёрдам беради.

Ганч ўймакорлигига асосий нақш билан ҳошияни боғлаб турадиган нақш – бу занжирадир. Занжира тузилишининг мараккаблигига қараб оддий ва мураккаб бўлиши мисоллар орқали кўрсатилиб, унинг аҳамияти тушунтирилади. Занжира нақшларнинг рамкасини ўраб туради. У ажойиб, содда бўлишига қарамай, геометрик шаклларни ўйганда ёруғ ва соялар кишини ўзига жалб этади. Занжира турлари плакатлар ёрдамида кўрсатилади.

Занжирани тайёрлашда, асосан кўзда тўғри чамалаш, тўғри чизикларни бир хил ўйиш лозимлиги ўқувчиларга ўргатилади. Катта бўлмаган ганч тахтани (ЗОХЗОсл) кўйиб чизиш ва ўйиш, доскада босқичлари билан тушунтириб берилади. Ўқувчилар занжирани оддийсидан бошлаб чизишлари ва ўйишлари лозим. Ўқитувчи уларнинг ишларини кузатади ва намойиш этади.

Занжирани бир хил чукурликда ўйиб, қирраларининг бир текисда чиқишига эришиш керак. Қандай қилиб пирамидалар ҳосил қилиниши кўрсатилади. Ўйма қирралари ўткир, қиррали бўлиши учун ўқувчиларга индивидуал ёрдам бериб борилиши лозим.

Оддий занжира ўйиб бўлингач, мураккаб занжиралар ўйилади. Амалий машғулот охирида ўқувчилар ишлари таҳлил қилиниб, камчиликлари кўрсатилади.

1-машқ. Занжирани чизиш ва уни ўйиш.

Техника: Мавзуни альбомга қалам билан чизиш ва скальпелда ганчни ўйиш.

Хом ашё: ганч, гипс ёки алебастр, қофоз, сув ва бошқалар.

Ўлчам: 30Х30, 30Х40, 40Х40 ва ҳоказо.

Бажариш босқичлари: 1. Занжира композициясини чизиш. 2. Занжира композицияси учун тахтани тайёрлаш. 3. Ганч учун тахта тайёрлаш. 4. Занжира композиция нусхасини ганч тахта юзасига тушуриш. 5. Занжирани ўйиш. 6. Пардозлаш.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар: Занжира нима? Занжиранинг қандай турлари мавжуд? Халқ амалий безак санъатининг қайси турларида занжира ишлатилади? Занжира қанақа босқичларда чизилади? Занжирани ўйишда қандай қоидаларга амал қилинади? Занжира композициясининг қандай терминлари бор? 7. Берилган занжирани таҳлил қилиб беринг.

Таянч тушунчалар. Айлана занжира – айлана шаклдаги

занжира; Рафторсимон нақш - (синосоида) түлкінсимон шаклдаги нақш тури; Ари занжира – арининг инига ўхшаш занжира тури; Изора – хона деворининг паст қисми изора дейилади.

Үйга топишриқ: 1. Занжира композициясини чизиш. 2. Ганч учун тахтани тайёрлаш ва занжирани ўишины машқ қилиш. 3. Занжирасимон нақш намуналарини түплаш. 4. Музей, метростанциялар ва замонавий биноларга ишланган занжира композицияларидан нусха олиш.

Халқымызда гиламдүзлик ҳам кенг тарқалған амалий безак санъати соҳалариданdir. Гиламдүзлик билан ота-боболаримиз қадимдан шуғулланғанлар. Шу сабабли айрим вилоят, туман маданият уйларида гиламдүзлик тұғараплари мавжуд. Гиламдүзлик машғулотларида ўқувчиларга ўз ишларини сифатли, озода бажарышлари лозимлиги үктирилади. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий ҳаётида юз берәёттан ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тұғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари учун жорий этилган таълимнинг давлат стандартлари, умумий ўрта таълимнинг янги дастурларини муваффакиятли ҳал этилиши касб-хунар колледжларида тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг сифатига ҳам bogliq. Бўлгуси кадрларни касбий тайёргарликка эга бўлган кичик мутахассис жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш кафолатидир.

Айниқса, бугунги кунда касб-хунар колледжи ўқувчиларига таълим ва тарбия беришда ўтмиш маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналардан, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Аждодлар маънавий ҳазиналаридан, яъни ҳалқ оғзаки ижодидан ўринли ва унумли фойдаланиш, касб-хунар колледжларида кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда муҳим ўрин тутади.

Республика касб-хунар колледжлари ўқувчиларига таълим ва тарбия бериш жараёнини янада самарали амалга оширишни таъминловчи куйидаги илмий-назарий хуросалар аниқланди ва амалга оширилди.

1. Касб-хунар колледжларида тайёрланаётган кичик мута-

хассисларнинг сифатини оширишда аждодлар маънавий ва маърифий мероси бўлган халқ оғзаки ижодидан дарсларда кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

2. Муаммони ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида олинган натижалар шуни кўрсатадики, касб-хунар коллежларидағи амалий безак санъати турлари бўйича ўрганилаётган ўкув фанларида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш тузилмаси ишлаб чиқилди ва уларнинг мазмуни келтирилди.

3. Касб-хунар коллежларидағи амалий безак санъати дарсларида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш натижасида ўкувчиларнинг дунёқараши шаклланди, ота-онасига, дўстларига, устозига, табиятга бўлган қизиқиши ортганлиги аниқланди.

4. Таълим-тарбия жараёнида ривоятлардан ноанъянавий услугда, яъни семинар-тренинг кўринишида (жонли ижро) ўқитиш технологияси ишлаб чиқилди (З-илова).

5. Аждодлар маънавий мероси бўлган халқ оғзаки ижодини илмий ўрганиб, тўплаб, таҳлил килиб, улардан дарсларда фойдаланиш тузилмаси ишлаб чиқилди ҳамда тажрибада синаб кўрилди.

6. Илғор ўқитувчилар тажрибаларига суюнган ҳолда методик тавсиянома яратилди.

Ш БОБ. Ўқув-тарбиявий тадбирлар орқали ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш технологияси

3.1. Ўқув-тарбиявий тадбирлар ташкил этиш ва ўтказишда ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш

Халқимиз тарихи, қадриятлари, илм-фани, маданият дурданоларини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳимдир. Бугун бизнинг олдимиизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, буюк маданиятимиз, яъни, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак. Шу мақсадда республика ҳукуматининг қабул қилган қатор ҳужжатлари талаблари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари талаблари асосида ривожланишига йўналтирилган. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда, яъни маданият, қадрият, миллий санъат намуналардан, аждодлар томонадан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналардан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода Республика ҳукумати томонидан ҳалқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 1997 йили «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. унда «Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсати, умуминсоний қадриятлар, ҳалқнинг тарихий тажрибаси, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналар, жамиятнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизилади», - дейилган.⁴⁵

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият ҳисобланиб, унда ўқитувчи-мураббий тарбияланувчиларни комил инсон қилиб этиширишда ҳар томонлама, яъни педагогик, психологик, маънавий, маърифий таъсир кўрсатиши лозим бўлади.

Ўқитувчи-мураббийлар ўқув-тарбиявий тадбирларни ташкил этишида ўқувчиларни маънавий жихатдан юксак фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашнинг турли қирралари, шакл ва услубларини билиши, булар бўйича билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлиши керак.

Ўқув-тарбиявий тадбирлар деганда - таълим муассасалари, жумладан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, кўшимча таълим-тарбия муассасалари,

⁴⁵ Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиёти пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997. -64 б.

давлат, хусусий, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла ва жамоат-чилик орасида ўкувчилар иштирокида ўкув режалари асосида бир неча фанларга таянган ҳолда ташкил этилиб, ўтказиладиган ижти-моий фойдали машғулотлар мажмуюи назарда тутилади.⁴⁶

Шунингдек, ўкув-тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш ва ўт-казиш методикаси ижтимоий жараён ҳисобланиб, бунда ўқитувчи-мураббий қуидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб олиши лозим бўлади:

- ўқитувчи-мураббий ўтказиладиган ўкув-тарбиявий тадбирларнинг сермазмунлигини таъминлашда бой миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиши;
- ўкувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши;
- ўкув-тарбиявий тадбирлар учун зарур методларни танлаб, кўзланган мақсадга эришиш чора-тадбирларини кўра билиши;
- илгор тажрибаларни кузатиб, таҳлил қилиб, ундан ижодий фойдаланиши;
- ўкув-тарбиявий тадбирларни ўкувчиларнинг руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши ва такомиллаштириши;
- ўкув-тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориши;
- ўкувчиларнинг ўкув фанларидан олган назарий билимларини ҳар томонлама кенгайтириши ва чуқурлаштириши;
- ўкувчиларнинг дарслардан олган назарий билимларини кундалик ҳаёт ва ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаши;
- ўкувчиларни ўкув-тарбиявий тадбирлар жараёнида бошқа ўкув фанларига бўлган қизиқишлирини орттириши;
- ўкувчилар ўзларининг мустақил билимларини кенгайтириши ҳамда уларда куникма ва малакалар ҳосил қилишларида ёрдам бериши;
- ўкувчилар жамоасини ўзаро ва катталарга нисбатан ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Ўкувчилар билан ўкув-тарбиявий тадбирлар ўтказиш ўқитувчидан педагогик санъат ва маҳоратни талаб этади. Маълумки, педагогик

⁴⁶ Сарсенбаева Р.М. Мехнат таълими негизида ўкув-тарбиявий тадбирлар ўтказишнинг илмий-методик асослари (халқ ҳунармандчилиги мисолида) 13.00.02. Пед. фан. ном. ... дисс. -Т.: ЎМКХТРИ, 2004. -127 б.

санъят вазият билан боғлиқ. Педагогик санъят - бу қандайdir қўл билан тўтиб бўлмайдиган, балки факат фаҳм-фаросат билангина амалга ошириладиган жараён.

Хўш, педагогик маҳорат нима, у нималардан ташкил топади? Бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг, чинакам илмий, тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган педагогнинг ўкувчилар қалби қандай эканлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган ўкувчига моҳирлик билан авайлаб ёндашиш, донолик ва ижодий далиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассамидир. Педагогик маҳоратга педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бир қаторда педагогиканинг методика соҳасидаги тажрибалари ҳам киради чунки, улар тарбияга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради. Албатта, педагогнинг маҳорати эришилган нарсалар чегарасидан ташқарига чиқишига доимо интилишни ҳам назарда тутиши лозим.

Демак, тарбиявий тадбирлар жараёнида педагогларнинг педагогик маҳоратта эга бўлиш билан бирга, у ўкувчи қалбини тушуниши, унинг қизиқиши ва мойилликларини хис қилиши керак. Шунга кўра тарбиявий тадбирлар режалаштирилиши ва ўтказилиши лозим. Тарбиявий тадбирларни шундай ташкил қилиш керакки, унда ўкувчилар фаол бўлишсин, ўқитувчи эса назоратчи сифатида намоён бўлсин. Шундагина кўзланган мақсадга аниқ ва тез эришиш мумкин.

Ўкувчилар билан тарбиявий тадбирлар ўтказишда ўқитувчининг муомала маданияти ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Ўқитувчининг ўкувчилар билан бевосита ёки билвосита муомаласи ўтказилиши лозим бўлган тарбиявий тадбирларга тайёргарлик жараёнида содир бўлади. Мазкур жараённи ўкувчиларнинг муомаласига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос воситаси деб қараш мумкин.

Муомала – бу маълумот (ахборот)лар жараёнидир. Ушбу жараён икки йўналишда, яъни бошқариш субъектидан (ўқитувчидан) бошқариш обьектига (ўкувчига) бориши ёки аксинча - обьектдан субъектга бориши мумкин. Ўқитувчи бевосита шахслараро муомаладан ўз тарбияланувчилари, умуман жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил маълумотларга эга бўлади ва ҳоказо. Ўз навбатида, ўқитувчи муомала жараёнида ўз ўкувчиларига ҳам устоз-шогирд одоби мавзусига қаратилган маълумотларни маълум қиласи. Бунда ўқитувчи ўтказилиши керак

бўлган тарбиявий тадбирларнинг мазмуни, шакли, воситалари ҳақида ўз тарбияланувчиларига маълумот бериши билан бирга, уларнинг ишлаш жараёнлари ҳақида ҳам тушунча беради.

Ўкув-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш жараёни онгли, масъулиятли ташкилий фаолият бўлиб, унда ўқитувчи-мураббий ўқувчиларни комил инсон қилиб этишишида унга ҳар томонлама таъсир этиши лозим бўлади. Улар ўкув-тарбиявий тадбирларни ташкил қилишда ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий, маърифий жиҳатдан юксак фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш санъатининг кирраларини, шакл ва йўлларини билишлари лозим.

Ўқитувчи – мураббийлар ўкув-тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда миллий ва умуминсоний қадриятлардан, Шунингдек, устоз-шогирд одобидан кенг фойдаланиши ҳамда ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишга оид бўлган методларни билиши керак.

Ўкув-тарбиявий тадбирларни ташкил этишда фойдаланилайдиган асосий манбалар - бу аждодларнинг бизга қолдирган оғзаки ижодиёти, ёзма ёдгорликлари, Марказий Осиёлик мутафаккир, маърифатпарвар ва уни олимларнинг бой меросидир. Шу билан бирга, ўқитувчи ўзининг педагогик маҳорати ва тарбиячилик санъатига суюнган ҳолда тарбиявий тадбирларни ташкил қилишнинг шарқона, миллий ва ўзига хослигига асосланади ва уни педагогик таъсир кўрсатиш орқали амалга оширади.

Ўкув-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўtkазиш миллий истиқлол талабларига жавоб берадиган баркамол инсонни тарбиялашга қаратилган бўлиши лозим. Баркамолликнинг биринчи намунаси Ватанга маҳаббат, Ватан туйғуси, гурури ва уни саждагоҳ сифатида ардоклашдир. Ватанга маҳаббат заминида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғулари шаклланади.

«Устоз-шогирд одоби» анъаналари мавзусига оид ўкув-тарбиявий тадбирни ташкил қилишда, аввало, мутафаккиларнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланиш лозим. Хусусан, ҳалқ педагогикасидан, яъни ривоятлар, ҳикматли сўзлар, ҳикоятлар, ҳалқ мақоллари кабилар шулар жумласига мисол бўлади. Масалан, ўқувчилар ривоятлардан фойдаланишларида, аввало, ривоятларнинг мазмунини ўзлари саҳнали кўриниш сифатида ташкил этсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, "Устоз ва шогирд одоби" мавзусига оид ўтказиладиган тарбиявий тадбир ўкувчиларга

қанчалик (нечоғли) таъсир этиши ҳам мазкур жараёнда намоён бўлади. Аникроғи, ўқувчиларга саҳна кўриниши орқали таъсир этиш, уларнинг тарбияларига ижобий таъсир этади. Чунки, улар бу тарбиявий жараённи ўз кўзлари билан кўришади, қатнашади ва ривоят мазмунини шарҳлаб, керакли хулосани чиқарib олишади.

Р.М. Сарсенбаева⁴⁷ ўзининг «Мехнат таълими негизида ўқувтарбиявий тадбирлар ўтказишнинг илмий-методик асослари» (халқ хунармандчилиги мисолида) номли номзодлик диссертациясида ўқувтарбиявий тадбирларнинг тузилмасини келтирган. Муаллиф мазкур тадқиқот ишида 21 номдаги тадбир шаклларини санаб, шу тадбир шаклларидан меҳнат амалиёти, ўқувчилар меҳнат уюшмаси ва кўрик мусобақаларнинг ўтказилиш методикалари ҳақида фикр юритган бўлиб, у ўқувтарбиявий тадбир шаклларидан энг қизиқарли ва мазмунли турларидан бири - саёҳатни эътибордан четда қолдирган. Чунки, қасбхунар коллажларида саёҳатлар уюштириш ва уни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Саёҳат ўқувчиларнинг дарс ва тўгаракларда олган билимларини мустаҳкамлайди, дунёқарашини шакллантиради ва бу таассуротлар уларнинг ижодий қобилиятини оширади. Саёҳат ўқув дастуридаги бирор мавзуни кенгроқ, атрофлича ўрганиш учун уюштирилади.

Қасбхунар коллежи ўқувчилари учун саёҳатларни куйидаги жойларда уюштириш мумкин: 1. Халқ амалий безак санъати музеи. 2. Оиласий хунармандчилик устахоналари. 3. Тасвирий санъат музеи. 4. Тарих музеи. 5. Табиат музеи. 6. Меъморчилик обидалари. 7. Табиат қўйнида. 8. Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона ва бошқа шаҳарларга саёҳат. 9. Кўргазма заллар. 10. Замонавий бинолар. 11. Қасбхунар коллажлари ва ҳ.к.

Ўқитувчи саёҳат ўтказишдан аввал саёҳат ўтказишнинг мақсади, режаси, нималар керак бўлиши, қандай тугалланиши лозимлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиши керак. Ўқитувчи олдин саёҳат қилинадиган жойни бориб кўради.

Кўшимча ҳужжат ва адабиётлар билан танишиб, ўрганиб чиқади. Ўқувчиларнинг бўш кунини аниқлаб, саёҳат ўтказадиган кунни эълон килади. Унда қаерга бориш, у ерда керак бўладиган қалам, ўчириғич, ручка, альбом, дафтар, баъзи ўқувчилар фотоаппарат ва видеоаппарат олишлари айтилади. Саёҳат вақтида тартиб интизом

⁴⁷ Сарсенбаева Р.М. Мехнат таълими негизида ўқувтарбиявий тадбирлар ўтказишнинг илмий-методик асослари (халқ хунармандчилиги мисолида) 13.00.02. Пед. фан. ном. ... дисс. -Т.: ЎМКХТРИ, 2004. -43 б.

ҳакида огоҳлантирилиб қўйилади. Ўқувчиларга саёҳатта нечта ўқувчи бориши, қандай мақсад ва вазифалар кўзланганлиги тушунтирилади. Ўқувчиларга керакли атамаларнинг айрим жойларини қисқа-қисқа ёзib олишлари айтиб ўтилади. Ўқитувчи бориладиган жойдаги экспонатларнинг турларини шарҳлаб бериши учун баъзи керакли маълумотларни ён дафтарига ёзib олиши мумкин. Саёҳат музейда ўтказиладиган бўлса, маҳсус саёҳат раҳбарларини ҳам олиб бориш тавсия этилади.

Саёҳатни ташкил этиш ўқувчиларнинг қизиқиши, кайфияти, соғлиги ва руҳан тайёргарлигидан бошланади. Саёҳатлар ўқувчиларнинг ихтиёрий қизиқишлиари асосида ташкил этилса, улар бу тадбирни интизорлик билан кутадилар. Саёҳатта ўқувчилар эълон чиқкан кундан бошлаб тайёргарлик кўра бошлашади.

Куйида ўқув-тарбиявий тадбир шаклларидан бири саёҳатнинг ўтказилиш методикаси ҳакида фикр юритилади. Чизмадан кўриниб турибдики, "Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланиш методикаси баён этилган, унда саёҳат ўқув-тарбиявий тадбири қуийидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади (6-чизма).

1. Мақсадни белгилаш.
2. Мавзуни аниклаш.
3. Режани тузиш.

4. Вазифаларни тақсимлаш (бунда, ўқувчиларга саёҳат даврида бажариши лозим бўлган вазифалар тақсимланади. Масалан, ким фатоаппарат олиши, альбом, ручка, дафтар каби ўқув қуролларини ким олиши кабилар белгилаб олинади).

5. Ёзма иш (бунда, гурух сардори ўқитувчи ҳамкорлигига ўқувчиларнинг саёҳат давомида ўзларини қандай тутганлигини ҳамда ёзма ишлар натижаларига қараб баҳолайдилар. Баҳолаш олдиндан тузилиб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилади).

Мазкур саёҳат уч босқичда амалга оширилади: тайёргарлик, асосий, якуний. Тайёргарлик босқичида саёҳат ўтказишнинг куни ва вақти аникланади, асосий босқичга тайёргарлик кўрилади, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади, режа тузилади, эълон ёзилади ва вазифалар тақсимланади.

Асосий босқичда, яъни саёҳат жараёнида ҳар бир ўқувчи тартиб-интизомга риоя қилиши, саёҳат раҳбарини эшитиши, керакли атамаларни ёзib олиши ҳамда керак бўлганда саволжавобларда қатнашиши лозим.

3.2. Саёҳатлар ўтказиши жарёнида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш методикаси

Якуний босқичда, яъни саёҳатдан сўнг ҳар бир ўқувчи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. (Ушбу баҳолаш мезонлари олдиндан эълонлар доскасида ёки синф фаоллари томонидан ўқувчиларга эълон қилиниши мумкин). Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиша қуидагиларга аҳамият берилади:

1. Саёҳатта тайёргарлик кўриш, бунда ўқувчиларнинг қандай даражада тайёргарлик кўрганлиги, яъни ҳар бир ўқувчида барча ўқув қуролларининг борлиги ҳамда тоза ва ихчам кийиниши.

2. Саёҳат давомида ўқувчилар ўзларини одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда тутиши зарур. Яъни ортиқча ўзаро савол-жавоб қилмаслик, муомала маданиятига амал қилиш, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, ўқитувчи гапига қулоқ солиш ва ҳ.к.

3. Ёзма ишга баҳо қўйиш. Бунда, албатта, режа тузилиб, у асосий ва хulosса қисмларига бўлинниб ёзилади, Мазмуни баҳоланади.

Ўқитувчи ўқувчилар ҳамкорлигига шу уч мезон асосида баҳоланади. Ҳар бир ёзма ишга ўрта (3), яхши (4) ва аъло (5) баҳолар кўйилади ва ўқувчиларга эълон қилинади.

Ўқитувчи ўқувчиларга қандай саволлар беришини олдиндан тузиб олиши керак. Масалан:

1. Сиз устанинг қандай нақдошлик намунасини кўриб турибисиз?

2. Нима учун ушбу кўрсатилаётган безак шундай номланган?

3. Деворнинг пастки қисмида қандай фойдаланилган?

4. Ушбу асар композициявий жиҳатдан қандай тузилган?

5. Нақдош устанинг қайси меъморчилик бўлгансиз?

6. Безак ишларида неча хил пардоз фойдаланилган?

7. Устазоданинг устози ва шогирдларидан кимларни биласиз?

8. Устанинг асарлари бошқа усталарнинг ишларидан қайси томонлари билан фарқ қиласи ва ҳоказолар.

Ўқитувчи ўқувчилар билан музейга борганида, уларга тартиб-интизом саклашлари ва байзи қоидаларни айтиб, огохлантириб қўйиши керак.

Ўқитувчи ёки таклиф этилган маҳсус саёҳат раҳбари ўқувчи-

ларга бир бошидан усталарнинг иш услуби, композициявий тузилиши, агар намоён бўлса, намоён ҳакида, уларнинг номлари ва турлари, муносабатлар (тўрт томонига тақоррланувчи нақш композицияси) ҳакида дарсда айтилган сўзларни амалда кўргазмали ҳолда тушунтириши керак.

Ўқувчилар, аввал яхшилаб томоша қилиб, сўнгра ўзларига маъкул бўлган ишлардан намуналар кўчирадилар. Баъзилари фотосуратлар ва видеофильмларга олишади. Бу ишларни бажаришда, намуна танлашда тўғарак раҳбари ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор билан, нима сабабдан айнан шу намуна танланаётгани ҳакида, сўраб олинса, жуда яхши бўлади. Булардан ташқари, баъзи тузилган саволлар асосида ўқувчилар ўзлари алоҳида савол-жавоб қилиши мумкин.

Якунловчи сұхбат жараёнида ўқувчилар ўзаро бир-бирларининг ютуқ ва камчиликлари ҳакида фикр билдирадилар ва улардан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қиласидилар. Шу ўринда саёҳат раҳбари якунловчи сұхбатда ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказади. Олинган таассуротлар асосида ҳар бир ўқувчидан нима учун шу композиция тайёрланганлиги, унда нималар акс эттирилиши кераклиги ҳакида сўраб, аникланади. Шунингдек, саёҳат таассуротидан олинган фотосуратларни махсус фотоальбомларга ва видеокассеталарнинг махсус картатекаларига солиб қўйиш ҳамда фотосуратлардан деворий газеталар чиқариш мумкин.

Ўқувчилар бошқа касб-хунар колледжларига саёҳат қилишганида, у ерда қилинаёттан ишлар билан танишадилар ҳамда ишлари кўргазмага қўйилган ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказадилар. Баъзи нақшларни фото ва видеофильмларга оладилар. Шулар асосида саёҳатдан кейин ўқувчиларда қандай таассуротлар қолдирилганлиги, айниқса, қайси ишлар ёққанлиги тўғрисида савол-жавоблар ўтказилади.

Ўқувчиларнинг табиат қўйнига саёҳат қилишлари энг яхши саёҳатлардан бири ҳисобланади. Бу саёҳатнинг мақсади ўқувчиларни табиат қўйнидаги гўзалликларни сеза билиши, улардан баҳра олиши, билиш қобилиятини ўстириши ва эстетик дидини тарбиялашдан иборатдир. Хусусан, уларнинг табиат ва ҳаётга бўлган муҳаббатини ошириш, дунёқарашини шакллантириш, машгулот ва дарс вақтида олган билимларини тўлдириб боришdir. Бу саёҳат амалий безак санъати соҳаларини ўрганувчилар учун зарурдир.

Масалан, ганч, наққошлиқ, ёғоч ўймакорлиги каби дарсларда нақш элементларини қаламда чизиш мавзусини бошлашдан аввал, уларни табиат қўйнига олиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи табиатнинг ўзига хос гўзаллиги ҳар бир инсонга чуқур таъсир этиши, яъни санъаткорга мусика орқали, рассомга ранглар орқали, ракқосага гўзал ҳаракатлар орқали намоён бўлгани каби, ўймакорликда бадий чизма ва ўймалари билан тасвирлаш лозимлиги тўғрисида сўзлаб беради. Чунончи, ганчкор, наққош, ёғоч ўймакор ва бошқалар табиатдаги гул, новда, барг шохчаларини жонли чизиқ ўймаларида тасвирлаб келган. Табиатдаги ҳар бир гул, барг, новда ўзига хос тузилганлиги ўқувчиларга кўрсатиб тушўнтирилиши керак. Ҳар бир баргни, гулни, новдаларни чизиш қоидаларини наққошлар табиатдан олингандигини тушунтириш лозим. Шунинг учун ҳам, уларга нақшни чизиш геометриясини билиш кераклиги тушунтирилади. Ҳар бир уста табиатдаги ўсимликларнинг тузилиши ва шаклини жонли чизиқлар орқали тасвирламай туриб, безаш ишларини бажара олмайди. Шу тариқа улар гул ва шохлардан бир нечтасини олиб, гербарий тайёрлаши ҳам мумкин. Ўқувчилар гул, барг, шохчаларнинг расмини қаламда чизадилар. Бу чизиш уларга гул, барг ва новдаларнинг тузилишини ўрганишда катта ёрдам беради. Баъзи гул, барг ва новдаларнинг фотосуратини, рангли расмини видеофильмларга олиб, кўргазмали қуроллар ҳам тайёрлаш мумкин.

Ўқувчиларни кўргазмаларга олиб бориш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу тадбирдан мақсад амалий безак санъати турлари ҳақидаги дунёқарашларини кенгайтириш, санъат турларини фарқлай олиш, усталарнинг асарлари билан танишиш орқали ижодий қобилиятларини ҳамда билим ва малакаларини шакллантиришдан иборатdir. Ўқувчилар турли хил тарихий тамойиллар, яъни кўргазмага қўйилган баъзи асарлар муаллифи билан учрашиб сухбатлар ўтказадилар ва фикр алмашинадилар ҳамда савол-жавоблар қиласидилар.

Ўқувчиларни усталарнинг иш обьектига олиб боришни ташкил этишнинг ҳам ўзига хос ижобий томонлари бор. Чунончи, ўқувчиларни ганч ўймакорлиги обьектларига олиб бориб, ганчкор уста ва унинг шогирдлари билан юзма-юз таништирадилар. Улар билан сухбат куриб савол-жавоблар орқали маълумотлар оладилар. Уста ва шогирд ўртасидаги одоб ҳамда турли хунармандчилик

анъаналари билан яқиндан танишадилар. Ўкувчилар ҳозир ганч ўймакорлиги биноларда кенг кўлланилаётгани, улар қандай бажарилаётганлигини ўз кўзлари билан кўрадилар. Усталарнинг хомаки нусхалари, сувоқ турлари ва суваш усулларини амалда кўрадилар. Ганч ўймакорлик ишларининг қандай босқичларда бажарилиш жараёни билан яқиндан танишадилар. Ганчкорликда кўлланилаётган элементларни альбомга чизиб оладилар. Баъзи янги нақш композицияларини чизадилар. Улар саёҳатдан олган таассуротларини савол-жавоб орқали мустаҳкамлайдилар. Янги композициялар чизадилар. Бу эса уларни янада ижодий изланишга унрайди.

Ўкувчилар касб-хунар коллежларида олган билимларини саёҳат давомида янада тўлдирадилар ва мустаҳкамлайдилар. Касб хунар коллежларида ўкувчиларга халқ амалий безак санъати турларидан кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, зардўзлик кабиларни қиёмига етказиб ўргатишда оиласи оиласи билан эмас, балки бутун маҳалласи билан шуғулланар эди. Уларнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, уста-шогирд одоби бўлган. Айниқса, ҳар бир хунармандчиликнинг ўзига хос дуолари ҳам ёзиб қолдирилган.

Ушбу оиласи хунармандчилик анъаналарини ўкувчилар саёҳат қилганларида ўз кўзлари билан кўрадилар ва эшигадилар. Оиласи устахоналарга ўкувчиларни саёҳатга олиб боришдан аввал ўқитувчи жуда катта тайёргарлик ишларини олиб боради. Аввал оиласи устахонага бориб, уста билан гаплашиб, рухсат сўрайди ва келиш вақтини аниқлаб олади. Устахона эгасига саёҳат ўтказишининг мақсади ва уни ўтказгандан сўнг кутиладиган натижалар қандай бўлиши тўғрисида маълумот бериши керак. Устахонани ўқитувчи кўриб, танишиб чиқади ва кўпроқ қайси масалани ёритиб бериш лозимлигини тушунтириб беради. Ўқитувчи хунарнинг ўзига хос томонлари, сулолалари, ишлаш усуллари, асрлари ҳақида маълумотлар олади. Саёҳатдан олдин ўкувчиларга саволларни бўлиб беради. Ўкувчилар ушбу саволларга ҳамда қўшимча саволларга ҳам жавоб топадилар.

Саволлар куйидагича бўлиши мумкин:
- Хунарни кимдан ўргангансиз?

- Устахонангиз қачон ташкил этилган?
- Қандай устоз ва шогирд одоблари бор?
- Нечта шогирдингиз бор?
- Шогирлар неча йилларда уста бўлиб етишадилар?
- Устахонанинг ўз урф-одатлари борми?
- Сиз қандай асбоблардан фойдаланаисиз?
- Сизнинг ишингиз бошқа усталарнидан қайси томонлари билан фарқ қиласиди?

- Шогирдинг устоз олдида қанақа бурчлари бор?
- Хунарманднинг тижоратда қандай одоб анъаналари бор?

Ўқувчилар саёҳат ўтказиб бўлганларидан сўнг юқоридаги саволларга жавоб берадилар. Саёҳат сўнгида улар ўз таассуротларини иншо, реферат тарзида ёзадилар ёки фотоальбом тайёрлайдилар. Хулоса килиб айтганда, саёҳат турли-туман кўринишда ва турли мазмунда бўлганлиги учун ўзига хос усуслардан фойдаланиш керак. Саёҳатни тўғри ташкил этиш ўқувчиларни дарсда ва ўкувтарбиявий тадбир (тўгарак) ларда олган билимини тўлдиради, мустаҳкамлайди ва дунёқарашини кенгайтиради.

Касб-хунар колледжларида битирувчилар кечасига багишлаб «Устоз-шогирд одоби» мавзусида кўрик-танлов тадбирининг ўтказилиш методикаси биз томонимиздан ишлаб чиқилган методик кўлланмада ёритилган. Унда ўкув-тарбиявий тадбирнинг ўтказилиш босқичлари, иштирокчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари, шартларининг мазмуни ва сценарийси келтирилган [99].

Касб-хунар колледжларида «Устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишга оид Шарқ пандномалари, яъни ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Унда, Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, ҳалқ оғзаки ижоди намуналардан ривоят, латифа, афсона, эртак, достон, асқия кабиларнинг негизида миллий, шарқона одоб-ахлоқ, меҳнат-севарлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, ёвузиқдан яхшиликнинг устуворлиги, инсоннинг эзгуликка интилиши каби юксак қадриятлар улуғланади. Аксинча, улар мазмунида акс эттирилган икки юзламачилик, фирибгарлик, мунофиқлик, очкўзлик, айёргарлик, ишёқмаслик каби инсон маънавиятига зид бўлган иллатлар қораланади.

Касб-хунар колледжларида умумтаълим фанлари ва амалий безак санъати йўналишларига оид маҳсус фанлар билан бир

каторда "Махсус курс"нинг ўқитилиши мухим аҳамият касб этади. Ушбу "Устоз-шогирд одоби" маҳсус курсини мазмунан ва шаклан маҳаллий, худудий шароитларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш ҳозирги замон педагогикаси, дидактикаси, психологияси фанларининг назариётчи ва амалиётчилари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Кичик мутахассислар тайёрлашда "Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланиш учун ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш борасида қўйидагиларга эътибор бериш лозимлиги белгиланди:

- касб-хунар коллекларида ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини ўкувчиларга қизиқарли, саҳнали кўриниш орқали ўргатиш;
- ўкувчиларда «Устоз-шогирд одоби» анъаналари асосида куникмаларни шакллантиришда Шарқ пандномаларининг аҳамиятини ҳисобга олиш;
- анъаналарининг ўкувчиларга ўргатилишида амалий безак санъати йўналишидаги касб-хунар коллекларининг моддий, маънавий, маърифий, худудий имкониятларини эътиборга олиш;
- амалий безак санъати йўналишидаги касб-хунар коллеки ўкувчиларига анъаналарни ўргатиш учун уларнинг қизиқиши, қобилияти, ўзига хос жиҳатлари, хоҳиш-истакларини инобатта олиш;
- "Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланишининг самарадорлигини ошириш учун оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасалари, корхона, жамоатчилик ва хунармандларни якка тартибда хонадонларда устоз-шогирд кўринишларини мустаҳкамлаш, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларни мунтазам равишда ташкил этиш, илмий-методик адабиётлар нашр қилиш ва замонавий электрон кўринишларида дарслик ва қўлланмалар яратиш;
- Амалий безак санъати соҳалари ўқитиладиган касб-хунар коллекларида анъаналарининг ўқитилиш методикаларини ривожлантириш ва бошқалар.

3.3. Ўкув-тарбиявий тадбирни ташкил қилишининг мақсад ва вазифалари

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият ҳисобланиб, унда ўқитувчи-мураббий тарбияланувчиларни комил инсон қилиб

етиштиришда ҳар томонлама, яъни педагогик, психологик, маънавий, маърифий таъсир кўрсатиши лозим бўлади.

*Комил инсон гояси - ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундаидиган олижсаноб гоядир.*⁴⁸

Ўқитувчи-мураббийлар ўкув-тарбиявий тадбирларни ташкил этишда ўкувчиларни маънавий жиҳатдан юксак фазилатлар эгаси килиб тарбиялашнинг турли қирралари, шакл ва услубларини билиши, билим, куникма ва малакаларга эга бўлиши керак.

Ўқўв-тарбиявий тадбирлар деганда - таълим муассасалари, жумладан, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, қўшимча таълим-тарбия муассасалари, давлат, хусусий, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла ва жамоатчилик орасида ўкувчилар иштирокида ўкув режалари асосида бир неча фанларга таянган ҳолда ташкил этилиб, ўтказиладиган ижтимоий фойдали машғулотлар мажмуи назарда тутилади.

Шунингдек, ўкув-тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш методикаси ижтимоий жараён ҳисобланиб, у миллий онг ва миллий истиқбол мағкурасини шакллантиришга хизмат қиласди ҳамда ўқитувчи-мураббий унинг қўйидаги мақсад ва вазифаларини белгилаб олиши лозим бўлади:

- ўқитувчи-мураббий ўтказиладиган ўкув-тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда бой миллий ва умумисоний қадриятлардан кенг фойдаланиши;

- ўкувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши;

- ўкув-тарбиявий тадбирлар учун зарур методларни танлаб, кўзланган мақсадга эришиш чора-тадбирларини кўра билиши;

- илфор тажрибаларни кузатиб, таҳлил қилиб, ундан ижодий фойдаланиши;

- ўкув-тарбиявий тадбирларни ўкувчиларнинг руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши ва такомиллаштириши;

- ўкув-тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равища бойитиб бориши;

⁴⁸ Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2001. 80 б.

- ўқувчиларнинг ўқув фанларидан олган назарий билимларини ҳар томонлама кенгайтириши ва чукурлаштириши;
- ўқувчиларнинг дарслардан олган назарий билимларини кундалик ҳаёт ва ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаши;
- ўқувчиларни ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёнида бошқа ўқув фанларига бўлган қизиқишларини орттириши;
- ўқувчиларнинг ўзларининг мустақил билимларини кенгайтириши ҳамда уларда куникма ва малакалар ҳосил қилишларида ёрдам бериши;
- ўқувчилар жамоасини ўзаро ва катталарга нисбатан хурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

3.4. Ўқув-тарбиявий тадбирларни ташкил этишининг

педагогик томонлари

Педагогик санъат вазият билан боғлиқ. Бу ерда ҳар гал ҳамма нарса гуё янгидан содир бўлгандек туюлади. Бинобарин, киши ўзининг ҳар бир қадамини олдиндан кўриши, ривожлантириши амалда мумкин бўлмайди. Педагогнинг меҳнати - бу беҳад изланиш, азоб укубатли кечинмалар, илҳом, бетакрор ишлар, ҳафсаланинг пир бўлиши, ўқувчилар билан биргалиқда бошдан кечирилган қувончдан қаноат ҳосил қилиш кабилардир. Педагогик санъат - бу қандайдир қўл билан тўтиб бўлмайдиган, фаҳм-фаросат билан амалга ошириладиган жараёндир.

Ҳар қандай ижодкорлик, Бунинг устига педагогик ижодкорлик куруқ жойда, фақат ҳиссий кечинмалар асосида бошланиши мумкин эмас. Тарбия санъатида ўзининг педагогик маҳорати, ўзининг «бир қолипдаги» меҳнат маданияти борки, уларни билиб олиш зарур. Педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бутун тизими ана шуни билиб олишга қаратилиши керак. Бирок, ҳали ҳеч ким олий ўқув юртида ўқиб ёки ўқитувчилар малакасини ошириш курсини тамомлагандан кейин уста педагог бўлиб қолмаган. Педагогик меҳнат усталари таълим муассасаларида вужудга келади, ўқувчилар билан муомалада шаклланади.

Хўш, педагогик маҳорат нима, у нималардан ташкил топади? Бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг чинакам илмий, тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган педагогнинг ўқувчилар қалби қандай эканлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган ўқувчига моҳирлик билан авайлаб ёндашиш,

донолик ва ижодий далиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассамидир. Педагогик маҳоратга педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бир қаторда педагогиканинг методика соҳасидаги малакалари ҳам киради, улар тарбияга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради. Албатта, педагогнинг маҳорати эришилган нарсалар чегарасидан ташқарига чиқишига доимо интилишни ҳам назарда тутиши лозим.

Демак, тарбиявий тадбирлар жараёнида педагог педагогик маҳоратга эга бўлиш билан бирга, у ўкувчи қалбини тушуниши, унинг қизиқиш ва мойилликларини ҳис қилиши керак. Шунга кўра тарбиявий тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш лозим. Албатта, режалаштиришни ўкувчиларнинг маслаҳатисиз амалга ошириб бўлмайди. Тарбиявий тадбирларни шундай ташкил қилиш керакки, унда ўкувчилар фаол бўлишсин, ўқитувчи эса назоратчи сифатида намоён бўлсин. Шундагина кўзланган мақсадга аниқ ва тез эришиш мумкин.

Ўкувчилар билан тарбиявий тадбирлар ўтказиша ўқитувчининг муомала одоби ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўқитувчининг ўкувчилар билан бевосита ёки билвосита муомала ўтказилиши лозим бўлган тарбиявий тадбирларга тайёргарлик жараёнида содир бўлади. Мазкур жараённи ўкувчиларнинг муомаласига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос воситаси деб қараш мумкин.

IV БОБ. Амалий санъат дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш методикаси

4.1. Ганчкорлик ҳунарини ўргатиш жарёнида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш

**Мавзу: Ганчкорлик санъати. Ганч ўймакорлиги ва унинг
миллий анъаналар асосида тарихий тараққиёти**

Машғулотнинг мақсади

1. Таълимий: талабаларга халқ амалий безак санъати, унинг турлари, ганч ўймакорлик ҳунарининг ривожланиш тарихи унинг ўзига хос хусусиятлари ва ганчкор усталарнинг ижоди ҳақида сұхбат орқали назарий түшунча бериш.

2. Тарбиявий: талабаларга ганч ўймакорлик санъати тарихини түшунтириш орқали, уларнинг эстетик диидини, ватанпарварлык ва аҳлоқий хислатларини тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи: талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш ҳамда дунёқарашини шакллантириш.

Машғулотнинг методи: лекция, сұхбат, түшунтириш ва күрсатиш.

Машғулотнинг жиҳозланиши: ўқитувчи учун:

1. Халқ амалий безак санъати тарихига ва турларига оид плакатлар.

2. Ганчкорлик ҳунари тарихига оид плакатлар ва слайдлар.

3. Тарихий меморчиллик обидаларидаги ганч ўймакорлиги тасвирланған плакатлар.

4. Ҳозирги замонавий биноларнинг безатилишига оид плакатлар.

Машғулотнинг бориши

Ўқитувчи машғулотнинг бошланишида ганчкорлик ҳунарини ўрганиш сабаблари ва унинг аҳамиятини түшунтиради. Йил давомида ўтиладиган мавзулар билан қысқача таништиради. Санъат, халқ амалий безак санъати, ҳунар, ҳунармандчиллик иборалари ва атамаларининг шархи билан таништиради. Ўзбек миллий анъаналари, урф-одатлари ҳамда сангтарошлиқ, сұяқ, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, кулолчиллик, гиламдўзлик каби ҳунар турлари ҳақида умумий түшунчалар берилади.

Ганч ўймакорлиги ва унинг турлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари кенгроқ тушунтирилади. Ганчкорлик хунарининг ривожланиш босқичлари ҳақида кенгроқ маълумотлар берилади.

Ҳозирда ганчкорлик хунарининг кўз қорачигидек асраб, авайланиб отадан - болага мерос тариқасида миллий анъана бўйича ривожланиб бизгача етиб келганлиги ҳамда уларнинг яратган бебаҳо тарихий обидалари-ю ва унинг безакларини қайта таъмирлаб, жон бағишлаб қелаёттганлари ҳақида талабаларга тушунча берив борилади.

Ганч ўймакорлигининг турлари заминли ва заминсиз ўймалар ҳақида кўргазмали куроллар слайд видеофильм ва репродукциялар намойиш қилинади. Шу вақтга қадар таникли ганчкор усталарни етишириб чиқарган ганчкорлик мактаблари, яъни Бухоро, Самарқанд, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Хива шаҳарларидаги ганчкорлик мактабларининг намояндлари бўлмиш Уста Ширин Муродов (Бухоро), Рузимат Машарипов (Хива, Уста Шамсиддин Фоғуров, Уста Кули Жалилов (Самарқанд), Тошпўлат Арслонкулов ва Махмуд Усмонов, Абдураҳмон Султонов, Зиёвуддин Юсупов, Ҳаёт Абдуллаев, Асрор Мухторов ва шу кабилар ҳақида гапирилади.

Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Камолиддин Беҳзод, Моний, Фирдавсий, Умар Хайём, Бобур каби жаҳонга машхур олим, шоир ва наққошлар, фозилу фузалолар биноларни кишилар хаёlinи ўзига тортувчи табиатнинг гўзал манзараларига монанд нақшлар билан безашга чақирганлар. Кишиларни, ёшларни эса гўзаллик билан ошно бўлишига ва Бунинг учун ҳунар ўрганиш ҳамда илмли бўлишига даъват этганлар.

Қадимда ҳар бир ҳунар муқаддас ҳисобланган бўлиб, уни хурмат қилиб эъзозлаб келганлар: Ҳар бир ҳунарнинг ўз усталари ва уларнинг шогирдлари бўлган. Ота-боболаримиз томонидан уста ва шогирдлар учун одоб-аҳлоқнинг ўзига хос маҳсус қонун-коидалари, урф-одатлари, маданияти, иримлари, дуолари, миллий анъаналари ишлаб чиқилган бўлиб, бу қоидаларга қаттиқ риоя килинган. Устознинг ҳам, шогирднинг ҳам олдига қўйилган ўзига яраса мақсади ва вазифалари, амалга оширилиши шарт бўлган бурчлари аниқ белгилаб қўйилган.

Устоз ва шогирд ҳамда улар бажаришлари лозим бўлган

вазифалари, урф-одатлари ҳақида тушунча беришда кизиқарли ривоятлардан фойдаланиш мумкин. Куйида "Устоз отанғдан улуг" деб номланган ривоятлардан бирини айтиш мақсадта мувофиқдир.

"Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий Абдурахмон Жомий яшайдиган маҳаллага яқин келганды отдан тушиб, устози яшайдиган маҳалла аҳли билан қуюқ саломлашиб, ҳол-аҳвол сүргаган қуи - отига минмай Жомий уйигача пиёда борар экан. Шунда бир темирчи: "Амир Сиз вазири аъзамсиз-ку! Сизга бундоқ юриш ярашмас". Алишер Навоий жилмайиб туриб, шундай дебдилар: "Йўқ бирордар, мен ҳозир устозим Абдурахмон Жомий яшайдиган маҳаллага келдим. Демак, бу ерда яшовчи ҳар бир фуқаро устозимнинг тобуткашлари ҳисобланади. Шундоқ бўлгач, нечун мен улар, сиз муҳтарамлар олдида ҳурматсизлик қилишим керак. Устозимни қандай авайлаб эъзозласам, сизларни ҳам шундак килгумдур". Талабаларни ганч ўймакорлиги борасидаги тасаввурлари ва тушунчаларини бойитиш учун турли адабиётлар, альбом кўрсатилади. Фотосуратлар ва плакатлар ёки слайдларни намойиш этиш орқали ҳозирдаги замонавий биноларнинг безакларидаги ўзига хос унсурлари, ифодаланиш тартиблари мавжудлиги тушунтирилади.

Ўзбек миллий ганч ўймакорлиги санъатининг бутун дунёга тарқалаётгани, унга бўлган эҳтиёж ва қизиқиши ортиб бораётгани атрофлича баён қилинади. Машғулотни ўтиш давомида мавзунинг тарихий қисмини тарих фани билан, тарихий обидаларининг курилиши, тузилиши ва безакларининг жойлашувидағи ўзига хосликни математика фани билан бөглаб, ганч нақшларининг ўзига хос такрорланиши, ҳамоҳанглигини мусиқа дарси билан бөглаб ўтиш мавзуни янада чуқур, атрофлича тушунтиришга ёрдам беради.

Мавзу қуйидаги мазмунда ўтилади

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз аксини дунё меъморчилигига, жумладан, Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон ва бошқа Шарқ меъморчилигига намоён этиб келмоқда. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги, композициясининг ишланиш услуби билан фарқ қиласи.

Ҳозирги кунда ганч серкүёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб ва авайлаб муҳофаза килинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди. У Самарқанд, Бухоро,

Тошкент, Қўқон, Фарғона, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни қуриш ва безатишда ишлатилган.

Ганч ўймакорлик санъати асрлар давомида ўзига хос услугуб билан ривожланиб келди. Бу санъатнинг энг қадимги, Ўрта асрлардаги ва XX асрдаги ривожланишини кўздан кечириб, ўрганиб чиқсан, бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир-биридан анча фарқ қиласи. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳажмий бўлиб реалистик тасвирлар асосида ишланган. Уларда кўпинча одамлар, ҳайвонлар қушлар тасвири ишлатилган. Эрамизнинг биринчи асрларида ёқ кишилар ганчни ажойиб хусусиятга эга эканлигини билиб, қалъалар, карvonсарой ва бошқа жойларни безай бошлиганлар. Бўлиб ўтган жанглар оқибатида улар вайронага айланиб, фақат қолдиқлари сакланиб қолган.

III асрда Тупроққалъанинг серҳашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилган. Варахшадаги топилмалардан VI-VII асрлардаги Бухоро Саройи қолдиқлардан намуналар топилган. Бу топилмаларда қушлар, ҳайвонлар, балиқларни, ўсимликсимон ва геометрик шаклларнинг ўйма намуналарини кўриш мумкин.

X-XI асрларда наққошлиқ, ёғоч ва ганч ўймакорлиги янада ривожланди. Мураккаб тасвирни акс эттирадиган нақшлар пайдо бўлди. Ганч ўймакорлиги ишлари уйнинг ички ва намарчилик тегмайдиган ташқи қисмида ҳам кўлланилган.

Термиз мақбараларидаги ганч ўймакорлик санъати ўша даврнинг юқори чўққиси деса бўлади. XII асрда мукарнаслар ҳосил бўлди. Кўпгина биноларда кўлланила бошлиди. XIII асрда ганчкорлик санъати янада юксалди. Буннiga Афросиёбда топилган ажойиб ганч ўймакорлиги ишлари мисол бўла олади. XIV-XVII асрларда ҳам биноларнинг ички қисмларини безатишда ганчкорлик санъатидан фойдаланилган.

Ганчкорликнинг гуллаб-яшнаган, даври XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошлари бўлди. XIX асрнинг бошларида буюк ганч ўймакорларидан Абдураҳим Ҳаётов, Уста Мурод, Уста Фузайл, Уста Носир, Уста Ҳожи Ҳафиз, Уста Насруллобой, Уста Азим, Уста Омонулло, Уста Фоғир, Уста Иброҳим, Уста Сарви, Уста Абдуфаттоҳ ва бошқалар фаолият кўрсатдилар.

XX аср бошларидағи ишларда ўйма рельефи жуда майин услугуб техникаси пайдо бўлди. Рангли ганчлар, бўёқлар, нақш ва тасвирлар кўлланила бошлиди.

1913-1914 йилларда Бухорода Амир Аҳадхон томонидан Ситораи Моҳи Ҳоса қурилди. Ганч ўймакорлиги билан безатилди, Айниқса, Оқ уй (меҳмонхонани) ўша даврдаги ганч ўймакорлигининг ажойиб намўнаси деса бўлади. Бунда ойна заминида ганч ўймакорлиги бажарилган. У ўзининг нозиклиги жимжимадор қилиб безатилиши билан ажралиб туради. Мазкур саройнинг безак ишларини Уста Ширин бажарган. У ўша даврда энг кўзга кўринган ганчкор усталардан эди.

1918-1920 йилларда хунармандлар қўмитаси Тошкентда ўлкашунослик хунармандлар ташкилоти, ўкув намунавий устахоналар ва хунармандлик ишлари бўйича музей ташкил этилди. Ўзбекистон хунармандлари ўз ишлари билан 1937 йилда Парижда "Санъат ва техника ҳозирги кунда" деган кўргазмаларда иккита "Грант при", иккита кумуш медаль ва битта олтин медаль билан мукофотландилар.

1947 йили Тошкентда меъмор А.Мухамедшин бошчилигига Курант биноси қурилди. Бу бинони безашда Уста Ширин Муродов ганчкорлик санъатининг ажойиб намуналарини яратди. Ўзбекистон меъморчилигига катта хазина бўлиб кўшилган Ўзбекистон Давлат опера ва балет катта театри 1947 йили академик архитектор Алексей Щусевнининг лойиҳаси ва раҳбарлиги остида қуриб битказилди. Щусев Ўзбекистон вилоятларидағи ганчкор усталарни бир жойга йигиб, улар олдига икки мухим масалани: театрнинг залларини ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий услуби асосида безаш, иккинчиси - безалган хона театрнинг архитектура бадиий образига мос тушиши кераклиги ҳақидаги масалани улар олдига кўяди.

Бунинг натижасида театрнинг Хива, Термиз заллари қадимда ишлатилган ганчкорлик услубида ишланди. Бухоро, Фарғона ва Самарқанд заллари эса замонавий ҳалқ анъанасига мос бўлган ўймакорлиги билан безатилди.

Ўзбекистонда ўзига хос ганчкорлик мактаблари мавжуд. Шулардан бири Хоразм ганчкорлик мактабидир. Хоразм меъморчилигига геометрик нақшларга кенг ўрин берилган бўлиб, улар бошка вилоятларга қараганда, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, ўсимликсимон нақшлар спирал шаклда айланма ҳаракатчанлиги, динамиклиги билан фарқ қиласи. Ислимий нақшлар куйидагича яхлит турунж, мадоҳил, қалампир, бодомга ўхшаш таноб шаклларининг такрорланишидан ҳосил бўлади.

Баъзи ҳолларда турунж, мадоҳили таноблар ўрнига юлдуз-симон гирихлар ҳам ишлатилади. Ислимий нақшлар новда кўп ишлатилиб, марғула, барг, шкуфта, ойгул, нўхатгул, куртак ва гунчалар кўп кўлланилади. Хива ганчкорлигига энг характерли томонларидан яна бири нақшларнинг эркин ва ҳаракатчанлиги, жўшқинлигидир. Инчунун бу мактаб наққош усталари кўп ҳолларда кўк ва яшил ранг билан ишлашган. Рузимет Машарипов, Каримберган Польонов, Юсуф Худойберганов, Бекжон Ёқубов, Одамбой Бобожонов, Одамбой Ёқубов кабилар Хоразм ганчкорлик мактаб намояндадаридандир.

Бухоро ганчкорлик мактаби санъатининг энг ривожланган жойи ва ўчоги ҳисобланади. Зеро бу санъат ўйма ганчларнинг йирик ҳамда ўзига хос майнлиги, жозибадорлиги ва бошқа томонлари билан ажралиб туради. Бухоро ганчкорлик мактабининг энг йирик намояндадаридан бири академик Уста Ширин Муродовдир, Бухоро ганчкорлик мактаби намояндадари Уста Сафар, Уста Адис, Уста Саври, Уста Ислом, Уста Икром, Уста Жўра, Уста Қурбон Юлдошев, Уста Иброҳим Ҳафизов, Уста Назрулло, Уста Ҳаёт Носиров ва бошқалардир.

Тошкент ганчкорлик мактаби ҳам ўзига хосдир. Бу мактабга хос нақшларнинг нозиклиги аниқ симметрик тақсимига эгалиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради, Тошкент ганчкорлик мактаби намояндадари сафида Усмон Икромов, Тошпўлат Арслонкулов, Махмуд Усмонов, Анвар Пўлатов, Мирмаҳмуд Раҳматов, aka-ука Абдураҳмон ва Мўмин Султоновлар, Ҳаёт Абдуллаев, Зиёдулла Юсупов, Умар Тоҳиров, Мирвоҳид Усмонов каби қатор етук усталар бор.

Самарқанд бутун дунёга машҳур энг қадимиш шаҳарлардан бири бўлиб, у ерда ишланган нақшларнинг ҳар бири ўзига хос мактабга эга.

Бошқа ганчкорлик мактаби нақшлари ўзининг тузилиши жиҳатидан Тошкент нақшларига ўхшаб кетади. Самарқанд ганчкорлик мактаби намояндадари Уста Анвар Қулиев, Уста Турсунбой Исмоилов, Шамсиддин Ғофуров, Қули Жалилов ва бошқалардир.

Ҳар қандай бинони безашда, аввал, унинг тузилишига мос ганч ўймакорлиги турини танлаш, кўллаш муҳим аҳамиятга эга. Кичик хонага майда текис ўйма ва унга мос бўлган пардоз тури катта меҳмонхоналарга эса йирик ўйма ва ўзига хос ганч ўймакорлиги кўлланилади.

Ганч ўймакорлиги, йирик ўйма, чуқур ўйма, ясси ўйма, кирма, замини кўзгули ўйма, замини рангли ўйма, чизма пардоз, панжарасимон ўйма, занжирсимон ҳажмли ўйма турларидан иборат. Бундан ташқари ганч ўймакорлиги турлари заминли ва заминсиз ўймаларга бўлинади.

Энг кўп қўлланиладиган ўйма ясси ўймадир. У интеръерда кўп қўлланилади. Албатта, катта бўлмаган хоналарга ўйманинг чуқурлиги 1-1,5 см бўлиб, унга ҳар хил пардоз турлари берилади.

Ўйма нақшнинг замини умумий юзанинг 30-60 фоизини эгалайди. Ўйилган жойига пах пардоз, чока пардоз, лўла ёки табақа пардоз берилади.

Таянч тушунчалар

1. Турунж - доира ёки овалсимон шаклдаги нақш тури.
2. Мадоҳили - чопу - рост такрорланувчи лоласимон нақш тури.
3. Кирма – ўйилган жойларни рангли ганч қоришмаси билан тўлдиришдир.

Ўтилган мавзууни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўзбек халқ амалий безак санъати нима ва унинг қандай турлари бор?
2. Хунар ва хунарманд тушунчаларининг изоҳини тушунтириб беринг.
3. Ганчкорлик хунари қаерда яхши ривожланган?
4. Сиз маҳаллангиз ёки қишлоғингиздаги қайси машхур хунармандларни биласиз?
5. Сиз қайси хунарга қизиқасиз?
6. Хунар ҳақида қандай халқ мақоллар ва ривоятларини биласиз?
7. Қадимда қандай хунармандчилик маҳаллалари бўлган?
8. Ганч ўймакорлиги билан безатилган замонавий биноларни қаерларда кўргансиз?

Ўйга вазифа:

1. Рўзнома, ойномалардан ганч ўймакорлиги хунарига оид суратлар, иллюстрацияларни ҳамда китобларни топиш ва йиғиш.
2. Ганчкорлик хунарини ўрганишда керак бўладиган дафтар, қалам, ўчиргич, альбом, чизгич ва ҳоказоларни тайёрлаш.

Адабиётлар:

1. Ахрапов И.А., Ремпель Л.И. Резной штык Афрасияба. - Изд-во лит-ры и искусства им. Г.Гуляма, 1971.- 158 с.
2. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.- Мехнат, 1991.-10 б.
3. Боситхонов. Ганчкорлик санъати.- F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.- 3-4 б.
4. Вейморн Б. Архитектурно-декоративное искусство Узбекистана.- М.: Гос. изд-во по архитектуре, 1948.- С.17-28.
5. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати., Мехнат, 1991.14-44 б.
6. Долинская В., Захидов Г., Кадыров Т. и др. Искусство Советского Узбекистана.- М.: Изд-во "Советский художник", 1976. - 606 с.
7. Ремпель К. Архитектурный орнамент Узбекистана.- 1961.- 606 с.
8. Қосимов Қ. Наккошлик.- Тошкент: Ўқитувчи, 1982.- 3-14 б.
9. Ремпель М.И. Далекое и близкое.- Ташкент, 1981.- С.199-235.
10. Справочник архитекторағ Сост. А.А.Печанов.- 1956.- С.199-224
11. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. 1972.- 163 б.
12. Булатов С. Ганчкорлик.- Ўқитувчи, 1990.- 806 с.
13. Ўзбек Совет Энциклопедияси.- 3-т.- Тошкент, 1972.- 206-207 б.
14. Фуломов С.С., Булатов С.С. Шарқона "уста-шогирд" одоби.- 2000.- 45 б.

Ганч ўймакорлигига ишлатиладиган асбоб-ускуналар

Машғулотнинг мақсади:

1. Таълимий: талабаларни ганч ўймакорлигига ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг номи ва тузилиши билан таништириш ҳамда улар билан ишлашга ўргатиш.

2. Тарбиявий: талабаларда иш қуроллариға нисбатан меҳр уйғотиши ва уларни эҳтиёт қилишга ўргатиш ҳамда ахлоқий хислатларни тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи: ганч ўймакорлигига ишлатиладиган қуроллар билан таништириш орқали уларнинг дунёкарашини шакллантириш.

Машғулот ўтиш методи: лекция, сұхбат, тушунтириш ва күрсатиш.

Машғулотнинг жихозланиши.

Ўқитувчи учун:

1. Ганч ўймакорлигига қўлланадиган асбобларнинг турлари тасвирланган плакатлар, асбобларнинг ўзи, чархлаш қоидалари кўрсатилган плакатлар.

2. Ганчкорлик санъати усталарининг иш вақтида олинган фотосуратлари, техника ҳавфсизлиги қоидалари кўрсатилган плакатлар.

3. Ганчкорлик асбоблари.

Талабалар учун: альбом, катакли ва бир чизиқли иккита дафтар, скальпель, искана, ўчиргич (кўк ёки оқ ранглиси), паргор (циркуль) ва бошқалар. Ўқитувчи янги мавзуни баён этишдан олдин, талабанинг аввалдан машгулотда олган билимларини савол-жавоблар ёрдамида аниқлаб ва мустаҳкамлаб олади. Бунда тахминан кўйидаги саволлар берилиши мумкин:

1. Ганч ўймакорлигининг қандай турларини биласиз?
2. Ганч ўймакор усталаридан кимларни биласиз?
3. Машхур ганчкорлик мактаблари ва уларда таҳсил олган усталардан кимларни биласиз?
4. Сиз қаерларда ганч ўймакорлиги билан безатилган биноларни кўргансиз?

Ўқитувчи савол-жавобдан сўнг, унга якун ясад, ганчкорликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар тўгрисида қисқача назарий тушунча беради. Шундан сўнг, талабаларнинг мавзуга бўлган қизиқишини янада ошириш учун қизиқарли ривоят, хикоят ёки усталарнинг ҳаётида рўй берган айрим қизиқ воқеаларни айтиб бериш фойдадан ҳоли эмас.

Ҳар бир соҳа усталарининг ўзига хос асбоб ва ускуналари мавжуддир.

Шунга кўра машгулот хонасидаги жиҳозлар нима учун кераклиги ва уларни кўз қорачиғидай сақлаш лозимлиги талабаларга тушунтирилади.

Ганч ўймакорлигига кўлланиладиган асбоблар, чизиклар ўтказиш учун чизгичлар, паргор (циркуль), юмшоқ ва қаттиқ қаламлар талабалар дафтари, оқ ёки кўк ўчиргичлар, шаффоғ қофоз, расм дафтари, катта ўлчамдаги оқ қофозлар ва шу кабиларнинг иш жойида мавжуд бўлиши лозимлиги уқтирилади.

Ганч қориш учун сирли тоғора, элаклар, катта ва кичик челаклар, рулетка, андава, ганч юзасини ишқалаш учунг юмшоқ латта, шокул, медицина кўлқопчаси, кум қофозлар, симлар, қайроқ тошлар, ганч тахта тайёрлаш учун тўртта тахтачадан ясалган чорчўп ва шу кабилардан фойдаланиш йўллари амалий тарзда тушунтирилади. Иш жойи ва дастгоҳларни, устахонани тоза ва

озода тутиш қоидалари борасида талабаларга керакли маълумотлар берилади. Ҳар бир талабанинг иш жараённида ҳалат кийиши ва бош кийими бўлиш кераклиги айтилади. Ганч ўймакорлик асбобларини чархлаш тартиби ҳамда техника ҳавфсизлиги қоидалари ҳақида тушунчалар берилади. Табобат бурчагида дорилардан тўғри фойдаланиш ва шикастланган кишига қандай тез ёрдам кўрсатиш йўллари амалий равишда ўргатилади. Ганчни ўйиш ва пардозлашда қўлланиладиган асбоблардан скальпель, исказа, штургардон, қаламтоқ, минкор, морпеч қаламлар, қалампух, патак бинди, лулакаш, замин қалам, наво қалам, пилта қалам, думал қалам ва бошқа асбобларнинг тузилиши, ўзига хос хусусиятлар кисқача шарҳлаб ўтилади. Талабаларга усталар аввал қўллаган асбобларнинг ўзи ёки фото суратларни кўрсатиб, ҳар бирининг қайси жараёнда қўлланилиши ҳақида керакли тушунчалар беради.

Асбобларни сақлаш тартиби, уларни тўғри чархлаш усуслари плакатлар ёрдамида ва амалий тарзда кўрсатилади. Куйида ҳар бир асбобнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг қўлланилиш ўринлари кўрсатиб ўтилган:

Скальпель - пўлатдан ясалган ҳар хил ўлчамли жарроҳлик пичноқаси. Ундан ҳозир ганч ўймакорлигига ҳам кенг фойдаланиляпти. Ўймани катта ёки кичиклигига қараб усталар ҳар хил ўлчамдагисини ишлатадилар.

Аввалигни усталар жарроҳлик пичогидан ганчкорлик асбобларини темирчи усталарга буюртма бериб ишлатганлар.

Усталар фойдаланишдан аввал уни чархлаб, дастасини қўлга ботмайдиган қилиш учун икки томонига юпқа фанер қўйиб, изолента ўраб кейин ишлатадилар. Яъни бу асбоб ганч ўйма корлигига турли ишларни бажаришда қўл келади.

Искана - дурадгорликда ишлатиладиган оддий асбоб. Унинг учи оғма ҳолатда кесик бўлиши ҳам мумкин. Исканалар ҳар хил катталикда бўлади. Кичиги майда ўймаларда, каттаси йирик ўймаларда ишлатилади. Искананинг темир қисми япалоқ, Узунчоқ қўринишда бўлиб, Узунлиги 7 см дан 10 см гача бўлиши мумкин. Банди қўпол бўлмаслиги керак. Исканани мактаб устахонасида ҳам ясад олиш мумкин.

Шутургардон - ганч ўймакорлигига қўлланиладиган асосий ўйма асбоб, стержени бел қисми тия бўйнига ўхшаш 90° бурчак остида қайрилган бўлгани учун Ўни шутургардон, яъни туйабўйин

деб ҳам юритилади. Ясси пўлатдан ясалган кескич қисмининг тифи учли бўлиб, тенг ёнли учбурчакка ўхшайди. Шутургардон орнаментларнинг зеҳ чизикларини кесишида ва ўймали рельефга пардоз беришда ишлатилади. Ўймага қараб шутургардоннинг катта-кичиги танланади. Чунончи, катта шутургардондан орнамент зирхларини ўйишга ва чукур заминли ўймаларда, ўртачаси ўймага пардоз беришда, кичик шутургардан эса майда ўйма ишларини бажаришда ишлатилади.

Пух қалам - ханжарга ўхшаш икки томонга қиялаб кетган ўткир учли (фақат учи ёй шаклидаги илмоққа ўхшаш қайрилган бўлади) асбоб.

Кескич қисмининг узунлиги 10 см дан 18 см гача узунликда бўлиши мумкин. Пух қалам эгри сиртларни текислашда, сталактитларга ишлов беришда, пардозда нова очишида ишлатилади. Бу асбоб ҳам ҳир хил катталикда бўлади.

Минкор - учун ўқли (стерженли) асбоб бўлиб, уч қисмига учбурчак куракчали кескич 90° бурчак остида ўрнатилган бўлиб, ўйма заминини тозалашда, текислашда ва чукурлашда ишлатилади.

Қаламтоқ - тузилиши худди ханжар кўринишида бўлиб, кескич қисми икки томонга қиялаб ўткирланган. У тирнаб чизик чизишида, ўйишда ва ганчни тешишда ишлатилади.

Морпеч қалам - ўйилган нақшларнинг четларига ярим доиралар, бўртиқ ҳосил қилиш, ўровларни қиркиш ҳамда рельефга лула пардоз беришда, ўйилган нақшларнинг четларида занжира, ҳошия атрофларида турли кўринишдаги ўйиқлар, ярим доиралар, нұқталар чиқаришда ишлатиладиган ганч ўймакорлик асбоби. Морпеч қалам тузилиши жиҳатдан юмалоқ бўлиб, сирт кесиш учун ишлатилади. У пўлат андазали шаклдан, стержендан ва ёғоч банддан иборат.

Лух - ярим цилиндр сиртларни ҳосил қилишда ишлатиладиган ганч ўймакорлик асбоби. Тузилиши жиҳатидан кескич қисми япалоқ ясси шаклда бўлиб, учи 90° бурчак остида букилган бўлади.

Қалам - ханжар шаклидаги асбоб. Баъзиларининг учи қайрилган бўлиб, ахта ёрдамида тушурилган нақшларни учеб кетмаслиги учун тирнаб, чизиб чиқишида ишлатилади.

Пилта қалам - ганч ўймакорлик асбобининг бир тури, унинг учи қайрилган бўлади. У ярим айланадиган рельефлар ҳосил қилишда ишлатилади.

Патак бинни - шутургардоннинг бир тури, у раҳларни учли қилиб кесишида ва ўйишда ишлатилади.

Нова - искана кўринишида бўлиб, учи эгри, ичи илмоқ сингари буқланган, ўткир учли ганчкорлик асбобининг тури. Рельефларни юмалоқ килиб кесишида ишлатилади.

Калами шукуфта - айлантириб тешик очишида ва чизиқ чизишида ишлатилади.

Дулакаш - умумий кўриниши ярим юмалоқ, буқланган, учи ярим доира шаклида, асосан, лула пардозда ишлатилади. Бу асбоб ўйманинг йирик ёки майдалигига қараб ҳар хил ўлчамда бўлади.

Шарафа қалам - учи қайрилган искана, майда муқарнасларнинг ўймакорлик асбоби.

Ганч ўймакорлигига ишлатиладиган асбобларни ҳозир топиш қийин, чунки сотувда Бундай асбоблар йўқ. Аввалги ганч ўймакорлик усталаримиз маҳсус темирчи усталарга буюртма бериб ясатиб олганлар. Баъзи бир усталаримиз эса ўзлари ясаб оладилар. Ҳозир бундай асбобларни ясаб берадиган усталарни топиш қийин. Шунинг учун дорихоналарда, поликлиникаларда, шифохоналарда бизнинг асосий асбобимиз бўлган скальпельни топишингиз мумкин. Искана эса хўжалик магазинларида сотилади.

Булардан ташқари ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган баъзи асбоблардан фойдаланингиз мумкин. Бу асбоблар ҳар доим чархланган, озода бўлиб, куруқ жойда сақланиши керак. Бундай асбобларни маҳсус қутича (пенал)ларга солиб юрган маъкул.

Таянч тушунчалар:

1. Пух қалам - ханжарга ўхшаш икки томонга қиялаб кетган ўткир учли асбоб.

2. Минқор - қуш тумшуғини эслатувчи ганч ўймакорлиги асбоби.

3. Қаламток - тузилиши худди ханжар кўринишида бўлиб, кескич қисми икки томонга қиялаб ўткирланган ганчкорлик асбоби.

4. Нова - искана кўринишида бўялиб, учи эгри илмоқ сингари буқланган, ўткир учли ганчкорлик асбобларидан бири.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ганчкорлик хонаси қандай бўлиши керак?

2. Ганч ўймакорлигига қандай асбоблар ишлатилади?

3. Асбобларни қандай сақлаш керак?

4. Асбобларни чархлаш босқичларини айтинг ва кўрсатиб беринг.

5. Ганч ўймакорлигига техника ҳавфсизлиги қоидаларига қандай амал қилиш керак?

Уйга вазифа:

1. Ганчкорлик санъатининг ривожланиш тарихига оид маълумотларни топиб, ўкиб келиш.
2. Ганч ўймакорлигига оид фото суратларнинг намуналари ҳамда репродукцияларини йигиш.
3. Ганч ўймакорлигига кийиладиган маҳсус иш кийимлари ва асбобларни тайёрлаб келиш.

Адабиётлар:

1. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Мехнат, 1991.- 69-71 б.
2. Булатов С.С. Ганчкорлик: Ўқитувчи. 1989.- 58-62 б.
3. Захидов П.Ш. Самаркандская школа зодчих. 1965.- С.116-120.
4. Ноткин И.И. Бухарская резьба по ганчу. 1961.- С.22-29.
5. Справочник архитектора Сост. А.А.Пеганов.- Т.15.-М.,1956.-С.209-212.
6. Усманов М. Санъатим - саодатим.- Тошкент: Ёш гвардия, 1983.- 60-61.

Ганч ўймакорлигига ишлатиладиган маҳаллий ҳом ашёлар ва уларнинг хусусиятлари

Машғулотнинг мақсади:

1. Таълимий: ўкувчиларни ганч ўймакорлигига ишлатадиган бадиий материалларнинг турларини, ганч, алебастр ва гипсларнинг иш кувватини аниқлашга, ховонда, ахта тайёрлаш ва шу кабиларга ўргатиш.

2. Тарбиявий: ганч ўймакорлигига ишлатиладиган материалларнинг турлари ва уларни ишлатиш технологияси орқали ўкувчиларнинг эстетик дидини ўстириш, ахлоқий ва меҳнатсеварлик хислатларини тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи: ганч ўймакорлигига қўлланиладиган материаллар билан ишлаш куникмаси ва малакаларини шакллантириш ҳамда аввалги машғулотларда олган билимларини янада мустаҳкамлаш.

Машғулотни ўтиш методи: сухбат, маъруза, тушунтириш, машқ қилиш.

Машғулотнинг жиҳозланиши: ўқитувчи учун: гипс, алебастр, тупроқ ва қумлардан намуналар. Уларни тайёрлаш ва ўзига хос хусусиятлари ёзилган плакат. Ўйма ишлардан олинган фото суратларнинг намуналари. Қозоз, нина, шаффоф қофоз, сирли тогора, рейка ва бошқалар. Ахта тайёрлаш йўллари кўрсатиласан плакатлар.

Талабалар учун: дафтар, қалам, ручка, нина, шаффоф қофоз ва бошқалар.

Машғулотнинг бориши

Янги мавзууни ўтишдан аввал, олдинги ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун талабаларга куйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Ганч ўймакорлигига қандай асбоблар қўлланилади?
2. Шутургардон асбоби нима учун ишлатилади?
3. Асбобларни қандай сақлаш лозим ва ҳоказо.

Ўқитувчи савол-жавоблар тугагандан сўнг, талабаларнинг жавобларини қисқача ўз сўзлари билан тўлдиради. Янги мавзууни баён қилиб халқ амалий безак санъати турларида ишлатиладиган бадиий материаллар ҳақида қисқача сўзлаб беради. Бунда ҳар бир бадиий материалнинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича шархлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Қадимий обидаларнинг ва ундаги безакларнинг умри боқийлиги шундаки, жуда қадимдан ота-боболаримиз юқори сифатли, ғоят чидамли ҳамда давр синовларидан ўтган курилиш материалларидан кенг фойдаланиб келганлар. Шундай маҳаллий материаллардан қаерда ва қандай қўлланиш сир-асрорларини жуда яхши билганлар. Шунинг учун ҳам асрлар оша ҳозиргacha ота-боболаримизнинг қурган муҳташам бинолари, ўйма ганч, ёгоч нақшлари шу кунгача ўз жилвасини йўқотмай турибди.

Шундай материаллардан бири ганчdir.

Ганч - маҳаллий курилиш материали бўлиб, унинг ранги кўкиш, сарғиш ва оқ бўлади. Ганч турли шаҳарларда турлича номлар билан юритилади. Кавказда "гажа", форсда "гаж", тоҷикча "ганч", туркча "урунак", ўзбекча "ганч" деб юритилади. Ганч гипс билан тупроқнинг табиий аралашмаси бўлиб, унинг таркибида 40-70 фоизгача гипс бўлади. Ганч икки хил: табиий ва сунъий бўлади. Табиий ганчлар катта харсанг тош ҳолида бўлиб, ундан тўғридан -

тўғри ўйиб, йўниб, тирнаб курилишда устун, ҳайкал ва безак сифатида фойдаланилди. Сунъий ганчлар эса маҳсус печларда қиздирилиб, кейин майдаланиб тайёрланади. Қадимда маҳсус ганч тайёрлайдиган усталар бўлиб, уларни ганчкорлар деб юритганлар. Ганчкорлар олиб келинган ганч тошларни юқори иссиқлик куввати берадиган хумдонда 120-150 даражага ҳароратда кундуз куни 6-7 соат қиздириб эрталабгача аста-секин совўтиб қўйганлар.

Эрта билан ганч тошларни маҳсус тўқмоқлар билан майдалашган. Уларни ғалвир ва элакдан ўтказишган. Бу ганчлар сортларга ажратилган.

Энг майнин, донали ганчларни "гулганч" деб, яъни гул ўйиш учун ишлатиладиган ганч деб юритганлар. Бу ганч қанчалик майнин бўлса, ўйма шунчалик нафис, бадиий чиққан. Майнин ганчлар нафис ўймакорлиқда пардоз ишларида кўлланилган. Юқори ҳароратда қиздириш натижасида ганч таркибидағи нам жуда камайиб, унинг куввати ошади. Йирик ганчлар хар хил сувоқ, кора сувоқ ва гишт теришларда ишлатилади. Ганч ўрнида алебастр ҳам ишлатилади. У сувоқда, гишт теришда, айрим ҳолларда эса гулганч ўрнида ҳам ишлатилади. Ганч ўймакорлиги билан шуғулланган усталар "ганчкорлар" деб аталади. Улар ганчнинг кувватини аниқлаш учун унинг қанча ҳароратда қиздирилганлиги ва қанчалик тез ёки секин қотишига қараб аниқлайдилар. Жуда тажрибали усталар эса ганчни кўлига олиб сикимлаб кўришнинг ўзидаёқ, унинг эски ёки янгилигини, кувватини айтиб бера оладилар. Одатда, усталар ганчнинг кувватини аниқлашда ундан озгина олиб қориб, ўйиб кўрадилар. Агар ганчнинг куввати жуда кучли бўлса, ҳатто уни минг мартағача сувда айлантириш мумкин. Ганчнинг жуда кўп сирли хусусиятлари бўлиб, ундан мохирона, омилкорлик билан шошилмай фойдаланиш керак. Ганч қориш технологияси унча мураккаб бўлмасада, ўзига хос нозик томонларини билиш лозим. Ганчни қадимги усталар сирли лаган идишларда қорғанлар. Ҳозир эса янги елим идишлардан фойдаланилди.

Ганч қоришнинг "тез ганч, соxта ганч, дугоб, ховонда" усууллари бўлиб, улар ўзига хос нозик ёки мураккаб бўлади. Қоришма тайёрлашда унинг ушбу нозик томонларини эътиборга олиш усталарнинг асосий вазифасидир.

Тезганч - тез қотувчи ганч қоришмаси бўлиб, ганчкорлиқда, равоқ боғлашда, сувоқ ва ҳар хил ишларда кўлланилди. Бу

қориshmани тайёрлаш учун идишга сув солиб устидан ганч солинади.

Тезкорлик билан қорилади. Ганчни кўп айлантирилмайди ҳамда керакли жойда ишлатилади.

Тезганч қориshmаси дарҳол ишлатилмаса, у қотиб қолади ва исроф бўлади.

Сохта ганч - қорилгандан сўнг 30 минут атрофида қотмасдан туради.

Сохта ганч қориshmасини тайёрлаш учун идишга сув солиниб, устидан эланган ганч сувга сепиб солинади. Бу иш сув юзаси ганч билан беркилгунга қадар давом эттирилади. Бунда ганч сувга тўйиниб боради.

Уста идишга шу сохта ганч қориshmасини бир чеккадан солиб керакли жойга ишлатади.

Дугоб усули - бирор юза ёки нарсани тўлдириш ёки беркитиш учун ишлатадиган суюқ қоришма. Идишга сув солиниб сув юзи беркитилгунча ганч сепилади. Бу усул - сохта ганчга қараганда бироз суюкроқ бўлади. Бу ганч қоришма нарсаларни беркитиш ёки тўлдириш учун ишлатилади.

Ховонда - гул ўйишга мўлжаллаб маълум қадар кучи камайтирилган ганч қорилади. Уни тайёрлашнинг ўзига хос томонлари бор. Бунинг учун сирли ёки пластмасса тоғорага сув солинади. Унга эланган майда ганчни охиста, шошилмай солинади. Ганч сув юзига чиқиб кетмаслиги учун идиш ости кулнинг кафти билан давра шаклида аралаштирилади. Тайёрланган қоришма бироз кота бошлаганда уни ишлатиш мумкин. Ганч қанчалик кучли бўлса, шунча марта кўп қорилади. Шунинг учун қадимги усталар юқори кувватли ганчларни ишлатганлар. Улар ховондани моҳирлик билан тайёрлашгани учун ишлари бежирим, нафис ва гўзал чиққан. Усталар юқори кувватли ганчларни жуда кўп қорганлар, Шунинг учун ҳам ганч қоришма шунча нафислашган, майинлашган. Секин ва юмшоқ ҳолатда қотган ховондага усталар широнч қўшадилар. Широнч унинг кувватини оширган. Ганч ўрнида гипс ҳам ишлатилган.

Гипс - оқ, рангсиз, шаффоф, қизил, қорамтири ёки қора рангдаги минерал. У жуда мўрт бўлиб сувда эрийди. $80\text{--}90^{\circ}$ ҳароратда қиздирилганди, таркибидаги сув бугланиб кетади. Агар $120\text{--}140^{\circ}$ қиздирилса, алебастрга айланади. Ундан қурилиш материали, қофоз,

цемент саноатида, медицинада, ҳайкалтарошлиқда, ўймакорлиқда ва бүёқ ишлашда ҳам фойдаланилади. Гипс сувга чидамсиз. Шунга күра гипсни намдан асралашуучун унинг сирти сув ўтказмайдиган муҳофаза пасталари ёки бүёқлар билан бўялади. Гипслардан умуман қурук сувокда, девор тошларини бириктиришда, тўсик плита, қаватлараро ёпмалар ҳамда карниزلар тайёрлашда фойдаланилади. Товуш ютувчи материаллар ва ёнгиндан муҳофазаловчи буюмлар ясалади. Гипс, айниқса, ҳозирда ганч ўрнида ҳам ишлатилиб келинмоқда. Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Шимолий Кавказ ва шу каби бошқа ерларда гипс конлари мавжуд.

Қадимда гипс тошлар $200\text{-}250^\circ$ қиздирилса, ҳосил бўлган гипснинг қотиши секинлашиб, куввати ошган. $400\text{-}750^\circ$ ҳароратда қиздирилганда эса у ёниб, куйган ва яроқсиз гипс деб аталган. $200\text{-}250^\circ$ дан кам қиздирилган ганчнинг қўввати паст ҳисобланган. Лекин қадимда, мисрликлар машҳур пирамидаларни қуришда гидравлик гипсларни ишлатганлар.

Бунда гипсларни 800° гача қиздириб, аста - секин совитиш натижасида гидравлик гипслар олинган. Ҳозирда бу технология унтилиб, бизгача етиб келмаган.

Алебастр - гипснинг дағалрок тури. Тез қотади каттиқлиги гипс ва ганчдан қолишмайди. Доначалари йирикроқ, оқ ва ҳаворанг тусда бўлади. У сувоқ ва бошқа ишларда кўлланилади. Бунинг учун алебастр элакда эланиб, сув билан аралаштирилиб қоришма тайёрланади. Уни печкада $80\text{-}90^\circ$ қиздирилганда таркибидағи сув йўқола бошлайди. Ҳарорат $120\text{-}140^\circ$ даражага етганда эса алебастрга айланади. Алебастр, кўпинча, юзаларни текислаш, яъни сувоқ ишларида ишлатилади. Баъзан тоза алебастрлардан усталар ўймакорлик ишларини бажариш учун ҳам фойдаланганлар.

X-X асрларда хом ғишт ўрнига пиширилган ғишт ишлаб чиқилган. Ғишт теришда лой ўрнига ганч ишлатилган. XIV-XV асрларга келиб ажойиб технологик хусусиятларга эга бўлгани учун ундан биноларнинг қобирғаларини тайёрлашда ҳозирги бетонлар ўрнида ишлатилган. Ўрта Осиёда ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошлари бўлди. Ганчкорлик ўз ҳусни жамолини дунё меъморчилигига, шу жумладан Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари меъморчилигига қўлланилиб келинмоқда. Айниқса,

Осиё халқларининг тажрибаси, улар яратган асарлардаги ўзига хос композиция ва ишлаш услублари, технологияси бошқа юртларнинг ганчкорлик санъатидан фарқ қилади. Ганч қадимдан ғишт теришда, сувоқ ишларида ҳамда нафис ўймакорликда кенг ишлатилиб келинган. Ганчнинг, қадимдан ишлатилиб келинишининг сабаби ўзига хос хусусиятларининг синовлардан ўтиб, сайқалланиб келгандигидир.

Ганч ўзидан совуқни ва иссиқни жуда кам ўтказади. Бу хусусиятларни билган халқ меъмор усталари уйларнинг девор, шифт, ҳаттоқи, полини зах ўтмаслиги учун ганч билан суваганлар. Қадимда курилган уй, мачит, мадрасаларни ичига кирсангиз печкасиз, ҳеч қандай электр иситкичиз хона қишида иссиқ бўлади. Ёзда эса бу хоналар жуда салқин бўлади. Чунки биринчидан девор қўш синчли бўлиб, орасида бўшлиқ қолдирилган. Иккинчидан деворлар қалин ганч сувоқ қилингандигидир.

Хозир эса қалин бетон уйлар қишида совуқ, ёзда эса қизиб кетади. Бу инсон соглигига умуман салбий таъсир этмоқда. Бетонни ҳам ўз ўрни ва ишлатиш жойи бор. Бизнинг маҳаллий шароитимизга мутлақо тўғри келмайди. Ганчнинг ижобий томонларидан яна бири унинг енгиллигидир. Ганч бетонга қараганда 38-40 фоиз енгил бўлгани учун ҳар хил гумбаз ва маҳсус биноларни куришда ишлатилади. Шунинг учун қадимда курилган архитектура биноларнинг гумбази ва маҳсус жойларидаги ҳар хил қўйма безаклари фақат ганчдан қилинган. Ганчнинг яна ижобий хусусиятларидан бири унинг физик механик хусусияти яхши бўлгандигидир. Масалан, ганч қотгандан сўнг торайиш ўрнига кенгаяди. Бу эса ёғоч конструкцияларни янада мустаҳкам боғлаб теради. Ганчнинг хусусиятларидан яна бири, у юқори босимга чидамли ва эгилувчанлигидир. Ганч билан терилган ғишт девор ёки ганч сувоқ даҳшатли зилзилалар бўлганда ҳам зарар кўрмайди. Ганч тезда куриб ёпишиб қолади. Девор ва шифтни сидирға сувашда, турли шакллар, ўйма нақшлар тайёрлашда, тасвир ишлашда жуда кўл келади. Кўпгина рисолаларда ганч сувга чидамсиз деб кўрсатилган ва шунга кўра, кўпинча бинонинг ичкари қисмларини пардозлашда ишлатилади дейилган. Лекин бу фикрга биз тўла қўшила олмаймиз. Чунки ота-боболаримиз ганч тайёрлаш ва уни ишлатиш сир-асрорларини жуда яхши билганлар. Улар ҳаттоқи ҳаммомларнинг ички қисмини ҳам ганч билан суваганлар.

Ганч сувоқ парда күчиб тушмаган. Усталар кир қориshmаси деб аталаған ганчни ҳаммомда ишлатғанлар. Қориshmани тайёрлаш ва ундан фойдаланиш қуидагича бұлған: бир челак оәқ, бир челак құм, майда құмир кукуни ва ҳар хил қамиш кулини құшғанлар. Бу қориshmани оловга қўйиб 10-12 соатлаб айлантириб пишитиб, кейин сув туралыған ховузларни суваганлар. Үндаги кичик ёриқларини йўқотиш учун сут билан қорилған ганч билан суваганлар. БУндай қопламалар намчиликка жуда узоқ чидаган. Биноларга ғишт теришда ва сувоқ ишларида "ганчхок" ишлатилған. Бунда бир челак сув тупроқни эламасдан сувга обдон аралаштирилған. Холвайтар ҳолатидаги аралашма керакли юзага кафт билан чапиб суртилған. Бу сувашни ганчкор усталар "капғанч" деб атайдилар. Ганч тупроққа ўхшаган қорамтири бўлади. Аввалги усталар ишдан чиқсан ганчларни ташлаб юбормасдан қайта ишлатган эдилар. Бунда ганчни қозонга солиб қиздирғанлар. Қайта ишлаш натижасида ганч олдинги қувватига келган. Қайта ишланған ганчларни сувоқ ва ғишт теришда ишлатғанлар. Ганч акустиклик хусусиятига ҳам эга. Ганч билан сувалған хонада товуш жаранглаб чиқсан, чунки товушни ганчли девор яхши қайтарған. Шунинг учун ганч билан сувалған катта заллар ёруғ ва товушни қайтариш хусусиятига эгадир. Илгарилари жуда катта залларда ҳеч қанака микрофонсиз мажлислар олиб борғанлар.

Ганчга минерал бўёқлар қўшиб, рангли ганчлар ҳам тайёрланған. Ганч ўймакорлигига қирма, яъни ўйилған ерларни рангли қориshmа билан тўлдириш ҳам ганч ўймакорлигининг бир туридир. Бу ибора русчада ганчевая мозаика" деб юритилади. Қирманинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, унда кўп ранг ишлатилмайди. Шунинг билан бирга, уни пардозлаш ҳам одатдагидек эмас. Қирмага неча хил ранг ишлатилса, иш босқичи ҳам шунча ортади. Бунинга сабаб нускада бир-бирига яқин қуилиши керак бўлған бўёқларнинг ўринлари бир йўла ўйилған бўлса, рангли қориshmани қўйганда, у бошқа ранг кириши зарур бўлмаган ўрнига ҳам тушиб кетади. Бунинг учун нақош олдин бир хил рангни ўйиб чиқиб бўлгач, рангли қориshmа куяди ва нақш сатхини текислаб, қиркиб ташлайди. Шунда бўёқ кирган чегаралар яна чиройли бўлиб туради. Кейин яна қайта, ахта ёрдамида иккинчи марта нусха тушириб бу сафар иккинчи бўёқнинг ўрнини ўяди, ранг тайёрлаб қуяди ва яна олдингиси сингари нақш сатхи (юзи) очилгунча кирилади.

Учинчи, тўртинги рангли қоришма киритилмоқчи бўлса, худди шу иш босқичи яна, такрорланаверади. Шунинг учун қирмада ранглар сони асосан 2-3 хилдан ортиқ бўлмайди. Қирма яхлитлиги ва ранг турининг камлиги билан рангли нақшлардан якқол ажралиб туради. Рангли ганч тайёрлашда аввалги усталар кўмир кукунидан, тегирмонда майдаланган қизгиш ёки жигарранг ғиштларнинг кукунидан фойдаланганлар.

Хозир эса тайёр ҳар хил рангли пигментлардан фойдаланилаяпти. Рангли пигмент ганчга қанча кўп қўшилса ҳам ганч унинг кучини кесиб, муътадил ҳолга келтириб кўяди. Ганчга қўшиладиган минерал бўёқнинг нисбати: 1:10 дан ошмаслиги керак. Акс ҳолда, тайёрланган рангли ганчнинг қуввати пасайиб кетади. Одатда, қирмага коришма тайёрлашда усталар бирор идишни ўлчов қилиб, куруқ ганчга ўзлари хоҳлаганча зарур бўлган рангдан кўшиб аралаштирадилар. Сўнгра бу куруқ аралашмадан ўрнига қараб озоздан қориб ишлатадилар. Олдиндан куруқ аралашма тайёрлаб олинмаса, қоришманинг ранги ҳар хил тусда бўлиб қолиши мумкин. Қирма ранг жиҳатдан рангли нақшга, ишлаш техникаси бўйича эса ганч ўймакорлигига яқин. Унинг яна бир хислати шуки, куёш нури тушса ҳам ялтирамай, бир хил майнинликда кўринади. Вақт ўтиши билан нақш устини чанг босса, уни қайтадан қириб янгидек қилиш мумкин. Қирма пардозни, кўпинча, Уста Ширин Муродов, Кули Жалилов ва бошқалар кўллаганлар.

Ширанч - лотинча эремурс, русча, клей. Ширанч ганч ўймакорлигига ва ғишт билан теришда мақсад ганчни секин қотишини ва қотгандан сўнг, тошга ўхшаш қаттиқ бўлиб қолишини таъминлашдир. Археолог олимлардан Б.Г.Засипкин ва В.П.Вяткинлар 1933 йилда Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликларини текшириб терилган ғишт ва ўйма ганч қолдиқларини ўрганиш натижасида усталар унга маҳсус тайёрланган ширанч кўшиб ишлатганларини аникладилар. Ширанч кўшиб ишланган ўйма ганчнинг қуввати 0,5-45 фоизгача ошган. Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликларининг ҳаммаси ширанчли ҳамда қадимги бакувват ганчлардан ишланган. Шунинг учун бу архитектура ёдгорликлари бир бутун яхлит тошга айланаб қолиб, ҳар қандай зилзилага бардош бера олган. Қадимда ширанч тайёрлайдиган маҳсус усталар бўлган. Масалан, Бухорода Амир Олимхон хукмронлиги даврида Ситораи Мохи Хосада бош қароргоҳнинг оқ зали Уста Ширин бошчилигига безатилган. 1912 -

1924 йилларда Ситараи Моҳи Ҳосани безашда маҳсус ширанч тайёрлайдиган уста чақирилиб, ўша ерда ширанч тайёрлатилган ва у Уста Ширин Муродовга етказиб турган. Бу ширанч тошойна заминли ўймага ишлатилган. Ширанч тайёрлайдиган маҳсус усталар қассоблардан буқача ёки қўйнинг пайи ва суягини сотиб олганлар. Ўт-ўсимлик ва маҳсус ўтлар қозонда аста-секин оловда қайнатилган. Ўни тўхтовсиз айлантириб суюқлик қайнаганда ҳосил бўлган кўпиклар тез-тез олиб турилган. Чунки кўпик олиб турилмаса, тайёрланаётган ширанчнинг қувватига путур етказган. Суюқлик анча муддатгача бир текисда қайнатилган ва аста-секин совутилиб ҳосил бўлган ширанч масса маҳсус идишларга солиниб, ганчкор усталарга олиб борилган. Усталар эса ганчга маълум микдорда ширанч кўшиб ишлатганлар. Ҳаттоқи бу тайёрланган маҳсус ширанчларни чет элларга, яъни Англияга ва Швецияга сотганлар. Қадимги меъморлар қурган иморатларнинг бунчалик пишиқ, пухта, чидамли ҳамда мукаммаллиги бутун дунё олимларини ҳайратга солмоқда. Ганчнинг секин қотиши учун унга ариқ сувлари ва сирка кабилар кўшилган. Лекин бунда ганчнинг қуввати бироз камайган. Ҳозирда баъзи бир усталар масалан, Самарқанд ганч ўймакор усталари ганчга ширанч кўшиб ишляптилар. Кейинги йилларда ширанч тайёрлаш технологияси жуда кенг кўлланилмоқда.

Бино қисмлари, устунлар, ҳайкалчалар, шарафа, муқарнас. ҳажмли безак ва бошқа нарсаларни қўйма усулда олиш учун сут, камеди, казеин ширанчи ва бошқа нарсалар қўшганлар. Булар эса ганчнинг қувватини янада оширган, умрини узайтирган. Қадимги усталар ҳар қандай янги бинони камида икки йилдан ошиқроқ вақт ичida безаганлар. Чунки бино обдон куриши ва ерга яхшилаб чўкиб, ўрнашиши керак бўлган.

Акс ҳолда, бир неча йиллардан кейин ҳар қандай чиройли бақувват қилинган биноларнинг безаклари ёрилиб, кўчиб ёки тўкилиб кетган.

Шунинг учун ҳам Тошкентда, 1966 йили апрелда содир бўлган зил-зила оқибатида жуда кўп янги бинолар бузилиб, ундаги безаклар ва сувоқлар тушиб кетган. Лекин бир неча аср аввал қурилган архитектура ёдгорликлари ва ундаги безакларга умуман щикаст етмади.

Мавзунинг талабаларга янада қизиқарлироқ бўлиши ва уларни зериктириб қўймаслик мақсадида қизиқ воқеалардан ҳам сўзлаб

бериш мумкин. Чунончи, Е.Березниковнинг "Шаҳрисабз нақшлари" мақоласида қизиқ бир воқеа кўрсатиб ўтилган. Қадимда кулол ҳам, ҳунарманд ва ишчи косиб ҳам ўз иши, ишининг сифати учун боши билан жавоб берган.

1961 йили Абдуллаев археолог ҳамкаслари билан Тошкент вилоят Оққўргон тумани ҳудудида жойлашган кўхна Канка шаҳар-часини қазиши пайтида, сарой кисмидаги эшикларнинг орасида ҳар хил паст-баландликда З та одам скелетини топишиди. Қаерда эшик ёмон тайёрланган бўлса, ўша девор орасига тиқиб суваб ташланган одамнинг бўйин умуртқасида аниқ килич изи бор эди. Бу, кимки ўз ишини оз бўлса-да сифатсиз қилса, ёки ҳатога йўл қўйса, унга нисбатан шунчалик бешафқат бўлишганидан далолат беради⁴⁹.

Ўқувчиларга гул ганч билан тез ганчнинг фарқлари тушунтириб берилгандан сўнг, сирли тогорада ҳовонда тайёрлаш усули кўрсатилади.

Тайёрланган ҳовонда асосида ганч тахта тайёрлаш тартиби амалий равишда бажарилиб, тушунтириб берилади. Ганч тахтани тайёрлаш жараёнида сухбат тариқасида куйидагилар ўқтириб борилади. Хока - дасмол, ахта ёрдамида нақшни ёки тасвири тушиниш учун тайёрланган маҳсус тушунча. Юпқа латта ёки икки, уч қават дока парчасига майдалangan писта кўмир, бўр ёки оқ бўёқ кукуни солиниб ҳалтacha ҳолида туғилади. Буни усталар ҳока деб юритадилар. Ахтанинг устидан ҳока уриб чиқилади ёки енгил босиб юргизилади. Натижада нақш нусхаси керакли юзага ўтиб қолади. Ахта - нақш ёки бирор расмни шаффоф (калька) қофозга чизиб, чизик йўлларини игна билан тешиб буюм юзига тушириш учун тайёрланган маҳсус андоза. Хоразмда уни "улги", Бухорода "сўзак" деб ҳам юритадилар. Илк даврларда усталар ганч тахта сиртига тўғридан-тўғри нақшни чизиб ўйиб кетганлар.

Кейинчалик ахта орқали тасвириш кулайлигини билиб, ундан кенг фойдаланиб келганлар. Усталаримиз нақш композицияларининг эскизини йиллар давомида сақлаб келганлар ва хоҳлаган вақтларида улардан ижодий фойдаланиб, янада такомиллаштирганлар. Бу ахталар ҳаттоки, отадан-болага мерос бўлиб қолган. Усталар ахтани маҳсус сандикларда сақлаб келганлар. Ҳозирда эса уларнинг айрим нусхалари давлат архивларида сақланмоқда.

⁴⁹Березников Е. Шаҳрисабз нақшлари// Совет Ўзбекистони санъати.- 1980.- 19 б.

Ахтани тайёрлаш қуйидагича, тушунтирилади. Уни тайёрлаш учун шаффоф (хитой) қофоз нақш композициясига мослаб, симметрия ўқи бўйича иккига, тўртта ва ҳоказога буқланади. Буқламанинг бир қисмига нақш чизилади. Нақшли шаффоф қофоз ёстик устига қўйилиб, нақш чизиклари устидан игна билан тешиб чиқилади. Нақшнинг йирик ёки майдалигига қараб йўғон ва ингичка игна танланади. Игна билан тешилган жойлар оралиғи нақшнинг майда ёки йириклигига боғлиқ. Агар нақш майда бўлса, игна тешиги оралигидаги масофа яқин бўлади. Нақш нусхаси игна билан тешиб бўлингандан кейин, шаффоф қофоз ёйиб юборилади. Натижада ахта ҳосил бўлади. Ганч тахтани қўйишда қолипдан фойдаланилади ва у бир оз қотгандан сўнг, тайёр бўлган ахта шу юзага қўйилиб, устидан ҳока уриб ва босиб юргизиб чиқилади. Натижада нақш нусхаси ганч тахта юзасига қўчирилади. Нақш чизиклари ўчиб кетмаслиги учун устидан скальпельда енгил тирнаб, ўйиб чиқилади. Бунда нақш нусхасининг чизикларини бузиб юбориш керак эмас. Машғулотнинг бошланишида дастлаб безакдаги ярим гажак маргула ва гажак атрофлари ўйиб чиқилади. Сўнг, нақшнинг новдалари ва қиярок, ётиқроқ чиққан чизик атрофларини ўйишга ўтилади. Нақш замини тозалангач, заминдан бўртиб чиқиб турган нақш барглари, йўллари, айрим унсурлари, маргула ва шобарг, ғунча ва кулчаларга қўшимча ўйма ҳашамлар берилиши ва пардозланиши кераклиги ўқувчиларга тушўнтирилади. Бу жараёнлар плакатлар ёрдамида ҳам кўрсатилиб, тушўнтириб берилади.

Таянч тушунчалари

Ганч - гипс билан тупроқнинг табиий қоришмаси.

Тез ганч - тез қотиб қолувчи ганч қоришма.

Алебастр - гипсни даголроқ тури.

Ганчхок - ганч ва тупроқни сувдаги қоришмаси.

Ширанч - ёпишқоқлик хусусиятига эга бўлган сунъий қоришма.

Ҳока - писта кўмирнинг майда кукунини бир неча қават докага солинган кичкина тугунча.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ганч ўймакорлигига қандай материаллар кўлланилади?
2. Ганчнинг қандай турлари бор?

3. Ҳавонда қандай тайёрланади?
4. Ахта нима?
5. Алебастр, гипс ва ганчлар орасида қандай фарқ бор?
6. Хока нима ва у қандай тайёрланади?
7. Ганчнинг сифатли қилиб тайёрланиши нимага боғлиқ?
8. Ганч тахта қандай тайёрланади?
9. Ганчни ўйиш босқичларини айтиб беринг.

Уйга вазифа

1. Ганчнинг сифатини аниқлашни ўрганинг.
2. Хованда, ахта ва ҳока тайёрлаш йўлларини такрорлаб келиш.
3. Мустақил равишда содда нақш ахтасини ва ҳокани тайёрлаб келинг.

Адабиётлар:

1. Булатов С. Ганчкорлик. Ўқитувчи, 1989.- 48-65 б.
2. Булатов С. Ўзбек ҳалқ амалий безак санъати. Мехнат, 1991.- 51-63 б.
3. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. 1981.- С.199-234.
4. Справочник архитекторағ Сост. А.А.Пеганов.- М.,1956.- С.9-22
5. Усмонов М. Санъатим - саодатим. Мехнат, 1983.- 66-68 б.
6. Энциклопедия.- Тошкент: Фан, 1972.- Т.3.- 3-206, 358 с.

Нақш ва унинг турлари

Машғулотнинг мақсади:

1. Таълимий: ганчкорликда ишлатиладиган нақшлар ва уларнинг турларини ўргатиш.
2. Тарбиявий: талабаларга нақш турларини таништириш орқали уларнинг эстетик ва аҳлоқий хислатларини тарбиялаш.
3. Ривожлантирувчи: ганчкорликда ишлатиладиган нақш турлари билан таништириш орқали талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш.

Машғулотни ўтиш методи:

Ўқитувчи учун:

1. Ганч ўймакорлигига ишлатиладиган нақш турларига оид плакатлар.
2. Ганчкор усталардан Уста Ширин Муродов, Шамсиддин Фоғуров, Тошпўлат Арслонкулов, Усмон Икромов, Маҳмуд Усмонов ва шу каби моҳир усталарнинг чизма ва ўйма композицияларидан фото ҳамда чизма намуналар.

3. Халқ амалий безак санъати турларидаги нақшлар ва уларнинг ўзига хос томонлари кўрсатилган плакатлар.
4. Талабаларнинг ишларидан намуналар.
Талабалар учун: дафтар, ручка ва бошқалар.

Машғулотнинг бориши

Ўқитувчи янги мавзуни бошлашдан олдин талабаларнинг аввалги машғулотда олган билимларини мустаҳкамлаш учун қуидагича савол-жавоблар ўтказади:

1. Ганч нима?
2. Ахта қандай тайёрланади?
3. Тарихий меъморчилик ёдгорликларини тиклашда қандай материаллардан фойдаланилган?
4. Ҳокани тайёрлаш босқичларини ким тушунтириб бера олади?

Шунингдек, янги мавзуни бошлашдан аввал нақш нима, нақш типи, нақшнинг турлари ва ҳоказолар борасида ҳам савол - жавоблар ўтказилади

Сўнг, биноларни безаш борасида қадимги фозилу фузалоларнинг айтган фикрлари, хунар ўрганиш борасидаги ўғитлари талабаларнинг эсига туширилади. Шу ўринда яна бир ибратли ҳикояни талабаларга сўзлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, XVI асрда яшаб ижод этган тарихчи Зайнуддин Восифий ўзининг "Бадои-ул вақое" асарида Алишер Навоий билан Камолиддин Беҳзод орасидаги бир қизиқ воқеани келтирган. Унда наққошнинг асарини Алишер Навоий ўз атрофидаги мулозимлари билан бирга томоша қилиб, фикр-мулоҳазаларини айтиётган парча ёритилган.

Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган нақшга боқиб, Алишер Навоий завқ-шавққа тўла кунглидан қуидагиларни айтади: "Эй нақшо! Сен келиб хонамизни безатдинг. Вақтинг хуш бўлсин, зероки, бизни бағоят хушнуд этдинг". Сўнгра Мир мажлиисда ҳозир бўлганларга қараб дейди: "Азизларнинг хотирига бир мухим саҳифа таърифи ва тавсияи учун нималар келди? Мир (Алишер)нинг устози ва Хуросон аҳлиниң машҳур (киши)ларидан бўлган Мавлоно Фасихиддин (бундай) дейди".

- Маҳдумлар! ундаги очилган раъно гулларни қўл чузиб узсам-у, дасторимга санчсан!?

Мир (Алишер)нинг дўсти ва улфати соҳиб Доро (бўлса):

- Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо, қўл чўзсам, дараҳтлар устидаги кушлар ҳуркиб, ўтиб кетмасин деб андиша қилдим,- дейди...".

Айниқса, Амир Темур шаҳарларни ҳар томонлама чиройли нақшлар ва улуғвор бинолар билан безашга интилган бўлиб, тош ҳамда ғиштли йўллар, кенг ва равон кўчалар курдирган. Кўчаларда турли хил ҳунармандлар учун дўпичилик, мисгарчилик, заргарлик, бешикчилик, пичноқчилик, бўйрачилик, саватчилик, гиламчилик расталари мавжуд бўлган. Расталарнинг ёнма-ён жойлашганлиги харидорларнинг ишларини анча енгиллаштирган.

1404 йилда Шахрисабздаги Темур саройида бўлган Испания қироллигининг элчиси Рюи Гонсалес Клавихо ўз кундаликларида қуидагиларни ёзиб қолдирган: "Мен подишохнинг амри билан қарийиб 20 йилдан бери қурилаётган катта бир саройни кўрдим. Бу саройнинг кириш жойи жуда узун бўлиб, пештоқи жуда баланд эди. Кириш жойининг ўнг ва чап томонлари турли хил нақшлар билан безатилган ғиштдан силлиқ қилиб қурилган арклар қад кериб туриди. Кенглиги 300 қадам бўлган катта ҳовлидан сўнг, подишохнинг таҳти ўрнатилган залга киришдаги баланд ва катта эшик кўринади. Эшик олтин ва зангори ранглар билан безатилган, кошинлари жуда ҳам нафис ишланган. Эшикнинг устиди, энг ўртада, кўёшда ўтирган шер тасвири туширилгани четларида ҳам худди шунаقا - бу Самарқанд шахрининг гербидир. Бу эшиқдан тўғри квадрат шаклида, қурилган саломжонага кирилади. Бу хонанинг деворлари олтин ва зангори бўёқлар билан безатилган, кошинлари силлиқланган, шифти эса бутунлай зархалланган.

Ҳовлида жула кўп мевали ва сояли дараҳтлар мавжуд. Унда кўлгина ховузлар ва боғлар бор. Бу боғни кўрганингизда; ёз пайтлари дараҳтлар соясида жуда кўпчилик роҳатланиб дам олиши мумкин экан, деган фикр келади".

Эсадаликларининг давомида Рюи Гонсалес Клавихо шундай ёзади: "Сарой ичи жуда гўзал кошинлар, бундай қилинишига сабаб, подишохнинг шу ерда бўлган пайтида одамларнинг ўтириши учун эди". Клавихо мана шу гўзал кошинлар устиди юрган, унинг гўзал нақш ва безакларидан завқланган ва бизга ўзининг ажойиб эсадаликларини қолдирган шахсдир. Шундан бери қарийб 500 йил ўтди, аммо бошқа ҳеч ким ҳақиқатан бу гўзал шоҳ қасри ва унинг хона-

ларининг қай тарзда бўлганлигини, нозик ва нафис тилла югуртирилган эшиклар, чет эллик элчини ҳайратлантирган кошинларни кўришга мусассар бўлмади. Бунчалик нафис санъат намунасини курган Клавихо ҳам, энг машхур Париж усталарининг ишидан кўра бу ишлар жуда гўзал, деб тан олишга мажбур бўлган”⁵⁰.

Нақш - арабча тасвир, гул деган маънони англатади. Куш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа унсурларнинг маълум тартибда, такрорланишида ҳосил қилинган безакдир. Ганчкорлик, кандалорлик, каштадўзлиқда, зардўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўкиш, тўқимачилик, инкрустация⁵¹, панжаралар ва ҳоказоларда ҳар хил йўллар билан нақшлар ишланади. Масалан, ўйиб, чизиб, чок ёрдамида, зарб билан, қодоб ва бошқа усуllарда нақш солинади.

Нақшлар ислимий (наботий), геометрик (хандасий) ва бошқа турларга бўлинади.

Ислимий (наботий, ўсимликсимон) нақшлар - классик нақш турига мансуб бўлиб, таноб, банд, баргли, куртакли буталардан ташкил топади ва бир-бири билан чирмашиб кетиб, ўсимликларга ўхшаш тасвирни беради. Ислимий нақшнинг турлари кўп бўлиб, усталар композицияни қайси шакл билан тўлдиришган бўлсалар, ўша шаклнинг номи кўшиб айтилади.

Чунончи, унинг ислимий меҳроб, ислимий бодом, ислимий булбул ва кўп номлари бор. Булар кўргазма плакатлар ёрдамида тушунтирилади.

Гирих - форсча "чигал тугун" деган маънони англатади. Хандасий нақш - мураккаб нақш бўлиб геометрик нақш турларига киради. Унинг тўртбурчак, учбурчак ва шу каби бошқа кўпбурчаклар, айланада ва ёйлардан ташкил топади.

Хандасий нақшлар тўғри ва аралаш чизиклар, узлуксиз рапортлардан тузилиб, ҳар бир рапорт ўзига хос кўринишига эга бўлади. Гириҳлар гулли ва гулсиз бўлади. Масалан, Гириҳнинг ичига ислимий нақш ишланган бўлса "гулли гирих" деб, ислимий нақш ишланмаган бўлса "гирих" деб юритилади.

Ҳар бир нақшнинг ўзига хос нақш унсурларидан ташкил топиши кўргазмалардан фойдаланиб кўрсатилади ва тушунтириб бери-

⁵⁰ Березников Е. Шаҳрисабз нақшлари // Совет Ўзбекистони санъати журнали.- 1980.- 18 б.

⁵¹ Инкрустация - бирор буюм сиртига ёғоч, сувяк, садаф ва шу кабиларни қадаш оркали нақшлар билан безаш ёки бадний тасвирлар ишлаш усули.

лади. Ўсимликсимон нақшлар новда, барг, қўшбарг, ғунча, лола гул, қалампир, бодом барги, баргли гул, кўп баргли гул, гажак барг, шобарг, шоҳбарг, юлдузча гул, ойгул ва Унинг турлари, банд, марғула шкифт, сиртмок, тугун гул, бофта ва шу каби унсурлардан ташкил топган бўлади.

Шунингдек, бошқа нақш турлари қуш, ҳайвон, одам, герб ва бошқа ҳар хил рамзий тасвиirlардан тузилади.

Ота-боболаримиз қадими обидаларни нафис нақшлар билан безар эканлар, улардан завқ олиш билан бир қаторда улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини, тилакларини куйлаганлар. Наққош ота-боболаримиз инсон руҳиятини жуда чукур ва ҳар тарафлама ўрганиб уйларини ажойиб нақшу-нигорлар билан бойитганлар. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, руҳий осоиишталик оғушида бўлиши, узоқ умр қўришини донишманд боболар асрлар давомида, ҳәётий тажрибалар асосида илгаганлар. Кекса усталаримиз айтишича, қадимда наққошлиқ санъати шунчалик ривожланган эканки, улар чизган бўёғи, бўяган нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олар эканлар. Наққошлиқ санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир унсури ва рангларининг рамзий алифбосини билмоқ керак.

Амир Темур, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Камолиддин Беҳзод, Маоний, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва наққошлар биноларимизни кишилар хаёлини ўзига тортувчи, табиатнинг гўзал манзараларига монанд нақшлар билан безаганлар. Кишиларнинг гўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишга ундаганлар.

Чунончи, Самарқанднинг эски шаҳар маркази, яъни Регистонда савлат тўкиб турган Шердор мадрасасига бир назар солайлик. Унинг пештоқлари, баҳайбат гумбазлари ва чиройли миноралари, ранг-баранг сирли кошинлари ҳамда нафис, ҳашаматли, дабдабали ишланган жимжимали қопламаси кишини ҳайратга солади. Ушбу Мадраса бошқа меъморий ёдгорликлар сингари ўз Мазмунига ва тарихига эга. Бухородаги Аштархонийлардан Муҳаммад Имомкулхон даврида хоннинг энг ишончли ҳамда яқин кишиси,. Самарқанд ҳокими Ялангтўшибий Баҳодир ниҳоятда бойиб кетгандан сўнг, Самарқандда Мирзо Улуғбек мадрасасининг қаршисида 1619-1636 йилларда замонасининг мўъжизаси ҳисобланган Шердор мадрасасини курдиради.

Бу ажойиб бино шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб, барча шоиру - олиму, уламо-ю, фузалолар ва шаҳар халқининг олқишига сазовор бўлади. Ялангтубий Баҳодир меъмор Абдужаббор олдига ҳеч бир нарсадан ўзининг улуг аждодларидан қолишмаслигини нақшлар орқали халқка етказиш вазифасини қўйган. Санъат калитини эгаллаган машхур меъмор ўз олдига қўйилган фалсафий фикрни нақш тили билан халқка унсиз овозда етказа билган. Шердор мадрасасининг бош фасади жозибали чиқсан бўлиб, унинг пештоғи мутаносиб (симметрик) қилиб рамзий нақшлар билан безатилган қизгиш зарҳал йўлбарссимон шерлар нозик охуларни қувиб, етиб ташланаётганини ва уларнинг ортидан кулиб турган одам қиёфасидаги қуёш эса зарҳал ёғду билан ҳошияланган.

Уларнинг атрофларидан ислимий нақшу нигоралар ишланган. Тасвирда эпчил, енгилмас шер рамзий маънода Ялангтӯш Баҳодирга ишора қилинган, Унинг муқояси қилиб кучсизлик рамзи тариқасида оху тасвирланган. Қуёш эса ўша давр ва ҳаёт рамзи тариқасида олинган. Зангори рангли кошинлар орқали коиноти ва тинчликни нозиклик ўсимликсимон нақшлар орқали боғу бўстонни, табиатни акс эттирган.

Хўш наққошлиқда рамз нима? - У арабча "ишора қилмоқ" сўзидан олинган, табиатан, воқеаликни ҳаётдаги қувонч ва ташвишларни дўст ва душманларни, яхшилик ва ёмонликни нақш элементлари, жонли чизиқлар, ранглар орқали тасвирлашдир.

Биз энди ўзбек миллый нақш тили алифбоси билан танишиб чиқамиз. Улар қуидагилардан иборатдир:

Геометрик нақш элементларининг рамзий маънолари:

Тенг томонли учбурчак - тик турган ҳолати ҳаётнинг бошланиши, тескари турган ҳолати эса ҳаётнинг охирини билдиради.

Тенг ёки учбурчак - яхлит бўлак, айрилиқ.

Квадрат - дунёнинг тўрт томони, осмон саройи, қуёш фарзанди, абадийлик, ёруғлик, мустаҳкамлик.

Тўғри тўртбурчак - ишонч.

Ромб - олам, баҳт, қуёш, одамларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.

Беш қиррали юлдуз - ҳаётнинг қисқалиги, беш қунлик дунё.

Ярим айлана - баҳт.

Ярим ой - ислом динининг ифодаси. Мусулмонлик рамзи.

Ўнг свастика - абадий ҳаракат, ўсиш, кўтарилиш.

Чап свастика - тескари ҳаракат, бузилиш.

Қуёш - ҳаёт рамзи.

Булут олов - ғолиблиқ рамзи.

Ислимий нақш элементларининг рамзий маънолари:

Бодом - баҳт иқбол.

Барг - баҳорги уйғониш.

Қалампир - ҳар хил ёмонликлардан ва ёмон кўздан асраш рамзи.

Зирк гули - (Гулсафсан) - осойишталик ва умр узоклиги.

Анор - эзгулик, тўқчилик, тўқин - сочинлик.

Ойгул - баҳт-иқбол рамзи.

Жингала - тўқин - сочинлик, бойлик рамзи.

Олма - муҳаббат рамзи.

Новда - бойлик ва фаровонлик.

Япроқ - тўқчилик, баҳорги уйғониш, наврӯз.

Исириқ - ёмон кўздан асраш рамзи.

Атиргул - гўзаллик рамзи.

Куш ва ҳайвонлар рамзий маънолари:

Шер - мардлик ва жасорат, кучлилик рамзи.

Тулки - маккорлик.

Чумоли - донолик, хоксорлик рамзи.

Булбул - садоқат.

Хумо - баҳт келтирувчи қуш.

Бойкуш - баҳтсизлик.

Балиқ - хушёрлик рамзи.

Сичқон - уй ҳайвонларининг кўпайиш рамзи.

Эчки - жасурлик, мардлик.

Оқ кабутар - тинчлик.

Оху - гўзаллик, нозиклик.

Рангларнинг рамзий маънолари:

Яшил ранг - она табиат рамзи.

Кўк ранг - мовий осмон.

Қизил ранг - ғалаба, хурсандчилик.

Сарик ранг - муқаддаслик.

Қора ранг - мотам.

Сарик гул - айрилиқ.

Зангори - олий эътиқод.

Оқ ранг - тозалиқ, ёруғлик.

Ўқитувчи яна нақш унсурларини табиатдаги турли ўсимликлар, гуллар ва баргларнинг табиий шаклларини қайта ишлаш стилизациялаш ёрдамида ҳосил қилиш йўлларини маҳсус плакатлар ёрдамида доскада чизиб кўрсатади. Стилизация - бу нарсаларнинг расми ва шаклларини содда ёки мураккаб кўринишида бадиийлаштирилган ҳолда қайта ишлаб, умумлаштириб тасвираш демақдир.

Ўсимликсимон нақш унсурларининг кўпи симметрик тарзда тузилган бўлиб, уларни тасвирашда ана шу қоидаларга амал қилиниши кераклиги ўргатилади. Буннга риоя қилинмаса, нақш композицияси бузилади.

Юқоридаги нақш турлари ҳар хил жойларда турлича ривожланган. Бир жойда ўсимликсимон, иккинчи жойда рамзий ва яна бир жойда эса геометрик нақш турлари кенг кўлланилган. Ана шуларга кўра Хива, Бухоро ва шу каби ганчкорлик санъати намуналарини осонлик билан ажратиш мумкин.

Ганчкорликда ишлатиладиган нақш унсурлари кулолчилиқда, нақошлиқда, ёғоч ўймакорлигида ва ҳоказоларда қўлланиладиган нақш унсурларидан ўзига хос томонлари билан фарқ қилиши тушунтирилади.

Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган нақш унсурлари турли халқларнинг санъатида турличадир. Масалан, қирғиз ва қозоқларда ўтовлар, шоҳлар, ҳайвонлар, дараҳт ва бошқалар, тоҷик халқларида ҳар хил гуллар, лолалар, бодом ва бошқалар. Грузия халқ нақшларида эса узум барги, узум новдаси, чой барги, ўзбек халқ нақшларида эса пахта, лола, япроқ, куртак, пахта барги, чиннигул, ойгул ва бошқалар тасвиранади. Ўқитувчи мазкур назарий тушунчаларни талабаларга турли чизмалар, расмлар, нақш намуналари, слайд ва шу кабиларни намойиш этиш йўли билан тушунтириб беради. Бу, ўз навбатида, талабаларни бошқа миллат халқларининг ганчкорлик санъати билан танишишларига ёрдам беради.

Таянч тушунчалар:

1. Нақш - гул, арабча гул, тасвир, безак.
2. Рамз - арабча ишора қилмоқ сўзидан олинган табиатдан,

воқейликни нақш элементлари, чизиклар, ранглар орқали тасвирлаш.

3. Гириҳ - геометрик нақш тури.
4. Ислимий - ўсимлик шаклига ўхшаш нақш тури.

Ўтилган мавзуни мастихкамлаш учун саволлар:

1. Қандай нақш турлари бор?
2. Нақш турлари бир-бирларидан нималари билан фарқ қилади?
3. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган нақш бошқа халқларнинг амалий санъати турларида кўлланиладиган нақшлардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
4. Стилизация нима?
5. Симметрия нима?
6. Бир воҳанинг нақши билан иккинчи воҳанинг нақши ўртасида қандай фарқ бор?
7. Нақш ўзи нима?
8. Нақш тили деганда нимани тушунасиз?
9. Қайси нақш элементларини рамзий мъноларини биласиз?

Уйга вазифа

Ганчкорлик санъати тарихи, нақш турлари ва бошқа халқларнинг санъатига оид материалларни ўқиб ўрганиш ва кисқача конспект ёзиб келиш.

Адабиётлар:

1. Баратников А.П., Лямин И.В. Основы композиции.- М.: Наука и искусство, 1953.
2. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Мехнат, 1991.- 53-56, 142-143 б.
3. Лоренц Н.Ф. Орнаменты всех времен и стилей.- М.: Изд-во А.М.Даврина, 1898.
4. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана.1961.- 606 с.
5. Шубников А.В. Симметрия.- М.-Л., 1940.
6. Қосимов Қ. Наққошлиқ. Ўқитувчи, 1982.
7. Ўзбек Совет Энциклопедияси.- 1 том. Фан, 1976.- 573-576 с.

Ганч ўймакорлигига қўлланиладиган нақш элементларини чизиш

Машғулотнинг мақсади:

1. Таълимий: ганчкорликда ишлатиладиган нақш унсурларининг номларини, рамзий маъносини ва уларни равон чизишга ўргатиш.

2. Тарбиявий: нақш унсурларини чизишга ўргатиш орқали уларни эстетик ва аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи: нақш унсурларини чизиш орқали талабанинг фазовий тасаввурларини кенгайтириш, дунёқарашини, нақш чизиш кўнгикмаси ва малакаларини шакллантириш.

Машғулотни ўтиш методи: сухбат, тушунтириш, намуналар кўрсатиш ҳамда амалий ишлар.

Машғулотнинг жиҳозланиши.

Ўқитувчи учун:

1. Ганч ўймакорлигига ишлатиладиган ислимий нақш унусрлари тасвирланган кўргазма.

2. Ислимий нақш унсурлари босқичма-босқич чизиб кўрсатилган кўргазма.

3. Гербариylар - гул, барг, новда ва бошқалар.

4. Талабалар томонидан бажарилган топшириқлардан намуналар.

Талабалар учун: катак дафтари (альбом), қалам, чизғич, ўчирғич ва бошқалар.

Машғулотнинг бориши

Янги мавзуни ўтишдан аввал олдинги машғулотда олган билимларини мустаҳкамлаш учун қўйидаги саволларни талабаларга бериб, савол жавоб ўтказиб олинади:

1. Ганчкорликда қандай нақш турлари ишлатилади?

2. Накшнинг қандай турларини биласиз ва улар қайси томонлари билан бир-биридан фарқ қиласи?

3. Бир воҳанинг нақши иккинчи воҳанинг нақшларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилишининг сабаби нимада? ва х.к.

Сўнг ўқитувчи жавобларни умумлаштириб, янги мавзу билан боғлади.

Бу машғулотдан бошлиб талабалар ганчкорлик санъатида

қўлланиладиган нақш унсурлари ва уларнинг номлари, чизиш йўллари билан танишишга киришаётганликлари сабабли, ўқитувчи уларнинг назарий ва амалий тушунчалари ўртасидаги боғлиқликка риоя қилиши керак бўлади. Ҳар бир нақшнинг ўзига хос унсурлардан ташкил топиши талабаларга кўргазмадан фойдаланиб кўрсатилади ва тушунтирилади. Ўсимликсимон нақшлар - табиатдаги ўсимликларнинг ўзига хос шаклларини қайта ишлаш орқали услубийлаштириб олиниши, улар барг, қўшбарг, новда, гунча, лола гул, қалампир, бодом барги, баргли гул, кўп барг, гажак ва бошқа шу каби унсурларни ташкил этиши назарий ва амалий жиҳатдан тушунтириб берилади. Бунда ҳар бир унсурнинг номи, унинг тузилиши, турлари, композицияси, тузулишидаги ўзига хос вазифаси ва шу кабилар ҳақида маълумот берилади.

Барг - ўсимликсимон нақш унсури бўлиб, наққошлар томонидан табиатдаги ўсимлик баргларининг шаклини қайта ишлаш орқали ҳосил қилинган тасвири. Барг нақш композициясида тўлдирувчи ва ўзгача хусн берувчи унсур бўлиб, тузилишига кўра оддий ва мураккаб кўринишларга эга бўлади. Оддий баргларга уч барг, бодом барги, тол барги ва шу кабилар; мураккаб баргларга эса кўп барг, шоҳ барг ва бошқалар киради.

Баргларнинг ўзига хос номлари бўлиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд. Шоҳбарг - ислимий нақш унсурларидан бири бўлиб, барглар ичida энг каттаси. Шоҳбаргни наққошлар баҳорги ўйғониш рамзи сифатида ифода этадилар.

Кўшбарг - икки баргдан иборат бўлган ўсимликсимон нақш унсури.

Кўпбарг - бир неча барглардан ташкил топган ўсимликсимон нақш унсури.

Чор барг - тўрт баргдан иборат ўсимликсимон нақш унсури.

Хурмо барги - хурмо дараҳти баргининг наққошлар томонидан умумлаштириб олинган тасвири, яъни тол барги, анор барги, қарқарча барг мадоҳил барг, қўш бодом барг, қалампир барг, нок барги, самбит барг, буток барг ва шу каби барг турлари ҳам мавжуддир.

Айиктовон (акант) барги - айиктовондошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркумига кириб, шаҳарларда чиройли манзара ҳосил қилувчи восита сифатида экиласиди. Барглари кетма-кет, баъзида қарама-қарши ўрнашган, кўпинча, баргсиз, панжарасимон, ўйма,

қиркма, оддий ёки мураккаб бўлади. Ер юзида: жумладан, Европа-нинг сернам жойларида ва Ўрта Осиёning чўл ва адирларида ўсади. У катта баргли, чиройли ўсимлик бўлганлиги учун, рассомлар томонидан классик нақшларнинг асоси сифатида кенг фойдаланилган. Айктовон шаклидан архитектуранинг экстеръери ва интерьери ни безашда жуда кўп фойдаланилади. У устунларнинг юқори қисмида (бошчаси), деворларнинг фризида, маълум қисми девордан чиқиб турган устунлар (пилястр) бошчасига, шифт ва бошка жойларида, безак сифатида, қўлланилиб келинган. Уни тошдан, ёғочдан ўйиб, гипсдан куйиб, куидирилган лойдан (терракота) ясаб, бўёқлар билан бўяганлар. Айктовон деярли ҳамма жойда, масалан, қадимги Миср, Юнонистон, Рим ва Ўрта Осиёдаги архитектура биноларида безак сифатида қўлланилиб келинган. У антик архитектурада Ўрта Осиёning ўзига хос классик мотивига эга бўлган. Марказий ва Ўрта Осиёдаги айктовон барглари тасвиirlанган намуналар грек ва римликларницидан фарқ қилиб, унинг уни пастга қараб ишланмасдан, кўпинча, тик ҳолатда тасвиirlанган. Термиздаги Мунчоқ тепада эрамизнинг I-II асрларида Акант барги билан ишланган устуннинг тепа қисми (бошчаси) топилган.

Унинг барглари шахмат катаклари каби жойлашиб, тик этик ҳолатда тасвиirlанган бўлиб, ўзига хос нафис ва характерли ҳолатга эгадир.

Гул - ўсимликсимон нақш унсури бўлиб, табиатдаги гулларнинг наққошлар томонидан умумлаштириб олинган тасвиридир. Гуллар нақш композициясида тўлдирувчи ва ҳусн берувчи унсур ҳисобланади. Гулларнинг ҳар хил номлари бор. Чунончи, уч-беш япроқли ойгул, баргли ойгул, лола гул, пахта гул, нўхат гул, бодом гул, чинни гул, сафсар гул, атиргул, гунафша, гултоҷихўroz ва бошқалар. Гуллар тузилишига кўра оддий ва мураккабга бўлинади. Мураккаб гулларга: пистагул, кўп баргли гул, оддий гулларга эса: ойгул, лолагул, пахтагул, нўхатгул ва бошқалар киради.

Ойгул - бир неча япроқлик мойчечак шаклидаги нақш унсури бўлиб, япрогининг сонига кўра уч япроқли ойгул, тўрт япроқли ойгул, беш япроқли ойгул ва ҳоказо номланади. У ўсимликсимон нақш композициясининг таркибий қисмини ташкил этади ва усталар томонидан жуда кўп қўлланилади. Ойгулни наққошлар баҳт - иқбол рамзи тариқасида қўллаб келганлар.

Гултожихўроз - гулнинг умумлаштириб олинган ислимий нақш унсури.

Ғунча - гулларнинг ғунчалари акс эттан тасвир. Ислимий нақш унсури.

Зирк гули - жуда чиройли япрокли гул, ўсимликсимон нақш унсури бўлиб, гулларнинг бир тури. У Ўрта Осиё нақшларида жуда кўп учрайди.

Уни азалдан ота-бобо наққошларимиз осойишталик ва умрузоқлик рамзи ифодаси сифатида куллаб келганлар.

Лола - нақш композициясида усталар жуда кўп куллайдиган ислимий нақш унсури.

Аноргул - анор тасвиридан ташкил топган ислимий нақш композицияси.

Аноргул қадимдан ишлатилиб келинаётган нақш тури бўлиб, Фаргона нақшларида кўп учрайди. Аноргул икки хил: табиий, яъни табиатда қандай бўлса, шундай ёки стиллаштирилган услубда тасвирланади.

Анор тасвирланган бу нақшда, кўпинча, унинг ички қисми ҳам кўрсатилади.

Аноргул нақши кулолчиликда, мисгарликда, каштачиликда, тўқимачиликда, наққошликда жуда кўп кўлланилади.

Таноб - арабча чилвир, аркон деган маънони билдиради. У мураккаб нақшлар композицияси асосини ташкил этувчи бир хил йўгонликдаги чизик бўлиб, усталаримиз уни табиатда учрайдиган анхорнинг шартли тасвири деб олганлар. Наққош нақш композициясини чизишдан олдин, биринчи навбатда, таноб тортиб, кейин новдаларни чизади. Сўнгра новда йўналишига мослаб гулларни жойлаштириб чиқади. Усталар нақш композициясини тузишда танобни биринчи ўринга қўядилар. Таноб устидан ҳеч качон гул, новда ёки барг босиб ўтмайди. Бундан ташқари таноб таг рангларни бир-биридан ажратиб туради. Таноблар хилма-хил бўлиб, бир композицияда бошланганича узлуксиз давом этади. Баъзи нақш нусхаларида икки нуқтадан бошланиб бир-бирига караб йўналиб, бир-бирига чирмасиб тугалланади. Бошқа нусхаларда эса таноб бир нуқтадан бошланиб, икки томонга йўналиб, тақсим четига бориб тугалланади. Баъзан эгри, тўғри ёки аралаш чизиклардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Агар композицияда кесиб ўтувчи таноблар рангли нақшларда ишлатилса,

унда албатта, иккаласи икки хил рангга бўялади. Агар бир хил рангда бўлса, унда асосий шакл ўзини кўрсата олмайди. Таноблар бир-бирини кесиб ўтмай, параллель йўналган бўлса, бундай нусхалар "кўш танобли ислими" деб аталади. Агар тугалланган мустақил композиция бўлса, "кўш танобли намоён" деб аталади. Композицияда таноб бирдан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Агар икки танобли композиция бўлса, бири бош, иккинчиси ёрдамчи таноб дейилади. Нақш композициясига асосий шакл берувчи чизикларни чизиш "таноб тортиш" дейилади.

Гулдон - гул солиши учун ишлатиладиган бадиий буюм. Усталаримиз, масалан: ганчкорлар, наққошлар, кулоллар, сангтарош ва бошқалар тураржой, зиёратхоналарнинг деворларига, буюмларга гулдон шаклини тасвиirlаб келганлар ва келмоқдалар. Гулдоннинг тик турган тасвирини усталаримиз ҳаёт рамзи деб, аксинча, тасвиrlанишини эса ҳаёт тугаганлиги рамзиси деб юритадилар.

Марғула - кўш чизикли гажак. Ислимий нақш унсури. У ҳалқ амалий санъати турларидан мисгарлик, наққошлиқ, ганчкорлик, зардўзлик ва бошқаларда ишлатилади. Агар бир новданинг ичидаги икки марғула ҳосил бўлган бўлса, уни "кўш марғула" деб юритадилар. Тасвирида новда билан марғула тасвиrlangan бўлса, "марғулали новда" дейилади. Нақш композициясида марғула тўлдирувчи унсур ҳисобланади.

Банд - (новда) ўсимлик банди. Ислимий нақш композициясининг таркибий қисми бўлиб, у гулларнинг новдаси ҳисобланади. Банд табиатдаги даражат ёки ўсимлик новдасининг стиллаштириб олинган тасвиридир.

Ҳар бир нақш сингари банднинг ҳам композицияда қўлланилишининг ўзига ҳос мақсадлари мавжуддир. Масалан: банднинг нақш композициясида барглар, гулларга нисбатан жойлашуви, гуллар, барглар ва танобларнинг тагидан ўтиши ва ҳоказо. Турли шаҳарларда наққошлар банддан композиция тузишда ўзига ҳос усулда фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам нақшлар бир-биридан фарқ қиласи. Чунончи, Хоразм нақшида бандлар кам куртакли, баъзан деярли куртаксиз, новдаларнинг ўзи гулгам сингари бир-бирига тўқилиб кетади. Бухоро, Тошкент ва Самарқанд нусхаларида, кўпинча, шукуфта ажратилмай, унинг ўрнига новдага қўшилиб кетади ва ҳоказо.

Бодом - табиий шаклдан услублаштириб тасвирланган ислимиң нақш тури. У заргарлик буюмлари, наққошлиқ буюмлари, дүппилар, матолар, ёгоч ўймакорлиги, зардұзлик ва бошқа халқ амалий безак саңати турларида кенг ишлатилади. Қадимда отабеболаримиз бу нақш турини аńяна тариқасида баҳт - иқбол рамзи сифатида ишлатиб келғанлар.

Бофта - ислимиң нақш унсури. Танобнинг айланиб ўтишидан ҳосил бўлган жозибали шакл. У тўғри, эгри ёки аралаш чизик бўлади.

Анор - ўсимликсимон нақш унсури. Накқошлиқ, кулолчилик, мисгарлик, гиламдўзлик, каштачилик, зардўзлик ва бошқаларда жуда кўп ишлатилади. Анор унсури қадимдан ишлатилиб келингандиги сабабли у тўқчилик ва тўкин-сочинлик рамзи сифатида кўлланилган.

Жингалак - ислимиң нақш унсури бўлиб, нақш композициясида бўш жойларни тўлдириш мақсадида ишлатилади. Бу нақш унсури қадим замондан ишлатиб келинади. Жингалак тўкин-сочинлик, ойлик, ҳамиша ёшариб турувчи она табиат рамзидир.

Сиртмок - бофтанинг бир тури бўлиб, уни баъзида румий деб ҳам атайдилар.

Шаш кўштаноб - олти раҳли. кўш чизиқли таноб.

Шкуфта - новда билан новдани, таноб билан танобни боғлаб турувчи боғловчи унсур бўлиб, баъзан композицияда тўлдирувчи унсур сифатида кўлланилади.

Калампир - ўсимликсимон нақш унсури бўлиб, турли кўринишда тасвирланади.

Ҳар бир ўсимликсимон нақш турларининг унсурларини ўқитувчи доскада чизиб, плакатлар ёрдамида кўрсатиб, тушунтириб бериши керак. Шунингдек, ўқитувчи нақш унсурларини табиий шакллардан стиллаштириш йўли билан ҳосил қилишни ҳам худди шу тартибда талабаларга ўргатиши лозим бўлади.

Стилизациянинг маъноси яна бир бор талабаларга тушунтириб берилади.

Ўсимликсимон нақш унсурларининг кўпи симметрик тарзда тузилган бўлиши ва симметрия қоидаларига амал қилиш лозимлиги ўргатилади.

Талабаларга нақш унсурларини чиздиришдан олдин, ўқитувчи кўрсатилган эгри, тўғри, синик чизиқларнинг катта-кичиклиги

нақш композицияси ўлчамига кўра кўз чамасида олинишини доскада чизиб амалий равишда тушунтиради. Талабалар эса қофозда ёки катак дафтарда мазкур нақш унсурларини чизишни машқ қиласдилар. Талабаларнинг нақш унсурларини эслаб қолиш хотираларини ривожлантириш учун ўқитувчи уларнинг намуналари ишланган ва номлари ёзилган кўргазмали қуролларни илинган жойидан олиб кўяди ҳамда мустақил равишда, маълум тартибда чизиб чиқиши лозимлигини тушунтиради. Бу, ўз навбатида, талабаларнинг берилган топшириқни қай даражада ўзлаштирганликларини билиб олишга ёрдам беради.

Талабаларга ўсимликсимон нақш унсурларини чизишни ўргатиш маълум қонун-қоидалар асосида машқ қилишдан бошланади. Бунинг учун катак дафтар, чизгич, оқ ўчиригчлар, ўрта юмшоқликдаги қора қалам, расм дафтари ва шу кабилар керак бўлади. Дастроб тўғри, орма, эгри, тик, айлана ва ёйларни кўз чамасида тенг бўлакларга бўлиш бўйича оддий машклар бажарилади. Бу машқлар яхшилаб ўзлаштириб олинганидан сўнг, асосий машққа, яъни унсурларнинг шаклини чизишни машқ қилишга ўтиш мумкин. Ўсимликсимон нақш унсурларини маҳсус гурухларга бўлиб чизиш машқ қилинади. Бунинг учун катак дафтарда чизгич ёрдамида қаламни енгил юргизиб, схематик катаклар чизиб, шу катакларга нақш унсурларини чизиш машқ қилинади. Хар бир бетта битта нақш чизилади. Қаламни қофозга қаттиқ босмасдан равон, юргизилади. ва бир хил йўғонликда чизиклар чизилиб, симметрия ва ассимметрия қоидаларига катта эътибор берилади.

Шарқда машхур бўлган буюк наққош Маоний чизаёттган нақшни ёки бирор тасвирни чизиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида бундай дейди: "Агар кимки расмдаги ҳар бир чизикқа жон бағишлий олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади". Демак, наққошлиқда, нақш унсурларини чизишида уларнинг шакли қанчалик нафис ва чиройли ишланса композиция шунчалик чиройли чиқади. Бунда қаламда ўтказиладиган чизикларнинг нафислиги, йўғон, ингичкалиги, шаклларнинг силлиқ чизиклар билан чизилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда Маоний ҳақида бир ривоятни ҳикоя қилиб бериш ўринлидир. "...Мусаввирлар хомийси машхур Маоний Самарқанд шаҳридаги ўз шогирдларининг ижоди билан танишмоқчи бўлиб, сафарга

чиқибди. Самарқанд мусаввирлари ўз устозларини ижод билан шарафламоққа аҳд қилишибди. Маоний шаҳар дарвозасидан кирап экан, ўз кўзларига ишонмабди. Шогирдлари шунақсанги ажойиб табиат манзарасини чизишибдики, таърифлашга сўз йўқ эмиш. Тасвир кучига қойил қолган меҳмонлар ўз касбдошлари санъатига таҳсин ўкишибди. Шу пайт Маоний қўлига мўйқалам олиб, расмдаги ҳовуз яқинига бахайбат итнинг расмини чизиб қўйибди. Тасвир шунчалик табиий эдики, итни кўрган киши унинг жини бор деб, беихтиёр ўзини четга тортар эди. Шунда Маоний ўйга толибди. Шогирдлари ижод чўққисини, маҳорат чўққисини эгаллаб бўлишибди, энди буларга бошқа топшириқ бериш керак.

Ниҳоят, Маоний бир тўхтамга келиб, шогирдларига шундай вазифа топширибди: табиатни тасвирлаш - бу санъатнинг ниҳояси эмас, агар кимки расмдаги ҳар бир чизикқа жон багишлай олсагина у санъат калитини эгаллаган бўлади. Бу жуда оғир ва машаққатли вазифа эди. Ана шу вақтдан бошлаб наққошлик санъати ривожланиб, наққошлар чизиклар тилсимини очишга бел боғлашибди. Неча-неча авлодлар ана шу изланиш йўлида тер тўка бошлабдилар. Натижада наққошлик асосини чизиклар симфониясидан иборат турли орнаментлар яъни - нақшлар эгаллаб олибди".

Ўқитувчи бу ҳикоятни сўзлаб берадётганида рангтасвирга, наққошликка, амалий санъатга оид расмлар, буюмлар ва шу кабиларни кўрсатади.

Уларни ўзаро таққослаш орқали керакли тушунча ва тасаввурлар ўтказиладиган сухбатга иложи борича камроқ вақт ажратилиши ва қолган қисмларини амалий иш жараёнида ўзлаштириб боришлирига имкон яратиш лозим.

1-машқ. Ўсимликсимон нақш унсурларини чизиш

Ўсимликсимон нақш элементларини ўрганиш, маълум қонун-қоидалар асосида машқ қилишдан бошланади. Бунинг учун оддий қоғоз, катак дафтар ёки расм дафтар, чизғич, қора қаламлар, оқ ўчириғичлар ва бошқалар керак бўлади.

Нақш элементларини чизиш алифбосини куйидаги босқичда амалга оширилади.

1-машқ. Қаламда, қоғоз варагига дастлабки оддий шаклларни текис, равон, енгил, симметрик, динамик, тоза ва чиройли чиққунча машқ қилиш.

2-машқ. Расмда берилган ўсимликсимон нақш элементларини куйидаги гурұхларга ажратиб чизишни машқ қиласыз.

Ўсимликсимон нақш элементлари.

а) барглар: 1, 2, 3, 4, 5 - оддий барглар; 6, 7 - құшбарг; 8, 9, 10, 11, 12 - уч барг; 13 - күпбарг; 14, 15 - тұртбарг; 16, 17, 18, 19, 20, 21 - шохбарг;

б) гуллар: 1 - тұрт япроқли гул; 2 - олти япроқли гул; 3 - беш япроқли гул; 4 - тұрт япроқли ойгүл; 5, 13 - беш баргли ойгүл; 6, 7 - тұрт баргли ойгүл; 8, 9, 14 - уч баргли гул; 10, 11, 12 - пахта гул; 15 - писта гул; 16, 17, 18 - күп баргли гул;

в) ғунча;

г) марғула: 1, 2 - марғула; 3 - құш марғула; 4 куртакли марғула;

д) таноб ва новда: 1 - таноб; 2 - құш таноб; 3, 4 - новда;

е) шкуфта;

ж) бофта: 1 - әгри чизикли бофта; 2 - тұгри чизикли бофта; 3, 4 - мураккаб шакли бофта;

з) боғлам ва сиртмоқ: 1, 2 - боғлам; 3 - сиртмоқ.

Бу элементларни чизишдан аввал катак дафтарға чизгіч ёрдамида қаламни енгил босмасдан юргизиб симметрик катаклар чизиб, шу катакларға нақш элементларини чизишни машқ қиласыз. Тұр чизиклар кичиқлиги нақш элементларининг ҳажмига боғлик. Оддий баргли тұр чизикларнинг эни ва баландлиғи 25 мм бўлади. Қолган элементларни ҳажмига қараб тұр чизиклар чизилади. Ҳар бир бетта нақш элементини қайта-қайта чизиш машқ қилинади. Чизикда қаламни босмасдан бир хил йўсинликда чизиб, симметрик ва ассимметрияга катта зәтибор бериш ҳамда элементларни равон тұғри, ингичка ва тоза чизишга зәтибор бериш керак. Шунинг учун ҳам Шарқнинг буюк наққоши Маоний шундай деган эди: "Агар кимки расмдаги ҳар бир чизикқа жон бағишилай олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади". Ҳақиқатдан ҳам нақш чизиш қонун қоидаларига амал қилиб ва бу нақшларни сидқидилдан, ҳамда сабр-тоқат билан чизсак олдимизга қўйилган мақсадимизга эришамиз. Ассимметрия – композицияда симметрияning ва мувозанатнинг бузилиши, симметрияning акси.

Наққошлиқда, нақш тасвирида одам, ҳайвонлар ва бошқа нарсалар ҳам тасвиrlанади. Чунки бу нақш элементлари ўзига хос чизиш геометриясига эгадир. Сиз ҳам расмда берилған нақш элементларини айримларини чизишни машқ қилинг.

Таянч тушунчалар:

1. Стилизация - күш, балиқ, хашоротлар, барг, гулларнинг ранг ва шакли кўринишини нақшга мослаштириб ҳамда умумлаштириб олиниши.

2. Ғунча - табиатдаги ғунчаларни уста томонидан услублаштириб олинган тасвири.

3. Гул - табиатдаги гулларни наққошлар томонидан услублаштириб олинган тасвири.

4. Таноб - арабча чилвир, арқон, нақшга шакл берувчи чизик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Нақш турлари қайси томонлари билан бир-биридан фарқ қиласди?

2. Симметрия нима?

3. Ассимметрия симметриядан қайси томонлари билан фарқ қиласди?

4. Гулларни қайси турларини биласиз?

5. Нақш элементларини чизишда қайси қоидаларга риоя қилиш керак?

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Накш унсурларининг шакли табиатдан қандай олинади?

2. Стилизация нима?

3. Симметрия нима?

4. Нақш унсурларини чизишда қайси қоидаларга риоя қилиш керак?

5. Таноб деб нимага айтилади?

Үйга вазифа:

1. Ўқитувчи кўрсатиб берган нақш унсурларини тартиб билан машқ қилинг.

2. Музейлар, метро бекатлари, меъморчилик ёдгорликлари, турли туман замонавий бинолардаги ёки айрим китоблардаги ганч ўймакорлигига оид нақш унсурларини чизиб тўпланг.

Адабиётлар:

1. Барышников А.П., Лямин И.В. Основы композиции.- М.:Наука и искусство, 1953.

2. Булатов С. Ганчкорлик. Ўқитувчи, 1989.

3. Булатов С. Ганчкорлик, накқошлиқ ва ёғоч ўймакорлигига оид атамалар изохли лугати. Мехнат, 1991.
4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Мехнат, 1991.- 530 -555 б.
5. Захидов П.Ш. Самаркандская школа зодчих. Наука, 1965.- 175 с.
6. Лоренц Н.Ф.Орнаменты всех времен и стилей.-М.:Изд-во А.Ф.Даврина, 1898
7. Ремгели Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. 1961.- 606
8. Шубников А.В. Симметрия.- М.-Л., 1940.

Оддий нақш намуналарини қора қаламда чизиш

Машғулотнинг мақсади:

1. Таълимий: талабаларга оддий нақш намуналарини чизишни ўргатиш.
 2. Тарбиявий: нақш намуналарини чизишга ўргатиш орқали талабаларда эстетик ва ахлокий хислатларни тарбиялаш.
 3. Ривожлантирувчи: қора қаламда оддий нақш намуналарини чизиш орқали талабаларнинг фазовий тасаввурларини, ижодини, қобилиятларини ўстириш ва чизиш малакаларини шакллантириш.
- Машғулот ўтиш методи: сұхбат, тушунтириш, кўрсатиш, амалий ишлар.

Машғулотнинг жиҳозланиши.

Ўқитувчи учун:

1. Ўсимликсимон нақш унсурлари чизилган кўргазма.
2. Оддий нақш намўналарини босқичма-босқич чизиш тартиби кўрсатилган плакатлар.
3. Талабаларнинг ишларидан намуналар.

Талабалар учун: қора қаламлар, катак дафтар, альбом чизғич, ўчиргич ва бошқалар.

Машғулотнинг бориши: ўқитувчи дарс бошида, аввалги машғулотларда ўтилган мавзуларни такрорлаб, қисқача сұхбат ва савол-жавоб ўтказади. Саволларни куйидагича бериш мумкин:

1. Қандай нақш турлари бор?
2. Нақш унсурларини чизишда қайси қоидаларга амал қилиш керак?
3. Стилизация нима?
4. Симметрия нима?

Ўтказилган савол-жавобдан сўнг ганч ўймакор усталарнинг ишларини кўрсатиб, улар нақш унсурларидан ташкил топиб ҳошиясимон, квадрат, айлана, учбурчак ва бошқа шаклларда бўлиши мумкинлиги тушунтирилади.

Ганч ўймакор усталарининг ишларида талабалар ўргангандан нақш чизиш қоидаларидан қандай фойдаланилганлиги, унинг ўзига хос композициясининг тузилиши таҳлил қилиниб, керакли тушунчалар берилади.

Нақш композициясида унсурлардан қандай фойдаланиш кераклиги композициядаги оралиқ, бўшликларга катта эътибор берилиши ҳамда нақш композициясида ифодаланган ҳаракат динамикасига, геометриянинг ўзига хос қонуниятларига асосланиб курилиши кераклиги айтилади.

Ҳар бир нақш композициялари нақш унсурларининг маълум кетма-кетликда (ритмик) тақрорланишидан ҳосил бўлиши, ритм турлари, симметрия, стилизация ҳақида атрофлича тушунча берилади.

Талабаларга нақш композицияларини тушунтиришда дараҳтларнинг қиши фаслидаги баргсиз, гулсиз ҳолати тасвиirlанган фотосуратларини кўрсатиш, унинг ҳар бир новдаси табиатнинг ўзига хос қонуниятларига асосланиб тузилиши ва умумий танада жойлашуви уқтирилади. Шунингдек, дараҳт гуллари, меваси, барглари ҳам шохчаларда махсус римт асосида жойлашади. Бунинг учун талабаларни табиат қўйнига саёҳатга олиб чиқиш ва ўсимликларга, дараҳтларга, гулларга зиён етказмаган ҳолда юқорида айтиб ўтилган далилларни ўzlари қидириб топишларига имкон яратиш лозим.

Ўқитувчи дараҳт ва ўсимликларни ўзаро таққослаб туриб, нақш композициялари ҳам ана шу табиат қоидалари асосида ишланишини ёритиб бериши керак. Шунинг учун ҳам композиция ишлашда унинг табиий чиқишига интилиш, бунинг учун композиция тузиш қоидаларини кўп машқ қилиш лозимлиги уқтириб борилади. Ганчкорлар табиат манзаралари ва ўсимликлардан ўз ижодларида фойдаланаар эканлар, улардан айнан нусха кўчиришмайди. Балки ҳар бир гул, барг, гунча ва бандларни чизишда композицияни янада гўзал чиқариш жиҳатларини қидирадилар.

Композиция лотинча "композито" сўзидан олинган бўлиб,

тузиш, бир-бирига солиштириб түкиш, айрим қисмларини маълум қонуниятлар асосида бирлаштириш деган маънони билдиради. Композицияда ритм, симметрия, марказ, ҳаракат (динамика), бадийлик, кўримлилик қоидаларига амал қилиш кўргазмали куроллар асосида ва амалий тарзда тушунтириб берилади.

Ритм - нақш унсурларининг маълум масофада ва кетма-кетликда такрорланиб келиши натижасида ҳосил бўлган бадий кўринишdir. Симметрия ва унинг турлари тушунтирилиб, унга таъриф берилади. Симметрия эса композициянинг мувозанати ва яхлитлигини таъминловчи асосий шартлардан биридир. Ўқитувчи ритм, симметрия, ассимметрия, стилизация, силуэт (соя) каби ибораларни мисоллар орқали, бошқа санъат турлари билан bogлаб тушунтирганда машғулотнинг самарадорлиги янада ошади. Чунончи, ритмни мусиқага, рақс санъатига, меъморчилик ансамблларига ва шу кабиларга таққослаб тушунтириш мумкин. Доскада ўқитувчи оддий нақш унсурларидан нақш композициясини тузишни қонун - қоидалари билан чизиб кўрсатиши лозим. Бир неча намуналар чизиб кўрсатилиб, керакли сухбат ўтказилгандан сўнг нақш намуналарини тартиб рақами бўйича чизишни ўргатишга ўтиш мумкин. Чизилиши лозим бўлган ўнта оддий нақш намуналари умумий тарзда тушунтириб берилганидан сўнг, ўқитувчи доскада оддий нақш намуналардан бирини босқичмабосқич чизиб кўрсатади ва тушунтиради. Шундан сўнг, талабалар мустакил ишлашга киришадилар. Ўқитувчи машғулот жараённида қийналаётган талабаларга якка тартибда амалий ёрдам бериб боради.

Иложи борича талабаларнинг расм дафтарига намуналар чизиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Шунга кўра талабалар томонидан бажарилиши лозим бўлган ўкув машқларини кўрсатиб ўтишни лозим топдик.

Ўқитувчи учун маълумот. Талабаларнинг нақш чизиш борасидаги амалий куникмаларини ривожлантириш учун қуйидаги машқларни қаламда бажариш тавсия этилади:

- 1-машқ. Бодом гули (1 - гул).
- 2-машқ. Печак ислими (2 - гул).
- 3-машқ. Баргли рафттор ислими (3 - гул).
- 4-машқ. Баргли ислими (4 - гул).
- 5-машқ. Мехроб ислими (5 - гул).

6-машқ. Кўш меҳробли ислими (7 - гул).

7-машқ. Гулли рафтор (6 - гул).

8-машқ. Бофтали ислими (8 - гул).

9-машқ. Патнисгул ислими (9 - гул).

10-машқ. Шкифтли ислими (10 - гул).

Масалан, "Бодом гули" (1 - гул) композициясини чизишни қўйидагича тушўнтириш мумкин:

1 - гул. "Бодом гули" композицияси бодом шаклининг маълум масофада ритмик тақорланишидан ҳосил бўлади. Яъни, нақшнинг асосини бодом шакли ташкил қиласди. Шунинг учун усталар бу нақшни "Гули бодом" яъни "Бодом гули" деб атайдилар. Машқни бажариш учун катак дафтар ёки расм дафтари, ўртacha юмшоқликдаги қора қалам, чизғич керак бўлади. Дафтар ёки расм дафтари юзасига нақш намунасини тўғри жойлаштириш қаламни енгил, босмасдан чизиш керак. Нақш қўйидаги босқичлар асосида чизилади:

1-босқич. Икки параллель чизилиб, уларнинг оралиги тенг бўлакларга бўлинади. Квадратларга диагональ чизиқлар ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси ингичка чизиқлар асосида бажарилади.

2-босқич. Икки квадрат оралиғида ярим айланча чизиб чиқилади.

3-босқич. Юқорида чизилган ярим айланаларнинг ўртасидан яна тескари ҳолатда ярим айланалар чизиб чиқилса, баргсимон шакллар ҳосил бўлади.

4-босқич. Иккала бодомнинг пастидан ва юқорисидан куртаклар чиқарилади. Худди шу сингари босқичлар асосида қолган 9 та нақш гуллари ҳам расмга қараб чизиб, ўрганилади. Ҳар бир нақш намунасини пухта ўрганиб олиш учун уни 5-6 марта тақрор-тақрор чизиб машқ қилинади. Нақш гулларини чизишни шундай ўрганингки, уларни ёддан чиза оладиган бўлинг. Бу машқларни бажаришда чизиқларнинг равон, нафис ва чиройли чиқишига эътибор беринг.

Талабаларнинг машғулот жараёнида чарчаб қолмасликлари учун қизиқарли, қисқа сухбатлар ўтказиш ўринлидир. Сухбат мавзулари қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Ёғоч ўймакорлиги санъати.

2. Уста Маҳмуд Усмонов ҳаёти.

3. Самарқанд тарихий обидалари.

4. Нақошлик.
5. Хива ганч ўймакорлиги.
6. У.Тансиқбоев ижоди.
7. Халқ амалий санъати музейи.

Машгулотнинг сўнгидаги талабаларнинг энг яхши ишлари кўрсатилиб, таҳлил қилинади. Яхши ва ёмон бажарилган ишлардаги ютуқ ва камчиликлар айтиб ўтилади.

Таянч тушунчалар

1. Композиция - бир-бирига нисбатан маълум тартибда жойлаштириш.
2. Ритм - нақш элементларининг маълум тартибда ва маълум оралиқда текис такрорланиши: нақшдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.
3. Симметрия - грекча сўз бўлиб, ўлчовларнинг бир-бирига мослиги, тенглиги, мутаносиблигидир.

Мавзууни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ганч ўймакорлигига ишлатиладиган нақш унсурларининг номларини биласизми?
2. Симметрия, ритм ва композиция деганда нимани тушунасиз?
3. Оддий нақш намуналарини чизишда нималарга эътибор бериш керак?
4. Уста Ширин Муродов томонидан ишланган мана бу намоёнда қандай нақш унсурлари қўлланилган?
5. Богловчи унсурларга қайси шакллар киради?
6. "Печак ислими" гулинни ёддан чизиб беринг.

Үйга вазифа:

1. Берилган оддий нақш намуналарини қаламда чизишни машқ қилиш.
2. Ганчкорликка оид адабиётлар билан танишиш.

1-машк. Бодом гули (1 - гул) нақш намунасини кора қаламда чизиш

Техника: кора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Ўлчам: катак дафтар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажарилиш босқичлари: 1 - расмда күрсатилған босқич асосида өзилади.

Нақш 5-7 марта тақрор-тақрор чизиб ўрганилади.

2-машқ. "Печак ислими" (2 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажарилиш босқичлари: 2 - расмда күрсатилған босқичда бажарилади.

3-машқ. "Баргли рафтор" (3 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафттар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажарилиш босқичлари: 3-расмда күрсатилған босқич асосида өзилади.

Нақш 5-7 марта тақрор-тақрор чизиб ўрганилади.

4-машқ. "Баргли ислими" (4 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафттар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажарыш босқичлари 4-расмда күрсатилған босқичда бажарилади.

5-машқ. "Мәхроб ислими" (5 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафттар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажарилиш босқичлари: 5-расмда күрсатилған босқичда бажарилади.

6-машқ. "Гулли рафтор" (6 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билаш ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафтар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажарилиш босқичлари: 6-расмда күрсатилган босқичда бажарилади.

7-машқ. "Күш мәхробли ислими" (7 - гүл) нақш
намунасини қора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафтар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажарилиш босқичлари: 7-расмда күрсатилган босқичда бажарилади.

8-машқ. "Бофтали ислими" (8 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафтар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажариш босқичлари: 8-расмла күрсатилган босқичда бажарилади.

9-машқ. "Патнисгүл ислими" (9 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафтар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажариш босқичлари: 9-расмда күрсатилган босқичда бажарилади.

10-машқ. "Шкифтли ислими" (10 - гул) нақш намунасини
кора қаламда чизиш

Техника: қора қалам билан ишлаш.

Материал: қофоз ва қалам.

Үлчам: катак дафтар ёки альбом вараги юзасига бажарилади.

Бажариш босқичлари: 10 - расмда күрсатилган босқичда бажарилади.

Адабиётлар:

1. Булатов С. Ганчкорлик. Ўқитувчи, 1989.
2. Булатов С. Ганчкорлик, наққошлиқ ва ёғоч ўймакорлигига оид атамалар изохли лугати. Мехнат, 1991.
3. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Мехнат, 1991.-56-58 б
4. Боситхонов З. Ганчкорлик. 1978.- 88 б.
5. Захидов П.Ш. Самаркандская школа зодчих. Наука, 1965.- 175 с.
6. Долинская В., Захидов П., Кадырова Т. и др. Искусство Советского Узбекистана.- М.: Советский художник, 1976.- 606 с.
7. Қосимов Қ. Накқошлиқ. Ўқитувчи, 1982.- 24-27 б.
8. Ноткин И.И. Бухарская резьба по ганчу. 1961.- 96 с.
9. Прица И. Тошкент ганчкорлиги. 1960.- 62 б.
10. Резьба и роспись по ганчу и дереву. 1962.- С.19-47.
11. Шорохов В.В. Основы композиции: Учебное пособие для студентов пединститутов.- М.: Просвещение, 1979.- 303 с.

Занжиранни чизиш ва уни ўйиш

Машғулотнинг мақсади:

1. Таълимий: занжира нақшини чизишга ва уни ўйишга ўргатиш.
2. Тарбиявий: занжира чизишга ва уни ўйишга ўргатиш орқали талабаларни эстетик ва ахлоқий тарбиялаш.
3. Ривожлантирувчи: занжира чизиш ва ўйишда билим, куникма ва малакаларни шакллантириш.

Машғулотни ўтиш методи: сухбат, тушўнтириш, намўналар кўрсатиш, ҳамда амалий ишлар.

Машғулотнинг жиҳозланиши.

Ўқитувчи учун:

1. Занжира турлари чизилган плакат, видеофильм ва слайдлар.
 2. Талабаларни ишларидан намуналар.
 3. Меъморчилик обидалари акс эттирилган видеофильмлар.
- Талабалар учун: альбом, қалам, чизғич, скальпель, ў chirгич ва бошқалар.

Машғулотнинг бориши

Аввал ўтилган мавзууни такрорлаб ва мустаҳкамлаш учун савол-жавоб ўtkазилади. Янги педагогик технологияни кластер, ақлий хужум каби турларидан фойдаланилади.

Машғулот қуйидаги мазмунда тушунтириб берилади. Ганч ўймакорлиги касбини ўрганувчи ҳавасманд ишни дастлаб оддий занжира ўйишдан бошлайди. Занжира ганч ўймакорлигининг алифбоси ҳисобланади. Занжирани ўйишдан мақсад, дастлабки ганчкорлик асбобида тұғри ишлаш, күзда чамалаб тұғри чизик, текисликларни текис бир хилда ўйишdir. Ўз навбатида, савол туғилади. Занжира ўзи нима? Унинг қандай турлари бор? Занжира ганч ўймакорлигига нима учун ишлатилади? Уни безакда қандай қоидалари бор?

Занжира - форсча занжир, русча кайма, композицияда асосий нақш билан рутани боғлаб турадиган ингичка ҳошия нақш. Оддий нақшларнинг, шаклларнинг такрорланишидан ҳосил бўладиган занжирсизмон нақш. Шаминсиз ўйма бўлиб, кўпинча ҳандасий бўлади.

Ганчкорликда ёғоч, тош, мармар ва металл ўймакорлигига, наққошлиқда, каштадўзликда, кулолчиликда кўп тарқалган. Занжиранинг қуйидаги турлари мавжуд. Занжира рафтор, рафтурсизмон нақш, ислимий занжира, ўсимликсизмон нақш элементларидан ташкил топган энсиз ҳошия нақш, айланна занжира айланма шаклдаги занжира тури, ари занжира, ари ини шаклига ўйилган энсиз, заминсиз ҳошия нақш, жингалак занжира, жингалак шаклдаги занжирсизмон нақш, лола занжира лола шаклидан такшил топган энсиз ҳошия нақш, кўш лола занжира лола шаклидан ўйилган икки қатор занжира, гиштин занжира энг оддий занжира туридан бири бўлиб, гишт шаклини эслатувчи энсиз нақш ва бошкалар. Кўпинча тасвирий санъат асарларидағи рамка ҳошия ҳосил қилиш учун ҳам ишлатилади.

Тасвирий санъат турларидан ёғоч, тош, металл, ганч ўймакорлигига, наққошлиқда, зардўзликда, каштачиликда мураккаб бўлмаган геометрик ёки ўсимликсизмон элементлардан ташкил топган гулдор, энсиз ҳошияни кўриш мумкин. Буни ҳам усталаримиз занжира деб атайдилар. Заргарликда занжира зарбалдоққа, қашқарбалдоққа қилсизмон симдан ишланади. Мисгарликда ҳар хил нарсаларга занжира тушурилади. Кулолчиликда лаган, коса, кўза, хум ва бошқа идишлар ҳар хил занжирлар ишлатилади. Кулолчиликда занжирани қуйидаги турлари бор: рохи занжира, туморча занжира, зулма занжира, қанот

занжира, карнис занжира, гандум занжира, жингалак занжира, илмок занжира, гилдирак занжира, барги занжира, занжираи тирнок, кучкорак занжира, капалак занжира, занжираи тарвуз палла, занжираи ислими, чор япроқ ва бошқалар. Занжира ганчкорликда ва ёғоч ўймакорлигига асосий нақш билан рута нақшни боғлаб туради. Занжира содда бўлсада, жозибали кўринишга эга. Геометрик шакллар ўйилганда соя, ёруғ ва ярим соялар, ўзига хос нафис кўринишга эга бўлиб, кишида ажойиб тассурот ҳосил қиласиди. Занжирадаги соя, ёруғ ва ярим соялар жуда чиройли кўринади, худди бу ўйилган занжира харакат қилаётгандек туюлади. Ганч ўймакорлигига намоён, токча, эшик, дераза, тахмонларни, идора ва бошқа жойларнинг четига ишлатилади. Ганч ўймакорлигига усталар бир ўймани масалан, намоён, токча, изора ва бошқаларни узокдан ва яқиндан яхши кўринишини хисобга оладилар. Шунинг учун ҳам яхши ганчкорлик асари ҳар хил масофада жозибали кўринади. Бу ўринда занжира катта рол ўйнайди. Занжира узокдан ўйма нақшни умумий бoggовчи вазифасини бажариб намоён токча ва бошқаларнинг гўзаллигини кўрсатади. Токча тахмонларнинг умумий кўринишида ўйма занжир катта аҳамиятга эга. Яқинда эса ўйма занжира элементлари ёруғ сояниг ҳар хил ўзгаришлари шароитида янада ўзгача кўриниш ҳосил қиласиди. Занжирани ўймаларнинг четига қўллашда жуда иирик олинса, ўймани кўримсиз ҳолатта олиб келиш мумкин. Агар жуда майн олинса, бунда ўйма занжира кўринмасдан, оддий чизиққа ўхшаб кўриниб ишланган ўймани яхши кўринишига ёрдам бера олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ўйманинг четига занжира танлашда янглишмаслик керак. Занжиранинг эни ганч ўймакорлигига 8 см гача бўлади.

Занжираларнинг тузилиши ва мазмунига қараб уларга ғиштин занжира, якка занжира, порсул занжира, айланма занжира, елпигич занжира ва бошқа номлар берилди. Занжирага ном қўйишнинг ўзига хос қоидалари бор. Агар бир қатор занжира бўлса, уни якка занжира дейилади, икки қатор бўлса уни қўш занжира, елпигич кўринишида бўлса, елпигич занжира дейилади. Ўйилган оддий занжира бўлак юзаларининг ўрталарига якка ҳол куйиб чизилса, бу занжирани "чашмаи булбул занжира" деб юритилади ва ҳоказо. Шу "чашмаи булбул занжира" ҳақида ҳалқ орасида бир ривоят бор. "...Ўттан замонда бир подишохнинг хушрўй қизи бўлган экан. У

мисгар устанинг ўғлини севиб қолибди. Бу воқеа элга овоза бўлиб, подшо дарғазаб бўлибди-да, йигитнинг отасини зинданга ташлабди. Йигит эса куну тун истиробда янги нақш ишлабди. Нихоят, кумуш баркашга отасининг банди этган занжирнинг тасвирини ишлабди. Мисгарнинг ўғли шаҳаншоҳ иродасига шак келтирибди, деб подшо йигитнинг бошини танидан жудо қилишни буюрибди. Ана шунда бир донишманд уста йигит нақшлаган баркашни саройга келтирибди. "Шаҳаншоҳим,- дебди донишманд,- ёш йигитнинг бир қошиқ қонидан кечинг. У занжир халқаси ичига булбулнинг кўзини тасвирламоқчи экан. Лекин ясовул уни судраб келган. У шундай дебди-ю занжирлар халқаси орасига нуқталар кўйиб чиқибди. Нақшнинг худди булбулнинг кўзига ўхшаб қолганини кўрган подшо йигитни кутқазибди. Шу-шу бу нақшни занжири чашми булбул дейдиган бўлишибди".

Занжирани ўйишга ўтишдан аввал унинг чизилиш қонун-коидасини яхшилаб ўрганиб олишингиз керак. Чунончи - расмда берилган жуда оддий ғишт кўринишидаги занжирани расм дафтaringизга чизиб ўрганинг.

Энди ганч плитаси кўйишга ўтамиз. Аввал бирор столни устига ойна ётқизиб устига расмда кўрсатилган, Узунлиги 60 см бўлган рейкаларни керакли ўлчамда (масалан, 20:20, 20:30, 30:30, 25:25 ва ҳоказо) кўйиб оламиз. Бу рамка ганч плитаси қўйиш учун қолип ролини бажаради. Қолипимиз тайёр бўлгандан сўнг ховонда тайёрлашга ўтамиз. Ховонда гул ўйишга мўлжалланган бўлиб бир қадар кучи камайтирилган ганч қотишимасидир. Ховонда тайёрлашда аввал ганчни (ёки гипс, алебастрни) керакли миқдорда элакдан (ғалвирда эмас) ўtkазилади. Ховонда тайёрлаш учун уч нисбатда сув, икки нисбатда ганч қоришилади. Ховондани гул ўйиш учун уни неча марта айлантиришни мўлжаллашни билиб олиш керак. Яъни ганч кувватини аниқлаш учун ярим стакан сувга ганч солиб 50 марта айлантириб ганч плитага қўйиб, кейин эса скальпельда ўйиб кўрилади, агар ўйишда қаттиқ бўлса, иккинчи қорганимизда 100 марта, яна қаттиқ бўлса 300 марта, ҳаттоқи 900 марта айлантиришни ҳам талаб қилиши мумкин. Лекин ҳозир кучли ганчлар жуда кам. Тажрибали ганч ўймакор усталаримиз ганчни қўлга олиб сиққанларидаёқ кувватини айтиб бера оладилар. Куввати паст, сифати паст ганчни жуда кўп айлантириб юборсак, у ишдан чиқади. Яъни, ганч қотгандан сўнг сагалга уваланиб, синиб

кетадиган мұрт бўлиб қолади. Баъзи кучли ганчларни кам айлантириб қўйсак тайёрланган ганч плитамизни скальпель ўймай синиб кетиши ҳам мумкин. Тез қотиб қолган ганчни усталаримиз тезганч деб юритадилар. Ганч қувватини аниқлаб олгандан сўнг (гул ўйиш учун сув билан ганчни неча марта айлантириш нисбатини) ганч плитага мўлжаллаб ховонда тайёрланади.

Елим чељакча ёки сирли тогорачага керакли миқдорда сув солинади, сув сиртига эланган ганчни ўнг кўлда аста солинади, чап кўлда эса ганчни сув билан қўл панжалари билан эзғилаб айлантирилади. Агар яхшилаб эзғилаб айлантирилмаса баъзи ганчлар сувда эримасдан қолиб гул ўяётганимизда қийинчилик тугдиради. Ганчни тахминан 2-3 минут (кўп марта) масалан, 100 марта айлантирилгандан сўнг суюкроқ қаймоққа ўхшаб куюла бошлаганда рамкага, яъни қолипга қуйилади. Ганч куйишда иккинчи киши қолипни ушлаб турса рейкалар сурилиб кетмайди. Куйиб бўлгандан сўнг, ганч устини чизғичга ўхшаш рейкада текисланади. Куйилган ганч қалинлиги тахминан 1,5-2 см атрофида бўлгани маъқул. Куйилған ганчимиз 10-20 минутдан сўнг қотади. Эҳтиётлик билан рамкаларни олиб ташлаб, ганчни нотекис жойларини скальпельда тўғрилаб, секингина ойнадан ганч плитаси сиртига оддий занжирани чизамиз. Шундан сўнг скальпель ёрдамида ўйишга ўтамиз.

Скальпельни ўнг кўлда ушлаб чап қўл ёрдамида фотода берилгандек қилиб ўйиб чиқинг. Занжира ўяётганингизда, ганч тахта атрофида қийналиб ўймасдан балки, бир жойда ўйишни ўрганинг. Занжирани ўйишда бир хил чуқурликда ўйиш ва қирралари бир текисда чиқиши керак. Ҳар бир қирранинг кесиш чизиклари битта нуқтада туташиши натижасида пирамидалар ҳосил бўлади. Айникса, ўймани қиррали бўлишига эътибор беринг. Ўймани бир кунда тутата олмасангиз, эртасига ўйишингиз ҳам мумкин. Бунинг учун ганч тахтани ҳўл латта билан ўраб юпқа пакетга солиб қўйсангиз бир неча кун қотмасдан туради. Кейин bemalol ўйишни давом эттиришингиз мумкин. Оддий занжирани ўйиб бўлгач, берилган еллигич занжира, мураккаб ва айлана занжираларини чизиб ўйишингиз мумкин.

Машқ. Еллигич занжирани чизиш ва уни ўйиш.

Техника: қора қаламда чизиш ва скальпельда чизиш.

Материал: қофоз, қалам, ганч сув ва бошқалар.

Ўлчам: 15x15 см; 20x20 см ва бошқалар.

Бажариш босқичлари:

1. Занжира композиция чизиш.
2. Ганч тахта қуйиш.
3. Ганч тахта сиртига занжира чизиш.
4. Занжирани ўйиш ва уни пардозлаш.

Таянч тушунчалар:

1. Занжира - оддий ҳошия нақш тури.
2. Лола занжира - лола шаклдаги занжира тури.
3. Елпигич занжира - елпигич шаклида ўйилган занжира тури.
4. Чашма булбул занжира - оддий занжира бўлак юзаларининг ўрталарига якка ҳол қўйиб чизилган занжира тури.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Занжира нима?
2. Занжиранинг қандай турлари бор?
3. Халқ амалий санъатининг қайси турларида занжира ишлатилади?
4. Занжира ўйишда қандай қоидаларга амал қилиш керак?
5. Занжира намуналарини бажаришда нималарга эътибор бериш лозим?

Ўйға вазифа:

Саккиз рахли ва гул занжира намуналарини чизиш ҳамда уларни ўйиш.

Адабиётлар:

1. Булатов С.С. Ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлиги атамаларига оид изоҳли луғат. 1991.
2. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Мехнат, 1991.
3. Боситхонов З. Ганчкорлик санъати. 1978.

Композиция. Нақш элементлари ёрдамида оддий тўғри тўртбурчак композициясини тузиш, ўйиш ва унга пардоз бериш

Машғулотнинг мақсади:

1. Таълимий: композиция ҳақида тушунча бериш ва оддий тўртбурчак композициясини тузиш ҳамда уни ўйиб-пардоз беришга ўргатиш.

2. Тарбиявий: композиция тузиш ва уни ўйиш орқали талабаларни эстетик дидини тарбиялаш ҳамда мустақил фикрлашга ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи: нақш композиция чизиш ва ўйиш куникма ва малакаларини ривожлантириши. Фазовий тасаввурини кенгайтириш.

Машғулотни ўтиш методи: маъруза, тушунтириш, намуналар кўрсатиш ҳамда амалий ишлар.

Машғулотнинг жиҳозланиши:

Ўқитувчи учун:

1. Усталар, талабалар композиция ишларидан тайёрланган плакатлар ва видеофильм.

2. Босқич билан бажарилган плакатлар.

3. Талабаларнинг ишларидан намуналар.

4. Композиция намуналари чизилган тарқатма материаллар.

Талабалар учун: альбом, чизгич, скальпель ва бошқалар.

Машғулотнинг бориши

Аввалги ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун савол - жавоб килинади, яъни мавзу такрорланади. Шундан сўнг мавзуни қўйидаги мазмунда тушунтириб ўргатилади.

Ўзбек халқ усталари қадимдан қўллаб келаётган жамики нақшлар борки, улар табиатни ва воқеаликнинг шартли тасвири бўлишига қарамасдан ўзига хос қонун-қоидаларга эга. Бу қонун-қоидалар табиатнинг ўзидан олинган. Ўсимликлар факат бир томонга қараб ўсадилар. Масалан, мажнунтол, худди пастга қараб тескари ўсаёттандек туюлади, лекин новдада барг бўлиб, бир томонлама йўналишда давом этиб келади. Табиатнинг бу қонуни нақшда ўз аксини топган. Уста чизадиган нақш шунчаки ўз аксини топган, қоғоз бетини тўлдириш эмас балки, онгли равишда табиат ва бадиийлик қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда манзара тасвирини чизиш тушунилади. Шунинг учун ганчкор ижодида энг маъсулиятли босқич композиция нусхасини чизишdir. Агар нақш композицияси табиат қонунига зид бўлса, ўйишда ва пардозда ҳар қанча ютуққа эришилса ҳам иш кунгилдагидек чиқмайди.

Дафъатан қараганимизда ўйма нақш жуда чиройли, жозибали кўринади, лекин бирордан сўнг нуқсонлар сезилиб қолади. Композиция нима?

Композиция (мужассамот) - лотинча "компостио" сўзидан олинган бўлиб, тўкиш, тузиш, бир-бирига солишириш, гояси, характеристириш вазифасига мувофиқ уйгун ҳамда мутаносиб жойлаштириш.

Наққошлиқда, ганчкорлик, каштачилик ва бошқа халқ амалий безак санъати турларида, композиция тузишда симметрия, марказ топиш, даврий тақрорланиш, безакнинг динамиклиги, чиройлилиги, табиийлиги, ёрқинлиги, ранглар уйғунлиги ва гоявийлигини ҳисобга олиш керак. Буларнинг ҳар бири нусхалар ўз хусусиятига кўра намоён, турунж, китоба, рута, мұхаббат, лаъли, моршеч, занжира, каби маҳсус композицияларга бўлинади.

Бундан ташқари, ҳар бир инсоннинг номи бўлгандаи, ҳар бир нақшнинг ўз исми бўлади. Усталар ҳар бир чизган нақш нусхаси тузилиши, характеристирили ўрнига ва унинг фалсафий дунёсига қараб ҳам ном кўядилар. Чунончи, Тошкент ганчкорлик мактабининг йирик намояндаси Маҳмуд Усмонов ўзининг "Санъатим саодатим" (Ёш гвардия, 1983.- 69 б.) деб номланган рисоласида нақш композицияларининг номини бирма-бир санаб ўтган: "Хашти туфсор, сарнигон, туфсори қанот, турна қанот, хонаги бўртма, хашти давра, чорсу давра юлдуз, мошданак, паррақ, офтоба, лола ислими, бофта ислими, эркин ислими, турунж, банди румий, ислими гулдана, ислими мадоҳил, лўла ҳошия" ва бошқа атамалар мавжуд.

Компановка (жойлаштириш) - чизиш керак бўлган нақшни ёки бирор тасвирини қофоз, ганч, фанер ёки бирор юзага тўғри жойлаштириш.

Симметрия - грекча сўздан олинган бўлиб, ўлчовларнинг бир-бирига муносиблиги.

Ритм - нақш элементини маълум масофада, бир текисда тақрорланиб келиши бўлиб, нақшдағи ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.

Ассимметрия - композицияда симметрик мувозанатнинг бузилиши.

Стилизация - табиатдаги ўсимлик, ҳайвон ва бошқаларнинг тасвири, ранги, шакли ва тузилишини бадиий усулда умумлаштириш.

Нақш композиция чизишда қўйидагиларга амал қилиш керак:

а) таноб ёки новда тагидан гул, баргни қолдириб тасвиirlаш мумкин эмас;

- б) таноб билан новдани фарқлаб тасвирлаш;
 - в) тақсимда ортиқча нусха чизиб қўймаслик;
 - г) танобдан ҳеч қачон гул, новда, ғунча ва бошқалар ўсиб чиқмаслиги:
- д) нақш элементларининг нисбатини саклаш;
 - е) ганч ўймага мос slab нақш композициясини тузиш;
 - ж) нақш зичлигига эътибор бериш;
 - з) нақш орасидаги замин бўшликлар нисбатини саклаш ва ҳоказо.

Ўрганган нақш элементларимиз асосида оддий нақш композицияларини тузамиз. Симметрик нақшлар тузмоқчи бўлсак, аввал қоғозга маълум ўлчамда олиб уни тақсими асосида симметрик нур чизиқларни чизиб оламиз. Усталар нақшларни энг характерли такрорланувчи қисмини тақсим деб юритадилар.

Тақсим - (французча қайтариш, русча рапорт) наққошлиқда, нақшнинг маълум бир шаклида такрорланувчи қисми, бўлаги. Ўрта Осиё нақшлари ўзига хос характерга эга бўлиб, нақшларнинг деярли ҳаммаси такрорланувчи маълум бўлакдан (қисмдан) иборатdir. Шу тақсим сатхи тақсим юзи дейилади. Нақшлар аввал тақсим юзини қоғозга белгилаб, нақш композициясининг бир қисмини чизади ва ахтасини тайёрлайди. Наққош безатган юзага шу ахта ёрдамида нақшни такрорлаб тушириб тўлдириб чиқади ва безатади. Тақсим композициясининг такрорланувчи қисми ҳар хил бўлади. Чунончи, учбурчак, тўртбурчак, квадрат ва ҳоказо. Доира ёки гумбазга мўлжалланган нақш тасвирий композиция юзининг тўртдан, олтидан, саккиздан, ўн иккidan ва ҳоказо қисмларини ташкил этиб, тақсим доирада ёнма-ён такрорланади. Бундай тақсимни айлана тақсим дейилади. Тақсим тўғри чизиқ бўйича такрорланса уни тўғри тақсим деб юритилади. Тақсим тўғри ва ойна алмашиб такрорланса, унда чапу-рост тақсим деб аталади. Бундай тақсим жуда кенг тарқалган. Биз шу нақш бўлаги, яъни, тақсимнинг ўзини чизиб олсак бўлди. Кейин шу тақсим бўйича биз чизган нақш композициясининг ахтасини бемалол тайёрлай оламиз.

Б, В, Г - расмларда кўрсатилганидек, босқичда нақш композицияси чизилади.

Нақш композицияларини бир нечта чизиб машқ қилинади. Чизилган нақш композицияларидан энг яхшиси танлаб олинади. Четига занжиралардан бирини ҳошия тариқасида қўллаш мумкин.

Агар занжира қилмасангиз четидан, албатта, рамка қолдириллар. Рамкасиз нақшни безалмаган занжирага ўхшатиш мумкин. Тузга нақш композицияни калька (хитой) қоғозига күчириб ахтаси (улгиси) тайёрланади. Ахта кўйидагича тайёрланади.

Ахта - нақш ёки бирор шаффоф (калька) қоғозига чизиб, чизик йўлларини игна билан тешиб, буюм изига тушириш учун тайёрланган андаза. Хоразмда уни улги, Бухорода сўзан деб юритилади. Илк даврларда усталар сиртга тўғридан-тўғри чизиб, ўйиб кетганлар, кейинчалик ахта орқали тасвири тушириш куладигини билиб, ундан фойдаланиб келганлар.

Наққошлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлар ва бошқалар нақш композицияларининг эскизини йиллар давомида сақлаб келганлар, улар хоҳлаган вақтда улардан ижодий фойдаланиб такомилластирганлар. Бу ахталар, ҳаттоқи отадан болага мерос бўлиб қолган. Усталар ахтани маҳсус сандиқларда сақлаб келганлар. Ҳозир эса давлат архивларида сакланиб келинмоқда. Масалан, машхур ганчкорлар Уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, наққошлар Т.Тўхтахўжаев, Жалил Ҳакимов ва бошқалар тайёрлаган ахталар архивларда сакланмоқда Ахтани тайёрлаш учун ва шаффоф (хитой) қоғозга нақш композициясига мослаб симметрия ўки бўйича қоғозни иккига, тўртга ва ҳоказога буқланади. Бу кламанинг бир қисмига нақш чизилади. Нақш шаффоф қоғозни юпқа ёстиқча устига кўйиб нақш чизиклари устида игна билан тешиб чиқилади. Нақшнинг йирик ва майдалигига қараб игна танланади. Игнанинг тегишли оралиғи нақшнинг майда ва йириклигига боғлиқ. Агар нақш майда бўлса игна оралиғидаги масофа яқин бўлади. Нақш нусхасини игна билан тешиб бўлингандан кейин, шаффоф қоғозга ёйиб юборилади, натижада ахта ҳосил бўлади. Тайёр бўлган ахтани иш юзасига кўйиб, устидан хока уриб ва босиб юргизиб чиқилади. Натижада нақш нусхаси иш юзасига кўчирилади ва ҳакозо.

Маълум ўлчамга мўлжаллаб, икки қават, яъни тез ганч ва гул ганч қилиб кўйилади. Ганч тахта тайёр бўлгандан сўнг, унинг устига нақш композицияси ахта ва хока ёрдамида туширилади ёки қўлда қора қаламда тўғридан-тўғри чизиш мумкин. Нақшнинг ўйиладиган чегара чизикларини скальпельда тирнаб кесиб чиқилади. Чунки, ганчни ўйиш жараёнида чизиклар ўчиб кетиши ва ўйма нотўғри ўйилиши мумкин. Нақш заминини скальпельда ўйиб, исказа ёрдамида унинг замини текислаб чиқилади. Ўйма рельефига

мос пардоз тури берилади. Масалан, пах пардоз, чока пардоз, лўла пардоз ёки табақа пардоз. Айрим ҳолларда композицияда бир неча пардозни бир вақтда қўллаш ҳам мумкин. Ишнинг сўнгида ўйманинг четига ишланган занжирани ўйиб пардоз берилади.

Машқ. Тўртбурчак композиция тузиш ва уни ўйиш.

Техника: қора қаламда қоғозга чизиш ва ганч тахтани ўйиб унга пардоз бериш.

Материал: қоғоз, қалам, ганч, сув ва бошқалар.

Ўлчам: № 12 формат ўлчамида.

Бажариш босқичлари:

1. Тўртбурчак композиция тузиш.
2. Ганч тахта қўйиш.
3. Ганч тахта сиртига композицияни чизиш.
4. Накш рельефига тегишли пардоз бериш.

Таянч тушунчалар:

1. Намоён - тугал нақш композиция.
2. Турунж - доира шаклидаги нақш.
3. Рута - ҳошия нақш.
4. Китоба - эшикнинг тепа қисми, безак композицияси ичидаги чегараланган чиройли ёзув.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Композиция нима ?
2. Композициянинг қандай турлари бор?
3. Композиция чизишда қайси қоидаларга зътибор бериш мақсадда
мувофиқдир?
4. Ахта қандай тайёрланади?
5. Тақсим нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

Уйга вазифа:

Мустақил равища тўғри тўртбурчак композициясини чизиш ва уни ўйиш ҳамда унга тегишли пардоз бериш.

Адабиётлар:

1. Аведова Н.А. Тошкент ўймакорлиги. 1961.
2. Булатов С.С Ганчкорлик, накъошлиқ ва ёғоч ўймакорлиги атамалариға оид изохли лугат. 1991.
3. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.. Мехнат, 1991.
4. Булатов С.С. Ганчкорлик. 7-синф. Ўқитувчи, 1997.
5. Боситхонов З. Ганчкорлик санъати. 1978.

Шогирднинг интизоми

Шогирд интизомли бўлмоги лозим. Интизом деганда нимани тушунамиз? Интизомли деб қиласигон ибодатларимизнинг ҳар бирини ўз вақтида тартиб ила қилмоққа айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа ҳам яшай олмас эдилар.

Интизомли шогирдда одатлар, тартиблар шаклланган бўлиб, кундалик назорат қилиш омили сифатида амалга оширилади. У устахонада ёки оиласда бўладими берилган вазифа ва топширикларни ўз вақтида бажаради. Интизом ҳар бир шогирднинг феъл-авторини кўрсатади.

Қайси буюк кишиларни олайлик, улар юксак интизомлилиги билан ўз олдига қўйган мақсадига эришган. Чунончи Амир Темурни оладиган бўлсак бутун дунёга машҳур бўлиши унинг интизомлилигидандир. Унинг отаси шундай насиҳат қилган эди: - «Бир куни отам Тарагай менга деди: - «...Темур, сенга васиятим шуки, ота-боболарингдек шариат бўйича иш тут. Расуллоҳнинг авлодларини ҳурмат ва эҳтиром қил, сенга тебе халққа раҳмдил ва меҳрибон бўл. Қариндош уруғликни узма, бировга ёмонлик қилма. Ҳар бир маҳлукқа раҳмдил бўл».

Қадимдан ота-боболаримиз интизомга катта аҳамият бериб, ўз шогирдларидан бу интизомни талаб қилганлар.

Устанинг шогирди агар интизомли бўлса, қуидагиларга эришади:

- турмуш қоидаларига онгли равишда муносабатда бўлади;
- вазифаларга ва топширикларга маъсулият билан қарайди;
- меҳнатдан қочмайди;
- олдига қўйган мақсадларига эришади;
- мустакил бўлишга ва бошқа номаъкул ишларга берилмасликка қаршилик қила олади;
- ўз ҳаётида ҳунарига ҳамда вазифаларига масъулият билан қарашга эриша олади;

- ўз обрўсини йўқотмайди;
- тўғри сўзлашга ўрганади;
- сир-асрорларни қиёмига етказиб ўрганади;
- ўзи устида доимий ишлашга талабчан бўлади;
- ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб ўтирилик, юлғучлик, ҳаром - ҳаришлардан ўзини тия олади.

Ақлнинг туғилиши

Бир кишининг яккаю-ёлғиз фарзанди бўлар экан. Арзанда бўлгани учунми, у эрка-талтанг бўлиб ўсибди. Кап-катта бўлса ҳам ҳали бир ишнинг бошини ушламабди, ота-онасининг елкасида оғир юқ бўлиб юраверибди.

Ота ўғлини жуда кўп хунар эгаларига шогирдликка берибди, лекин арзанда бирор касбни эгаллаш учун интилмабди, ишга бўйни ёр бермай жуфтакни ростлаб қолар, жонининг ҳузурини кўзлар экан.

Шундай бўлавергач, ота боласини энди хунарга эмас, саводхон мулла бўлсин деб, катта бир домлага ўқишга берибди. Илмнинг нозик ва заҳматли талабларига арзанда ўғлининг сабр ва иродаси дош беролмабди. «Домланикидан ҳам қочиб уйга борсам, отам барibir мени қаергадир элтиб беради» деб ўйлабди арзанда ва у ўз ҳовлисига ҳам бормасликка қарор қилибди. Домланинг уйидан қочиб шаҳардан олисдаги хилватрок ерларга қараб кетибди.

Йўл юрибди, мўл юрибди. Бир ўрмон четига етиб келиб, озгина дам олай деб бир дараҳт остига ёнбошлибди. Дам олиб ётиб, ҳаёл суриб атрофни дикқат билан кузатибди. Эътиборини тортадиган бирор нарсани илғамабди. Лекин шу пайт шундоққина оёқлари орасидаги «еркулдиргич»- чукурча ичига тушиб қолган донни бир чумоли уриниб тепага тортиб чиқараётганини кўриб қолибди. Қизиги шунда эдики, чумоли жонивор донни минг машаққат билан тепага судрар дон эса энди чукур оғзига келганда уйига думалаб кетар, чумоли яна уни тишлаб олиб юкорига тортар, дон эса яна пастга юмалар эди. Боланинг бутун фикри-зикри ана шу чумолида бўлиб қолибди. «Қани, охири нима бўларкин» - деган фикр болани ҳолини михлаб қўйибди.

Кун пешиндан ўтибди, ҳамон чумоли донни тортиб чукур оғзига олиб чиқаверар, бир баҳя қолганда эса дон яна сирпаниб чукурча тубига тушиб кетаверармиш.

Кун бота бошлибди. Бироқ заҳматкаш чумолини ғалаба билан

табриклаган бўлибди. Жуда катта меҳнат эвазига қўлга киритилган насибасини судраб кетаётган чумолига ҳавас билан тикилиб турган арзандага бу ҳодиса, негадир, қаттиқ таъсир этибди. «Оддий чумолику, бир дона емиш учун кун бўйи тиришиб меҳнат қилди. Қанчалар кийин бўлмасин, мақсади йўлидаги аҳдидан асло қайтмади. Шу чумоли олдида энди мен ким деган одам бўлдим, ахир!» деган ажиб бир ўй унинг қалбини кемириб ўтибди. Чумолининг харакатини кўриб ҳамма муаммо ҳаракат билан, гайрат билан ҳал этилишини бола қалбан ҳис этибди. Арзанда ортига қайтиб ўз домласи хузурига кириб борибди. Сўроқсиз кетиб қолгани учун устозидан ситқидилдан узр сўрабди. Бола арзандаликнинг зарарли хулқ-авторини ўзидан соқит қилиб, илм чашмасига шўнгибди.

Ривоятларга қараганда, ул бола ана шу қатъий аҳди сабаб, таниқли аллома бўлиб етишган эмиш. «Ҳаракатда - баракат» деган нақлнинг ҳикмати ҳам ана шунда экан.

Кеккайган шогирд

Эмишки, бир йигит устозимнинг ҳамма кураш усулларини ўрганиб бўлдим, энди ўзимни устоз деб эълон қиласам бўлади, деган экан. Кураш тушиш бўйича унинг олдига тушадиган топилмай қолибди-да! Бироқ бу хабарни эшитган устози у билан кураш тушиш учун енг шимариб келса, шогирд ҳайрон қолибди. Сўнг, устозимни ҳам енгсам, катта шухрат қозонаман, деган ўйда майдонга тушибди. Во ажабо! Устози уни бир оддий усул билан чирпирак қилиб юборибди. Шунда устозига тан берган шогирди сўрабди: «-Устоз, сиз менга қирқта усулнинг ҳаммасини ўргатган эдингиз-ку! Нега бу усулни ўргатмадингиз?» деса, устози: «Мен бу қирқ биринчи усулни сенга ўхшаган маҳмадоналарга олиб қўйгандим», деган экан.

Хунар ҳакида ҳалқ ривоятлари

Қадим замонларда бир чол яшаган экан. Чол ўтин териб кун ўтказар экан. Чолнинг бўйи етиб қолган қизи бор экан. У қиз ҳуснда, одобда, хунар (зардўзлик)да тенги йўқ экан.

Бир куни отасининг ўрнига ўтин териб келаётса, қаршисидан подшо ўз навкарлари билан овдан қайтиб келаётган экан. Чолнинг қизини яхши кўриб қолибди ва саройга келиб, ўз вазирига айтибди. Вазир бир неча одам бўлиб, совға-салом олиб чолникига совчилик-

ка борибди. Чолга подшодан совчи бўлиб келдик, деб айтибди. Чол қизимнинг ихтиёри ўзида дебди. Қиз подшони нима хунари борлигини сўрабди ва мен хунари бор одамга тегаман», дебди.

Подшога бу хабарни етказибдилар. Подшо муҳаббат зўрлигидан хунар эгаллашга астойдил киришибди. Гилам тўқиши хунарини ўргана бошлабди. Тез кунда гилам тўқиши хунарини ўрганиб олибди ва тўқиган гиламларидан энг чиройлисини чолнинг қизига совға қилиб юборибди. Чолнинг қизи агар шуни подшо тўқиган бўлса, унга тегаман дебди. Подшо чолнинг қизига уйланибди ва уч кечаю, уч кундўз тўй қилиб берибди.

Улар яхши ҳаёт кечира бошлабдилар. Бир куни подшо эски кийимларини кийиб кечкурун шаҳар айланиб юрса, кабобпазларга учраб қолибди. У кабоб емоқчи бўлибди. Кабобпазлар уни ичкарига киришини таклиф этишибди. Уйга кириши билан ертўлага кулаб тушибди. Ертўладан бир қассоб пичогини қайраб, жонингдан умидингни узавер, энди сенинг гўштингдан кабоб тайёрлаймиз дебди. Бир оғиз гап дебди подшо, менинг гўштимдан қанча кабоб тайёрлаб, қанча пулга сотасизлар, деб сўрабди. «10 танга бўлади» дебди қассоб.

- Мен гилам тўқиши биламан, тез кунда тўқиб бераман. Шу гиламни подшога инъом этсаларингиз сизларга 100 танга беради, дебди подшоҳ. Подшоҳ тез кунда чиройли гилам тўқибди ва чеккасига ўз муҳрини босибди. Кассоблар саройга олиб борибдилар. Қиз гиламни кўриб муҳридан танибди. Кассобларни ушлашни буюрибди. Подшони саройга олиб келтирибди. Шундай қилиб, подшо хунарнинг орқасидан тирик қолибди. Хотинига нисбатан янада муҳаббати ортиб, қолган умрини шоду-хуррамлик билан ўтказибди.

Шундан кейин ҳалқ ўртасида шундай мақол тарқалган экан: «Хунар ўрган, хунарда кўп сир, ёпик эшикларни, очар бирма-бир».

Занжирчи чашми булбул

Ўтган замонда бир подишаҳнинг хушрўй қизи бўлган экан. У мисгар устанинг ўғлини севиб қолибди. Бу воқеа элга овоза бўлибди, подшо дарғазаб бўлибдида, йигитнинг отасини зиндонга ташлабди. Йигит эса куну-тун истиробда янги нақш излабди. Нихоят, кумуш баркаш ҳошиясига отасини банди этган занжирнинг тасвирини нақшлабди. Мисгарнинг ўғли подшо иродасига шак

келтирибди, деб йигитнинг бошини танасидан жудо этишни буюрибди. Ана шунда бир донишманд уста йигит нақшлаган баркашни саройга келтирибди. «Подшоҳим», -дебди донишманд - ёш йигитнинг бир қошиқ қонидан кечинг. У занжир ҳалқаси ичидаги булбулнинг кўзини тасвирламоқчи бўлган экан. Лекин ясовуллар уни судраб келишган. Шу сабабдан бола пақир буннинг улгуролмай қолган. У шундай дебдию, занжирлар ҳалқаси орқасига нуқталар кўйиб чиқибди. Нақшнинг ҳудди булбулниг кўзига ўхшаб қолганини кўрган подшо йигитни озод этади. Шу-шу бу нақшни «Занжири чашми булбул» дейдиган бўлишибди.

Ҳўл ёғоч

Уста Мирзакул нақл қилишича, бир ёғоч устаси сувда оқиб кетаётган экан. Сув тошқинини кўриб, ваҳимага тушган бошқа бир киши устани куткариб: «Бир уй қуриб бермайсизми?» - дебди. Уста ундан «Тахтангиз ҳўлми, қуруқми?» деб суриштирибди. Ҳалиги киши «хўл» деб жавоб берибди. Уста: «Тахтанг ҳўл экан, нега мени кутқардинг, ҳўл тахтадан буюм ясашдан кўра сувда оқиб кетганим маъқул эди,» - деган экан.

Устоз ва нопок шогирд

Ибн Сино ўз умрида жуда кўп шогирдларни етиштирган экан. Уларнинг орасида ҳасадгўлари ҳам бор экан. Ҳакимнинг пешқадам шогирдларидан бири ўта ҳудбин, ичикора экан. У доим «Устоз ўлса, унинг ўрнига мен шухрат қозонармидим», - деб мудхиш ҳаёлларга борар экан. Кунлардан бир куни Ибн Сино касал бўлиб қолибди. «Мен бетобман, дори тайёрлаб кел», - дебди шогирдига. Шундай пайтни кўпдан кўтиб юрган нопок дархол заҳар қўшилган дори тайёрлаб келтирибди. - Бу дориларни қанақа гиёҳлардан тайёрладинг? - деб сўрабди устоз. Нопок шогирд заҳарли гиёҳни қўшмасдан бошқаларнинг номини бирма-бир айтиб берибди. Лекин устоз дорининг рангидан унга заҳар қўшилганини билибди. Шогирдни бир иш билан ҳовлига чиқариб юборибди, заҳарни рад қиласиган доридан ичиб юборибди. Шогирди уйга қайтиб кирганидан сўнг, унинг кўзи олдида заҳарли дорини устози ичибди. - Энди кунинг битди, устоз - дея ўйлабди, нопок шогирд ўзича қувониб. Устоздан кетишга изн сўрабди. Ибн Сино унга руҳсат берибди. Нопок шогирд бугун ҳам, эртаси ҳам, кейинги

кунлари ҳам устозининг ўлимини сабрсизлик билан қўтибди. Бироқ устоз билан шогирд бир-бирларига сир айтмабдилар. Бир куни устоз ўз хизматкорларига шогирдининг дарвозаси олдига бир арава кум тўкишни буюрибди.

Шогирди ҳайрон бўлиб ўйлабди: «Агар кумда бир хосият бўлмаса, устоз буни дарвозанинг олдига тўқтирмас эди. Балки, бунинг ичида олтин бордир». Шогирд шундай ўй билан кумни элашга тушибди. Эртасига, индинига, хуллас, ҳар куни шогирднинг дарвозаси олдига бир аравадан кум тушаверибди, шогирд эса уни элакдан ўтказаверибди. Охири шогирд оғир меҳнат билан, ўй билан касал бўлиб қолибди, чангдан соchlari оқариб кетибди. Кейин нима қиларини билмай, устоз олдига бориб қилган айбига иқрор бўлибди. Сизнинг олдингизда гуноҳкорман, устоз, - дебди нопок шогирд. Шуҳратли бўлиш мақсадида сизнинг жонингизга қасд килдим. Кечиринг мени. Устоз бамайли хотир шундай дебди: -Ҳечкиси йўқ, мен бу бежо ҳаракатингни ўша пайтда сезган эдим. Шуни билгинки, устозга бевоғолик қилган шогирд мақсадига етолмайди. Хунарсиз, амалпараст, укувсиз шогирдлар ҳамиша устозининг ўлимини тилайди. Мутолаа қил, хунар ўрган, одамларни сев, шуҳрат ва обрў сенга келаверади. Нопок шогирд мулзам бўлганича ўтириб қолибди.

Шогирднинг «Уста» номини олиши (саҳна кўриниши учун сценарий)

Зал саҳнасида хонтахта, атрофида кўрпача ёзилган. Хонтахта атрофида уста заргар ва устоз ўтиришади.

Шогирд:- Устоз, мен бугун Сизнинг олдингизга оқ фотиҳа олиш учун келдим.

Устоз:- Баракалла ўғлим! Мана бу «Уста сувини» устанга олиб бор.

Шогирд:- Хўп бўлади (Сувни устасига олиб боради). Мана уста мен сизга фотиҳа беришингиз учун «Уста сувини» олиб келдим.

Уста сувни олиб, ундан хўплайди ва унга устоз деди:

-Уста, хўш сиз шогирдингизга фотиҳа беришга тайёрмисиз?

Уста: - Ҳа.

Устоз: - Уста қани айтингчи, сиз шогирдингизга нималарни ўргатдингиз?

Уста: - Мен шогирдимга ўзимда бўлган бор йўқ хунаримни ўргатдим. Мен унга сабр-тоқатли бўлишни, ўзгалар меҳнатини қадр-

лашни, гийбат қилмасликни, ўз ёру-биродарларига яхши муносабатда бўлишни, илмли одамлар билан кўпроқ ҳамсуҳбат бўлишни ўргатдим.

Устоз: - Раҳмат. Сизнинг ўз шогирдингизга саволингиз борми?

Уста: - Ҳа устоз, мен ҳам шогирдимга бир нечта савол бермоқчиман. Қани ўғлим менга айтингчи, ҳалоллик ва поклик деганда нимани тушунасиз?

Шогирд: - Мен ҳалоллик деганда, ҳар доим ҳалол меҳнат қилишни, пок ният билан, тоза кунгил билан ёмонликни ўйламаган ҳолда иш бошлишни амал қилдим. Чунки, бу нарсаларга риоя қилинмаса, устанинг иши ҳеч қачон унмайди, уста ҳам халқ орасида танилмайди. Уни ҳеч ким ҳурмат қилмайди.

Уста: - Раҳмат ўғлим. Яна бир савол, устозларни ҳурмат қилиш деганда нимани тушунасиз?

Шогирд: - Устозларим менга ёшлигимдан билим бериб келмоқдалар. Хунар ўргатдилар, нима яхшию - нима ёмонлигини уқтиридилар. Уларга бўлган чексиз ташаккуримни изҳор этишга сўз ожиз. Мен устозларим ўргатган билим ва хунаримни фақат яхшилик йўлида фойдаланишга сўз бераман. Мана, мен ясаган нарсаларни кўришингиз мумкин.

Уста: - Баракалла ўғлим.

Устоз: - Ўғлим, кел сенинг қўлингни бизга азиз бўлган нон билан боғлаб қўяй, токи қилган ишинг нон каби азиз бўлсин. Энди устангнинг олдига бор. Агар сени устанг ҳақиқий уста деб тан олсалар, бу белбоғни ечиб қўядилар.

Уста: - Кел ўғлим, белбоғни ечиб сенга оқ фотиҳа бераман (ечаётганда куйидаги сўзларни айтади).

Ўз юртингнинг содик фарзанди бўлгин, ота-онангни суюнган тоги, шогирдларингни азиз устози бўлиб юргин.

Уста: - Ўғлим, мана сенга заргарлик асбоблари. Мен сенга буларни тақдим этаман. Бугундан бошлаб сен “Ҳақиқий уста” номига мушарраф бўлдинг. Сен энди ўз устахонангни очишинг мумкин ва ўз устахонангда, шогирдларингга таҳсил бериб, хунарингни ўргатишинг мумкин.

Шогирд: - Раҳмат уста, мен сизга арзимас совғамни топширишимга ижозат беринг. Бу менинг сизга бўлган чексиз миннатдорчилигим деб билгайсиз.

Уста:- Раҳмат (фотиҳа берилади.)

УСТОЗЛАР НАСИХАТИ

Бузургмәхрнинг саволлари ва унга устознинг жавоблари

С: Дунёда энг қимматли нарса нима?

Ж: Тан сиҳатлик, бойлик ва хотиржамлик.

С: Ишларимни кимга топширсам хотиржам бўламан?

Ж: Ҳасадсиз дўстингга топширсанг хотиржам бўласан.

С: Қайси вақтда қандай ишлар қилишим керак?

Ж: Ёшлигингда илм ўрган, кексаликда яхши ишлар билан шуғуллан,

бошқа вактларда эса ўз ишинг билан бўл.

С: Кишилар олдида нима сўзламаслик лозим?

Ж: Кишилар олдида ўз ҳунаридан сўзлайвериш ва ўзини мақташ номақбул одатдир.

С: Ёшларга ва кексаларга қайси фазилатлар лозимдир?

Ж: Ёшларга шарм-ҳаё, ишда жасорат, кексаларга мулойимлик.

С: Буюк кишилар нима қилишлари керак?

Ж: Яхши билан ёмонни фарқ қилишлари ва ишни ишбилармонларга топширишлари керак.

С: Кимдан хазар қилиш лозим?

Ж: Мақтанчоқдан, чақимчидан ҳамда бойиб олган хасисдан.

С: Кимни сахий деса бўлади?

Ж: Биронга бир нима бергани учун кувонадиган кишини.

С: Кишини нималар обрўсизлантиради?

Ж: Бахиллик, мағрурлик, манманлик, хотин-қизлар учун эса шармсизлик ва эрларига ёлгон сўзлаш.

С: Кимни бадбаҳт дейиш керак?

Ж: Такаббур одамни.

С: Дунё неъматлари нима билан топилади?

Ж: Илм-ҳунар, меҳнат, қаноат ва шукроналик билан.

С: Нима қилсан табибга муҳтоҷ бўлмайман?

Ж: Оз есанг, оз гапирсанг, оз ухласанг ва бўлмагур ишларга қўл урмасанг.

С: Энг оқил киши ким?

Ж: Кўп билиб, оз сўзлайдиган киши.

С: Хордик нимадан пайдо бўлади?

Ж: Дангасалик ва бузуқликдан.

С: Хафагарчиликка сабаб нима?

Ж: Ёлғизлик.

С: Ном чиқариш нимадан бўлади?

Ж: Ўз ишида хушёрликдан.

С: Ақлли кишилар нимадан пушаймон бўладилар?

Ж: Ўз ишидаги шошқалоқлигидан.

С: Жамиятни нима йўқотади?

Ж: Таъмагирлик.

С: Одобнинг энг яхши амали нима?

Ж: Тавоъзе.

С: Асли тавозеънинг ўзи нима?

Ж: Кишилар билан хушмуомалада бўлиш, ўз мартабасида камтар бўлиш, кибр-худбинликдан кўл тортиш.

С: Дунёда ҳаммадан баҳтли киши ким?

Ж: Ўзининг саҳовати билан сўзламайдиган ва дунёга хирс қўймайдиган одам.

С: Ёмон дўстнинг белгиси нима?

Ж: Ёмонликка судраш, сирни ошкор этиш ва иш ўтгандан кейин «бундай қилиш керак эди», дейиш.

С: Нолойик иш қилган дўстдан қандай кутулса бўлади?

Ж: Зиёратига кам борсанг, ҳол - аҳволидан ҳабар олмасанг ва учраб қолганда бирор ҳожат сўрасанг, нокас дўстингдан осонгина кутуласан.

С: Кимларга яхшилик қилиш керак?

Ж: Биринчи галда ақл эгаларига ва фозил кишиларга.

С: Кимларга яхшилик қилишнинг ҳожати йўқ?

Ж: Аблаҳ, нодон, бадфеъл, сассиқ сўзли кишиларга.

С: Ҳаётда нима ишларга кўл уриш керак?

Ж: Ақл ва зукколикни эгаллаш, поклик ва пархезкорликка юз тутиш ҳамда даромадга ёрдам бериш зарур.

С: Қандай кишилар баҳтиёр ҳисобланади?

Ж: Шогирдлар устозларга, фарзандлар ота-онасига, эр хотинига, хотин эса эрига иззат-хурмат, меҳр-муҳаббат ва садоқатда бўлсалар, ундай кишилар баҳтиёрдирлар.

С: Фосиқнинг қандай белгилари бор?

Ж: Фосиқлар кўришганда лаганбардорлик, орқаваротдан эса гийбат қиласилар, бошга мусибат тушганда эса хурсанд бўладилар.

С: Нималар куйинишини йўқотади?

Ж: Дұстлар билан күришиш ва замон фозиллари оқиллар билан сұхбатлашиш.

С: Қандай фазилатлар кишининг мартабасини оширади?

Ж: Күл остидагиларни ҳурмат қилиш ва ақлсизлардан узок бўлиш ҳамда ўтганга пушаймон қиласиганларнинг сұхбатидан қочиш-донолар фазилатидир.

С: Нима қилсан кишилар мени ўзларига дўст тутадилар?

Ж: Муомалада ёлғон сўзламасанг, ваъдага хилоф иш қилмасанг ва тилинг билан кишиларга озор бермасанг.

С: Илм билан нимага эришаман?

Ж: Илм билан дунёни танийсан ва ўзинг ҳам одамларга таниласан.

С: Илмнинг офати нимадан?

Ж: Истамаган кишига илмдан гапириш, сўзга тушунмайдиган кишиларга ўринсиз илм ўргатиш илмнинг офатидир.

Луқмони ҳакимнинг азиз фарзандига қилган юз насиҳати:

1. Эй фарзандим, улуғ ва қудратли яратувчини тани.
2. Кимга панду-насиҳат қилсанг, унга аввало, ўзинг амал қил.
3. Сўзни ўз қадрингга лойиқ гапир.
4. Одамларнинг қадрини бил.
5. Ҳамманинг ҳақ-хуқуқини англа.
6. Сириңни маҳфий тут.
7. Дўстни қийин кунда сина.
8. Дўстни фойда ва зиёнда имтиҳон қил.
9. Аблаҳ ва нодон одамлардан қоч.
10. Доно ва зийрак дўстни танла.
11. Яхши ишга қаттиқ кириш.
12. Аёлга қаттиқ ишонма.
13. Соғдил ва доно кишилар билан маслаҳат қил.
14. Сўзни исботи билан гапир.
15. Ёшлиқни ғанимат бил.
16. Ёшлиқда икки дунё ишларини қилиб қол.
17. Ёруғ дўстларингни азиз тут.
18. Дўст-душманинга юзингни очиқ тут.

19. Ота-онани ғанимат тут.
20. Устозни отадек азиз деб бил.
21. Харжни киримга қараб қил.
22. Ҳамма ишда ўртача йўл тут.
23. Олижанобликни ўзинга шиор қил.
24. Мехмоннинг хизматини қоидадагидек қил.
25. Бирорнинг уйига кирганингда кўз ва тилингга эҳтиёт бўл.
26. Либосингни ва баданингни тоза тут.
27. Жамоат билан ҳамдард бўл.
28. Фарзандингга илму одоб ўргат.
29. Иложи бўлса фарзандингта чавондозлик ва мерганликни ўргат.
30. Этик ва кавуш кийишни ўнг оёқдан бошла, ечишни эса чап оёқдан.
31. Бирор билан иш қилсанг, ўша одамга лойик иш қил.
32. Тунда гапирсанг оҳиста ва мулойим гапир, кундузи гапирсанг ён-атрофингга эҳтиёт бўлиб гапир.
33. Оз ейиш ва оз гапиришни одат қил.
34. Ўзингга ёқмаган нарсани ўзгага раво кўрма.
35. Ишни аввал ўйлаб, чора-тадбир билан қил.
36. Уқимай устозлик қилма.
37. Хотин ва болага сир айтма.
38. Одамларнинг яхшилигига таъма қилма.
39. Пасткашдан вафо кутма.
- Байт: Одамида уч юз олтмиш ранг бўлтур, ранглардан бир ранги бадранг бўлур.
40. Барча ишда андишасиз бўлма.
41. Қилинмаган ишни қилинган ҳисоблама.
42. Бугунги ишни эртага қолдирма.
43. Ўзингдан каттага ҳазил қилма.
44. Ўзингдан каттага сўзни чўзма.
45. Оми (оддий ишиларга) ёмон кўринмасликка урин.
46. Ҳожатманд кишиларни ноумид қайтарма.
47. Ўтган жанжални эслама.
48. Одамларнинг яхшилигини ўз яхшилигинг билан араплаштирма.
49. Бойлигинг миқдорини дўсту-душманнга билдирма.
50. Қариндошни қариндошдан айирма.

51. Яхши одамни гийбат билан ёд қилма.
52. Фақат ўзингни ўйлама.
53. Кўпчилик турган бўлса, сен ҳам уларга эргаш.
54. Бармоқларингни оғиз ва бурнингга тегизма.
55. Одамларнинг олдида тиш ковлама.
56. Оғзинг ва бурнингнинг сувини баланд овоз билан ташлама.
57. Эснасанг қўлингни оғзинга қўй.
58. Одамларга қараб керишма.
59. Бармогингни бурнингта тиқма.
60. Жиддий сўзни ҳазилга аралаштириб галирма.
61. Бирорни бирорнинг олдида хижолат қилма.
62. Қошу-қўзинг билан имлаб чақимчилик қилма.
63. Айтган сўзингни яна қайтарма.
64. Бирорни беъмани кулдиришдан тийил.
65. Ўзингни ва яқинларингни одамлар олдида мақтама.
66. Ўзингни хотинлардек ясатма.
67. Болаларинг нима деса ўшани қилаверма.
68. Тилни сакла.
69. Гапираётганда қўлингни силкитма.
70. Ҳамма одамни ҳурматлашни ўқитма.
71. Иғвогар одам билан сухбатдош бўлма.
72. Ўлганни ёмонлаш билан ёдлаш, Бунинг фойдаси йўқ.
73. Иложи борича бирор билан уришма ва хусумат қилма.
74. Бирорнинг куч-кудратини синовчи бўлма.
75. Улуғвор синовини яхшилик билан ёдла ва гумон қилувчи бўлма.
76. Ўз нонингни ўзгалар дастурхонида ема.
77. Ишда шошқолокликка йўл қўйма.
78. Мол-дунё топаман деб, ўзингни қийноқ остига ташлама.
79. Ҳар ким ўзини танимаса, сен уни тани.
80. Газабинг келганда сўзни танлаб гапир.
81. Этагинг билан бурнингни артма.
82. Куёш чиққунча ухлама.
83. Одамлар олдида ёлғиз ема.
84. Катталардан олдинда юрма.
85. Одамлар сўзлашаётганида сўзларига қўшилма.
86. Бошингни осилтириб ўтирма.

87. Кўчада ўнгу чапга аланглайверма, балки тўғрига боқиб ерга қараб юр.
88. Иложи борича, ялангоч уловга минма.
89. Мехмон ҳузурида бировга ғазабингни сочма.
90. Мехмонга иш буюрма.
91. Девона ва маст билан сўзлашма.
92. Маҳалла бошида бекорчи ва бебошлар билан ўтирма.
93. Фойда-ю зиёнга ўзингни уриб, обруйингни тўкма.
94. Манман ва такаббур бўлма.
95. Одамларнинг сенга хусумат қилишидан қоч.
96. Жанг ва фитнадан қочувчи бўл.
97. Пичноқсиз ва пулсиз бўлма.
98. Ўзингни ўта хор килмасликка интил.
99. Ҳоксор ва камтарин бўл.
100. Худодан қўрқиш, халқа инсоф килиш, улуғларга хизмат, кичикларга шафкат, дарвешларга саҳоват, дўсту-ёrlарга насиҳат, душманларга юмшоқлик, жоҳилларга жимлик, олимларга тавозеъ қилиш билан яша. Бироннинг молига тамаъ кўзи билан боқма.

4.2. Амалий санъат анъаналарига оид халқ мақоллари ҳамда уларнинг маънолари

Аввал ўйла, кейин сўйла

Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қаттий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўз (гап) ини аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишини қўпчилик орасида уялиб қолишига, ҳатто фожиавий аҳволга тушишига сабаб бўлиши мумкин. «Сўзни кунгилда пиширмагунча тилга келтурма. Ва ҳар неким, кунгилда борини-тилга сурма.» (Навоий)

Мазмуни: «...Ўйламаг унча сўйлама», «Кўп ўйла, оз сўйла», «Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла» (қатим игнага бир мартда ўтказилиб иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан кулоч қилиб ёзилган қўлнинг учи орасидаги масофага тенг ип); «Дилда пишир, тилда гапир»; «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир»; «Ўйнаб айтсанг ҳам, ўйингдагини айт»; «Гез сўзлаган-тез пушаймон бўлар»; « Оғзига келган сўз арzon, овулага келган бўз арzon»; «Ўйланмаган жойдан

тулки чиқар, ўйланмаган сўздан кулки чиқар»; «Англамай айтган, тингламай ўлар, чайнамай ютган, кавшамай ўлар».

Одобни - беодобдан ўрган

Луқмони Ҳакимдан «Одобни кимдан ўргандинг?», - деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: «Одобни беодобдан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидағи менга маъқбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим» (Саъдий, Гулистан). Вар.: «-Ақлни-ақлсиздан ўрган»; «Тамизни бетамиздан ўрган»; «Ақлли ўрганар, аҳмок ўргатар»; «Одобнинг нима эканини-одобсизни кўрганда биласан».

Айтилган сўз - отилган ўқ

Жамоа орасида ёхуд айрим шахсларга бирор гапни айтишдан аввал уни обдон ўйлаб, атрофлича мулоҳаза қилиб олиш зарурлиги уқтирилаяпти. Кишининг оғиздан чиққан ҳар бир сўз, хоҳ яхши, хоҳ ёмон, хоҳ ўринли, хоҳ ўринсиз бўлсин, уни асло қайтариб бўлмайди. Айниқса, одамларни ноўрин ҳақоратлаш, камситиш, пичинг, кесатиқ гаплар айтиш, улар қалбини ўқдай жароҳатлаши мумкин. Шу боис киши ҳар бир сўзни ўйлаб, эҳтиёт бўлиб гапириши керак. Вар.: «Оғиздан чиққан сўз қайтмас»; «Гап эгаси билан юрмайди»; «Айтган сўзни ичкари ютмоқ бўлмас»; «Сўз чумчук эмас, оғиздан чиқса тўтиб бўлмас»; «Пуф десанг, оғзингдан чиқади-кетади, оқибатини ўйла»; «Сўзлаганин кумуш бўлса, тек турганинг-олтин»; «Сақланган сўз-соф олтин»; «Айтилган сўз-хўжайининг, айтилмагани-хизматкоринг»; «Айтмасдан бурун сўзга сен эга, айтгандан сўнг сўз сенга эга»; «Айттар сўзни айт, айтмас сўздан қайт»; «Арзимаган гап оғизда қолсин!».

Анқов бўлган кишининг - мазаси йўқ ишининг

Бу мақолда анқов, ялқов, телба, тентак, девона одамлар устидан кулинади: «Анқов англамас, ҳангি тингламас»; «Анқовга қирғовул қайда?»; «Ер юзини баҳмал-олса ҳам, анқовга тақялик тегмайди (дўппи-ёстиқ)»; «Анқов, анқовнинг ўртоғи-ялқов»; «Ялқов билан анқов-душман учун ўнғай ов»; «Анқов ўйин бузар, тентак йигин бузар»; «Ўта овсар-бўйига ўсар»; «Бир шалтоқнинг ишини йигирма эпчил эплай олмас»; «Тентакнинг тиними бўлмас, ишининг унуми бўлмас»; «Тентакнинг ишини тангри ўнгласин»; «Девонанинг ишини худо ўнглар»; (бу кейинги икки мақолни ишни билмай, таваккалига, пала-партишлик билан қилувчи одамларга нисбатан қўллайдилар).

Афting қийшик бўлса, ойнадан ўпкалама

Мажозий маъноси: «Ўзинг айбдор бўлсанг-у, шу айбингни бирор сенга тўғридан-тўғри айтса, ундан хафа бўлиб, ўпкалаб юрма, аксинча, тан ол, айбингни тузатишга ҳаракат қил». Вар.: «Хўкиз юз ойнадан гина қиласди»; «Қийшик юз-ойнани қийшик дейди»; «Айбингни айтганни айблама».

Кимки санинг айбингни айтур санга,
Шавқат ила лутфу карам қил анга.

(Пошшохўжа)

Ақл билан одоб - эгизак

Мазмуни: «Илмнинг каттаси-одоб»; «Ақл-Ҳасандир, Одоб-Ҳусандир»; «Одоб бозорда сотилмас»; «Одоб биносидан чиқма, ҳаё ҳилватидан чиқма»; «Хусн ҳулки билан чиройли»; «Одобли бола-орли бола, одобсиз бола-шўрли бола»; «Одоби йўқ йигит-югани йўқ от».

Халқимиз бу мақолларда кишига жамиятда ўзини қандай тутиши зарурлиги юзасидан таълим берар экан, аввало, уни ақл, ахлоқ ва одоб эгаси бўлишга, виждонли, ор-номусли, соғ кунгилли, субутли бўлишга даъват этади.

Бекор тургунча бекор ишла

Халқимиз асрлар давомида яратган сон-саноқсиз мақоллар орасида меҳнатсеварлик мавзусига оид мақоллар салмоқли ўрин тутади. Уларда халқ турли мисоллар, ўхшатишлар воситаси билан меҳнатни севишга даъват этади. Бунинг боиси шундаки, меҳнат-инсон ҳаётининг маънавий бойлиги, моддий манбай ва саломатлик гаровидир. Вар.: «Тек тургунча текин ишла»; «Тек турмаган-тўқ турар»; «Йўл устида тик турма, иш устида тек турма»; (бунда: «Ҳамонки, сафарга чоғланган экансан, йўл устида тик турма, юр, юра-версанг йўлинг унади. Ҳамонки, ишга чоғланган экансан иш устида тек турма, ишла, ишлайверсанг, ишинг унади» демоқчи); «Бўй ишламас, кўл ишлар»; «Ишлагандан юрган оғир, юргандан турган оғир» («ишламай лақиллаб юриш-ишлашдан оғир, бекорчи бўлиб бир жойда қаққайиб туриш ундан ҳам оғир», демоқчи); «Бекорчиликдан бекарорлик туғилар»; «Бекорчиликдан бемазагарчилик чиқади»; «Бекорчиликнинг хунари-ғийбат»; «Бекорчидан бемаза гап чиқар»; «Бекорчидан безиб қоч, чақимчидан учиб қоч»; «Бекорчидан худо безор».

Бетта айтганинг захри йўқ!

«Агар бирор сенинг айбингни, камчилигингни тўғри юзингга айтса, бундан ҳафа бўлма, ундан гина ҳам қилма, чунки, унинг бу гапи сенга фойдадан ҳоли бўлмайди. Айбингни ўзингга айтмай, орқангдан бирорларга айтса-бу ёмон, бунинг учун ундан қанча ҳафа бўлсанг арзийди», дейилмоқда.

Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер

Мазмуни: «Тўйган ерга-тўқиз кун таъзим»; «Тузини ичиб, тузлигига тупурма»; «Бир кунги танишга минг кун салом бер»; Булар билан: «Яхшилик кўрган ерингни, одамингни асло унутма, унга сира ҳам ёмонликни раво кўрма, уни ҳамиша хурмат қил», деб ўгит қиласидар.

Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан

Ушбу мақолнинг келиб чиқиши бир диний афсонага бориб тақалади: Афсонанинг қисқача мазмуни шундай: Ёлғондакам мусулмон бўлганлар: «Бу масжидга келиб-кетиш бизга узоклик қиласди» деб, ўзларига яқин ерга масжид солган эмишлар. Кейин авлиёни ўлдириш ниятида масжиднинг эшиги олдига катта чоҳ қазиб, устини хас-пушлаб қўйганмишлар. Буни авлиё каромат билан билиб, ўша куни масжидга келмаган эмиш. Ганимларнинг ўз ичларидан бир-иккитаси билмасдан келиб қолиб, ўз одамлари қазиган чоқقا йиқилиб ўлган эмиш. «Бировга ёмонликни раво кўрсанг, унга ўзинг гирифтор бўласан», деган маънода қўлланиладиган бу мақол мумтоз адабиётда кўп учрайди.

Ҳар киши ким бировга қозгай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ узра ўзи ногоҳ.

(Навоий)

Ушбу масал бордуур эл ичра фош,
Зоҳиру равшан эрур андоқ куёш.
Кимки қозар оқибат ул тушгуси,
Кимки ёқар охир ушул пишгуси.

(Нишотий)

Вар.: «Юриб-юриб йўл оздим. Йўлларда қудук қаздим. Ўзим қазиган қудукқа, йиқилиб ўлаёздим.»; «Ёқма-пишарсан, қазиматушарсан»; «Ўзингга яхшилик тиласанг, ўзгага ёмонлик қилма»; «Ётга соғинган-ўзига, кошга соғинган-қўзига»; «Бировга қасд

қылган-үзини паст қилади»; «Биревга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила»; .«Биревни қарғасанг, ўзингга урар»; «Биревнинг бузоги ўлсин десанг, ўзингнинг хўқизинг ўлади»; «Биревга шамол тиласанг, ўзингга бўрон кут»; «Кўшни деворини ковлама, ўзингнига наҳра очилади»; «Сен биревнинг молини олсанг, бирев сенинг жонингни олади»; «Биревга бермагил озор, хуморингни бузар» ва ҳоказолар.

Биревга соғинса ҳар ким ёмонлик,
Нихоят ул ўзи топмас осонлик.

(Абулқосим Фирдавсий)

Вақтинг кетди - нақдинг кетди

Инсон ҳаётида вақт энг қимматли нарса саналади. Кўпни кўрган ота-боболар мақоллар ва ҳикматли сўзлар воситаси билан вақтнинг ҳар бир дақиқасиданnihоятда унумли фойдаланишта, бирор дақиқани ҳам зое ўтказмасликка даъват этганлар: «Фурсатни ўтказдинг-ютқаздинг»; «Вақтинг кетди-баҳтинг кетди»; «Куннинг ғами-саҳардан, йилнинг ғами-баҳордан; «Саҳар турмоқ-саодатдир»; «Тонг турганга-тоза ҳаво, кеч турганда не раво?!»; «Эрта турмокнинг хислати кўп»; «Баҳор келди-наҳор келди»; «Келса баҳор, тургил саҳар»; «Кун кўраман десанг, эрта тур»; «Эр киши эрта туради»; «Эрта турган эркакнинг бир ризқи ортиқ, эрта турган аёлнинг икки ризқи ортиқ»; «Уч кун барвакт турган-бир кун ютар»; «Эрта турган-иш битирав, кеч турган-кўп тутинар»; «Кеч ёт, эрта тур, олти дастани ортиқ ур» (даста-ўғир даста); «Эрталабки иш кунгилни қилар ҳуш»; «Эрталабки муштдан ҳам қайтма» (Эътиқодий тушунчага кўра, эрталаб барвакт турган одамларга фаришталар ризқ улашармиш. Шунинг учун: «Эрталаб вақтли туриб, биринчи галда эшигингни очиб қўй», дея насиҳат қила-дилар); «Вақт кетига қайтмас, сув кетига оқмас»; «Вақт-учар куш»; «Вақт ғанимат, ўлса надомат (надомат-пушаймон, афсусланиш, таассуф); «Вақт кўтиб турмайди»; «Кун қайтар, замон қайтмас»; «Йўқолган олтин топилар, йўқолган вақт топилмайди»; «Ёкут билан вақт топилмайди, вақт билан ёкут топилур».

Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла

Куруқ гап гапиргандан кўра, амалий иш қилиш зарурлигини, бу эса кишига фойдадан ҳоли эмаслигини ўқтирувчи бу каби мақоллар кўп: «Тилинг сўзласин, қўлинг ишда бўлсин»; «Тилинг сўзласин,

кўлинг ишласин»; «Гап кўп жойда иш оз бўлур»; «Кўп галиргандан кўп иш кутма»; «Кўл билан қилар ишни, тил билан қилиб бўлмас»; «Гап билан шошма, иш билан шош»; «Гап билан мақтанма, иш билан мақтан»; «Сўз тўйғизмайди, иш тўйғизади»; «Тилинг билан дов кутаргунча, ишинг билан донг кўтар»; «Гап билан ваъда берма, иш билан далда бер»; «Ҳар кунги ваъзхонлиқдан-бир кун жонбозлик яхши»; «Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши»; .«Мингта чиройли сўздан-битта ҳўқиз иш яхши»

Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас

Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида ишёқмаслик ва дангасаликни, ялқовлик ва эринчоқликни энг ёмон иллат сифатида қаттиқ қоралайди, ишламай-кучламай, бекор лақиллаб юрувчи шахслар устидан кулади, ишёқмасликнинг оқибати ёмон бўлишини кўрсатади: «Ялқовнинг ёви-юмуш»; «Ялқовга булат сояси ҳам-юқ»; «Дангасага остона тепа бўлиб туюлади»; «Эринчоқнинг оғзини ит ялайди» («Эринчоқ овқатлангач, лаби-лунжида қолган юққи-юришини ит келиб яласа, ҳам «Тур кет!» дейишга эринади» дейилмоқда); «Армуғоним жиртак отди, лойни кўриб таппа ётди»; «Дангасанинг важи кўп, оҳангининг авжи кўп»; «Ўтлоқда бедана кўп, дангасада баҳона»; «Шотининг погонаси кўп, ялқовнинг баҳонаси кўп» «Ишёқмасга - ич оғриғи баҳона»; «Ўроқчининг ёмони ўрок танлар» («Ҳарна вақт ўтса-ю, камроқ ишласам, деган мақсадда ўрок танлайди»), дейилмоқда. «Ишёқмас мардикор кетмон танлар»; «Ёмон косиб бигиз танлар»; «Туяқушга «уч» десалар, «Мен туман» дебди, «Бўлмаса юк кўтар» десалар, «Мен күшман» дебди»; «Ялқов хотинга боласи борлиги-баҳона» (Одатда, хотинлар бирор ерга - тўйга, зиёфатга, маъракага борсалар, кўпинча (айниқса ёш болалилар) ўз болаларини ҳам бирга олиб борадилар. Агар борган ерлари қариндош-урұғлари ё яқин таниш-билишлариники бўлса, хизмат қилишлари, уй эгасига кўмаклашишлари керак бўлади. Бу мақолда: «Шундай пайтда ялқов хотин боласига қараган бўлиб, ўзини ишдан олиб қочади» дейилмоқда); «Ишёқмасга гап ҳам юқмас»; «Эринчоқ эшикка чиқса, от ёллайди» («Яқингина ерга ҳам пиёда боргиси келмай, пул бериб, от ёллайди» дейилмоқда).

«Эринчоқнинг дўпписи ерга тушса, пул бериб олдиради»; «Ялқовнинг кўли кўйнидан чиқмас»; «Эринчоқнинг кўли етмас, кўли етса ҳам иши битмас»; «Эринчоқнинг кўли қисқа, эринмаган-

нинг йўли»; «Ялқов ётиб буюар»; «Ялқов ўтирган жойида ўтин ёради»; «Қули билан қовга юлмаган - оғзи билан ўроқ ўради»; «Ялқов ётолмайди, ётса туролмайди»; «Эринчоқ ирганиб тургунча, сигир саккиз тўйиб, хўқиз тўққиз тўяди»; «Эринчоқ экинчидан эринмаган машоқчи ўзибди» (машоқчи-галла ўриб-ийғиб олинган майдонда ерга тўклиб қолган дон-дунни битталаб териб олувчи); «Қамчилатган югуруқ эмас» (ўзи хоҳлаб, ўзи билиб, дарров у-бу ишга чаққонлик билан киришиб кетақолмай, ҳадеб гапиртира-верадиган, «Уни қилгин - буни қилгин» деб қисташга мажбур қиладиган ишловчи эмас», дейилмоқда); «Қашангни қамчиламаса, юрмас» (қамчилаб турмаса юрмайдиган отни «қашанг» дейдилар); «Эринчоқнинг эртаси кўп»; «Дангасанинг гапидан бол томади»; «Гап десанг - қоп-қоп, иш десанг-олатоғдан топ»; «Гап десанг - қоп-қоп, иш десанг-бетоп»; «Дангасага иш буюрсанг, отангдан яхши насиҳат қилади»; «Ўтмайдиган қиш борми, битмайдиган иш борми?!» (Бу мақол дангаса тилидан айтилган бўлиб, дангасанинг ўзига қарата киноя тарзида кўлланилади); «Ёз бор, қиш бор, дангасада на иш бор?!»; «Ишликнинг иши битар, ишсизнинг куни ўтар»; «Иши йўқ ит сугорар» (Одатда отни, эшакни, сигирни суфорадилар-у, аммо ҳеч вақтда итни суформайдилар. Мазкур мақол билан «фойдали иш қилишдан ўзини олиб қочадиган, эринадиган одам, зерикиб нима қиларини билмай, қаёқдаги бўлмағур, кераксиз, фойдасиз нарсалар билан машғул бўлади» демокчи бўлганлар) «Иши йўқ эшак ҳуркитар»; «Иши йўқ чивин тутар»;

«Иши йўқ иш топар-иштон солиб, бит боқар»; «Эрмаги йўқ энасиникида сигир соғар»; «Ишсиз-иягин үқалар»; «Ишchan келса иш битар, ялқов келса-иш йитар»; «Ишсиз келиб, ишликни ишдан қўяр»; «Ишchan ерни яшнатар, ялқов ерни қақшатар»; «Ишchanни ишга чақир ишёқмасни ошга чақир» (Ишchan одамни ишга чақир, у ишингни қойил қилиб беради. Бундан сен ҳам хурсанд бўласан, унинг ўзи ҳам дангаса эса ишни хушламайди. Бирор иш буюрсанг, эринади, энсаси қотади, бир тўққиз баҳона қилади, қайтага ўзингнинг дилинг гаш бўлгани қолади. Шунинг учун дангасани тайёр ошга чақирсанг чақир-у, аммо ишга чақира кўрма, дейилмоқда); «Иш деса айёр, ош деса тайёр»; «Тайёрга айёр»; «Иш деганда нофармон, ош деганда жон курбон»; «Иш деса огрийди ошиқ-мошиғим, ош деса тайёр катта қошиғим»; «Қули-кули ош қули, иш десанг оғрир бош қули»; «Ош деса чопар, иш деса қочар»;

«Ош десанг ботир, иш десанг ётири»; «Ошга қўноқ, ишга нўнок»; «От бўлсангу кишинамасанг, одам бўлсангу ишламасанг» (Бу ўтакетган ялқов, ишёқмаснинг тилидан айтилган); Ишchan тилаги - тонг ота қолса, эринчак тилаги - кун бота қолса»; «Аҳмоқ кулгига тўймас, ялқов уйқуга тўймас»; «Ош бўлсаю иш бўлмаса, ёз бўлсаю қишиш бўлмаса»; «Кунда-кунда тўй бўлса, хафтада хайит бўлса, ўртада бир кун бўлса у ҳам жума бўлса» (Илгари жума дам олиш куни ҳисобланган, бу икки мақол ҳам ялқов, ишёқмасларнинг тилидан айтилган бўлиб, уларга нисбатан киноя, истеҳзо тарзида кўлланилади); «Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит»; «Орсизга олти кун ҳайит»; «Ишchanга йилда байрам, ялқовга кунда байрам»; «Ишchan баҳтин ишидан излар, ялқов баҳтин кишидан излар», «Ишёқмасга ит боқмас»; «Бекорчидан худо безор»; «Хушёқмасни худо хушламас»; «Бекор, бекорнинг қилмиши озор»; «Ялқов элга ор келтирас»; «Эринчак эл суймас»; «Қизнинг анқовидан сақласин, ўғилнинг ялқовидан»; «Отнинг ёмони сурунчак, одамнинг ёмони эринчак» (Сурунчак-қоқилувчан); «Ялқов ўзига ёв»; «Ялқовнинг оши ёвғон»; «Ётар курсоқка - ёрти нон»; «Ётган ҳўқизга ем йўқ»; «Дангасанинг косаси оқармас», «Ишёқмасга роҳат йўқдир»; «Эринган икки ишлар, охири бармоғин тишлар»; «Ялқовликни бозор олмас, бозор олса ҳам мозор олмас»; «Эринчоқлик бошга бало келтирас»; «Дунёда ким ўлади, бир кунгилчак, бир эринчак»; (Кунгилчак одам ҳар ким нима деса шуни қиласвериб ҳолдан тойиб ўлади, эринчоқ одам эса меҳнат қилмай, маблаг топмай, кишиларнинг қўлига қарам бўлиб, муҳтоҷликда ўлиб кетади» деган маънода муболаға қилинган); «Ишchanлик тўрга тортар, ялқовлик гўрга тортар» (ишchan одам эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, ҳар ерга борса уни иззат-хурмат қиласидилар. Тўрга таклиф этадилар. Ялқов, ишёқмас, дангасалар эса эл кўзига ёмон кўриниб, хор-зорликда яшаб, дунёдан ном-нишонсиз бўлиб кетадилар» дейилмоқда); «Ялқов бойимас, сук семирмас»; «Ғайратликнинг оғзи мой, ғайратсизнинг ҳоли вой»; «Бахт ялқовга бегона»; «Дангаса дамини есин, ишлашнинг ғамини есин»; «Дангасага раҳм қилсанг дангаса кўпаяр»; «Ишёқмасни қолдирма, обрўйингни олдирма».

Девор кийшиқ бўлса тез қулайди

Бу билан: «Киши эгри йўлга кирса, тезда обрў-эътиборини ўқотади, шарманда бўлади», демоқчи бўладилар.

Тили тўғрининг дили тўғри

Ота-боболар бир туркум мақолларда кишини юксак одоб ва ахлоқ эгаси, виждонли, ор-номусли, соф кунгилли, субутли бўлишга даъват этганлар. Юқоридаги мақол шундай мақоллардан биридир. «Дили тўғрининг тили тўғри, Тили тўғрининг йўли тўғри»; «Дили покнинг-йўли пок»; «Соф кунгил-сўлимас гул»; «Оқ кунгиллининг-юзи кўркам»; «Тунинг ямоқ бўлса ҳам, дилинг ямоқ бўлмасин» (Бу билан «Камбагалликнинг айби йўқ, аммо ичи қоралик ёмон», дейилмоқда); «Уйи бузук ўнгланур, ўйи бузук ўнгланмас»; «Уйингни чиройли қилгунча, ўйингни чиройли қил». Етти ўлчаб, бир кес

Мазмуни: «Ҳар бир ишни обдон ўйлаб, тадбиркорлик билан пухта қил», дейилмоқда. «Ёгоч кессант, Узун кес-кесса бўлар, темир кессант, калта кес-чўзса бўлар»; «Кийим бичсанг, Узун бич-кийса бўлар».

Ёмон кулол кўлидан яхши кўза чиқмайди

Бу мақолда бола тарбияси хусусида гап кетган «Ота-онаси ёмон, ахлоқсиз бўлса, болаларини яхши, ахлоқли, одобли қилиб тарбиялай олмайди», деган маънода айтадилар. Юқоридаги мақолни бир қанча вариантлари ва мазмундошлари борки, уларда ҳам болаларга чинакам тарбия бериш учун тарбиячиларнинг, яъни, ота-оналарининг ўзлари ахлоқли, одобли, ибратли бўлишлари лозимлиги уқтирилади. «Тўғри дараҳтдан эгри соя тушмайди» («Ота-она тўғри, ахлоқли бўлса, улар тарбия қилган болалар ҳам шундай бўлиб етишади», дейилмоқда); «Мева ўз дараҳтидан йирокқа тушмайди»; «Палакдан хомак йирокқа тушмайди» («Болаларнинг феъл-атвори, ташқи кўриниши ота-онасиникига ўхшаш ё ўшанга яқинроқ бўлади, бутунлай бошқача бўлмайди» дейилмрқда); «Тарбиясиз ота-ота эмас, айғир» (Бу билан «айғирлик» қиласвергану (яъни, бегона аёллар кетидан юриб, бутун вақтини, маблагини шунга сарфлаган-у), уй-рўзгорига, болачақасига қарамай қўйган, натижада болаларининг ноқобил бўлиб чиқишига сабабчи бўлган отани қаттиқ қоралайдилар, лаънатлайдилар); «Ота-онасининг гунохи кўп бўлса, бола йиғлайди»; «Отаси ёмон-ош талашар, ялқов одам-иш талашар» («Ялқов ишининг ўнгайини, енгилини талашади», дейилмоқда); «Мол турки эгасини билдиради» (Бу мақолни кўпроқ озодалик,

саришталик хусусида гал кетганда айтадилар. Масалан, баъзи одамнинг сигирини қарасангиз ҳавасингиз келади: ўзи ҳам, турган ери ҳам, охури ҳам озода; баъзи одамларни сигиридан жирканасиз: ҳамма ёғи шалтоққа беланган, ифлос, турган ерига бош тиқиб кириб бўлмайди. Сигирнинг яхши ё ёмон ҳолатда бўлиши-эгасига боғлиқ. Молниг турки эгасининг қандайлигини, яъни озода, саранжом-саришта, дид-фаросатли ёхуд диди паст, бефарқ, бефаросат эканлигини билдиради. Шунингдек, боланинг озода ё ифлос, йиртиқ-сиртиқ кийиниб юришидан ота-онасининг қандайлигини билиб олса бўлади. Юқоридаги мақолни шу маънода кўллайдилар); «Итни қопағон қилган-эгасининг ўзи» («Боланинг сўкағон, уришқоқ бўлишига аввало ота-она сабабчи. Уларнинг ўзлари сўкағон, уришқоқ бўлсалар, бу ёмон одат болаларига ҳам юқади, ёки, ота-онанинг ўзи ундей бўлмаса ҳам, болада шундай ёмон одат шакллана бошлаган пайтда олдини олишмаган», дейилмоқда).

Ёшликнинг қадрини қаримасдан бурун бил

Мазмуни: «Ёшликни сенга боғлаб бериб қўймаган, вақтида унинг қадрига ет. Ёшлигингда, яъни куч-куватинг борида қилар ишингни қилиб қол, қариганингдан кейин, яъни куч-куватдан қолганингдан кейин-кеч бўлади, афсус қиласан», дейилмоқда. «Қаримагунча-йигитлик қадрини билмас»; «Олтин топилар, ёшлик топилмас»; «Ёшликни сотиб олиб бўлмас»; «Ёшлик вақтим-олтин тахтим»; «Ёшликда қилинган иш-қаригандা эгасини кўтиб олади»; «Ёшлиқдаги ғайрат-кексалиқдаги роҳат».

Жаҳл-душман, акл-дўст

Ота-боболар ўзларининг бир туркум мақолларида жаҳл, ғазаб, ғам, қайғу саломатлик душмани эканлигини уқтирганлар ва кишиларга худа-бехудага ғазабланмасликни тавсия этганлар. Халқнинг бу хусусдаги қарашларини илмий тиббиёт аллақачон тўла тасдиклаган, чуқур исботланган ва тобора ривожлантирилмоқда. XVIII асрда прусс шифокори X. Гефаланд шундай ёзган эди: «Ҳаётни кисқартирувчи таъсиrlар орасида қўркиш, ғам, мавюслик, зерикиш, руҳий тушкунлик, хасад, ғазаб, нафрат асосий ўрин тутади». Машҳур рус олими И. Мечников қаттиқ ғазабланиш кўпинча томирларнинг ёрилиб кетишига, қанд қасаллиги ва катаракта

касаллигининг кўзғалишига олиб келишини таъкидлаган эди. Вар.: «Жаҳл-жохилнинг қуроли» Жаҳл: 1. Билимсизлик, нодонлик; 2. Аччиқ қилиш, жохил, нодон, билимсиз. «Оқилнинг ақли-ўзига йўлдош, жохилнинг жаҳли ўзига кундош»; «Жаҳл- пичоқ, Ақл-таёқ» (Таёқ-ҳасса, яъни кишига таянч бўладиган, ёрдам берадиган нарса, деган маънода келтирилган); «Жаҳл келса-акл қочади»; «Жаҳли чиққанинг- ақли чиққан»; «Аччиқ-ақлни кесар»; «Аччиқ олдидан келар, ақл-ортидан»; «Ўринисиз газаб-ўзингга азоб»; «Газаб билан қайнаган қон зарар билан тинади»; «Бугунги жаҳлни эртага кўй, бугунги ишни эртага қўйма»; «Жаҳилни кечиктирган-ютар, ишини кечиктирган-ютқазар»; «Мард-курашда, дўст-ташвишда, доно-газабда синалар»; «Ким мард?-жаҳлинин ютган мард»; («Жаҳлни ютиш-чўғни ютиш билан баробар» деган мақол ҳам бор. Дарҳақиқат, кишининг бир нарсадан жаҳли чиқса, газабланса, индамаслиги, ўзини босиши-жуда ҳам мушкул бир ҳол. Аммо, қанчалик мушкул бўлмасин, жаҳлни, қахру-газабни тиймоқ-кишининг сиҳати учун ҳам, ўзаро муносабатнинг кескинлашмаслиги, аксинча, қайта тикланиши ва яхшиланиши учун ҳам бениҳоя зарурдир. Мазкур мақолда бунга эришмоқлик мардлик билан тенглаштирилган); «Аччиқни аkl енгади»; «Аччиғинг чиқса, ирнингни тишла» (Ирн-пастки лаб. Одатда бирор гапни гапиришдан ўзини тийган одам пастки лабини тишлиайди. Мазкур мақолни кўпинчча: «Аччиғинг чиқса, бурнингни (?) тишла» деб, мантиқан нотўғри қўллайдилар); «Жаҳлинг чиқса сўқинма, сўқингандан сўнг-ўқинма»; «Жаҳл дориси-сукут»; «Ақлингга ақл кўш, жаҳлингга-сабр».

Иш бошлаганда мақтанма, иш битганда мақтан

Бу билан «Бирор ишни ҳали бошламай туриб ёҳуд бирор ишга энди қўл уриб, «Ана ундоқ қилиб юбораман, мана бундоқ қилиб юбораман», «Фалон муддатда битказаман» ва ҳ.к., деб мақтанма, катта гапирма. Олдин ишни битказ, натижасини кўр, одамлар қойил қолсин, ана ундан кейин мақтансанг арзийди. Аслини олганда, шунда ҳам мақтанмаслигинг, ўзингни камтар тутишинг лозим», деган маънода насиҳат қиласидилар.

Иш устасидан қўрқар

Бу мақол билан ҳунар эгаллашга, ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишишга даъват этилади. Вар.: «Иш-билганинги, қилич-

тутганники»; «Темирчининг кўлида темир эриб, сув бўлар» (Темирни эритиб, сувдай суюқ қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Темирчининг хунари бўлгани учун ҳам бу мушкул иш ундан «кўрқади». Умуман, «Хунарни пухта эгалласанг, уста бўлсанг, ҳар қандай оғир ишни ҳам осонликча бажара оласан», дейилмоқда); «Иш, ишнинг кетига туш!»; «Ҳар ишнинг кетига тушган-қўлига олмай қолмас»; «Ишнинг ўзи-ишга ўргатади» («Бирор ишга киришсанг, тобора қизиқиб бораверасан, у ишнинг сир-асори сенга борган сари ойдинлашиб бораверади», дейилмоқда); «Ишлаганинг-уйингга, ўрганганинг-ўзингга» (Бу мақолни, кўпинча, оналар қизларига: «Уй юмушларини (супуришидириш, кир ювиш, турли хил овқатлар пишириш, нон ёпиш, ҳамир ёйиш, бичиши-тикиш ва ҳ.к.) қиласверсанг, қилишдан эринмасанг-бу уйга фойда, шу ишларни бажариш давомида кўзингнинг пишигани, тажрибангнинг ортгани, қуникканинг, ўрганганинг-ўзингга, яъни келажакда қурадиган турмушингга фойда», деган маънода насиҳат қилганларида айтадилар); «Иш ақлини топар, ақлли ишни топар».

Ишёқмас-роҳат топмас

Юкорида «Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас» мақолининг изоҳ қисмида қайд қилиб ўтганимиздек, халқимиз ишёқмаслик, дангасаликни қаттиқ қоралайдилар. Бир туркум мақолларда дангаса, ялқов, эринчоқ ва ишёқмасларнинг ярамас феъл-атвори, қиладиган баҳоналари, айёрликлари турли мисоллар воситаси билан рўй-рост очиб ташланади, бу иллатнинг ёмон оқибатлари кўрсатилади: «Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар»; «Иш ишни топар, дангаса ишдан қочар»; «Ёмон косиб бигиз танлар»; «Ишёқмас мардикор кетмон танлар»; «Ишёқмас ўрокчи ўрок танлар» (Бу кейинги уч мақол билан: «Ишёқмас: ҳарна бироз вакт бўлса ҳам ишламайман-ку, деган ўй билан иш куролини танлаб, вақтини бекор ўтказишга ҳаракат қиласди», дейилмоқда); «Ишликнинг иши битар, ишсизнинг куни ўтар»; «Иши йўқ ит сугорар» (Одатда, отни, эшакни, сигирни ва ҳ.к. сугорадилар-у, аммо ҳеч вақтда итни сугормайдилар. Мазкур мақол билан: «Фойдали иш қилишдан ўзини олиб қочадиган, эринадиган одам зерикиб, нима қиларини билмай, қаёқдаги бўлмагур, кераксиз, фойдасиз нарсалар билан машғул бўлади», дейилмоқда); «Иши йўқ

эшак ҳуркитар»; «Иши йўқ чивин тутар»; «Иши йўқ иш топар-иштон солиб, бит бокар»; «Ишсиз-иягин уқалар»; «Эринмаган эринчак энгагин уқалар»; «Ишchan келса-иш битар, ялқов келса-иш йитар»; «Ишсиз келиб, ишликни ишдан қўяр»; «Ишchan ерни яшнатар, ялқов ерни қақшатар»; «Ишchanни ишга чақир, ишёқмасни ошга чақир» («Ишchan одамни ишга чақирсанг, у ишингни қойил қилиб бажариб беради. Бундан сен ҳам ҳурсанд бўласан, унинг ўзи ҳам. Дангаса эса ишни хушламайди, бирор иш буюрсанг, эринади, энсаси қотади, бир тўққиз баҳонани қилади, қайтага ўзингнинг дилинг гаш бўлгани қолади. Шунинг учун дангасани тайёр ошга чақирсанг-чақир-у, аммо ишга асло чақира кўрма», дейилмоқда); «Иш деса айёр, ош деса тайёр»; «Иш деганда-нофармон, ош деганда-жон курбон» (нофармон-буйсунмовчи, итоат қилмовчи); «Иш деса-оғрийди ошиқ-мошигим, ош деса-тайёр катта қошигим»; «Кули-кули, ош қули, иш десанг, оғрир бош-кули»; «Ош деса - қулт-қулт, иш деса-қулт-қулт»; «Ош деса-чопар, иш деса-қочар»; «Ош десанг-ботир, иш десанг-ётирип»; «Ошни кўрса-кул бўлур, ишни кўрса-гум бўлур» (гум бўлмоқ-гойиб бўлмок, йўқ бўлмок); «Ошга қўнок, ишга-нўнок»; «От бўлсанг-у - кишинамасанг, одам бўлсанг-у - ишламасанг» (Буни ўтакетган ялқов, ишёқмаснинг тилидан айтганлар); «Ишchan тилаги- тонг отақолса, эринчак тилаги-кун бота қолса»; «Ош бўлса-ю, иш бўлмаса, ёз бўлса-ю, киши бўлмаса»; «Кунда-кунда тўй бўлса, ҳафтада ҳайит бўлса. Ўртада бир кун бўлса, у ҳам жума бўлса» (Илгари жума куни дам олиш куни бўлиб ҳисобланарди. Бу кейинги икки мақол ҳам ялқов, дангасалар тилидан айтилган бўлиб, уларга нисбатан киноя, истехзо тарзида қўлланилади); «Ишchan баҳтин ишидан излар, ялқов баҳтин кишидан излар»; «Ишёқмасга ит боқмас»; «Бекорчидан ит ҳам безор»; «Бекордан худо безор»; «Хушёқмасни худо хушламас»; «Бекор,bekорнинг қилмиши - озор»; «Эринчак элга сиғмас, пушаймон жойига тушмас»; «Эринчокни эл суймас»; «Ялқов - ўзига ёв»; «Ялқовлик-ҳасталик келтириар»; «Ялқовликни бозор олмас, бозор олса ҳам, мозор олмас»; «Ялқовлик - келтириар хорлиқ»; «Эринчоқлик - бошга бало келтириар»; «Ишchan эл баҳтин тузар, ялқов ўз баҳтин бузар»; «Дунёда ким ўлади-бир кунгилчак, бир эринчак»; («Кунгилчак одам ҳар ким нима деса, шуни қилавериб, ҳолдан тойиб, ўлади. Эринчоқ одам эса меҳнат қилмай, маблағ топмай, кишиларнинг кўлига қарам бўлиб, муҳтоҗликда ўлиб

кетади», деган маънода муболага қилинган); «Ўтираман деб, эринчак ўлар, Яхшилик қиласман деб, кунгилчак ўлар»; «Ё эринчоқ ўлади, ё - куюнчаю»; «Ишчанлик тўрга тортар, ялқовлик - гўрга»; («Ишchan одам эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, Ҳар ерга борса, уни иззат-хурмат қиласилар, тўрга таклиф этадилар. Ялқов, ишёқмас, дангасалар эса эл кўзига ёмон қўриниб, хор-зорликда яшаб, дунёдан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетадилар», дейилмоқда).

Камтарлик - катта давлат

Инсоннинг энг олий ахлоқий хислатларидан бири – камтарликдир. Мақолларда камтаринликка юксак баҳо берилади, киши жамиятда ўзини камтар тутиши, манманликка берилмаслиги лозимлиги қайта-қайта уқтиради. Вар.: «Камтарлик-жасорат тожи»; «Камтарлик одамга ҳусн беради»; «Супурги - ернинг ҳусни, камтарлик - эрнинг ҳусни»; «Камтарликнинг камоли бор»; «Камтаргагамол, манманга-завол»; «Камтарлик кўкка кўтарар, манманлик ерга киритар»; «Камтар бўлсанг обрў ортар, манман бўлсанг энса қотар»; «Ўзинг осмонда бўлсанг ҳам, оёғинг ерда бўлсин»; «Бошинг осмонга етса ҳам, ерга қараб юр».

Кишининг хурмати - ўз кўлида

Бу билан: оиласда ҳам, одамлар орасида ҳам хурмат-эътиборига сазовор бўлиб юриш - аввало ўзингга, ўзингни қандай тутишинг, гап-сўзинг, хатти-ҳаракатинг, ҳушмуомалалигинги, одамоҳунлигинги, меҳнатсеварлигинги ва бошқа яхши хислатларингга боғлиқдир. Узинг яхши бўлсангина ўзгалар сени яхши одам деб биладилар, хурмат қиласилар», дейилмоқда. Вар.: «Хурмат қилсанг, хурмат кўрасан».

Комилни комил билар

Комил-етук, тўлиқ, мукаммал, бекаму-кўст. «Зар қадрини заргар билади», деганларидек, етуқ, баркамол, олиму доно, уста, монхир, қўли гул, ақли теран, яхши тарбия кўрган, ахлоқ-одобли кишининг қадр-қимматини унинг ўзига ўхшаган кишилар яхши биладилар. Мазкур мақолни шу маънода қўллайдилар.

Одамнинг қўли - гул

Вар.: «Одам қўли-гул, манглай тери-дур»; «Инсон қилолмайдиган иш йўқ»; «Одам қилган ишни одам қиласди»; «Доно ҳам онадан туғилади»; «Алп онадан туғилар, аргумоқ-биядан» (Бу

кейинги икки мақол билан: «Шундай ўткир ақл соҳиби*бўлмиш доно ҳам, шундай кучли алп (баҳодир, паҳлавон) ҳам ҳамма одамлар қатори онадан, шундай кучли от-арғумоқ ҳам ҳамма отлар қатори биядан туғилган, осмондан тушган эмас. Бас, шундай экан, сен: «У-хў, унга тенглашиб, унинг билганини билиб, қилганини қилиб бўлармиди?!» деб ўтирма. «Кўз-кўрқоқ, кўл-ботир», ўқисанг, ўргансанг, харакат қилсанг, ҳар қандай одамга ҳам тенглаша оласан, ҳатто ундан ўзиб ҳам кетишинг мумкин», деган маънода кишига далда берадилар, ғайратлантирадилар.)

Одобинг - обрўйинг

Вар.: «Одоб-олтиндан киммат»; «Одоб-кишининг зеб-зийнати»; «Одобли киши-зийнатли, зийнатли киши-иззатли»; «Ақл-ёшдан, одоб-бошдан»; «Бола азиз, одоби ундан азиз»; «Одобли бола оламга манзур»; «Одобли-элга азиз»; «Одоб бозорда сотилмас» («Таптайёр одобни бозордан пулга сотиб олиб бўлмайди. Одобга ёшлиқданоқ ўрганиб, куникиб, уни улгайган сари камол топтириб бориш керак», дейилмокда).

Олтин ўтда тобланар, одам - меҳнатда

(Тобланар-чиниқар, маъносида). Вар.: «Олтин ўтда билинар, одам-меҳнатда», «Сувдан кечган-ҳўл бўлур, Меҳнат чеккан-зўр бўлур»; «Меҳнатни суйган-қаримас».

Поклигинг - соғлигинг

Кишини доим покиза, озода бўлиб юришга даъват этувчи мақол. «Тозалик-Соғлик гарови»; «Соғ юрай десант, озода бўл!»; «Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин»; «Жанда бўлса бўлсин, ганда бўлмасин» (Бу кейинги икки мақол кийим-кечакни озода тутиш ҳақида айтилган. Жанда-дарвеш, қаландарларнинг улок-куроқ тўни. Ганда-ифлос, нажас); «Қарамаган бошни бит ейди»; «Қўлинг терли бўлса, кўл олишиб кўришма»; («Ўтмишда ота-боболаримиз бир-бирлари билан кўлларини кўксиларига қўйиб кўришганларининг боиси ҳам ана шунда.)

Ранг кўр, ҳол сур

Бу билан: «Бирор билан муомала қиласиган бўлсанг, унинг ранги-рўйига-яъни, соғ ё носоғлигига, кайфиятининг яхши ё

ёмонлигига, унга айтадиган гап-сўзингнинг ўрними ё ўрни эмас-лигига қараб иш кўр. Масалан, сухбатдошинг нософ бўлса, ундан шунга яраша ҳол-ахвол сўра, унга тасалли берувчи, кунглини кўтариувчи гап-сўз қил, юрагига ваҳима соладиган, асабини бузадиган гапларни, хабарни айтиб, унинг касалига баттар касал қўшма!» деган маънода насиҳат қиласидар. Вар.: «Тоби қочганнинг тафтини кўр»; «Соат тўққизларда Расулжон кириб келди, «Ранг кўр, ҳол сўр» деганларидек, Роҳат унга бир қаради-ю, раҳми келди, ўйлаб қўйган гапини унуди (Ё. Шукуров, гунча гуллаганда)

Сабр таги - сари(к) олтин

Ота-боболар бу ва бу каби бир талай мақолларда кишининг ҳаётда сабр-тоқатли бўлиши нақадар ажойиб фазилат эканлигини таъкидлаб, бунинг акси қанчалар ёмон оқибатларга олиб келишини уқтирганлар: «Сабр умр ҳазинаси»; «Сабр таги ҳазина»; «Ақл одамнинг кўрки, Сабр-унинг шериги»; «Ақлнинг кўрки-сабр»; «Камоли имон-сабр»; «Сабр сўнгги-соф олтин»; «Қаноат-қизил олтин»; «Сабр туби-сари олтин, сарғайиб турсанг-бари олтин; «Сабр туби-сари олтин, Сарғайган-етар муродга, сабрсиз қолар уятга» (Сарғайган-бу ерда «зориқиб кутмоқ, маҳтал бўлмоқ» маъносида келтирилган); «Сабр этган-муродга етган»; «Сабр таги-раҳмон, шошганинг иши шайтон» (раҳмон-Аллоҳнинг исмларидан бири; шайтон-одамларни дин йўлидан оздирувчи, гуноҳ ишларга, разолатта бошловчи ёвуз рух, иблис); «Сабрлилик-худонинг ояти, Сабрсизлик-шайтоннинг сифати» (оят-«Куръон» да ёзилган насиҳатли сўз ё ривоят); «Сабр-раҳмондан, куфр-шайтондан» (куфр-худони, динни таҳқирлаш); «Таанний-раҳмондан, таъжил-шайтондан» (таанний- шошмаслик, бирор ишда тезлик қилмай, секинаста, оғирлик билан ҳаракат қилиш; таъжил-шошилиш, ошиқиши, енгилтаклик билан ҳаракат қилиш); «Сабр тоғни йиқитар»; «Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг итлар еяр лошини» (лош-ўлган нарсанинг жасади; ўлимтик); «Борига-қаноат, йўғига сабр»; «Озига шукур қилсанг, кўпти келур»; «Қаноат қорин тўйдирар, беканоат ёлғиз қўзисин сўйдирар»; «Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битур, сабр қилмасанг, гўра тагидан йитар» (ғўра-пишмаган, ҳом мева. Ҳалво-бу ерда ширин-шакар, қанду асал мева маъносида. «Меванинг пишиб етилгунича сабр қилмай, ҳомлигига ёк еб қўядиган бўлсанг, келгусида «ҳолва» га

айланадиган гўраси йўқ бўлади-қолади», демоқчи бўлганлар); «Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оёғидан йитар»; «Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво пишар, ялқовдан-ипак» (Бунда тут дараҳтининг япроги ипак қурти ва пилла назарда тутилган); «Сабр қилсанг, туюнинг юкини ҳам бўта кўтаради»; «Оғирига чидасанг, енгилини кўрасан»; «Сабр-аччиқ, меваси-чучук»; «Сабр қилган мой ошар, олқиш олган кўп яшар»; «Бардошлига-ёғлиқ ош»; «Сабрсизга-ош ҳам тош»; «Сабр қилсанг, бой бўларсан»; Сабрли бўлсанг-ўзарсан, сабрсиз бўлсанг-ўсалсан (тузалишига умид қолмаган оғир касал); «Сабрлининг бошига олма битар, сабрсизнинг бошига ғавго битар»; «Кунти йўқ қўра ҳам куролмайди» (Қўра-кўйлар, чорва моллар сақла-надиган ёғоч, шоҳ-шабба, панжара ва шу кабилардан қилинган тўсиқ, жой, девор); «Бесабр-ўзига жабр»; «Совун кирни очади, сабрсиз сирни очади»; «Сабрсиз балиқ санасидан илинар»; «Сабрли-чидар, сабрсиз-ёнар»; «Сабрли чидар, сабрсиз йитар» ва ҳ.к. Кишининг сабр-қаноатли бўлишига даъват этувчи мақоллар бундан юзларча, мингларча йиллар муқаддам яшаб, ижод этган шоирлар томонидан зўр маҳорат билан кўлланилганки, бу-уларнинг қадимиийлигидан далолат беради.

Аччиқдир «Сабр қил» деган панд,
Аммо сабр қилсанг, бўлур қанд.

(Носир Хисрав)

Тўгри, сабр - аччиқ, лекин оқибат,
Шириң мева берур ҳам кўп манфаат.

(Жалолиддин Румий)

Тааммул била кам пайдо бўлур,
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.

(Алишер Навоий)

Агар сен қилмасанг мақсадни ҳосил,
Сабр қилгил, сабр қилгил, сабр қил.

(Сайёдий)

Бўлур ҳалво сабрдин гўралар ким,
Топур бахт собири мастураларким.

(Завқий)

Ҳар кишида бўлмаса сабр жамил,
Нафс кўйнида юруб соил бўлур.

Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар,
Сабрсиз ўз оёғидан йитар.

(Абдулла Авлоний)

Тил-қиличдан ўткир

Ота-боболар: «Киши жамиятда яшаркан, сўзлаш одобига ниҳоятда қаттиқ риоя қилиши, ҳамма нарсани гап деб гапиравермаслиги, ўйлаб гапириши, бўлар-бўлмасга сўз қотмаслиги, тилини тийиб юриши зарур. Акс ҳолда, бошига бало орттиради, ўзига зиён-заҳмат етказади», деган фикрни кўпгина мақоллар воситасида билдирганлар. «Қилич кесолмаганни сўз кесади»; «Тил тиги-қилич тигидан ўткир»; «Тиг жараҳоти битар, тил жараҳоти-битмас»; («Тиг (пичоқ, қилич) кесган яра тезда битиб кетади, аммо тилинг билан (ёмон гапириб) бироннинг дилини яраласанг, бу жароҳат сира ҳам тузалмайди. Кейин у одамнинг кунглини олишинг жуда қийин бўлади. Шунинг учун, аввало, ёмон сўзлама», дейилмоқца); «Тил билан тугилган тугун тиш билан ечилмас»; «Кўз етмаган ерга сўз етади»; «Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етади»; «Ел киролмаган ерга, сўз киради»; «Куч эголмаганни сўз эгади»; «Фил кўтартмаганни тил кўтаради»; «Тоғтошни сув бўзар, Эл орасин сўз бўзар»; «Тилга ихтиёrsиз- элга эътиборсиз»; «Бошга бало недан келур? -икки энлик тилдан келур»; «Ўн балонинг тўққизи тилдан туғар»; «Бахти қиладиган ҳам-тил, Бахтсиз қиладиган ҳам-тил»; «Тил бор- бол келтиради, Тил бор - бало келтиради», «Тилдан бол ҳам томади, оғу ҳам», «Шакар ҳам-тилда, заҳар ҳам-тилда»; «Дунёда энг чучук нарса ҳам- тил, энг аччик нарса ҳам- тил»; «Тил- эрни гўрга солар, Норни-қозонга»; «Бир сўз тўрга элтар, бир сўз- гўрга»; «Бир сўз кулдиради, бир сўз ўлдиради»; «Ўк бирни ўлдиради, сўз мингни» «Сув тошни ёради, сўз-бошни»; «Таёқ этдан ўтади, сўз-суюқдан»; «Оёқ югуриги ошга, тил югуриги бошга»; «Очиқ тил ош едирап, аччиқ тил тош едирап»; «Сигир ўз тилидан қирchanғи бўлади» (сигирнинг одати шуки, тили билан танасининг у ер-бу ерини ҳадеб ялайверади. Унинг қирchanғи (кўтирил) бўлишига ўз тили сабабчи бўлади. Мақолнинг мажозий маъноси шуки, одам ҳам тилига эҳтиёт бўлмаса, ахири бир кун ўз бошига бир бало орттиради); «Одам сўзидан ушланади, мол-мугўзидан»; «Эр лафзидан, кўй бўғзидан (кесилади)»; «Кўтирил кўлдан юкар, бало-тилдан»; «Тилнинг бўшлиги бошга етади»;

«Узун тил-бошга түкмок, бүйинга сиртмок»; «Тили узуннинг умри қисқа»; «Оёғидан қулаган- туради, Оғзидан «қулаган»-турмайди»; «Тоққа нима деб қичкирсанг, шуни эшиласан» («Бирорга яхши гап гапирсанг, ундан ҳам яхши гап эшиласан, ёмон гапирсанг, кўпол мумомала қилсанг, ҳақоратланасан, сўксанг, шунга яраша жавобини оласан. Шунинг учун бирорга гапирадиган гапингни билиб, ўйлаб, ақл тарозусида ўлчаб, ана ундан кейин гапир, дейилмоқда); «Ҳа»га «ху» келади»; «Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма»; «гаразли савол берсанг, гаразли жавоб оласан»; «Ёмон сўз эгасига қайтар»; «Туяning буйдаси- ўз чуйдасидан» (Буйда-туяning чилвири, бурундиғига тақиладиган тизимча арқон. Чуйда-туяning бўйни ва тиззасидаги ўsic юнглар. Уни кирқиб, эшиб, арқон қиладилар. Мақолнинг тўгри маъноси: «туяning ўз чуйдасини олиб, ўзининг бурнига тақиб, судраб юрадилар») «Тилнинг суяги йўқ»; «Тил суяксиз»; «Тилнинг суяги йўқ, оғизнинг жияги йўқ»; «Филнинг ияги йўқ, тилнинг суяги йўқ»; «Дарвозасиз-оғиз, суяксиз-тил»; «Оғиз-айғоқ, тил-тайғоқ»; «Тил бўғимсиз, уй-тубсиз»; «Тилга тиргак йўқ». Мазкур мақолларнинг варианatlари бошқа халқларда ҳам бор. Ҳаммасида ҳам айтилмоқчи бўлган гап битта: «Тилнинг суяги йўқ, қаёққа бурсанг, шу ёққа бурилаверади» Шунинг учун тилингга эрк берма, эҳтиёт бўлиб, атрофлича ўйлаб сўзла»); «Суяксиз тил суяк синдирап»; «Тилини тийган-бошини қуткарап»; «Тилингни тия тут-тишинг синмасин, бу юрган халойиқ сенга кулмасин»; «Қўлингни ювиб юр, нима еяринг билмайсан, тилингни тийиб юр, нима деяринг билмайсан»; «Тек юрган- тўқ юрар»; «Индамаган-уйдай балодан қутилади»; «Юмуқ оғизга пашша кирмайди»; «Тилга тиш қалъя, кўзга-қош»; «Тил бало, тиш-қалъя»; «Бир энлик оғизга-икки энлик қопқоқ»; «Тилни боғла дил билан, дилни боғла тил билан»; «Фойдасиз сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма»; «Тилингни ботир қилма, ўзингни ботил қилма» (ботил-бўш, баёв, соҳта); «Юрганда оёғингни эҳтиёт қил, гапирганда-тилингни».

Салом ҳам-фарз, алик ҳам-фарз

Вар.: «Салом ҳам қарз, алик ҳам-қарз»; «Ассалому алайкум» га - «Ва алайкум ассалом»; «Салом бермоқлик-катта кичикка баробар»; «Аввал-салом, бўлмаса-вассалом» (Вассалом-гап тамом, бошқа гап йўқ, бошқа гап бўлиши мумкин эмас); «Одоблилик

белгиси-эгилиб салом бергани, яқинлилик белгиси-келиб-кетиб турғани» Фарз бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч. Бирорга салом бериш-уни холис хурмат қилиш, демакдир. Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, болани ёшлигиданоқ, тили чикқаниданоқ салом беришга ўргатадилар. Одоб юзасидан, ёшлар ўзларидан катта ёшдагиларга аввал салом беришлари, улар алик олишлари лозим. Узидан катта қаерда бўлмасин, кўрганда салом бермай, индамай ўтиб кетиш-хоҳ ўғил учун, хоҳ қиз учун ниҳоятда қабиҳ ҳисобланади. Мазкур мақолларни айтиш билан ана шу тартиб қоидалар юзасидан таълим берадилар.

Тилини билсанг, дилига йўл топасан

Вар.: «Тилни билиш-дилни билиш»; «Тилни бил, дилни билишга йўл очади»; «Тил-дил тилмочи»; «Қардош тилин билмоқ-қадрдонлик белгиси». Булар билан ота-боболаримиз киши ўз она тилини ҳам ўрганиши лозимлигини уқтириб, бунинг аҳамияти катта эканлигини, ўзга эллар тилини билиш-уларнинг дилини билишга, улар билан жавоб-муомала, борди-келди қилиш, дўстона алоқалар ўрнатиш сари йўл очиб беришини қайд этганлар.

Тўғри сўзнинг заҳри йўқ

Халқимиз ростгўйликни инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири деб, ёлғончилик, алдамчиликни эса энг ёмон иллатлардан бири деб биладики, бу нарса бир қатор мақолларда ўз аксини топган: «Ҳақ гап-ҳақиқдан қиммат»; «Чин сўз-чиннидай жаранглайди»; «Чиройимдир-чиним, нуримдир-куним»; «Сувни чим тўхтатар, сўзни чин тўхтатар»; «Туяниг бувраси яхши, сўзнинг тувраси яхши» (бувра-эркак түя, беш ёшдан ошганидан кейин шундай деб атайдилар. Тувра-«тўғри» сўзнинг шевага мослангани); «Ширин ёлғондан-аччик ҳақиқат яхши»; «Тўғри сўз-қиличдан ўткир»; «Тўғри сўз-аччик бўлади»; «Рост гап-шафтолининг данагидан аччик»; «Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор»; «Тўғри сўз тутоқтиради»; «Тўғри сўз қулоққа ёқмас»; «Тўғри сўз туққанингга ёқмас»; «Тўғри сўз кўз ўяр»; «Тўғри сўзлиниг тўни йиртиқ» («Тўғри сўзли одамни баъзилар ёқтирумайдилар, унинг гапини рад этадилар, ҳатто уриб - сўкиб, тўнини йиртишгача бориб етадилар» дейилмоқда); «Бошингда тегирмон тоши айлантиrsa ҳам, тўғрисини сўзла»; «Бош кесмоқ бор, тил кесмоқ йўқ» («Одатда бошини кесадилар, тилини кесмайдилар. Шундай экан, тўғри гапир» дейилмоқда); «Рост гапга завол йўқ»; «Чин сўзни ёлғонга

чулгама, чин айтар тилни ёлғонга «булгама»; «Эгри ўтирсанг ҳам, түғри сўзла»; «Тўғри сўзга тўғаноқ бўлма»; «Тўғри сўзга тан бер»; «Тўғри сўзга тан бермаган-номард».

Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин,
Сўзки ҳақ бўлса: саволимга жавобим, ким десун?

(Муқимий)

Тўғри - ўзар, эгри - тўзар

Бу ва бу каби бир туркум мақолларида ҳалқ ҳалоллик ва тўғриликни улуғлайди, эгриликни қоралайди, уларнинг яхши-ёмон оқибатларини кўрсатади: «Тўғри-мақсадига етар, эгри-мақсадиз йитар»; «Тўғри юқ манзилга етар, эгри юқ йўлда битар»; «Ҳалол мол зое бўлмас, ноҳақ мол зое бўлур»; «Тўғрилик нажот йўлига бошлар, эгрилик ҳалок чоғига ташлар»; «Тўғри юрдим-етдим муродга, эгри юрдим-қолдим уятта»; «Тўғри таёқ-балога тўғаноқ»; «Тўғри ҳар оғатдан кутилиб кетар»; «Тўғриликдан йўқолган киши йўқ»; «Тўғриликка ўлим йўқ»; «Тўғрилик ҳаклиkkка олиб борар»; «Тўғри ўсган гул бўлур, эгри ўсган қул бўлур»; «Тўғри девор узоқка чидайди, эгри девор тезда қулайди»; «Тўғри бўлса ўзига, чивин кўнмас кўзига»; «Тўғри бўлса ошин ер, эгри бўлса бошин ер»; «Тўғрига дуо ёғулур, эгрига бало ёғилур»; «Тўғри йўл-эл йўлдоши»; «Рост кўчани кўйиб, паст кўчадан юрма»; «Эгри йўлдан юрсанг ҳам, тўғри юр»; «Тўғри юрсанг чанг чиқмас».

Тўғриликдан келмиш ҳамма яхши ош,
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.

Хунар - бир, пардоз - қирқ

Косиб ва хунармандлар ўлчовда бир хил тикар, тўкир ва ясар эдилар-у, аммо маҳсулотларига пардоз беришда ўзларига хос услубда иш кўрадилар, молларини харидоргир қилиш мақсадида пардозга зўр берадилар. Усталар шогирдларига: «Хунар-бир хил хунар-у, аммо пардози қирқ хил, ҳаммадан ҳам пардозни ўрган», деб насиҳат қилардилар. «Онангни отангга бепардоз кўрсатма деган мақолда пгу фикр муболага тарзида билдирилган.

Хунар - ҳунардан унар

Бир туркум мақолларда ҳунар-турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан бири эканлигини, ҳунарли киши ўз ризқини топа

олиши, мушкул ишларнинг ҳам уддасидан чиқа олиши, ҳунарсиз кишининг эса турмушда ҳар томонлама қийналиши қайд қилинади, Шунинг учун ҳунар эгаллаш, эгаллаганда ҳам пухта эгаллаш зарурлиги уқтирилади: «Ҳунар тўйғазар, от миндириб, тўн кийгазар»; «Ҳунар ошхўрга ош беради, нонхўрга-нон»; «Касб, касб туви-насиб; «Косиб-хабиби худо» (хабиб-дўст); «Ҳунар-оқар булоқ, илм-ёнар чирок»; «Ҳунарли йигит-мевали дараҳт»; «Ҳунари борнинг-олтин билаги бор»; «Ҳунари туганмас-хазина»; «Юз туман олтиндан-юз дирам ҳунар яхши» (туман-ўн минг, юз туман-бир миллион. Дирҳам-пул бирлиги, турли ерларда ва турли давраларда турлича бўлган, масалан, 1 дирҳам Бухорода 3,36 граммга, Хоразмда-3,185 гараммга тенг бўлган дирҳам асосан кумуш танталарнинг ўлчов бирлиги хисобланган); «Кирсиз ер бўлмас, ҳунарсиз-эр»; «Ҳунарли-эр хор бўлмас, дўст-душманга зор бўлмас»; «Ҳунарли ёлмас, ҳунарсиз кун кўрмас»; «Ҳунарлига ўлим йўқ»; «Ҳунар билган очдан ўлмас, йўл таниган кечга қолмас»; «Ақл кўпга етказар, ҳунар кўкка»; «Ҳунарлининг ҳунари муродига етказар, ҳунарсизнинг юрати қаро ерга етказар»; «Ҳунари йўқ-нон гадойи»; «Ҳунар бўлса қўлингда, нон топилар йўлингда»; «Билмас кишига иш йўқ, ишсиз кишига ош йўқ»; «Ҳунарли мой ошар, ҳунарсиз лой ошар»; «Ҳунарманднинг нони бутун»; «Ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг»; «Уста, ишни қилар юзта»; «Ҳунарсизнинг қирқими узун, бехунарнинг-бичими»; «Билган-билганин ишлар, билмаган-бармогин тишлар»; «Билганга лапар, билмаганга дардисар» («У ёки бу иш-билган, ҳунари, уқуви, дид-фаросати бор бўлган одамнинг осон, бирпасда қиласи-кўяди. Билмаган, ўрганмаган, укувсиз, тажрибасиз, фаросатсиз одамга эса қийин иш у ёқда турсин, ҳатто оддий, осонгина иш ҳам жуда оғир ва мураккаб бўлиб туюлади», демоқчи); «Билган-битар, билмаган-йттар»; «Ҳунар-зар, ҳунарсиз-ҳар» (ҳар-эшак); «Ҳунар-ҳунардур, бехунар-ҳардур»; «Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум»; «Бехунарнинг «Ҳунари» - гап сотиши»; «Бехунарнинг «Ҳунари» - ялқовлик»; «Бехунарнинг «Ҳунари» - ўт ёқиши» (ўтмишда ҳунари йўқ одам турмушда қийналиб, хеч бир ишнинг бошини ушлай олмай, хор-зор бўлиб юриб, ахири «Эл қўзидан панароқ» деб, ҳаммомга ўт ёқар бўлиб хизматта киради. Бундай одамни «гўлахи» деб атайдилар ва унинг ўзига ҳам, касбига ҳам паст

назар билан қарапдилар. Халқ тилида «Ҳа, гўлахи бўлгур!» деган қарғиш, «У етти гўлахга ўт қўйган» («Ундан яхшилик чиқмайди») деган ибора ҳам борки, бу юқоридаги фикримизни қувватлади); «Қарғанинг хунари бўлса, тезак емасди»; «Хунари йўқ хунарлини кўролмас»; «Хунарсиз хунарлидан минг бир айб топади»; «Шогирднинг бефаросати устозни муттаҳам ўйлади» (Бу билан: «Бефаросат шогирд бир ишни янгиш қилиб қўядида, устозининг номига доғ туширади», дейилмокда); «Хунар тентакликни кўтармас»; «Хунари йўқ сўғидан-туҳум туғар товук яхши»; «Хунари йўқ эркақдан - игнаси бор хотин яхши»; «Хунари йўқ кишидан - бигизи бор ямоқчи яхши»; «Ҳар хунарнинг бир гашти бор»; «Ҳар касбнинг ўз гашти бор»; «Касбнинг ёмони йўқ»; «Бир йигиттга етмиш икки хунар оз»; «Йигит кишига етмиш хунар оз»; «Ота касби - олтин касб»; «Ота касби - давлат касб» (давлат - бу ерда «пул, мол, бойлиқ» маъносида ишлатилган); «Ота касби-ўғилга ҳалол»; «Ота касби - қорин тўйғазар»; «Ота хунари болага мерос»; «Мерос моли тўзади, меросли хунар ўзади»; «Ота касбин эгаллаган-хор бўлмас»; «Ота касбин ташлаган ўнгланмас»; «Хунар тагида хунар бор»; «Хунар ўрганишга ҳам хунар керак»; «Юз хунарни чала билгандан-бир хунарни тўла билган яхши»; «Билмагандан билган яхши, тўғри ишни қилган яхши»; «Гапдан кўра иш яхши, ҳар ишни билган яхши»; «Яхши билсанг ишингни, яхши силар бошингни».

Бир донишманд фарзанларига шундай панду насиҳат қиласади: азиз ўғлонларим, хунар ўрганинглар, зероки, моли дунёга эътимод йўқ ва олтин кумуш сафарда хатарлидур. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб ташлайди. Аммо хунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар хунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки хунарнинг ўзи давлатдир. хунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади». Хунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қиласади. Саъдий, «Гулистан»

Хулоса

1. Касб-хунар колледжларининг амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарий асослари ўрганилди.
 2. Амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг илк бор назарияси ва методикаси ўрганилди.
 3. Амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи ўрганилди.
 4. Касб-хунар колледжларининг амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш модели ишлаб чиқилди.
 5. Касб-хунар колледжларининг амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарияси ва методикаси ишлаб чиқилди.
 6. Амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг шакли, воситаси ва методикаси аниқланди.
 7. Ўқув тарбиявий тадбирлар ўтқазиш жараённида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш методикаси ёритилди.
 8. Машғулотларда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг методик жиҳатлари ишлаб чиқилди.
 9. Тадқиқотни асосий натижаларини тажриба-синовдан ўтказишнинг ташкилий асослари ва методикаси ишлаб чиқилди.
 10. Амалий санъат машғулотларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарияси ва методикасига оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.
- Узлуксиз таълим-тарбия тизимининг асосий бўғини ҳисобланган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича қуидагилар тавсия этилади:
1. Кичик мутахассисларни ҳаётга тайёрлашда амалий безак санъати соҳаларини ўрганиш, ўргатиш, бажариш жараённида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш – педагогик жараённинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бунинг учун халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишни шундай ташкил этиш лозимки, уни

ўкув режаларига таянган ҳолда, доимий равишда ҳамда ҳозирги замон руҳида такомиллаштириш.

2. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўкувчиликнинг меҳнат муҳофазаси, бандлик хизмати ва ишлаб чиқаришда қатнашишининг турли шакл ва кўринишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётта жорий этиш технологиясини яратишни республика педагог-олимлари ва амалиётчи методистларининг муҳим вазифаларидан ҳисоблаш.

3. Халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишда педагогик назоратнинг муҳим қисмлари, яъни шахсий фазилатлар, амалий куникмалар, ишлаб чиқариш малакалари, меҳнат ҳаракатлари кабиларга оид педагогик назорат шакли бўйича мезонлар ишлаб чиқиш.

4. Тадқиқот жараёнида аждодлар маънавий мероси бўлмиш халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг илмий-методик асослари аниқланиб, унинг фаолияти ўрганилди ва таҳлил қилинди. Халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш маҳсус курси ўкув дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалий-методик жиҳатдан педагогик жараёнда кўллаш методикаси ёритилди. Келгусидаги вазифа нафақат кичик мутахассислар тайёрлаш, балки узлуксиз таълимтарбия тизимининг бошқа бўғинларида ҳам юқорида таъкидланган методикалар ишлаб чиқилиши лозим.

Демак, кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни такомиллаштириш ва ривожлантиришда педагог, психолог, ўқитувчи, мураббий, ташкилотчи, тарбиячи, назариётчи ва амалиётчилар билан бирга ишлаб чиқариш, давлат, хусусий корхона жамоалари, ота-оналар, маҳалла фуқаролари ва кенг жамоатчилик фаоллари қатнашишлари лозим. Шунингдек, улар ёшлиарнинг таълимтарбиясига масъул бўлган барча кишилар билан баргаликда халқ оғзаки ижоди намуналардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни режа асосида тартибли, ҳамкорликда амалга оширсалар янада самаралироқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -46 б.
2. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997. 64 б.
3. Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси. -Т.: Ўзбекистон, 1993. -109 б.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2001.-80 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.-686 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008-176 б
7. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан огишмайлик.-Т.:Ўзбекистон,1993.-48 б
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -112 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -95 б.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Халқ мероси, 1993. 224 б.
11. Абу Райҳон Беруний. Минерология. Изб. соч. -Т.: Фан, 1968. -68 б.
12. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. -Т.: Фан, 1968. -486 б.
13. Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис II қисм.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. -607 б.
14. Абдукудусов О. Совершенствование методики обучения предмету «Сельскохозяйственне машини» в СПТУ (на примере подготовки механизаторов для хлопкосеюпшх районов странм). Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. -Казань, 1987. -18 с.
15. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -16 б.
16. Алпомиш. Рустамхон. -Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.-39 б.

17. Амануллаев А.А. Олий ўқув юртларида талабаларни ганч ўймакорлиги тұғарык ишларини бошқаришга тайёрлашнинг илмий-методик асослари. (Бадий графика факультетлари мисолида). Пед. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: ТДПУ, 2001. -187 б. расм.
18. Амир Темур ўгитлари: (тұплам) тузувчилар Б.Ахмедов, А.Аминов —Т.: Наврӯз, 1992. -64 б.
19. Батырпев С.Я. Научная организация учебно-воспитательного процесса. Изд. 2, перераб. и доп. профпедагогика. - М.: Высшая школа, 1975.-488 с
20. Булатов С.С. Ёшларга Хунар ўргатишининг миллий анъанавий асослари (методик тавсиянома). -Т.: РУМЦ, 1999. -20 б.
21. Булатов С.С. Психолого-педагогические особенности формирования умений и навыков во внеklassной работе (на материале общеобразовательных школ Узбекистана). Дисс. ... канд. пед. наук. -М.: 1985. -197 с.
22. Булатов С.С. «Устознинг шахсий ва касбий фазилатлари». // Ж. Халқ таълими, 1998. 64-67 б.
23. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. -Т.: Мехнат, 1991.-384 б.
24. Булатов С.С., Юлдашев Х.А., Турдиева Ш.Э. Одобнома. (Академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун қўлланма). -Т.: Низомий номли ТДПУ, 2002. -30 б.
25. Булатов С.С., Юлдашев Х.А., Турсуналиев Н.Ю. Кулолчилик санъати. Ўқув қўлланма. -Т.: Низомий номли ТДПУ, 2002. -31 б.
26. Булатов С.С, Юлдашев Х.А. Касб-хунар колледжларида меъморий безак санъати йўналиши бўйича «Ганч ўймакорлиги» фанидан экспериментал намунавий ўқув дастури. -Т.: ЎМКХТРИ, 2003.- 15 б.
27. Голиш Л.В., Захидова Д.А. Социально-педагогическая система средневековой профессиональной подготовки: анализ и позитивное применение в современной профессиональной педагогике. // Ж. Таълим муаммолари. 1999. №3 5-10 с.
29. Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати (альбом). -Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -112 б.
30. Воробьёв А.И. Мехнат таълими ва касб танлашга йўллаш методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1980. -238 б.

31. Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум (А.И. Шчербаков таҳрири остида). -Т.: Ўқитувчи, 1991. -321 б.
32. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации систем професиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дис. ... док. пед. наук. Спб.: 1995. -45 с.
33. Донолар бисотидан. Тузувчи ва таржимон Ш.Шомуҳамедов. (Муҳаррир Миртемир). -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. -312 б.
34. Зоҳидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. - Т.: Фоғур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. -118 б.
35. Зоҳидов П.Ш. Меъмор санъати. - Т.: Фоғур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. -118 б.
36. Зоҳидов П.Ш. Фарғона нақши (халқ устаси Саидахмад Норқўзиев альбомидан). - Т.: Фоғур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1960. -48 б.
37. Зоҳидова Д.А. «Ҳунармандчиликка кириш» маҳсус курси бўйича дастур ва услубий тавсиянома. -Т.: ЎМКҲТРИ, 2001. -17 б.
38. Зоҳидова Д.А. Ўрта асрларда Шарқ ҳунармандлар тайёрлаш тажрибаларидан касб-хунар таълимида фойдаланиш. Пед. фан.ном... дисс. автореферати -Т.: ЎМКҲТРИ, 2001.-15 6.
39. Исмаилова З.К. Таалабаларнинг касбий-педагогик малакаларини шакллантириш. Пед. фан. ном.... дисс. -Т.: ЎМКҲТРИ. 2000. -133 с.
40. Кайковус. Қобуснома (Форсчадан М. Ризо Огаҳий тарж). - Т.: Истиқлол, 1994.-92-173 6.
41. Калила ва Димна (Ҳикматнома). С.Ғаниева тарж.; Нашр учун масъул: Х.Назиров. -Т.: Истиқлол, 1994. -256 б.
42. Каримов Х. Усто Қодир. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. -120 б.
43. Касб-хунар рисолалари (Туз. Ҳасанов Б.) -Т.: Езувчи, 1993.
44. Магзумов П.Т. Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш. -Т.: Ўқитувчи, 1991.-206 6.
45. Мазур В.А. Дидактические условия национальном художественном ремеслом в профессиональных училищах Узбекистана. Автореферат. дисс. канд.пед.наук. -Т.: НИИПО, 1996. -18 с.
46. Маллаев Қ.Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. - Т.: Ўқитувчи, 1980. -132 6.

47. Матлаббека Улуғбек қизи. Ҳикматлар гулдастаси. -Т.: Ўқитувчи, 1994.-1286
48. Машриқзамин. Ҳикмат бўстони. -Т.: Шарқ, 1997. -400 б.
49. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т.: Фан, 1994. -136 б.
50. Маҳкамов У. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед. фан. ном. ... дисс. автореферати. -Т.: УзПФИТИ, 1998. -18 с.
51. Маҳмудов Маҳкам. Ахли дил: (маънавий олам сирлари). -Т.: Ўқитувчи, 1997. -312 б.
52. Мехнат таълими методикаси (Д.А. Тхоржевский таҳр.). -Т.: Ўқитувчи, 1987. - 447 б.
53. Мирзакалон Исмоилий. Инсон ҳусни. Ахлоқ-одоб мавзусидаги сұхбатлар (нашрга тайёрловчи Т.Малик) —Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. -256 б.
54. Мирзаҳмедов М.Х. Бошлангич бадиий нақш ишлаш методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1976. - 24 б.
55. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. - 112 б.
56. Муродов Малик. Олтин сандық очилди. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -120 б.
57. Муслимов Н.А. Формирование у учащихся У-УП классов технологическим уровнем. Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. -М.: 1991, -19 с.
58. Мусурмонова Ойниса. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси: Умумтаълим мактаблари учун. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -192 б.
59. Нишоналиев У.Н. Теория и практика подготовки учителей труда в истории педагогического образования (1917-1983 гг.). Автореф. дисс. ... док. пед. наук. -М: 1983.-37 с.
60. Нишоналиев У.Н., Усманов С. Ўқувчиларда амалий безак санъатини ўргатиш. (У-УП синкларда ёғоч ўймакорлиги ва ҳ.к.). // Ж. Халқ таълими. №Ю-13, 1993.44-45 6.
61. Нишонова С. Миллий қадриятлар ва баркамол инсон тарбияси. -Т.: Низомий номли ТДПИ, 1997. -20 б.
62. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. (Араб, форс, турк, татар ва озарбайжон тилларидан Маҳмуд Ҳасаний тарж.). -Т.: Фан, 1994. -220 б.
63. Одобнома. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи Маҳмуд Ҳасаний). -Т.: Қомуслар бош таҳририяти «Камрон», 1995. -96 б.

64. Основы г художественного ремесла. Под ред. В.А. Барадулина -М.: Просвещение, 1988. -479 б.
65. Очил Сафо. Ихсон зийнати-одобдир. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -200 б.
66. Очилов М. Муаллим - қалб меъмори. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.
67. Очилов М., Очилова Н.М. Ўқитувчи одоби. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -136 б.
68. Педагогика (А.Қ. Мұнавваров таҳр.) -Т.: Ўқитувчи, 1996. -200 б.
69. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Панднома). -Т.: Ҳалқ мероси, 1994. -112 б.
70. Рazzаков Д.Н. Профконсультационная работа со старшеклассниками в условиях межшкольного учебно-производственного комбината. Дисс. ... кан.пед.наук. (13.00.01) Киев. 1992. -218 с.
71. Раҳмонов F.A. Касб-хунар коллекции ислаб чиқариш таълими усталарининг ўкувчиларга психологик таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўрганиш. Псих. фан. ном. ... дисс. автореферати. -Т.: ЎзМУ, 2000. -25 б.
72. Сарсенбаева Р.М. Мехнат таълими негизида ўкув-тарбиявий тадбирлар ўtkазишнинг илмий-методик асослари (халқ хунармандчилиги мисолида) 13.00.02. Пед. фан. ном. ... дисс. -Т.: УМКХТРИ, 2004. -127 б.
73. Саъдий Шерозий. Гулистон. (Форсийдан Мұхаммад Ризо Огахий тарж.). -Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. -104 б.
74. Султанова Г.А. Педагогик маҳорат йукв-услубий кўлланма. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. -150 б.
75. Темур тузуклари. (А.Суғуний ва Х.Караматов тарж. Б. Аҳмедов таҳр.) -Т.: Фоғур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1996. -344 б.
76. Толипов Н.Х. Теория и методика художественного образования учащихся 1-7 классов во внешкольных учреждениях. Автореферат дисс. ... кан. пед. наук.-М.: 1994.-17 с.
77. Турдалиев А. Тасвирий санъат дарслари ва дарсдан ташқари машғулотлар жараённида ўкувчиларни бадиий касб-хунарга йўналтириш. Пед. фан. ... дисс. ном. Автореферати. - Т.: ЎзПФИТИ, 1997.- 18 б.

78. Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. -Т.: Ўқитувчи, 1997. 232 б.
79. Уватов У. Донолардан сабоқлар. —Т.: Халқ мероси, 1994. -96 б.
80. Усмонов М. Санъатим-саодатим. -Т.: Ёш гвардия, 1983. -80 б.
81. Усмонов О. Комолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. -Т.: Фан, 1977.-149 б.
82. Усмонов Р. Саодатнома. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -368 б.
83. Узоков Ҳ., Гозиев Э., Орипова Л. Оила ахлоқи ва одоби. Мажмуа: Умумий таълим мактаблари, хунар-техника билим юртлари учун кўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -200 б.
84. Узоков Ҳ., Гозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси: Умумий таълим мактаблари, ўрта маҳсус, хунар техника билим юртлари ўқитувчилари учун кўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -128 б.
85. Фаҳриддин Расул. Ахлоқнома. -Т.: Фан, 1997. -268 б.
86. Хайруллаев М.М. Форобий ва Унинг фалсафий рисолалари. -Т.: ЎзФА нашриёти, 1963. -283 б.
87. Хворостов А.С. Чеканка, инкурустация резьба по дереву: 2-е изд-во доп. и перереб. - М.: Просвещение, 1985.
88. Ходжабоев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителей труда. Автореф. дисс. ... док. пед. наук. -Т.: 1992.-41 с.
89. Хошимов К. ва бошқалар. Педагогика тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -447 б.
90. Хрестоматия по истории зарубежной педагогики. -М.: Просвещение, 1981. -268 с.
91. Чориев И.Т. Система трудового воспитания школьников в условиях хлопкосеющих районов. Автореф. дисс. ... док. пед. наук. -М: 1984. -32 с.
92. Чориев И.Т. Трудовое воспитание в сельских школах Узбекистана. -Т.: Ўқитувчи, 1988. -200 с.
93. Шодиев Н.Ш. Внеклассная и внешкольная работа профориентации учащихся. -Т.: Педагогика, 1981. -96 с.
94. Эгамов Ҳ. Бўёқлар билан ишлаш. -Т.: Ўқитувчи, 1981. -56 б.
95. Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. -Т.: Маънавият, 1999. -40 б.

96. Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари. Пед. ном. ... дисс. автореферати. -Т.: Ўз. МУ, 2004. -23 б.
97. Юлдашев Х.А. Устоз ва шогирд одоби. / Методик тавсиянома -Т ЎМКХТРИ, 2002. -23 б.
98. Юлдашев Х.А., Булатов С.С. Устоз ва шогирд одоби / Ўқув услубий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -240 б.
99. Юлдашев Х.А. Устоз ва шогирд одоби мавзусидаги ўқув тарбиявий тадбирлар ўtkазиш методикаси. // Методик қўлланма. -Т.: ЎМКХТКМО ва УКТИ, 2005. -716.
100. Юлдашев Х.А., Булатов С.С. Касб-хунар коллежларида бадиий наққошлик йўналиши бўйича ашёларга бадиий ишлов бериш фанидан ўқув дастури. -Т.: ЎМКХТРИ, 2002.-15 б.
101. Юлдашев Х.А., Булатов С.С. Композиция асослари фанидан ўқув дастури. -Т.: ЎМТГКМО ва УКТИ, 2005. -14 б.
102. Юлдашев Х.А. Суҳбат ўtkазиш методикаси. // Ж. Халқ таълими. № 3, 2003. 104-106 б.
103. Юлдашев Х.А. Устоз ва шогирд одоби. Махсус курсидан ўқув дастури.-Т.: ЎМКХТРИ, 2002. -12 б.
104. Юлдашев Х.А. Хунармандчилик одоби. // Ж. Мактаб ва ҳаёт. 2003 № 5.8-9
105. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Саодатта йўлловчи билим). -Т.: Фан, 1971.-964 б.
106. Ўзбекистон миллий энциклопедияси I том. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. -254 б.
107. Ўзбек халқ достонлари. II том.-Т.: ЎзФА нашриёти, 1956. -82 бет
108. Ўзбек халқ мақоллари. -Т.: Фофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1989. -512 б.
109. Ўзбек педагогикаси антологияси. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -206 б.
110. Ўзбек тилининг изоҳли лутати (З.М.Маъруфов таҳр.) II том. С-Ҳ. -М.: Рус тили, 1981.-718 б.
111. Ўзбек Қомуси 1-, 10-, 14-томлар.-Т. 1978-1980.
112. Қирғизбоев А., Булатов С, Юлдашев Х.А. Маънавий тарбияда ривоятлардан фойдаланиш. Методик қўлланма. -Т.: Низомий номли ТДТУ, 2002. -45 б.

113. Қосимов Қ. Наққошлиқ. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -160 б.
114. Қосимов Қ. Наққошлиқ: Бадий шакл тўгараги машғулотларининг Мазмуни ва методикаси. (Тўгарак раҳбарлари учун кўлл.) -Т.: Ўқитувчи, 1982. -72 б.
115. Куронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари. Пед. фан. док. ... дисс. автореферати -Т.: ЎзФИТИ, 1998. -316.
116. Куръони Карим (Таржима ва изохлар, муаллиф Аловуддин Мансур). -Т.: «Чўлпон», 1992.
117. Фозиев Э.Ф. Муомала психологияси. - Т.: ТошДУ. - 2001.
118. Гуломов С.С., Булатов С.С. Шарқона уста-шогирд одоби. - Т.: 2000. -63 б
119. Ҳакимлар ҳикояти (М. Ҳасаний тарж: Масъул муҳаррир У.И.Каримов) -Т.: Медицина, 1985. -199 б.
120. Ҳасан Солий. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. -Т.: Ўқитувчи, 1993. -144 б.
121. Ҳасанов Р. Народное декоративное искусство Узбекистана как средство эстетического воспитания детей младшего школьного возраста. Дисс. ... кан. пед. наук. -Т.: 1970.
122. Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. -Т.: Ўқитувчи, 1986. -96 б.
123. Ҳайдаров Я. Ўрта маҳсус ўқув юртларида умумий ва қасбий таълим бирлигининг дидактик асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -1316.
124. Ҳаққулов А. Таъмир санъати. -Т.: Меҳнат, 1991. -100 б.
125. Ҳикматлар гулдастаси. -Т.: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. -53 б.
126. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ким билан дўстлашиш керак («Ахлоқи Муҳсиний» дан). -Т.: Чўлпон, 1992. -32 б.
127. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футтуватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати (Панднома). -Т.: Халқ мероси, 1994. -112 б.

Илова

Халқ амалий безак санъати усталари хаёти ва ижодини ўрганиш жарёнида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш учун кўшимча материаллар

Уста Ширин Муродов

Бухоро ганч ўймакорлиги вакили ЎзФА фахрий аъзоси Уста Ширин Муродов (1879–1957). 1879 йилда Бухоро шаҳрида курувчи ганчкор оиласида дунёга келди. Унинг бобокалони Умид машхур усталардан бўлган. Ширин 8 ёшидан 14 ёшгача мактабда ўқиёди, 12 ёшдан бошлаб отаси ҳар хил қурилишларга олиб борар, ганч ўймакорлик асбобларида ишлашни, оддий занжиralар ўйишни, пардоз турлари ва оддий нақш композицияларини чизишини ўргатар эди. Ширинни 14 ёшида (отаси ва онаси вафот этгандан кейин) амакиси Уста Ҳаёт қарамогига олади, Ширин амакиси Уста ҳаёт билан Бухорода кўпгина қурилишларда бўлиб санъат сирларини ўрганиб боради. Уста Ҳаёт ўша вақтларда машхур курувчи усталардан эди. У 20 дан ортиқ шогирдлар етиштириди, шогирдлари ичидаги етим болаларни ўз қарамогига олди. Уста Ҳаёт шогирдларига қурилиш ишлари ва безак ишларини пухта ўргатиб борди. Бу шогирдлардан Уста Сафар, Уста Адиз, Уста Раҳим, Уста Мухтор, Уста Саври, Уста Исом, Уста Акром, Уста Жўра ва бошқалар катта уста бўлиб етишдилар.

Ширин ўша даврнинг ганчкор ва қурувчи усталари билан бирга ишлайди. Ёш ганч ўймакор, мельмор Ширин фақат қурилишда ишламасдан балки, устанинг бошқа шогирдлари билан уйда расм солади, ўсимликсимон, геометрик нақш композицияларини, биноларнинг кўринишини, чизма ва хомаки нусхаларини чизишини чуқур ўрганиб боради. Амакиси ҳар доим Ширинни бирга олиб юради. У уста Ҳаётнинг ҳамма ишларини бажаради. Ўша вақтларда Уста Ҳаёт, кўпинча, машхур усталар билан сұхбат қуришар, дунё воқеалари, бўлиб ўтган тарихий ҳодисалар ҳақида гаплашиб ўтирад эдилар. Ширин бундай сұхбатларни жуда кўпида қатнашади. Айниқса, Ўрта Осиё тарихини яхши ўрганади. Ширин амакиси кўлида ўн саккиз йил ишлайди ва шогирдликдан уста даражасига кўтарилади.

Қобилятли Ширин Муродовга амакиси Уста Ҳаёт бир неча биноларни безатишни топширади. Ўша вактда уста номини олиш жуда қийин эди. Чунки шогирд уста бўлиши учун назарий ҳамда амалий ишларни пухта билиши, албатта, бир қанча усталар орасида фотиҳа олиши керак эди. Бухородаги ҳамма ганчкор усталарга ганч сотадиган бойлардан бири бўлган Абдуқодир, бир куни уста Ҳаётни чақириб янги уй куришини ва у уни ганч ўймакорлиги билан безашини айтади. Уста Ҳаёт бу ишни 22 ёшли Ширинга топширади. Бу иш Шириннинг биринчи мустакил иши эди. Ширин аввал уйнинг режасини тузади, кейин унинг яхши чиқишини кўзлаб ўзи яхши кўрган Бухородаги архитектура ёдгорликларини томоша қилиб, уларни синчковлик билан яхшилаб ўрганиб чиқади. Айниқса, бинонинг умумий кўриниши ва меҳмонхона безакларини оддий бежирим, нисбатларини сақлаган ҳолда бир бутун кўриниши ва бошқаларини ҳисобга олади. Ширин меҳмонхона ва айвонларни шарафалар билан безайди. Ундаги ўйма ганчлар жуда майин бежирим чиққанлиги сабабли усталар орасида ҳурмати ва обрўси яна ҳам ошади.

Уста Ҳаёт кунлардан бир кун Ширинни олдига чақириб мен сендан хурсандман, энди мустакил ишлайверсанг ҳам бўлади, дейди. Азалий одат бўлган, яъни 40—50 усталар, шогирдлар ўртасида уста номини беришади. Ўртага чақириб белига энг яхши ганч ўймакорлик асбобларидан шутургардонни кийиқасига қистириб қўйишади. Ширин Муродов ана шундан сўнг уста бўлади. Уста Ширин ганч ўймакор усталардан уста Қурбон Юлдошев, Уста Саври, уста Иброҳим Ҳафизов, уста Назрулло Ёдгоров, уста Абдуфаттоҳ, уста Комил, Уста Абдураҳмон Ҳаётов, Уста Мурод, Уста Фузайл, Уста Носир, Уста Ҳаёт Носиров, Уста ҳожи Ҳафиз, Уста Насруллобой ва бошқаларни билар эди. Уста Ширин Муродов уйларни гиштидан тортиб томини ёпишни, уйни охирги пардозигача бўлган ишларни жуда яхши билар эди. У меҳмонхоналарни, айвонларни безаганда, аввалимбор, бичигини тўғри топарди, уйнинг ёруғлик куч тушаётган ёруғлик томонини, бинони баланд - пастлигини, нақш нисбатларини, умумий Мазмунини ва қўйилган талабга мослаштириб безар эди. Бу устанинг янада усталар орасидаги ҳурмат ва обрўсини кўтаради. Лекин ҳасадгўйлар у ҳақда ҳар хил иғволар тарқатадилар. Кунларнинг бирида уни эрта тонгда уйдан олиб кетиб зинданга

ташлайдилар. Зиндон уч қаватдан иборат бўлиб, унда қариялар, болалар, йигитлар ётишар эди. Уларнинг сочлари ўсган, кир ва ҳавоси жуда ёмон эди. Аҳадхон кейинчалик унинг айбини бироз кечиргандай бўлиб, Уста Ширинни сарбозликка сафарбар қиласи. Кейинчалик амир Аҳадхон уни эллик кишилик уста тўдасига кўшиб Карманага жўнатади. Сарбозлик жуда оғир эди, нима дейилса, албатта, шу ишни қилиши керак эди, яна шуниси ҳам борки, у эркинликдан маҳрум этилган эди. Қочганлар қаттиқ жазоланар эди.

Ўша вақтлари Аҳадхоннинг 20 мингдан ортиқ сарбозлари бор эди. Уста Ширин у ерда чорбоғ ва саройлар қурилишларида иштирок этади. У ерда оддий гишт теришдан бошлаб безатишгacha бўлган ҳамма ишни қиласи. Оладиган кунлик маоши беш тангагина эди. Уста Шириннинг 4—5 йил ишлаб йикқан нарсаси беш-олтита адрес тўн ва салла бўлди. Ўша йили қишиш қаттиқ келиб ишни оғирлаштири. У қишиш кунларининг бирида оёғини ва бармокларини совукқа олдирди. Бу унинг умрбод оқсайдиган бўлиб қолишига сабаб бўлди. Ҳафтада бир марта сарбозларни пул топиб келиш учун кўйиб юборар эдилар. Уста Ширин бу вазиятдан фойдаланиб Уста Ҳаётнинг ўюшмасига бориб ишлаб юрди. Аҳадхон ўша вақтларда бир қанча боғлар, саройлар, уйлар курдиртири. Уста Ширин бу ишларни ҳаммасига қатнашди. Аҳадхон касал бўлиб вафот этиши билан Уста Ширин Бухорога келди. Аҳадхон ўрнига ўғли

Олимхон подшо бўлди. У ўзига бир неча уйлар, боғлар яратади. Олимхон ўзига сарой қурдирмоқчи бўлади. Усталар танлар экан Уста Шириннинг ҳам номини тилга олади (15-расм). Ўша куни Олимхон ҳузурига Уста Ширинни чакиртиради ва эрталабгача токласидаги синган панжараларни тузатишни буюради, акс ҳолда, уни жазога тортишини айтади. Уста Шириннинг кўлида фақат бир дона ганчкорлик асбоби бор эди. Ўша вазиятда эрталабгача бу панжарани ўз ҳолидай қилиб тузатади, аввал панжара қисмини ўйиб олиб кейин синган жойига улади. Шундай қиласидики, уланган жойи билинмайди, Амир Олимхон Уста Шириннинг ишини кўриб, унинг айбини тополмайди, аксинча, унга қойил қолади. Уста Ширинга Ситораи Моҳи Хосани безатишни топширади. Олимхон Уста Ширинга Ситораи Моҳи Хосанинг ҳомаки нусхасини тузуб келишни буюради. Уста Ширин сарой ҳеч бир бойнинг уй безагига ўхшамаслиги ва ажойиб чиқиши учун кўп изланади. Ниҳоят 2 ой

деганда уйнинг ойна заминли ганч ўймакорлиги билан безамоқчи бўлган хомаки нусхасини чизиб битиради. 1911 йили Уста Ширин Муродов Олимхонга чизган режасини ва ўйманинг хомаки нусхасини олиб келиб кўрсатади. Хонга маъқул тушади ва ишни дарҳол бошлишни буюради.

Уста Ширин ўзи учта уста ва шогирдлари билан ишни бошлиди. Нақш композицияларини чизиб ахтасини ўзи қиласди. «Оқ зал»нинг энг кийин ишларини ўзи бажаради. Кўшни хонани эса Уста Ширин ўша вақтда машҳур ёғоч ўймакор Уста Абдуғофирни ва наққош Ҳасанжонни таклиф қиласди, кўшни хонанинг рангларини тўкроқ олади, оқ зал контраст ажралиб туриши учун Уста Ширин Муродов ўйма ганчнинг сифатига жуда катта аҳамият беради. Баъзи нотўғри қилинган жойларни бошқатдан ўзи қиласди. Саройни безашда уста бутун тажриба ва билимини ишга солади. Ганчкорлик санъатининг энг юксак қоидаларига амал қилган ҳолда бажаради.

Ниҳоят Ситораи Мохи Хоса саройи битказилади. Уста Ширин «оқ зал» деворларидаги ойналарга ганчдан гул солиб, «ойна пардоз» нусхасини яратади. Баланд ва катта зал кенг деразалар оркали нурга тўлиб туради. Майин ва оппок рангли ганч хонага ёркинлик ва тантана бахш этади. Ҳовлидаги чиройли кўмкўк барглар ва рангбаранг гуллар ойна фонида ажойиб манзара кашф этади, хона янада кенг бўлиб кўринади, Кечки пайт эса бу зал ўзига хос кўринишни беради. Қандилдаги шамлар ўйма ганч заминидаги ойнада ўзига хос жозиба кашф этади. Буларни ҳаммаси Уста Шириннинг қанчалик етук уста эканлигидан далолат беради. Оқ уй 1912 йилда бошланиб 1914 йилда битказилади. Бу иш Уста Шириннинг обрўсини яна ҳам оширади.

1915— 1917 йилларда хон аркининг қарама-қаршисидаги Болоҳовуз масжиди олдига баланд минора қурдирди. Бу минора безагини Курбон Юлдошев бажаради. Минора Европа пишиқ гиштларидан қилинган, уларни ҳар хил териб айланма геометрик шакллар ҳосил қилинган. Пишиқ гиштлар ҳар хил шаклларга келтирилиб, ишлов берилган, шу гиштлар асосида гир айлантириб нақш ишланган. Атрофида сирли кошинлардан фойдаланиб ҳар хил геометрик нақшлар, юқори қисмiga шарафа ишланган. Инқилобдан кейин Уста Ширин Муродов касалхона, жамоат бинолари ва турар жой қурилишларида фаол қатнашади. У С.Оржоникидзе номидаги

Бухоро Давлат педагогика институти биносининг қурилишида икки йил ишлайди. Шундан сўнг С.Айний номидаги Бухоро вилояти театри биносининг қурилишида қатнашади. Уста Ширин Муродов меъмор Б.Н.Засипкин бошчилигида IX—Х асрларда қурилган Султон Исмоил Сомоний мақбарасини, XII асрда қурилган Магоки Аттор мақбарасини, XVI асрда қурилган Мир Араб мадрасасини, XVII асрда қурилган Султон Баёнкулихон мақбарасини ва бошқа архитектура ёдгорликларини қайта тиклашда, таъмирлашда фаол қатнашади. 1937 йилда Уста Ширин Муродов Самарқандлик Шамсиддин Фофуров, Турсун Исмоилов ва бошқа ганчкор, ёғоч ўймакор, санг (тош) тарошлар билан Москвадаги Бутуниттифок қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг қурилишига таклиф қилинди. У ерда Узбекистон ва Туркманистон (меъмор В. Амистин) павильонларини мазкур усталар халқ санъатининг юксак нафосатини жаҳон миқёсида намойиш қилдилар. Ганчкорлик санъатининг совет меъморчилигида муносиб ўрин олишига қодир эканлигини кўрсатдилар. Айниқса, Уста Шириннинг Ўрта Осиё павильонларини безаши меъморлар томонидан юксак баҳоланди.

1939 йил Самарқандда Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари съезди бўлди. Съездда энг яхши ганчкорлар, кулоллар, ёғоч ўймакорлари, наққошлар ва бошқа усталар таклиф қилинди. Съездда халқ амалий санъатининг аҳамияти, усталарни ҳар хил конференцияларга қатнашиши, уларни ҳар хил қурилиш ишларига жалб қилиш ҳамда қурилиш усталари тайёрлайдиган мактаблар очиш, унда ганчкор, дурадгор, наққошлар ва бошқа усталар тайёрлаш кераклиги масаласи қўйилди.

Шу съезддан сўнг Тошкентдаги Музкомедия театрини безатишга самарқандлик ва бухоролик усталар таклиф қилинди. Бу иш ганч ўймакор усталарнинг ўз ҳунари, маҳоратини кўрсата оладиган фурсат бўлди. Уста Ширин Муродов театр биносига Бухородаги шарафани тақрорламай бинога мос бўлган мутлақо бошқа шарафани бажаради. Бухоро ва Самарқанд усталарининг бир қанчаси вилоят ижроия қўмитаси биноси қурилишига жалб қилинади. Уста Ширин бу бинода ажойиб шарафа ва панжаралари билан қатнашади.

1940 йил сентябрь ойида «Узкомстарис» бошчилигида Самарқандда Шердор мадрасасида қурилиш усталари тайёрлайдиган курс очилади. Унга юздан ортиқ энг яхши қобилиятли ўқувчилар қабул

килинади. У ерда Уста Ширин Муродов ганч ўймакорлигидан дарс беради. Уста Ширин Муродов ўз тажриба ва маҳоратини ўргатиш учун Самарқандга кўчиб кетади. 1940—1945 йиллар ичida Уста Ширин Муродов ганч ўймакорлик санъатини ёшларга ўргатади. Уларга нақш турлари ислимий ва гириҳ нақшларини қуриш қонун қоидаларини, уларни бинога қўллаш йўлларини ўргатади (Уста Ширин Муродовнинг Накш композицияси). Уларга оддий ва мураккаб шарафаларни чизиш ва уни амалда бажаришни макетлар ясад ўргатади. 1941 йил ўқитувчилар ва баъзи ўқувчилар армияга она Ватанини ҳимоя қилишга жўнадилар. Ўша йиллари жуда оғир йиллар эди. Уста Ширин ўша йиллари шунча кийин вазиятга қарамасдан архитектор В.Н.Засипкин ва Н.Ш. Лукашова билан «Ганч ўймакорлик санъати» қўлланмасини ёзади. Лекин бу қўлёзма редакцияда бир неча чизма ва фотолари билан йўқолиб кетди.

1943 йили Уста Ширин Тошкентдаги Муқимий номли театр биноси безагини бажаришга таклиф этилади. У факат бинони безатишда эмас, балки кўришга ҳам ёрдам беради. Уша вақтларда Уста Ширин Тошкентга кўчиб келиб яшар эди. Фиштни теришда машхур фарғоналик меъмор уста Юсуф Али Мусаев, Самарқандлик Акром Умаров ва бошқалар қатнашдилар. Уста Ширин бу театрда кираверишдаги бўртма устунларни, панжара, шарафаларни ва бошқаларни бажаради. 1947 йили Муқимий номли театрни иккинчи марта безашда қатнашиб кираверишдаги йўлак тепасини ва асосий, марказий гумбазнинг ганч ўймакорлик ишларини бажаради. 1946 йили меъмор академик Шусев лойиҳаси бўйича Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносини қуришда қатнашади. Уста Ширин Муродов ўзининг энг нозик «ойна пардоз»ни бинода ишлатди. Девор ва шифтларни ҳар бир юзаси бадиий ганч ўймакорлиги билан безатилди. Уста шифтларни ажойиб ва мураккаб шарафалар ҳамда нафис ишланган қандиллар билан безатади. Уста Шириннинг ўймакорлик техникаси — Бухоро ўймакорлик мактабининг техникаси сифатида характерланади. Уста Ширин Муродов ганч материалидан усталик билан фойдаланиши, Бухоро усталарига хос бўлган ўймакорлик, ганчкорлик ишлари безакларининг нафис ва гўзаллиги, композициясининг қувноқлиги, нозиклиги билан ажралиб туради. Унга Алишер Навоий номли опера ва балет катта театри биносининг қурилишида кўрсатган хизматлари учун давлат мукофоти лауреати берилади.

1947 йилда немис фашистлари устидан қозонилган галабамизга бағишлиб Тошкент марказига курант курилади. Бу бино лойихасини архитектор А.А.Мухамедшин чизади. Уни безаш Уста Ширин Муродовга топширилади. Уста Ширин ажойиб шарафа ва устунни юқори қисмига бўртма ганч ва ҳар хил панжаралар ўйиб ишлайди. 1952 йилда 1957 йилгача П.Бенков номидаги билим юртида ганч ўймакорлигидан дарс беради. Кўпгина ажойиб шогирдлар етиштириб чиқаради. Тошкентдаги Собир Раҳимов номли кинотеатрнинг ўйма ганч ишларини Уста Ширин бажаради. Ундаги шарафа ва панжаралар ажойиб қилиб бажарилган.

Уста Ширин Муродов Шоҳимардондаги Ҳамза Ҳакимзода мақбараси шарафаларини бажаради, ҳозирги Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг ганч ўймакорлигини, ёш томошибинлар театрини, гўшт-сут саноати вазирлигини, совхозлар вазирлигини, Навоий кўчасидаги уч қаватли уй ложаларини ва ҳавозали ички шарафаларни М.Булатов ва Л.Караш лойихалари асосида бажарди, С.Оржоникидзе районидаги колхоз чойхонасининг ўйма намоён ва панжараларини бажарди. Уста Ширин Муродов умрининг сўнгги йилларида яна архитектура ёдгорликларини қайта тиклашга таклиф этилади. У Бухородаги XV асрда курилган Улугбек, XVII асрда курилган Абдулазизхон мадрасаларини қайta тиклайди. У ерда мураккаб шарафаларни мохирона таъмирлайди. Тошкентдаги XVI асрда курилган Бароқхон мадрасасининг токча ва шарафаларини қайта тиклайди. Маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитасининг буюртмаси билан 600 га яқин форматда чизмалар ишлаб уларни ишлаш йўлларини ёзиб қолдирган. Унда нақш тузиш методикасининг назарий томонлари ва сўзларининг лугавий маъноси тушунтирилган. Бу тарихларнинг ўзи бебаҳо хазинадир.

Уста Ширин Муродовнинг шогирдлари устозидан миннатдор. Унинг шогирдлари жуда кўп. Улардан Анвар Кулиев, Абдурасул Ибодов, Иброҳим Шермуҳамедов, Исматулла Неъматов, Назрулла, Муродов, Тойир Жалилов, Файбулла Неъматов, Робижон Курбонов, Аминжон Саломов, Маҳмуд Усмонов ва бошқалар, уларнинг ҳар бири ўзига хос мактаб яратган усталар бўлиб етишдилар. Партия ва ҳукуматимиз Уста Ширин Муродовнинг ажойиб санъатини юксак тақдирлади. 1943 йилда Муродовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилди. Шу йили Ўзбекистон Фанлар

академиясининг биринчи сессиясида уни Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайлашди. Уста 1945 йилнинг баҳорида Мехнат кизил Байроқ ордени билан мукофотланди. 1948 йили эса Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг Бухоро залини безагани учун Давлат мукофотига сазовор бўлади. Уста Ширин Муродов 1957 йили 12 февралда Тошкентда вафот этади. Лекин унинг номи ҳалқ дилида ва тилида абадий яшайди ҳамда яшамоқда.

Устанинг яратган бой анъаналари шогирдлари томонидан ривожлантириб борилмоқда.

Тошпўлат Арслонқулов

Тошпўлат Арслонқулов (1882—1962 йил). Ўзбек ганчкорлик санъатининг машҳур усталаридан бири. У 1882 йида Тошкент шаҳрида ганч ўймакор устаси оиласида туғилади. Отаси Арслонқул Назаров ўша даврда машҳур усталардан бири эди. Унинг отабоболари ҳам ганч ўймакор бўлган.

Арслонқул Назаров ўз ўғлини 12 яшарлигига хунар ўргатиш учун ўзи билан олиб юрди, унга ганчкорлик санъатининг сирларини, нақш композициялар тузишни, уларни ўйиб ўзига хос пардоз бериш йўлларини ва бошқаларни яхшилаб ўргатиб борди. Айниқса, чока пардозда кўп ишлади. Тошпўлат кўп йиллар давомида отасига ёрдамчи бўлиб юрди. У аввал отасига ганч кориб бериб турди, кейин нақшлар заминини ўйди, сўнгра оддий пардозларни бажарди. Тошпўлат аста-секин оддий ва мураккаб вазифаларни бажарди, баъзи композицияларни ўзи мустақил тузди, унинг хатоларини отаси тузатиб биноларда кўллай бошлади. Унинг ишларини кўрган кишилар жуда кўп жойларга таклиф эта бошладилар. У Тошкент, Кўқон, Самарқанд, Бухоро, Фаргона каби шаҳарларга бориб, ганч ўймакорлик ишларини бажарди. Бу шаҳарлардаги маҳаллий бойларнинг меҳмонхоналарини, саройларини ажойиб ганч ўймакорлик ишлари билан безади. У хонани ўйма гулли намоёнлар, токчалар, китоба ва бошқача ишлаб, четини занжира ва рута ислимли ҳамда геометрик нақшлар билан ишлар эди. Хонага нур ва ҳаво кириб турадиган жойларини кўпинча ганч панжара билан ўйганлар. Айниқса, бойларнинг айвон ва меҳмонхоналарини ганч ўймакорлиги билан кўп безатар эдилар. Ўйма ганчлар ўзбек уйларининг зеб-зийнати ҳисобланган.

Ўша вақтларда у безаган биноларнинг баъзи бирларигина сақланиб қолган. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз. XIX асрнинг охирларида Тошкент Ўзбекистон кўчасидаги Юсуф Давидовнинг уйини ганч ўйма билан айвон ва меҳмонхонасини ота-бала безаганлар. Бино жуда баланд ва серҳашам безатилган. Уйнинг шифтини кўтариб туриш учун муқарнас бошлиқ устунлар қўйилган бўлиб, хонага ўзига хос ўйма ва нақш безаклар танланган. Меҳмонхона ва айвоннинг бичими жуда яхши тузилиб хонанинг баландлигига мос нисбатда изора, намоён, токчалар, фризлар тўғри топилган. Айвоннинг ўрта деворларига ҳар хил шаклдаги намоёнлар ишланган, айниқса, мажнунтол ва бир қанча ислимий намоёнлар ўзининг динамикавийлиги билан кишини мафтун қиласди. Ҳар бир намоённинг атрофи ўзига хос ҳар хил қалинликда ва геометрик занжиралар билан ўралган бўлиб, намоён композицияларининг кўримлилигини оширади. Занжирадан кейин рах қолдирилган. Хонадаги ҳар бир намоён атрофида дурафтотро ҳошия ислимий нақш билан ўралган. Китобага эса «бешсакки зўнишки» раҳли гириҳ композицияси ишланиб, бу тўртбурчак юзига мос тушган. Унинг атрофи ўзига хос бошқача геометрик занжира билан ўралган. Изорага эса геометрик нақш композицияси ўйилган. Бино айвонида муқарнасли токча, дераза атрофига геометрик нақшлар ўйилган. Ганч ўймакорлигининг замини ҳар хил ранглар билан бўялган. Асосан яшил, ҳаворанг ва қизил ранглар билан берилган.

Ганч ўймакорлигини Тошпўлат Арслонкулов чока пардозда бажарган. Пардоз берилаётганда хонага тушаётган ёруғлик ҳисобга олинган. Тошпўлат Арслонкулов ҳар бир токча, ҳошия, тахмон атрофларини икки қатор ҳар хил геометрик занжиралар билан ўраб чиқкан, бу ўйма нақшларни кўримлилигини оширади. 1902-1903 йилларда А.Половцевнинг Европача қурилган уйи ўзбек миллий безагида битказилди. Уйнинг айвони, катта меҳмонхонаси ва ётоқхонаси жуда жимжимадор килиб безалган. Айниқса, Тошкент ганчкорларининг ишлари ўзига хос характерда эди, уларнинг ўйма нақш композициясида катта шохбарг ва тўпбарглар йирик жимжимадор килиб безатилган бўлиб, ўйма чока пардоз берилган. Деворларга ўйилган ганч ўйма намоёнлар вертикал ҳамда горизонтал жойлаштирилган бўлиб, атрофи майдада энсиз занжира, ислимий рута, яъни ҳошия нақшлар билан ўралган. Намоёнлар ўсувчан ислимий

динамик худди юқорига қараб ўсаёттан табиат ўсимликларини эслатади. Бу эса Уста Арслонқул ота ва Т.Арслонқуловнинг табиат қоидаларига асосланиб композицияни янада жонли ва табиий чикишига интилганини, маҳоратини кўрсатади.

Т.Арслонқулов горизонтал жойлаштирилган икки пештоқни ўйиб бу пештоқларга ўймада нақшлар турунжсимон ислимий композициясини ишлаган. Бу намоёнларни уста лўла пардоз асосида безаган. Бу композициядаги кўш чизиқли меҳробсимон таноб ўйма композицияни бадиий қилиб кўрсатиб турибди. Ўйма чуқурлиги 10 мм атрофида бўлиб деразадан тушаётган ёргулик хисобга олинниб пардоз турлари тўғри топилган. Чунки деразадан тушган ёргулик ўйма нақшларни янада бадиийлаштиради. Бинодаги ўйма нақшга ёргулик кам бўлганидан оппоқ ганчлар заминига яшил ва ҳаворанг берилганлиги заминни жуда нафис қилиб кўрсатади. Намоёнга қараб турган киши хоҳ узокдан хоҳ яқиндан қарамасин унинг ўзига хос жозибадорлигини кўради.

Албатта, усталар буларни аввалдан хисобга олганлар. Ўйма намоёнлар худди гўзал табиатни эслатади.

Уларга қанча кўп қаралса намоёндаги манзарани шунча кўп жумбоклари ечилади. 1910 йилда архитектор А.Бурмейстер уста Тошпўлат Арслонқуловни ўз қурилиш ишларига жалб қиласди. Ўша вақтларда Арслонқулов ёш бўлса-да, ҳаракатчан, чаққон, кўп нарсаларни билишга ҳаракат қиласр эди. У рус биноларининг қурилишида сувоқчи ва рус усталари билан «лепка» (қолипда ўйма нусхалар тайёрлаш) усулида ишлар қилди. Т.Арслонқулов қурилишда рус архитекторлари И.Маркевич ва қурувчилар Г.Сварчевский, К.Тильтина ва бошқалар билан танишиб бирга ишлади. У рус архитекторлари билан ишлаб кўп нарсаларни ўрганди, қурилишнинг айрим сирларини билди, Тошкентдаги ва Кўқондаги кўпгина рус биноларининг қурилишида иштирок этиб, уларни лепка усулда безади. Қурилишда унга нақш андозаларини берар шу асосида ҳар хил қолиплар ишлаб нусхалар тайёрлар эди. Т.Арслонқулов рус усталари ичидаги юриб рус тилини яхши ўрганди. Рус тилидаги қурилишга оид адабиётлар билан танишди. Булар эса устанинг ижодига ижобий таъсир этди. Рус «лепка» усулини жуда яхши ўрганди.

Т. Арслонқулов безаган биноларининг айримлари сақланиб қолган, улардан лепка усулида ишланган ишларидан бири «Азов

Дон» банки (хозир давлат банки), собиқ «Националь» мөхмөнхонаси (хозирги Шарқ мөхмөнхонаси), собиқ халқ уйи, Биховский уйи, Кўқондаги «Рус Осиё» (хозирги давлат банки) ва шу сингари биноларни европача қуриб лепка усулида безади. Бу биноларни рус услугига хос бўртма ҳошия нақшлар билан безаб чиқди. Баъзи жойларда бадиий қиёфаларни бўртма кўйма усулида ишлади. Буларнинг ҳаммаси Т. Арслонқулов тажрибасини янада орттириди.

Т.Арслонқулов совет ҳокимияти йилларида йирик қурилишларда фаол иштирок этди. Шулардан меъмор Маркевич ва бошқалар таклифи билан 1929 йили Тошкент шахрида Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри қурилади. Ундаги безак ишларига Т.Арслонқулов қатнашади. У фойелар, деворлар, театрнинг фасадларини турунж ва доира (розъетка) нақшлар билан безайди. (Бу бино бизгача етиб келмаган). Театрнинг ички қисмларини ислимий ҳошия нақшлар билан безайди. Бу безаклар рус лепкасига ўхшаб кетадиган услубда безатилади.

30- йилларда Т.Арслонқулов ва кўпгина ганч ўймакор усталар Тошкент вилояти ижроия қўмитаси (облисполком, яъни хозирги ЎзФА қўлёзмалар ва адабиёт шунослик институти, адабиёт шунослик музеи ҳамда ТЮЗ) ни ганч ўймакорлиги билан безайди. 1936-1938 йилларда Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ ҳўжалик кўргазмасидаги Ўзбекистон ва Туркманистон павильонларини безашда ажойиб ганч ўймакорлик иши билан ўз хиссасини қўшди. 1939 йили С.Полупанов бошчилигида Тошкент ижроия комитети ва эстрада театри биноси ганч ўймакорлиги билан безатилади. Бу безакларнинг композициясини С.Полупанов чизиб беради. Т.Арслонқулов уларни бажаради. Улар лепка усулида ишланниб, орнаментларида, айниқса, геометрик нақшлар, мусика асбоблари, пахта, буғдой ва бошқалар барельеф шаклида рамзий (Т.Арслонқулов шогирди билан намоён бажармокда) таҳтани ўйиб ишланган, бу эса устанинг фантазияга бой эканлигидан далолат беради. У 1947 йили Тошкент Навоий номли опера ва балет катта театри қуриб битказилади. Усталар ичida Тошпўлат Арслонқулов ҳам бор эди. Уз шогирдлари билан Тошкент залини безади, бундан ташқари вестибюль ва фойеларнинг безагини Шусев лойиҳаси бўйича бажарди. Арслонқулов театрни безашда катта роль ўйнади (Т.Арслонқулов ўз бригадаси билан иш вактида). У барча вилоят ва жумҳурият-

лардан келган машхур ганч ўймакор усталар билан танишди, академик Шусев билан яқындан алоқада бўлди. Т.Арслонкулов театр меҳмонхонасни безашда қўйма усулидан фойдаланди. Қўпгина нусхалар чизиб қолиплар тайёрлади. Қолиплар асосида нусхалар тайёрлаб деворларга ёпишириб чиқар эди. Уста аввал маълум ўйма нақшни тақсимини ўйиб унинг асосида қолип олар ва қолипга мой ёки керосинда шамни эритиб суртиб, суюқ ганч қўйиб 10—20° даража атрофларида қотгандан сўнг нусха олар. Нусханинг яна биринки жойини пардозлар эди. Уйни девор ва шифтларига ёпиширилган ганч тахталарнинг уланган жойлари текисланиб чиқиларди. А. Шусев театрнинг томошабинлар залидаги ганч ўймакорлигининг хомаки нусхасини чизиб берди. Уймаларни эса Т.Арслонкулов бажарди.

Т. Арслонкулов бирор хонага композиция чизар экан нақш битганда қандай чиқиши, замини, ўймаси, унинг ингичка ёки йўғонликларини, хона ёруғлигини ҳисобга олар ва ўзига хос пардоз турларини танлар эди. Уста ўзбек миллий анъаналарини саклаган ҳолда безарди. У аҳоли яшайдиган хоналардаги безак турларини ўз ўйма ишида кўрсатди. Т.Арслонкулов архитектор Р.Абдурасулов билан заллардаги нақш композицияларини тузди. Улар уйнинг девор қисмини тенг уч қисмга бўлиб фоиз қисмини эса ўсимликсимон ўйма нақшлар билан безади. Шифтни эса геометрик нақш композицияси билан гир айлантириб ўртасига барельефли бўртма геометрик турунж композициясини бажарди, ҳамда ажойиб ўйма қандилни ясади. Уста Тошкент залига «мажнунтол», «пахта гул», «пушак ислими», «ислимий палак», «кузаги ислими» ва бошқа ўйма композицияларни бажарди. Унинг ўймалари чукур бўлиб худди лепка усулида безатилганга ўхшаб кетади.

Т.Арслонкуловнинг, айниқса, ўйма «палак» композицияси жуда яхши чиққан. Ислимий нақшдор, тўртбурчак ром ичига доира шаклида ўйма нақш ишланган. Айлана марказида 8 раҳли гириҳ, кейин айлана ва қўш раҳ, сўнгра айланма ислимий нақш, ниҳоят дурафткор ҳошия нақш билан ўраб ўйиб чиққан. Бу «палак» композиция, айниқса, динамиклиги ва ўзига хослиги билан киши дикқатини жалб этади. Бу композициялар тузилишидан хонанинг кўп жойларида турли комбинацияларда фойдаланилган. Тошпўлат Арслонкулов эшик тепасига горизонтал ҳолатда «пушак ислими» намоён ишлаган, бу ўйма ҳам ўзига хос чиққан. Т.Арслонкулов

Термиз залини битказиша ёрдамлашган ҳамда Фарғона залига ҳошияялар учун қолиллар тайёрлаган. Т. Арслонқулов фақат курилишларни безашдан ташқари музейларга бир қанча намоёнлар, фризлар, бажарган. 1951 йили Ленинграддаги этнография музейи учун турли хил учта намоён ясад берган. Уларнинг биринчиси «мажнунтол» иккинчиси «чор кунж исслими», учинчиси «пушак исслими» композицияларидир. 1951 йилда Ўзбекистон Давлат санъат музейи учун бир нечта намоёнлар ишлаган. 1958—1959 йилларда жумхуриятимизда ўзбек санъати ва адабиётига бағишилаб кўргазма очилди. Бу кўргазмага ҳалқ амалий санъати усталари қаторида Уста Арслонқулов ўйма фриз ва намоён композициялари билан қатнашди. У фақат биноларни безатишда қатнашибгина қолмай, жуда кўп шогирдлар тайёрлади, ганч ўймакорликда олган бутун тажрибаларини ёшларга ўргатди. Ганч ўймакорликдан тўгарак очиб мактаб ўкувчиларига ганчкорлик сирларини ўргатди.

1952 йилдан бошлиб П.П.Беньков номли Бадиий билим юртида ганч ўймакорлигидан дарс берди. Кўпгина бўлажак усталарга ўз тажриба ва маҳоратини ўргатиб И.Зайнутдинов, И.Романов, С.Беохин, В.Зуфаров каби шогирдлар тайёрлади. У етишириган шогирдлари билан кўпгина биноларни ганч ўймакорлик ишларини бажарди. 1959 йилда Ўзбек ҳалқ Адабиёти ва санъати декадасида ва кўпгина кўргазмаларда қатнашди, бирқанча мукофотлар олишга сазовор бўлди. 1962 йили Тошкент шаҳрида вафот этди.

Т.Арслонқуловга ҳалқ амалий санъатини ривожлантиришда қўшган хиссаси учун 1944 йили Ўзбекистон ҳалқ рассоми унвони берилди. 1948 йили А.Навоий номли опера ва балет катта театрини ганч ўймакорлиги билан безашда қатнашгани учун Давлат мукофоти, унинг ҳалқ олдидаги хизматларини юқори баҳолаб Ленин ордени ва «Фахрий белги»си (Знак Почета) медали билан мукофотланади. Ўзбек миллий санъатини ривожлантиришда қўшган хизматлари учун Т. Арслонқуловни 1954 йили «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирлашди. Моҳир ганч ўймакор ўзбек қадимий санъатининг миллий анъаналарини давом эттириб, ажойиб санъат асарларининг дурдоналарини қолдирди. Устанинг ноёб ўйма нақшлари ёш ганч ўймакорларга мактаб вазифасини ўтамоқда

Махмуд Усмонов

Махмуд Усмонов Тошкент шаҳар Кўкча даҳаси, Обиназар маҳалласида 1910 йил 3 январда туғилган. Отаси Махмудни ёшлик чогиданоқ турар жойларни безаш ишларига бирга олиб юрар, унга ганчкорликнинг дасталабки сирларини ўргатар эди. Унга аввал оддий ўсимликсимон ва геометрик нақшларни чизишни, амалда эса ганч элашдан тортиб пардоз турларини беришгача ўргатди. Уста Усмон Икромов уй бичимини жуда тӯғри топар Унинг сирларини ёш Махмудга ўргатар эди. Ота бола хонадонларда меҳмонхона, айвон ва оддий хонадонларнинг тахмон ва косамонларига безак беришарди. Ўша вақтда у 15 ёшларда эди. Баъзи катта меҳмонхоналарни ёки айвонларни ганчкор усталар биргаликда бажаришар эди. Махмуд Усмонов ганч ўймакорликни ҳар хил турларида бемалол ишлай оладиган мустақил уста бўлади. У 1936 - 37 йиллари ўрганганди билим ва ҳунарларини болаларга ўргата бошлайди. Чунончи 36 - болалар уйида ва бир неча мактабда ганч ўймакорлиги тўгаракларида дарс беради. 1938 йилда Ўзбекистон санъат музеида ўймакорликка оид экспонатларни таъмирлашда қатнашади. 1940 йилларда бир қанча наққош ва ганч ўймакор усталар билан Махмуд Усмонов собиқ Половцев уйининг безакларини қайта тиклашда қатнашади. 1943—1944 йиллари «Ташсовет» (ҳозирги Муқимий номли театри) ни безашда иштирок этади. Бинонинг гумбазини қуришда Марғilonлик меъморлар Ўз Фанлар академиясининг Фахрий аъзоси Юсуф Али Мусаев қатнашади. 1945—1947 йилларда А.Навоий номли театр биносини қуришда Махмуд Усмонов ҳам бор эди. Театр биносини юксак даражада маҳорат билан безаганлари учун кўпгина усталарга Давлат мукофоти берилди.

Уста Махмуд Усмонов Рассомлар уюшмасига қабул қилиниб, унинг ижоди янада равнақ топади. У ўша вақтларданоқ ҳар хил кўргазмаларга қатнашади, музейларга ганч ўймакорлик намуналарини тайёрлаб беради. 1950 йилдан «бошлаб Островский номли Тошкент шаҳар ўқувчи ва ўқувчилар саройида ганч ўймакорлик тўгарагини олиб борди. У ўқувчиларга исказа қалам билан ганч ўйишни, минқор билан унинг заминини тозалашни, шутургарданда пардоз беришни ўргатди. Уларнинг қилган ишлари ҳар хил кўргазмаларда намойиш этилиб, кўпгина фахрий ёрлиқ ва мукофотларга сазовор бўлди. Уста Махмуд Усмонов шогирдлар тайёрлаб улар

билан бир неча биноларни безади. Ўқувчиларга санъатини, маҳоратини сидқидилдан ўргатди.

1950-йилларда Н.Островский номли Тошкент шаҳар ўқувчи ва ўқувчилар саройидан келган Тохирга 1955 йилгача ганч ўймакорлик сирларини ўргатди. 1956 йили эса бу тўғаракни энг яхши шогирдларидан бири Тохир Шарипов олиб борди. 1953 йили Унда Маҳмуд Усмоновнинг илтимоси бўйича Тошкент шаҳрида П.Бенков номидаги жумхурият бадиий ўкув юрти қошида халқ амалий санъатининг бир неча бўлимлари, шу жумладан ганч ўймакорлиги бўлими очилди. Маҳмуд Усмонов 1953 йилдан 1960 йилгача ганч ўймакорлигидан дарс беради. Уста жуда кўп шогирдлар тайёрлади. 1960 йили ганч ўймакорлиги бўлимини битириб чиқсан усталарга иш йўқ эди, базага эга эмасмиз, деган баҳоналар билан ёпилди. Давлатимиз унинг педагогик фаолиятини тақдирлаб Ўзбекистон Олий Совети Президиуми «Ёш авлодни санъатга ўргатишда кўрсаттан катта хизматлари учун» фахрий ёрлиги билан ва Ўзбекистон Маориф Министрлиги «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотлади. 1957 йили Уста Маҳмуд Усмонов киркка яқин шогирди билан Уста Шириннинг машҳур Ситораи Моҳи Хоса саройидаги ганч ўймакорлигини қайта тиклайди. Бу иш Уста Маҳмуд Усмоновга яна катта мактаб ҳамда тажриба бўлди. У 1960 йили икки марта Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Уста Маҳмуд Усмоновнинг ганч ўймакорлик тажрибаларига асосланиб, кўпгина уйлар вайрон бўлди, архитектура ёдгорликлариша шикаст етди. Шулардан бири Улуғ Ватан урушида немисфашистлари устидан қозонилган ғалабага бағишлиб қурилган Курант биноси эди. Бу архитектура ёдгорлигини Маҳмуд Усмонов шогирдлари билан кунгилдагидек килиб таъмир этади. Маҳмуд Усмонов ганч ўймакорлигига ажойиб янгилик, яъни ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган чакич заминини ганч ўймакорлигига қўллаб, ўйма композициясини янада майнинлаштириб юборди. Бу янгиликни аввал ҳеч бир уста қўлламаган эди. У умумий ҳамма биноларнинг безагида ганч ўймакорлигидан ўринли фойдаланади. Чакич заминли нақш композицияни чакичланган юзаси умумлашиб, текис ўйилган жойларга қараганда оқиш кўринади, натижада композицияни майнинлаштириб кўрсатади. Бу усуслни Маҳмуд Усмонов кўп қўллаган. Чунончи, Ўз Марказий Кўмитаси биноси ажойиб

безалган. Устанинг ганч ўймакорлигига характерли ўрни шундаки, унинг деярли ҳамма композициясида Ўзбекистоннинг оқ олтини пахта нақш элементини кўриш мумкин. 1967 йили Ўзбекистон Министрлар Совети биносининг ганч ўймакорлиги билан М.Усмонов безайди. У зал безаги учун икки хил нусха тайёrlайди, улардан бири олти раҳхи, иккинчиси кўшқаватли гириҳдан фойдаланади. У устунларга паргори ислимий нақшни қўллаб ажойиб асар яратади, бинони безатишда пах pardозdan фойдаланади. 1967 - 1968 йиллар Маҳмуд Усмонов Ҳамза номидаги Академик драма театрининг ички ганч ўймакорлик безагини бажаради. У ерда қирма, чока, табақа pardozdan фойдаланади. Бу Маҳмуд Усмонов ижодининг энг яхши санъат намуналардан биридир.

1968 йили устага Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий биносининг ички ганч ўймакорлик ишлари топширилади. У ерда М.Усмонов ганч ўймакорлигининг ажойиб намуналарини кўрсатди, айниқса, «халқлар дўстлиги» композицияси муваффақиятли чиққан. У қардош совет халқларининг дўстлигини бадиий ifodalab худди чаманзордаги боғларни шу қатори рамзий нақшни ўта моҳирона бажарган. Унда фақат чизмалар нисбатигина ҳисобга олинмай ўйма нақшнинг динамиклигига ҳам катта зътибор берилган. У ер чока ва қисман пах pardozda ишланган. Бу бинода чакич услуги яхши қўлланган. 1968 йили Маҳмуд Усмонов Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирилиги биносидаги мажлислар залини ўйма ганч билан безайди. Бу ерда нақшлар 1,5 см ўйилиб чока pardoz билан безалган. Айниқса, ислимий нақшларнинг нафислиги ва динамиклиги кишини жалб қиласди.

1968 йили Маҳмуд Усмонов Алишер Навоий номли адабиёт музеи безакларини бажаради. У ерда геометрик ва ўсимликсимон нақш элементларидан фойдаланиб ўймаларга чока pardoz баъзи жойларда пах ва табақа pardoz берган. У куйидаги биноларнинг ганч ўймакорликлари Ўзбекистон Марказий Кўмитаси маъмурий биносини, марказий универмаг, Баҳор концерт зали, Тошкент марказидаги янги қурилган Ленин ҳайкали трибунаси тагидаги залларнинг ганч ўймакорликларини безаган. 1969 йили Самарқанддаги аэропорт биносини безайди 1970 йили эса Регистон майдонидаги ресторонни, 1969—70 йиллари эса. Марказий музейининг Тошкент филиалини, 1973 йили Ўзбекистон Санъат музейини, 1973 йили Сурхондарё вилоятидаги музикали драма

театри биносини безади. 1971—74 йилларда Киев, Донецк, Тошховуз, Чимкент ва бошқа жойларда жамоат биноларини безади. 1979 йили Маҳмуд Усмонов Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги санъатшунослик институтининг биноларини ўйма ганч билан безайди. Уста Маҳмуд Усмонов беш марта Ўзбекистон Марказий Кўмитасининг фахрий ёрлиги, 1967 йили бутун иттифоқ Халқ хўжалиги кўргазмасида шогирдларининг ишлари юксак баҳоланганилиги учун Ўзбекистон Маориф вазирлигининг фахрий ёрлиги билан ҳамда бутун иттифоқ Халқ хўжалиги кўргазмасининг иккинчи даражали кумуш медалига сазовор бўлади. Маҳмуд Усмоновнинг қобилияти шогирдлари ўз ишларини фақатгина Республикада эмас, балки Ҳиндистон, Польша, Япония, Америка ва бошқа чет эл шаҳарларида намойиш этдилар. Унинг ганч ўймакорлик тўгаракларида ихлос билан хунар эгаллаган шогирдлари рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган, улардан Мирзиёд Каримов, Ҳаётилла Абдуллаев, Абдурахмон Султонов, Мирвоҳид Усмонов, Анвар Пўлатов, Мирмаҳмуд Раҳматов, Ҳабибиддин Муродов, Мўмин Султонов, Фахриддин Ҳамдаев, Абдуқаюм Самадов, Зиёвуддин Юсупов, Рауф Ибодов, Умар Тоҳиров, Юсуф Одиловлардир. 1967 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони, 1974 йилда Маҳмуд Усмоновга «Ўзбекистон халқ рассоми», унвони берилди. 1968 йили Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига ва 1975 йили Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1970 йилда Мехнат қизил Байроқ ордени берилди. Халқлар дўстлиги музейининг залини ганч ўймакорлиги билан безади. Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залини ҳам ганч ўймакорлиги билан безади. Маҳмуд Усмонов мамлакатимизнинг Москва, Сочи, Донецк, Киев, Пенза, Воронеж ва бошқа шаҳарларидағи ўймакорлик ишларида қатнашган. М. Усмонов санъатида Бухоро услубига хос нозиклик ва серҳашамлик, Самарқандга хос мураккаблик ва улуғворлик, Тошкентга хос аниклиқ ўз ифодасини топади. Давлат мукофоти лауреати, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Уста Маҳмуд Усмонов ҳалқимиз ганчкорлик санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттириди. Уста санъатимиз тарихида бой тажрибаси билан ўчмас из қолдирди.

Юсупов Зиёвуддин Мирқодир ўғли ва Тоҳиров Умаржон

Юсупов Зиёвуддин Мирқодир ўғли ва Тоҳиров Умаржон 1950 йилда Тошкентда туғилишган. Зиёвуддиннинг отаси кулолчилик билан шугулланган. Умаржоннинг отаси эса ўқитувчи эди. Уларнинг халқ амалий санъатига бўлган қизиқишлари оталаридан мерос қолган.

Улар мактабда ўқиб юрган кезларидаек ганч ўймакорлик санъатига қизиқа бошлаганлар. 1964 йили Умаржон ва Зиёвуддинлар еттинчи синфидаёқ Тошкентда ўқувчилар саройи ҳузурида ишлаб турган ганч ўймакорлик тўгарагига қатнаша бошладилар. Уларга ганч ўймакорлик сир асрорларини Ўзбекистон халқ расоми, Давлат мукофоти лауреати Маҳмуд Усмонов ўргатди.

Тошкент Политехника институти меъморчилик бўлимида таҳсил кўрдилар. Уларнинг ниятлари битта. У ҳам бўлса, ганч ўймакорлик санъатининг юксак чўққисини эгаллаш эди. Икки санъаткор Маҳмуд Усмоновдан узоқ йиллар олган тажрибалари ва институтда архитектура бўйича олган билимлари асосида мустақил асарлар яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Шунинг учун ўзларига шогирд тайёрлаш мақсадида 1975 йили Йўлдош Охунбобоев номли ўқувчилар уйида ганч ўймакорлик тўгарагини ташкил этдилар.

1975—1977 йиллар давомида талантли шогирдлар тайёрладилар ва 1977 йили улар ижодий уюшма ташкил этдилар. Улар Уста Ширин Муродов кашф этган «койна пардоз» услубини ривожлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Улар ўша вақтда эришган ютуқларига қониқмасдан, ўз ишига танқидий ёндашдилар. Масалан, ўша вақтда улар усталардаги катта юзага бир хилда нусха ишлатиш, ўйманинг чукурлигини ошириб юбориш каби камчиликларни пайқаб бундай услубдан йироқ юришга ҳаракат қилиб, ранг - баранг мураккаб, янги услубларни қўллашга ҳаракат қилдилар.

Умаржон Тоҳиров ва Зиёвуддин Юсупвлар юзага бир хил бош нусха қўллаш кишини зериктириб қўйиши, нақшларни чукур ўйишда тезда чанг тўлиб қолишини билиб, улар кўп режали бўртма услубини қўлладилар. Кейинчалик эса тошойналар билан мос ҳолда рангли ойналарни қўллашни кашф этдилар.

Усталар мустақил равишда бир-бирини такрорламайдиган безакларни бажара бошладилар. «Гулистон» ресторани, Урганч

шахридаги Огаҳий театри, Тошкент темир йўл пассажирлар станцияси, Красноярск шахридаги «Баҳор» кафеси, Ўзбекистон Ёзувчилар уйи, «Юлдуз» тикув фирмаси ва бошқалар улар ижодларидағи дастлабки поғоналар бўлди. Улар ганчдаги оддийликнинг улугворлиги-ю, мураккаблигининг жозибасини ҳис этдилар ва янги-янги режалар туздилар, ишни тез ва сифатсиз қилмасдан, балки, аксинча, вақтни аямай ажойиб асарлар яратдилар.

1979-1981 йилларда усталар ижодида кескин бурилиш бўлди. Улар Қарши шаҳар музейининг ички ўйма безагини бажаришди. Улар бу ишни юксак маҳорат билан бажаришди. Музей икки хонали бўлиб ундаги безаклари бир-бирига ўхшамас эди. Катта хонани Зиёвуддин Юсупов Бухоро услубида, кичигини Умаржон Тоҳиров Хива услубида безади. Усталар ганчкорлик ишларини деворнинг текис юзаки қилмасдан балки, бир қанча режада бўртиб чиқариб безадилар. Бу эса янги-янги қийинчиликлар туғдирди, бўртиб чиқсан шакллар девор ҳамда шифтларга ортиқча оғирлик юклади. Улар биринчи бор ганч тахталар ёрдамида керакли шакларни бўртириб, девор ҳамда шифтларда ишлаш имкониятига эга бўлдилар. Девор ва шифтларга ганч тахталар ўрнатиб уларни устидан ойналарни қоплаб чиқдилар. Ойналарни намдан сақлаш ва унинг сифати узок вақт бузилмаслиги учун орқасидан бўшлиқ қолдирдилар. Тошойналарни мураккаб эгри шаклида кесиб чиқдилар. Бу эса усталаримиздан маҳорат ва кунт талаб қилди. Тайёрлов ишларининг ўзига беш ой сарф этдилар. Бухоро ва Хива услубидаги нақшларнинг 150 та ислимий ва гириҳ композициялари ишланди. Нафислиги ҳам ортиқча чанг ўтирмаслигини ҳисобга олиб, гуллар 2,4 мм чукурликда ўйилди. Ҳаво алмашинадиган вентиляцион панжаралар кўйиб безатилди.

1983—1984 йиллар Қарши шаҳар М.Т. Тошмуҳамедов номидаги вилоят театрининг фойесини ажойиб ганч ўймакорлик безаклари билан безадилар. Театр фойесида 9 та шифт бўлиб, улар осма қилиб ишланган. Бўртма ўйма шифтлар, шифтни қолган қисмидан ажратиб ясалган бўлиб, сейсмик ораликлар вужудга келтирилган. Карниз ва ҳовузлар ўсимликсимон ва геометрик ўйма нақшлар билан безалган. Улар ганч ўймакорлиги тарихида биринчи бўлиб, тошойналар билан мутаносиб равишда рангли ойналар қўлладилар. Бу, улар ижодида яна бир бурилиш ҳосил қилди. Шифтнинг ташки чегараси бўйлаб буйи ва энига яшил ойна қоплаб устидан

майин ганч ўймакорлиги бажардилар. Улар ҳар бир ҳовуз ўртасига диаметри 1,40 см кенглиқда жуда нафис қандиллар ясадилар. 1984—1985 йиллари Тошкент шаҳар Ирригация, мелиорация ва механизация қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг фойесини ва Маданият саройини нозик, нафис ганч ўймакорлиги билан безадилар. Институт биносининг иккинчи қаватдаги фойесига ажойиб қандиллар бажарилди. Бу ерда қандилларнинг 18 бўлакдан иборат мураккаб турларини синааб кўрдилар. Институтнинг биринчи қавати инсон ақлини лол қолдирадиган ганчкорлик намуналари билан безалди.

Рассомлар уюшмасининг аъзолари Умаржон Тоҳиров ва Зиёвуддин Юсуповларнинг Тошкентдаги «Гўзал» кафесига ишлаган нақшлари уларнинг анча тажрибали ва маҳорати ошганлигини тасдиқловчи ишларидан бўлди. Кафе интеръерининг баландлиги паст бўлгани учун унга янада майда, нафис ўймалар мўлжалланди. Деворлар ҳар хил режали ўйма ганч билан безалди. Кираверишдаги чап деворда косамон ҳамда пиёламонлардан фойдаландилар. Улар жуда нозик панжараларни бажардилар. Косамонларнинг тепа қисмига рангли чироклар ўрнатдилар. Хонанинг кираверишидаги деворига бўртма палак нусха бажарилди. Кафенинг ички қисми худди музейни эслатади.

Бу усталар ижодларидаги муҳим томони шундаки, замонавий биноларнинг баландлиги, кенглиғиги ва функциясига асос ҳолда, замон талабига жавоб берадиган асарлар ижод қилишdir. Бу икки санъаткорнинг келажаги янада порлок. Келажакда чет эллар хонадонига ҳам ганчкорлик безак тариқасида муносиб ўрин олишига ишонамиз. Чунки чет элдан ташриф буюрган меҳмонлар ўз уйларида бундай безакларнинг бўлишини орзу қилиб кетмоқдалар.

Кириш	3
-------------	---

I боб. Кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг назарий асослари

1.1. Ўзбек халқ амалий санъат турларининг миллий анъаналар асосида ривожланиши	7
1.2. Кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш муаммолари	28
1.3. Аждодларимизнинг ёшларга касб-хунар ўргатиш хақидаги маънавий-маърифий қараплари	31
1.4. Ёшларга миллий анъаналар асосида касб-хунар ўргатишнинг ўзига хос томонлари	47

II боб. Кичик мутахассислар тайёрлашда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланишнинг методик асослари

2.1. Халқ оғзаки ижоди намуналарини мантиқий моделлаштириш асосида ўргатиш методикаси	60
2.2. Амалий санъат асарларини бадиий таҳлил жарёнида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш	66
2.3. Касб-хунар ўргатиш жараённида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш шакли, восита ва методлари	69

III БОБ. Ўқув-тарбиявий тадбирлар орқали халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш технологияси

3.1. Ўқув-тарбиявий тадбирлар ташкил этиш ва ўтказишда халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш	80
3.2. Саёҳатлар ўтказиш жарёнида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш методикаси	86
3.3. Ўқув-тарбиявий тадбирни ташкил қилишнинг	91
3.4. Ўқув-тарбиявий тадбирларни ташкил этишининг	93

IV БОБ. Амалий санъат дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналардан фойдаланиш методикаси

4.1. Ганчкорлик хунарини ўргатиш жарёнида	95
4.2. Амалий санъат анъаналарига оид халқ мақоллари ҳамда уларнинг маънолари	167

Хулоса	190
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	192

Илова

Халқ амалий безак санъати усталари хаёти ва ижодини ўрганиш жарёнида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш учун қўшимча материаллар	200
---	-----

С. БУЛАТОВ, Ҳ. НУРИТДИНОВА

**КИЧИК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА
ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИАЗАРИЯСИ ВА
МЕТОДИКАСИ**

*Мұхаррір Э. Бозоров
Бадий мұхаррір М. Одилов
Компьютерда сақиғаловчы М. Сайдалихұжаева*

Нашр лиц. АI № 174, 11.06.2010.
Босишга рухсат 14.03.2014да берилди. Бичими 60x84^{1/16}.
Офсет қоғози №2. «Times» гарнитураси. Шартли б.т. 13,02.
Нашр-хисоб т. 14,0. Адади 50 дона.
Буюртма № 14^A.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.
100084. Тошкент. Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй.

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI» босмахонасида
оффсет усулида чоп этилди.
100000. Тошкент. Амир Темур шоҳкўчаси, 60^{“A”}-уй.

ISBN 978-9943-13-140-1



9 789943 131401